И.С. ТУХЛИЕВ,
С.А. АБДУХАМИДОВ

САМАРҚАНД
ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИНИНГ
90-ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙИГА
БАҒИШЛАНАДИ

ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Самарқанд иқтисодиёт
ва сервис институтининг
90-йиллик юбилейига
бағишланади

И. С. ТУХЛИЕВ, С. А. АБДУХАМИДОВ

ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

(Учинчи нашр)

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан "Туризм" таълим йўналиши талабалари учун дарслик сифатида тавсия этилган

ТОШКЕНТ – 2021

УЎК: 796.5:338.48 (075)
КБК 75.81я7
Т 93

И. С. Тухлиев, С. А. Абдухамидов. Туризм: назария ва амалиёт. (Учинчи нашр) –Т.: «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021. 424 бет.

ISBN 978–9943–7799–0–7

Дарсликда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий асослари ёритилган. Хорижий туризм бозорини ривожлантириш тенденциялари, мамлакатимизда туризм соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари аниқ мисоллар ёрдамида белгилаб берилган.

Дарсликдан ҳар бир мавзуни талаба томонидан яхши ўзлаштириш бўйича таянч сўз ва иборалар, мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари ўрин олган.

Дарслик олий ўқув юртларининг туризм (фаолият йўналишлари бўйича), меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш, иқтисодиёт, кадрлар менежменти, маркетинг ва менежмент (туризм) бакалавриат таълим йўналишларида таҳсил олаётган талабаларга, магистрантларга мўлжалланган. Ундан туризм касб-ҳунар коллежларининг ўқитувчилари ва туризм соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 796.5:338.48 (075)
КБК 75.81я7

Нашр учун масъул: и.ф.д., профессор – М.Қ.Пардаев

***Тақризчилар*:**
М.Қ. Пардаев – и.ф.д., профессор;
М.М. Муҳаммедов – и.ф.д., профессор.

ISBN 978–9943–7799–0–7

© «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi», 2021.

Туризм – иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири. Мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур. Буни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ш.М.Мирзиёев[1]

КИРИШ

Жаҳондаги глобаллашув шароитида туризм муҳим ижтимоий, иқтисодий ва маданий омиллардан бирига айланди. Иқтисодиётнинг ушбу секторида умумий даромад ҳажми триллионлаб долларни ташкил этмоқда, ҳар йили бутун дунёда бир миллиарддан[2] зиёд киши саёҳат қилмоқда. Туризм нафақат савдо хизматларининг бир тури сифатида, балки бугун туризм бозорларининг барқарор ривожланиши янги ишчи ўринларни яратишга ва унга ёндош бўлган тармоқларни ривожлантиришга имконият яратмоқда.

Шу туфайли туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи 2017–2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас. Ўзбекистон замонавий туризм индустриясини ривожлантириш учун барча зарурий манбаларга эга бўлиб, Буюк Ипак йўли устида жойлашган. Ватанимиз – қулай табиий-иқлим шароитларига, бой тарихий, маданий меросга ва айни пайтда ҳам ички, ҳам халқаро туризмни ривожлантириш учун юқори салоҳиятга эга.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган замонавий кадрларни тайёрлаш долзарб масала бўлиб турибди.

Бугунги кунда ҳукуматимиз томонидан туризм соҳасига миллий иқтисодиётнинг стратегик сектор мақомини берилиши, унинг истиқболда ривожланишига катта замин яратмоқда. Шу

[1] uza.uz/oz/politics/turizmni-yanada-rivojlantirish-masalalari-muhokama-qilindi-03-10-2017

[2] BMT Jahon sayyohlik tashkiloti bosh kotibi Taleb Rifaining YUNVTO Ijroiya kengashi 99-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi. // Mohiyat, 2014, 3-oktabr, № 40.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№ 64065

туфайли, юртимизга саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун замонавий кадрлар туризм соҳасини назарий ва амалий жиҳатдан мукаммал ўрганиши ва ўзлаштиришини талаб қилмоқда.

Хозирги пайтда туризм соҳаси учун республикамиз вилоятларининг барча университетларида, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, «Ипак йўли» Туризм халқаро университетларда малакали кадрлар бакалавр ва магистрлар тайёрланмоқда.Шунингдек қатор туризм техникумлари ва касб-ҳунар коллежлари малакали кадрлар тайёрлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Ушбу ўқув даргоҳларида «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (халқаро ва ички туризм)», «Маркетинг (туризм)», «Менежмент (туризм)» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда. Бу борада туризм соҳасидаги олий ўқув юртларининг ўқув режаларидаги умумкасбий фанлари блокида турган «Туризм:назария ва амалиёт» фани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилинганидан буён таълим мазмуни тубдан ўзгарди. Таълим муассасаларининг таълим-тарбия жараёнига узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари ва талабларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизими шаклан ва мазмунан қайта кўриб чиқилмоқда. Муаллифлар томонидан «Туризм: назария ва амалиёт» фани бўйича тайёрланган дарслик ҳам Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўқув адабиётларни тайёрлаш бўйича белгилаган талабларига кўра, илғор хорижий тажрибалардан фойдаланган ҳолда яратилди ва қайта ишлаб чиқилди.

Ушбу дарслик туризм йўналишида ўқиётган талабалар учун фан ҳақидаги назарий тушунчаларга эга бўлиш ва унинг амалий моҳиятини тушуниб олишларига ёрдам беради. Шунинг учун дарслик, биринчи навбатда, фанни билиб олиш мезонини талаб қилса, иккинчи навбатда эса, талабалар ўзларининг таълим йўналишидаги қизиқишлари ва фанга янада масъулият билан ёндашишларини ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, «Туризм: назария ва амалиёт» фани бўйича ҳозирда дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг етишмаслигини ҳисобга олган ҳолда ва туризм таълими йўналишлари бўйича Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти республикада таянч олий даргоҳ бўлганлиги туфайли, муаллифлар томонидан тайёрланган ушбу дарслик туризм назариясини мукаммал ўрганиш ва амалиётини ўқитишда мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари ва туризм коллежлари талабаларига яқиндан ёрдам беради, деган фикрдамиз. “Туризм: назария ва амалиёт” фанининг электрон дарслиги ҳам тайёрланган. Бу бўйича СамИСИ “Туризм” кафедраси қошида ташкил қилинган кутубхонага мурожаат қилишингиз мумкин.

1-мавзу. «ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ» ФАНИГА КИРИШ

Режа:

1.1. «Туризм: назария ва амалиёт» фанининг мақсади ва вазифалари.

1.2. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари.

1.1. «Туризм: назария ва амалиёт» фанининг мақсади ва вазифалари

Туризм XXI асрда жаҳон иқтисодиётига жуда катта ижобий таъсир қилувчи ижтимоий-иқтисодий соҳа сифатида кириб келди. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотлари бўйича, дунёда ишлаб чиқариш ва сервис айланмасининг 10 фоизи туризмга тўғри келмоқда. Кейинги 20 йил ичида халқаро туризмнинг ривожланиши дунё бозорида товар ва хизматларнинг кучли экспорт қилинаётганлиги билан эътиборлидир. Яъни туристик хизматларнинг экспорти 8 фоизга ўсиб, жаҳон бўйича умумий хизматлар савдосининг 30-35 фоизини ташкил қилмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг статистик маълумотига кўра, 2020 йилга бориб халқаро туристларнинг сони 1,6 млрд. кишини ташкил қилиши, туризмдан олинадиган даромад 2 трлн. АҚШ доллари бўлиши кутилган эди,[3] аммо глобал муаммолардан бири коронавирус (COVID-19) пандемияси туфайли, 2020 йилнинг январь-август ойларида дунё туризм индустриясининг йўқотишлари 730 миллиард АҚШ долларга баҳоланди[4].

Ўзбекистонда ҳам бу борада мустақиллик йилларида соҳа ривожи учун зарурий ташкилий-ҳуқуқий механизмлар вужудга келтирилган бўлиб, ҳукумат томонидан тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Бу йўналишдаги ишлар бугун ҳам давом этмоқда. Шу туфайли Жаҳон саёҳат ва туризм Кенгаши (World Travel and Tourism Council -WTTC)нинг маълумотлари бўйича, Ўзбекистон Республикаси туризм соҳаси тезкорлик билан ривож-

[3]Manba internet materiali.http://www.wto-marketing.ru

[4] https://www.unwto.org [06.11.2020]

ланаётган давлатлар 10 талиги рўйхатига[5] киритилган. Истиқболни белгилаш даврида Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларга туристик хизмат кўрсатишнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу ҳолат келажакда Ўзбекистонда кирувчи ва чиқувчи туризм бозорида туристик бизнес нафақат туризм индустрияси, балки миллий иқтисодиётнинг туризмга ёндош бўлган бир қатор бошқа соҳаларнинг ривожланишини таъминлайди.

Шу туфайли, юртимизга саёҳат қиладиган маҳаллий ва хорижий туристларга сифатли хизмат кўрсатиш учун туризмни назарий ҳамда амалий жиҳатдан ўрганиш ва билиш талаб этилмоқда. Туризм нафақат ўтмишни ўрганиш, ўзга халқлар ва элатлар, уларнинг урф-одатлари, анъаналари, миллий мерослари билан танишиш, уларнинг маданий ёдгорликларидан баҳраманд бўлиш, шу билан биргаликда, катта бизнес манбаси бўлиб ҳисобланади. Мазкур фаолиятни йўлга қўйиш эса мутахассисларга боғлиқ бўлганлиги туфайли, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ҳозирги куннинг муҳим вазифаларидан бирига айланмоқда. Ушбу вазифани амалга оширишда мавжуд ўқув масканларида қатор мутахассислик фанлари ўқитилиб, уларда касб илмига тааллуқли муаммолар ўз ечимини топмоқда. Шундай фанлар қаторида «Туризм: назария ва амалиёт» фани ҳам ўз ўрнига эга бўлиб, у қайта ишланган ва илғор хорижий тажрибалар ўрганилган ҳолда тайёрланган, асосий мутахассислик фанларидан бири ҳисобланади.

Тажрибалар шуни кўрсатадики, туризм тарихи, унинг асосий йўналишлари, турлари, туристик хизматлар, умуман, туризм илми билан боғлиқ барча масалалар ҳақида билим бериш, туризмга оид тушунча ва атамаларнинг ҳар бирини таснифлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу алоҳида предмет даражасидаги масала бўлиб ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, туризмга оид барча мутахассислик фанларининг алифбоси сифатидаги «Туризм: назария ва амалиёт» фани айнан шундай вазифани бажаради, шунинг учун уни мукаммал ўрганмасдан туриб, мутахассисликка оид бошқа фанларни ўзлаштириб олиш қийин кечади.

«Туризм: назария ва амалиёт» фанининг мақсади Ўзбекистон ва жаҳон туризм бизнесининг назарий ва амалий ёндашувлар генезисини ҳамда бугунги кундаги ривожланиш тенденцияларини, туризм соҳасининг моҳиятини очиб бериш, туризмнинг тараққиёт

[5]http://www.anons.uz/article/economics/8932/

йўли, тажрибаси, ҳозирги кундаги муаммоларини аниқлаб олиш, туризм соҳасининг иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятини ёритиб бериш, Ўзбекистон ва жаҳон туризм бизнесининг тараққиётини хорижий тажрибалар асосида ўргатишдан иборат.

«Туризм: назария ва амалиёт» фанининг вазифалари сифатида қуйидагилар белгилаб олинган:

- хорижий туризм бозорини ривожлантириш тенденцияларини ўрганиш;
- туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари ҳақида маълумотларни ёритиб бериш;
- туризм соҳасининг ресурслари ҳақида тушунча бериш;
- туризм соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистондаги тарихий шаҳарларнинг ўрни ва улардаги туристик салоҳиятдан фойдаланиш имкониятлари ҳақида маълумотлар бериш;
- туризм соҳасидаги хизматлар ва маҳсулотларнинг фарқини аниқлаш ҳамда уларни тайёрлаш технологиясини ўргатиш;
- туризм соҳасида жойлаштириш, овқатлантириш ҳамда транспорт хизматларининг ўрни ва ролини тушунтириб бериш;
- туризмда гид-экскурсия хизматларининг моҳияти, аҳамияти ва экскурсия хизматларини амалга ошириш жараёнлари ҳақида маълумотлар бериш;
- туризм индустрияси ва инфратузилмасининг аҳамиятини ҳамда улардаги муаммоларни ёритиш;
- экологик, гастрономия ва қишлоқ туризмларини ривожлантиришнинг замонавий тенденцияларини ўрганиш;
- туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналишлари ва механизмини ёритиб бериш;
- туризмни ривожлантиришда халқаро ва минтақавий ташкилотларнинг ўрнини аниқлаш;
- туризм хизматларини лицензиялаштириш, сертификатлаштириш ва стандартлаштириш тартибини тушунтириш;
- туризм соҳасида халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар ҳақида маълумот бериш ва б.

Мазкур фанни ўрганиш «Экскурсия хизматларини ташкил қилиш», «Халқаро туризм: тажриба ва амалиёт», «Минтақавий туристик ресурслар», «Ресторан сервисини ташкил қилиш», «Экотуризм», «Туризмда транспорт хизматлари», «Туризмда

меҳмонхона хизматлари», «Иқтисодий ва туризм географияси» каби фанлар билан узвий алоқада олиб борилади.

Фанни ўзлаштириш жараёнида Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига туристик экскурсия, экспедиция ва махсус турлар ташкил этиш, ҳар йили Тошкентда ўтказиладиган анъанавий "Буюк Ипак йўлида туризм" Халқаро туризм ярмаркасида иштирок этиш, меҳмонхоналар ва туристик фирмалар фаолияти билан яқиндан танишиш, экологик, тарихий-маданий ёдгорликларни намойиш этувчи мультимедия слайдларидан фойдаланиш, туристик маршрутлар хариталарини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

«Туризм: назария ва амалиёт» фани «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш» таълим йўналишларининг I босқич бакалаврлари учун мўлжалланган. Унда хорижий давлатлар ва республикамизда нашр этилган туризм соҳасига оид илмий, ўқув, услубий қўлланмалардан ҳамда журналлардаги мақолалардан, интернет сайтлардан, туристик фирмаларнинг намунавий маршрутлари, буклетлар ва GPS йўл кўрсаткичларидан фойдаланиш тавсия этилади.

1.2. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистонда иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари қаторида туризм соҳасининг марказлашган маъмурий бошқарув тизими 1971–1991-йиллар даврига тўғри келди. Бу даврда салбий оқибатлар ҳам кўзга ташлана бошланди. Қурилмай қолган туристик-рекреацион мақсадидаги объектлар сонининг кўпайиши, мавжудларида эса мижозларга кўрсатилган хизматларнинг сифати бўйича кўплаб эътирозлар пайдо бўла бошлади. Ижтимоий тадқиқотларга кўра, меҳмонхоналар, турбазалар, дам олиш уйлари ҳамда пансионатлар томонидан таклиф қилинадиган 50 фоизгача бўлган барча хизматлар фуқароларнинг норозилигини келтириб чиқарган. Жойлаштириш ва овқатланиш хизматлари билан бирга, ҳордиқ чиқариш ва тиббий хизмат кўрсатиш талаб даражасида бўлмаган. Туристик хизмат турлари ва ҳажми сезиларсиз ва сифасиз бўлган. Бугунги кунда Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги ривожланишини шартли равишда бешта босқичга ажратиш мумкин.

Биринчи босқич. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, **1991 йилдан** кейин миллий туристик хизматлар бозори шаклланa

бошлади. Айнан шу даврда республика ўзининг иқтисодий мустақиллигини ҳамда мустақил равишда ташқи дунё бозорларига чиқишини эълон қилди. Бу даврда қабул қилинган ташқи иқтисодий фаолият тўғрисидаги қонун туристик хизматларни сотувчи корхоналарга янги имконият яратди. Натижада, тармоқда янги бошқарув тизимини шакллантириш, туристик бизнесни юритишга ёрдамлашадиган қўшимча бизнес турларини яратиш, соҳага хизмат қиладиган банк, аудит, маслаҳат хизматларини ташкил этиш, вилоятларда туризм тармоғининг минтақавий бўлинмаларини тузиш, халқаро миқёсда туризм маҳсулотини реклама қилиш, хусусийлаштирилган туристик корхоналарни лицензиялаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор берилди. Мустақилликдан кейин туризм соҳасида бир вақтнинг ўзида учта муҳим жараён амалга оширилди:

– эски тизимдаги корхона ва ташкилотларнинг таназзулга учраши (экскурсия бюроси, саёҳат бюроси), ўзларининг тузилиши ва фаолият турига кўра янги хизмат кўрсатиш талабларига жавоб бермай қолди;

– туроператор ва турагент сифатида янги ташкилотлар тузилди;

– эски туристик корхоналарни қайта тиклаш йўли билан Ўзбекистон ва хорижий истеъмолчилар талаб қилувчи туристик маҳсулотни ишлаб чиқиш йўлга қўйилди.

1992 йилда республикада «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ташкил этилди ва туризм соҳасида бу компания барча ташкилий, бошқарув ҳамда мувофиқлаштириш функцияларини амалга ошира бошлади. 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди. Бу жараён, ўз навбатида, халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси қабул қилинди.

Бу босқич мобайнида, яъни 1994 йилда ишлаб чиқилган «Туристик корхоналарни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш дастури» чуқур тизимли – институтционал ўзгаришларни амалга оширишда жуда катта аҳамият касб этди. 1994–1995 йиллар мобайнида «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг

87,8 фоиз туристик объектлари хусусийлаштирилди ва давлат тасарруфидан чиқарилди.

Амалга оширилган ўзгаришлар туристларни қабул қилиш шаклини жадаллик билан ривожлантирди. 1995 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чоратадбирлар тўғрисида»ги Фармони [6] Буюк Ипак йўлида туристик маҳсулотни тиклаш борасида стратегик аҳамиятга эга бўлди.

Бу, ўз навбатида, Ўзбекистонда туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг **иккинчи босқичини** бошлаб берди. Натижада Буюк Ипак йўлидаги шаҳарлар ва туристик манзиллар рўйхатга олинди, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Фарғоний, Имом Мотрудий, Маҳмуди Аъзам, Ҳаким Термизий, Ҳазрати Имом, Шайх Шамсиддин Кулол, Бурхониддин Марғилоний, Бухородаги Чор Бакр каби алломаларимизнинг мақбаралари таъмирланди ва зиёратгоҳ мажмуаларга айлантирилди. 1998 йилдан бошлаб, Тошкент шаҳрида мунтазам равишда “Буюк Ипак йўлида туризм” номли Халқаро туризм ярмаркаси ташкил этила бошланди, меҳмонхоналардаги халқаро талабларга жавоб берувчи ўринлар сони 4,8 баробарга кўпайтирилди. Бу босқичда Ўзбекистоннинг туризм соҳасида қуйидаги муҳим масалалари амалга оширилди:

– давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни;

– янги хорижий инвесторларни жалб қилиш;

– ташқи бозорларга чиқишнинг янги йўлларини излаш, халқаро кўргазмаларга чиқиш (Берлин, Лондон, Мадрид, Москва);

– туристик корхоналар ва саёҳатчиларнинг манфаатларини ҳимояловчи нодавлат ташкилотларнинг вужудга келиши;

– туристик йўналишларнинг жозибадорлигини таъминлаш, маҳсулотнинг экологик талабларини кучайтириш, янги ҳудудларни туристик диққатга сазовор жойлар сифатида очиш;

– Ўзбекистон меҳмонхоналарини бошқаришда хорижий менежментни қўллаш;

– кичик хусусий меҳмонхоналар тармоғини кенгайтириш;

---

[6] http//www. lex.uz

– туризм соҳасида мутахассисларни тайёрлаш (ўрта махсус ҳамда олий таълим босқичида);

– хорижий тажрибаларни ўрганиш;

– илмий лойиҳалар тайёрлаш;

– БТТ тадқиқот гуруҳининг Ўзбекистонга келиши ва «Туризм тўғрисида»ги Қонунни тайёрлаш борасидаги ишлар;

– турфирмаларнинг нодавлат ва корпоратив ташкилотлар «Устоз», «Мерос», «Экосан» ва ҳ.к. билан алоқалари йўлга қўйилди.

Туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг **учинчи босқичида**, **1999 йил** 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди, шу йилнинг 20 августида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисида» ги биринчи Қонун қабул қилинди. Бунинг асосида туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда халқаро бозорда рақобатбардош туристик маҳсулот яратила бошланди, туризм тизимини бошқаришнинг марказлаштирилишига чек қўйилди. Кўпчилик туристик объектлар ўзларини мустақил равишда бошқара бошлади, хизматлар бозорида рақобатлаша олмайдиган корхоналар ёпилиб, улар ўрнига самарали ишловчи янги хусусий корхоналар ташкил этилди.

2000 йилдан бошлаб, республикамиз туризм соҳаси юқори суръатлар билан ривожланиш даврига кирди. Туризм соҳасидан олинаётган даромадлар йилига 20 ва ундан ортиқ фоизларда ўса бошлади. 2001 йилнинг охирида Афғонистондаги толибонларга қарши ҳаракатларнинг бошланиши ўлкамизга келаётган туристлар оқимини икки йил давомида анча камайтириб юборганидан сўнг, 2003 йилнинг иккинчи ярмига келиб, ўлкамиз туризми яна ўзини ўнглаб олди. Шарқий Осиёда ўтган йилларда тарқалган одатдан ташқари, пневмония (САРС) ва парранда гриппи каби касалликлар Ўзбекистон туризмига 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидек кучли таъсир кўрсата олмади.

Туризм соҳасидаги ислоҳотларнинг **тўртинчи босқичи 2000 йилдан бошланган бўлиб, 2017 йилгача давом этди.** Бу даврда хусусий туристик ташкилотлар ассоциациясига ва ташкил этиладиган бошқа туристик ассоциацияларга асос қўйилди (Гид-таржимонлар ассоциацияси, Меҳмонхона эгалари ассоциацияси, Транспортчилар ассоциацияси) ва «Ўзбектуризм» Миллий

компаниясининг бир қатор ваколатларини ўтказиш устида изланишлар олиб борилди. Бу ўлкамиз туризм хизматлар бозорида фаолият юритувчи корхоналарнинг янада тезроқ суръатларда ривожлантиришга ёрдам берди.

Туризм соҳаси бўйича 2014 йилда халқаро анжуман Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясининг айнан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши ҳам бежиз эмас. Бунга барча асослар мавжуд бўлиб, ҳозирги пайтда бутун дунёда «Самарқанд Деклорацяси» деб тан олинган ҳужжатни қабул қилган Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Самарқандда бўлиб ўтган кенгашида (1994 йил 5 октябрь) шаҳар бир овоздан «Ипак йўлининг юраги» деб эътироф этилган эди.

Самарқанд шаҳри 2014 йилда АҚШнинг машҳур “The Huffington Post” интернет нашри томонидан эълон қилинган рейтингга мувофиқ, сайёрамизнинг туристлар бориб кўриши лозим бўлган 50 та энг гўзал шаҳарлари қаторидан ўрин олди. Эътиборлиси, МДҲ давлатлари шаҳарларидан ушбу рўйхатга фақат Самарқанд шаҳри киритилган[7].

Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2005–2019 йиллар давомидаги ривожланиш динамикаси Ўзбекистон Давлат статистика қўмитаси маълумотларида акс этган (1.2.1 – 1.2.2 - расмлар).



1.2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида хорижий фуқароларга хизмат кўрсатишнинг 2005–2019-йиллардаги кўрсаткичлари[8] (минг киши).

[7]Dunyoda-elliktadan biri //XXI asr. 2014 y., 24-iyul, №29 (557).
[8]O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlari asosida tuzildi.



1.2.2-расм. Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет элга чиқишларининг 2005–2019-йиллардаги кўрсаткичлари[9] (минг киши).

1.2.1 – 1.2.2-расмларда берилган маълумотлар бўйича Ўзбекистондаги туризм соҳаси мунтазам равишда ўсиш суръатларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилган Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда биринчи маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилди, натижада Ўзбекистонда туризмнинг хорижий ҳамда ички туристларга хизмат кўрсатувчи ёндош соҳалари ва тармоқларининг ривожланишини таъминлашда **миллий туризм соҳасининг янги бешинчи босқичи бошланди**.

Фармонда қуйидагилар ўрта муддатли истиқболда туризм соҳасидаги давлат сиёсатининг мақсадли вазифалари ва устувор йўналишлари этиб белгиланди:

– туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва изчил амалга ошириш, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини бериш, ушбу соҳани барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлан-

[9] O‘zbekiston Davlat statistika qo‘mitasining ma’lumotlari asosida tuzildi.

тиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификасиялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантириш, яратиладиган ялпи ички маҳсулотда, маҳаллий бюджет даромадларида туризмнинг улушини кўпайтириш, иш билан бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини ошириш бўйича тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

– туризм индустрияси субъектлари фаолияти учун қулай шарт-шароитларни шакллантиришга йўналтирилган туризм фаолияти соҳасидаги қонун ҳужжатларини ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш, туризмнинг ривожланишидаги барча тўсиқ ва ғовларга барҳам бериш, виза ва рўйхатдан ўтказиш тартиб-тамойилларини, паспорт ва божхона назоратини соддалаштириш, туризм соҳасини давлат томонидан бошқариш ҳамда бозорга хос тарзда тартибга солиш механизмини мақбуллаштириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллигини рағбатлантириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, туризм соҳасида статистик ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш;

– туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда, туризм объектларига ташрифларни уюштиришда туристлар ва экскурсантларнинг ҳаёти ва соғлиғи, хавфсизлигини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

– мамлакатда туризмни жадал ривожлантириш, мавжуд улкан туризм салоҳиятидан янада тўлиқ ва самарали фойдаланиш, анъанавий маданий-тарихий туризм билан биргаликда туризмнинг бошқа салоҳиятли турларини – зиёрат қилиш, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ, саноат, ишбилармонлик туризми ва бошқа турларини жадал ривожлантириш, болалар, ўсмирлар ва ёшлар туризмини, оилавий туризмни, кексалар учун ижтимоий туризмни ривожлантириш ҳисобига туризмнинг ижтимоий аҳамиятини кучайтириш, ҳудудларда янги туризм йўналишларини ташкил этиш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реестрларни шакллантиришга йўналтирилган ички,

кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

– туризм фаолияти соҳасида халқаро ҳамкорликни, биринчи навбатда, БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (УНВТО), хорижий мамлакатларнинг туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлари – туризм хизматлари минтақавий ва жаҳон бозорларининг фаол иштирокчилари билан ҳамкорликни кенгайтириш, Ўзбекистоннинг туризм соҳасида тартибга солувчи универсал халқаро конвенциялар ва битимлардаги иштироки, туризм фаолияти амалиётига халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни жорий этиш;

– республиканинг барча минтақаларида замонавий жаҳон стандартларига, туристларнинг эҳтиёжлари ва талабларига жавоб берадиган туризм индустрияси объектларини – меҳмонхоналарни ва жойлаштиришнинг шу каби воситаларини, умумий овқатланиш объектларини, транспорт-логистика тузилмаларини, ахборот марказларини, маданият ва спорт муассасаларини жадал ривожлантириш, асосий туризм йўналишлари бўйича йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникасия инфратузилмасини, йўлбўйи инфратузилмасини жадал қуриш ва реконструкция қилиш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвесторларни кенг жалб этиш;

– халқаро туризм ривожланиши тенденцияларини ва замонавий маркетинг воситалари қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, рақобатбардош туризм маҳсулотлари ва хизматларини ишлаб чиқиш, уларни ички ва халқаро туризм бозорларида тарғибот қилиш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш, қулай туризм ахборот муҳитини ташкил этиш ва ривожлантириш, кенг реклама-ахборот фаолиятини амалга ошириш, мамлакат ҳудудларида туризм ахборот марказлари ва чет элда туризм ваколатхоналари очиш, интернет тармоғидан фаол фойдаланиш, ҳар йили Тошкент халқаро туризм ярмаркасини ўтказиш йўли билан туризм соҳасида мамлакатимизнинг ижобий қиёфасини шакллантириш;

– туризм тармоғи учун, айниқса, менежмент ва маркетинг соҳасида малакали кадрларни сифатли тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш, гидлар (экскурсия етакчилари) тайёрлаш, туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш.

Миллий туризм соҳасининг янги бешинчи босқичи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришда туризм соҳасини ривожлантириш устувор йўналишларидан бирига киритилиши билан бошланди. Ҳаракатлар стратегияси туризм соҳасини ислоҳ қилишда фармонда белгиланган ўрта муддатли истиқболда амалга ошириладиган масалаларга алоҳида эътибор беришни талаб қилади.

Босқичларга эътибор берилса, мамлакатимизда туризмни ривожлантиришга мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асосий давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда. Туризм соҳасининг ривожи учун барча зарурий ташкилий-ҳуқуқий механизм вужудга келтирилган бўлиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қайта ишланган "Туризм тўғрисидаги" қонуни [10] (2019 йил), Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари, республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирлигининг ва бошқа мутасадди давлат идораларининг ёриқнома, кўрсатма ва тартиблари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Янги Ўзбекистонда туризм соҳасини иқтисодиётнинг етакчи стратегик секторига айлантириш 11 устувор вазифалардан бири сифатида белгилаб олинганлиги туфайли туристик-рекреацион хизматлар самарадорлигини ошириш зарурати рақамлаштириш шароитда давлат аҳамиятига молик вазифага айланмоқда.

Аммо 2019 йилдаги Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг биргина январь-май ойлари оралиғида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард доллар даромадни йўқотди. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳисоботига асосан бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарарлардан уч баравар кўпдир[12].

Шу туфайли "COVID-19" пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб-қувватлаш ва ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш

---

[10] Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон

[11] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида" ги Фармони//lex.uz

[12] https://www.unwto.org/

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI AXBOROT RESURS MARKAZI № 64065

ҳамда қайта тиклаш бўйича давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари, йирик ва кичик корхоналарга қатор имтиёз ва енгилликлар берилди. Жумладан, Президентнинг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар жорий йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди, уларга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сонли фармони, ПҚ-4755-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 433-сон қарорига асосан меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига, гидлар, ҳунармандлар, овқатланиш шохобчаларига 12 турдаги имтиёз, грант, субсидия ва ссудалар ажратилмоқда. Пандемияга қарамасдан, Ўзбекистон туризм соҳасида 2020 йил давомида 2 064 номерли 104 та янги меҳмонхона очилди (меҳмонхоналар умумий сони 1 292 та, 28 751 номерли). 478 та оилавий меҳмонхона ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 1364 тага етди.

Ўзбекистонда келгусида туризмни ривожлантириш вазифаларини самарали амалга ошириш ва хорижий ҳамда ички туристларга хизмат кўрсатувчи ёндош соҳалар ва тармоқлар ривожланиши учун вертикал диверсификация асосида миллий туризм хизмат бозорини инновацион ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш йўли билан қулай шароит яратишда туристик хизматлар ҳажмининг башорат кўрсаткичлари бир меъёрда, мунтазам ўсишдан далолат беради.

Таянч сўз ва иборалар: Ҳаракатлар стратегияси, туризм соҳасидаги ислоҳотлар, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш босқичлари, туристик хизматлар, туристлар оқими, хорижий валютада сармоя, ривожланиш динамикаси ва башорат, кирувчи туристлар.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. «Туризм: назария ва амалиёт» фани нималарни ўргатади?
2. Фаннинг мақсади нимадан иборат?
3. Фаннинг вазифаларини таърифлаб беринг.
4. Мазкур фан туризмга оид фанларнинг алифбоси дейилишига сабаб нимада?
5. Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантириш босқичлари нималарни ифодалайди?
6. Туризм соҳаси бўйича 2014 йилда халқаро анжуман Бирлашган миллатлар ташкилоти Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) Ижроия кенгашининг 99-сессияси нега айнан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтди?
7. Ўзбекистондаги туризм соҳасининг 2005–2020 йиллар давомидаги ривожланиш динамикаси қандай ўзгаришларни кўрсатади?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Ўзбекистон туризм соҳасининг ривожланишидаги бешинчи босқичига яна қандай бўлиб ўтган тадбир ва масалаларни киритсак бўлади? Шу масалалар бўйича маълумотлар тўпланг ва тақдимотини тайёрланг.

Тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси БТТга қачон аъзо бўлган?

а) 1993 йил;
б) 1994 йил;
д) 1995 йил;
е) 1996 йил.

2. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш Ҳаракатлар стратегиясининг қайси устувор йўналишига туризм соҳасини ривожлантириш киритилган?

а) Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари;

б) Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари;

д) Давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари;

е) Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишари.

3. «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат Дастури тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қачон қабул қилинган?

а) 1999 йил;

б) 1998 йил;

д) 2000 йил;

е) 2001 йил.

4. Туризм соҳасидаги хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнлари туризм соҳасидаги ривожланишнинг қайси босқичига тўғри келади?

а) иккинчи босқич;

б) биринчи босқич;

д) тўртинчи босқич;

е) учинчи босқич.

5. Халқаро ислом ташкилоти Тошкент шаҳрини қайси хизматлари учун «Халқаро ислом маданияти маркази» деб эълон қилган?

а) ислом маданияти, илми, мероси учун;

б) қадимий ёдгорликларни асраш ва янада бойитиш;

д) туризм турларини ривожлантиргани учун;

е) а ва б жавоблар тўғри.

2-мавзу. ХОРИЖИЙ ТУРИЗМ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Туризмга хорижий мамлакатлар томонидан берилган таърифлар.

2.2. Хорижий мамлакатлар туризмини ривожлантиришдаги илғор тажрибаларнинг таҳлили.

2.3. Халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденциялари.

2.1. Туризмга хорижий мамлакатлар томонидан берилган таърифлар

Ўзбекистон туризм бозорини шакллантиришда жаҳон туризм индустрияси фаолиятининг илғор жиҳатларини, меҳмонхоналар мажмуаси, истеъмолчилар хоҳишининг маркетинг тадқиқотини, туристик маҳсулотларни шакллантириш ва уларни тақдим этиш борасидаги илмий-амалий тадқиқотлар натижаларини[13] батафсил ўрганиш лозим бўлмоқда.

Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Ecole Hôtelière de Lausanne (Швецария), Cornell University (АҚШ), Les Roches International School of Hotel Management (Испания), Oxford Brookes University (Буюк Британия), Blue Mountains International Hotel Management School (Австралия), University of Surrey (Буюк Британия), Москва давлат университети (Россия), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Ўзбекистон Республикаси) томонидан олиб борилмоқда.

---

[13]Charles A. Goeldner, J.R. Brent Ritchie. *Tourism PRINCIPLES, PRACTICES, PHILOSOPHIES*, New Jersey, John Wiley & Sons, 2012.– 514p. ; Christopher Holloway, Claire Humphreys, Rob Davidson *The Business of Tourism*, UK, Pearson Education, 2009. – 793p.;Adrian Franklin "*Tourism an introductions*". SAGE Publications London-Thousand Oaks-New Delhi 2003.;Hubbard, Graham, *Strategic Management: Thinking, Analysis and Action*, 2004, 2nd edition, Prentice-Hall, Frechs Forest; Kotler, Bowen & Makens (2006), *Marketing for Hospitality and Tourism* 4th ed, Pearson Education, Inc.; Yvette Reisinger. *International tourism cultures and behavior*.Elsevier 2009, 450 b.; Bob Brotherton.*The International Hospitality Industry*.Oxford, First published 2003, 251 b.; John R. Walker.*Exploring the Hospitality Industry*.Prentice Hall.USA, 2015.;Allcock A., Jones B., Lane S., Grant J. *National ecotourism strategy*. Commonwealth of Australia, 1994, 196 r.; Lindberg K., Hawkins D.E. (eds) *Ecotourism: a Guide for Planners and Managers*. North Bennington, Vermont. 1993, 256 r.; Stephen J. Page.*Transport and Tourism: Global Perspectives,* Third ed. Harlow (England), London. New York [etc.]. Pearson Education Limited. 2009.; Gross, S., Klemmer, L. (Eds.). *Introduction to tourism transport.*CABI. 2004.

Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришга оид жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар[14] натижасида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган:

- умумжаҳон ташкилотлари томонидан тан олинган тамойилларга асосан миллий туризм хизмат бозорларининг истиқболли турлари таснифланган (Ecole Hôtelière de Lausanne);
- туристик хизмат самарадорлигини ошириш юзасидан туристик кластер тизими асосланган (Harvard Business School);
- халқаро институтлар тавсиялари бўйича туризм фаолияти ривожининг инновацион йўналишлари ишлаб чиқилган (Oxford Brookes University);
- жаҳон туристик-рекреацион бозорини ривожлантириш тенденциялари асосланган ҳамда прогнозлашни инновацион омиллар асосида амалга ошириш усуллари таклиф қилинган (University of Surrey);
- туризм соҳасининг миллий иқтисодиётдаги ўрнини аниқлашда БТТнинг туризмда ёрдамчи ҳисоблар методикаси ишлаб чиқилган (Москва давлат университети).

Дунёда туризм хизматлар бозори самарадорлигини ошириш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда:

- туризм бозорининг ташкилий-иқтисодий омилларини инновацион ривожланиш асосида янада аниқлаштириш;
- туризм хизматлари экспортини унинг янги истиқболли турлари (аграр ва вино туризми, экотуризм, малакавий – иш туризми ва бошқалар) асосида ривожлантириш; туризм соҳасининг субъектлари фаолиятини бозор шароитида бошқариш механизмини мувофиқлаштириш;
- туризм хизматлар бозорини инновацион технологиялар асосида такомиллаштириш.

Монте-Карлодаги Туризм академиясида берилган таъриф бўйича, «***Туризм*** – одамларнинг соғлиғини тиклаш, бўш вақтида

---

[14]Turizm bo‘yicha xorijiy ilmiy tadqiqotlar Nowak J-J., S. Petit and M. Sahli, Tourism and Globalization: The International Division of Tourism Production. In: Dwyer, L. and N. Seeteram (Eds). Recent Developments in the Economics of Tourism, Sydney: Edwad Elgar, 2013. pp 77-94; Ketels, Christian H.M. Clusters and Dubai's Competitiveness. Report, Dubai Economic Council, Dubai, United Arab Emirates, October 2009. – 100 p.; Clarke, J., Hawkins, R. and Waligo, V. Sustainability and marketing for responsible tourism. In: McCabe, S., (ed.) 'The Routledge Handbook of Tourism Marketing. London: Routledge. 2013. pp. 41-53; John Tribe. Strategy for Tourism; London: Goodfellow Publishers Limited, 2016, -288 p., asosida amalga oshirilgan.

билишга чорлайдиган, қизиқишларни қондириш учун ёки касбий-амалий мақсадларда вақтинчалик яшаш жойида маош тўланадиган фаолият билан боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий яшаш жойини вақтинча тарк этишининг ҳар қандай кўринишидир». Бу таърифда асосий урғу ташриф буюрувчиларнинг яшаш жойидан ташқарида олиб борадиган фаолиятига қаратилган.

Туризм соҳасидаги атамалар муаммоси халқаро ташкилотлар диққатини ҳам ўзига тортади. Манилада 1981 йилда қабул қилинган жаҳон туризми ҳақидаги декларацияда кўрсатилишича, «Туризм давлатларнинг ижтимоий, маданий, маърифий ва иқтисодий соҳаларига ва уларнинг халқаро муносабатларига бевосита таъсир кўрсатиши жиҳатидан халқлар ҳаётида муҳим роль ўйнайдиган фаолият сифатида тушунилади».

Бутунжаҳон туристик ташкилоти томонидан 1981 йилда Мадридда ташкил этилган халқаро туризм конференцияси материалларига асосан, ***туризм*** – бу турли минтақалар, янги мамлакатлар билан танишиш мақсадида амалга ошириладиган ва бир қатор мамлакатларда спорт билан боғлиқ бўлган фаол саёҳат турларидан биридир, деб ҳисобланади.

Бир гуруҳ муаллифлар ушбу тушунчага таъриф беришда В. Хунсикер - К. Крапфлар талқинидаги туризмнинг умумий назариясига таянадилар: «Инсонларнинг муносабатлари ва уларнинг яшаш жойидан ташқаридаги фаолияти доимий яшаш тарзига айланмасдан ва меҳнат ҳақи олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳолда кун кечириши натижасида келиб чиқадиган муносабатлар мажмуаси»[15]. Туризмни бу талқинда тушуниш унинг туроператорлик ва турагентлик фаолиятидан анча кенг тушунча эканлигидан далолат бермоқда. Шуни алоҳида айтиб ўтиш керакки, туризм умумий назариясига берилган бу таърифларда одамларнинг доимий яшаш жойидаги ўзаро муносабатлари ва яшаш жойидан ташқарида даромад олиши билан боғлиқ бўлган муносабатлари ҳисобга олинмайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунида туризм тушунчасига қуйидаги тарзда таъриф берилган: ***« жисмоний шахснинг вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият***

[15]Лукачева Л.И., Кварталнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма. Основы менеджмента. Учебник. –М.: Финансы и статистика, 2006, 352 с.

билан шуғулланмаган ҳолда доимий яшаш жойидан жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)» бугунги кунда туризм тушунчасига берилган таърифларнинг мақбул варианти ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда туризм тушунчасига нафақат турли хил таърифлар берилмоқда, балки бирини иккинчиси билан қиёслаб бўлмайдиган кўпгина ҳодисаларни ҳам қўшиб юбориш ҳолатлари кузатилмоқда, жумладан, маҳаллий тармоқлар ва жаҳон иқтисодиёти соҳалари ҳам шу тизимга киритилмоқда. Бир гуруҳ олимлар туризмни иқтисодий ҳодиса сифатида туристик тур тушунчаси, яъни туроператор ва турагентликлар фаолияти билан боғлайдилар. Бу нуқтайи назарга россиялик баъзи мутахассислар ҳам қўшилишади ва «ташкилотларнинг айрим қисмигина фақат туристлар учун мўлжалланган товар ва хизматларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган», деб таъкидлайдилар[16]. Бундай фикр тарафдорлари туризмни алоҳида соҳа сифатида ажратиш заруриятиёўқ, деб ҳисоблайдилар.

Аммо шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасида бу масала ўз ечимини топган бўлиб, миллий иқтисодиётдаги ушбу ҳолатни тартибга солиш ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ҳисобга олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қабул қилган Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда биринчи маротаба ***туризм соҳасига стратегик сектор мақомининг берилиши*** билан ажралиб турмоқда. Бундай ёндашув туризмни – барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантирди.

Шундай қилиб, “туризм” категорияси маълум даражада аниқлик киритишни ва ягона шаклдаги тавсифга эҳтиёж борлигини кўрсатади. Адабиётлардаги кўп сонли туризм таърифларининг мавжудлиги, ушбу ҳодисанинг серқирра эканлигидан далолат беради.

---

[16] Жукова М.А. Менеджмент в туристическом бизнесе. Учебное пособие. 2-е изд., стер. –М.: КНОРУС, 2006, 193 с.

2.2. Хорижий мамлакатлар туризмини ривожлантиришдаги илғор тажрибаларнинг таҳлили

Жаҳон хўжалиги даражасида хизматлар соҳасининг энг йирик ва жадал суратларга эга бўлган соҳаси-туризм, кўпгина мамлакатларда етакчи тармоқ сифатида энг катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилиш ва асосий ишчи ўринларини яратувчи бўлиб қолмоқда. Бугунги кунда туризм – иқтисодиётнинг барқарор ривожланаётган соҳаси бўлиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқ ва соҳалари билан ўзаро алоқалари туфайли туризм мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий янгиланишларнинг катализатори сифатида майдонга чиқмоқда.

Бозор муносабатлари шароитида туристик корхона фаолиятини амалда тўпланган тажрибалари асосида таҳлил қилиш ва умумлаштириш талаб этилмоқда. Айниқса, туризм индустриясининг амал қилишида илғор хорижий мамлакатлар, меҳмонхона занжирлари, истеъмолчи таомилларининг маркетинг тадқиқотлари, турмаҳсулотни яратиш ва уни силжитиш билан боғлиқ тажрибасини ўрганиш зарур бўлмоқда. Жаҳон туризмининг ўзгариш динамикаси 2.2.1-жадвалда келтирилган.

2.2.1-жадвал

Жаҳон туризмининг ўзгариш динамикаси (халқаро ташрифлар сони, млн. киши)[17]

Туристик минтақалар	1980	1995	2010	2019	2030*	2010-2030 йилларда ўртача йиллик ўсиш (%)
Жаҳон бўйича	**277**	**528**	**940**	**1500**	**1809**	**3,3**
Европа	177,3	304,1	475,3	744	768	2,3
Шимолий ва Жанубий Америка	62,3	109	149,7	220	248	2,6

[17] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари UNWTO World Tourism Annual Report 2019, асосида тайёрланди.

2.2.1-жадвалнинг давоми

Осиё ва Тинч океани минтақаси	22,8	82	204	361	535	4,9
Африка	7,2	18,9	50,3	73	134	5,0
Яқин шарқ	7,1	13,7	60,9	64	149	4,6

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2010-2030 йилларда халқаро ташрифлар сони Африка қитъаси бўйича ўртача йиллик ўсиши 5,0% ташкил қилган ҳолда Европада жаҳон бўйича ўртача кўрсаткичдан 1% кам бўлмоқда (2,3%). Бу аввало сиёсий вазият билан боғлиқ бўлиб, Европа мамлакатлари аҳолисига нисбатан турли террористик хуружлар кўпайиши билан боғлиқдир.

Туризм тармоғининг глобал аҳамиятини ва унинг ижобий иқтисодий самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда, кирувчи ва ички туризмнинг ривожланишини Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Президентининг “Туризмни тезкор ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар режаси тўғрисида”ги Фармони билан 2019-2025 йиллар учун Туризмни ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепция яқин 6 йил ичида қилиниши керак бўлган ишларни ўз ичига олди ва 2019-2020 йилларда туризм қонунчиликка оид ўзгаришларни амалга ошириш режалаштирилган. Мазкур концепция сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар, тажрибамиз ҳамда туркиялик тажрибали эксперт Содиқ Бадакнинг маслаҳатлари асосида ишлаб чиқилди. Туркиянинг туризмни ривожлантиришга доир тажрибаси чуқур ўрганилди ва янги ҳужжатлар амалда ўз исботини топган қарорлар, яъни ўз вақтида Туркияда самара берган ва соҳада катта ўзгаришларга йўл очган қарорлар асосида ишлаб чиқилди”, - дейди Бош вазир ўринбосари Азиз Абдуҳакимов.

Пандимияга қадар туризмни ривожлантириш концепциясининг мақсадли параметрларига кўра, 2025 йилга бориб туризмнинг Ўзбекистон ялпи ички маҳсулотидаги улушини - 2,3 фоиздан (2017 й.) 5 фоизга, хорижлик сайёҳлар сонини эса 9-10 миллион нафарга, жумладан узоқ хорижий мамлакатлардан келувчи туристлар сонини 2 миллионгача ошириш кўзда тутилган эди. Шунингдек, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” номли ички туризмни ривож-

лантиришга йўналтирилган дастур доирасида маҳаллий сайёҳлар сонини ҳам деярли икки бараварга – 15,4 миллиондан (2018 йил) 25 миллионгача (2025 йилда) ошириш кўзда тутилган эди.

Туризмни қайта жонлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда туризмни режалаштириш мажмуавий ёндашув асосида, туризм соҳасининг мақсади ва маҳаллий аҳоли манфаатлари, миллий ва минтақавий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиш йўналишлари уйғунлаштирадиган Ўзбекистон Республикасида коронавирус пандемиясидан сўнг туризмни тиклаш бўйича стратегик режани ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришни хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари асосида кўриб чиқилди. Австрия Республикасида туристик фаолият фан, тадқиқотлар ва иқтисодиёт бўйича Федерал вазирлик ваколатига киради. Туризм соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатишимиз мумкин:

туризм соҳасининг мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми ва федерал даражадаги умумиқтисодий муаммолар (ҳудудларнинг иқтисодий ривожланишидаги тафовутларга барҳам бериш, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш, ишсизлик даражасини камайтириш ва шу кабиларни) ҳал этувчи асосий дастак сифатида қаралиши;

туризм тармоғининг ҳудудий ва федерал қонунчиликка бўйсунувчанлиги, шу жумладан умумевропа меъёрларига юқори даражада уйғунлашганлиги;

туризм компанияларнинг инқироз ҳолатида молиявий кафолатловчи самарали институтларнинг мавжудлиги;

Давлат томонидан туризм соҳасига туристик лойиҳаларни молиялаштириш, туристик фирмаларга имтиёзли қарзлар бериш, тижорат банклари томонидан туризмни ривожлантиришга йўналтирилган қарз мажбуриятлари ва субсидияларга давлат томонидан кафиллик берилиши орқали ёрдам кўрсатилади. Туризмни ривожлантиришнинг федерал даражадаги мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тўғридан-тўғри бюджет ассигнациялари ва субсидиялари берилади.

Австрияда туризм индустриясини рағбатлантириш шаклларидан бири барча федерал ерларларда кенг тарқалган ҳудудий ***дисконт карталари*** ҳисобланади. Карталар турлари (масалан,

оилавий ёки қишки спорт ўйинлари учун) ва амал қилиш муддати (масалан, Вена шаҳрида – уч сутка, Қуйи Австрияда – календарь йили мобайнида) бўйича тақдим қилинади. Мамлакат пойтахтида бу механизм нафақат австрия фуқаролари учун, хорижий фуқаролари учун ҳам бир хил амал қилади. Шу билан бирга, мамлакатнинг бошқа ҳудудларида бу тизим ички туристик оқимни рағбатлантиришга хизмат қилади.

Дисконт карталар туристик объектларга ташриф буюрувчи ёш болалар, ўсмирлар, ёши катта фуқаролар ва кўп фарзандли оилалар учун муҳим ижтимоий функцияни бажаради. Масалан, йиллик дисконт карталар Қуйи Австрия федерал ерларида 53 евро (6 ёшдан 16 ёшгача бўлган ёшлар учун 24 евро, 6 ёшгача болалар учун бепул)га тўғри келади, бунда туристлар 300 га яқин меҳмондорчилик объектларига бепул ёки сезиларли чегирмалар билан ташриф буюриш имкониятига эга бўладилар.

Буюк Британияда туризм соҳасини меъёрий тартибга солувчи асосий қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинган "Туризмни ривожлантириш тўғрисида"ги қонундир (Development of Tourism Act 1969). Шунингдек, Буюк Британия Европа Иттифоқи (ЕИ) аъзо мамлакати ҳисобланганлиги боис, туристик фаолиятнинг айрим жиҳатлари ЕИ қонунчилиги билан тартибга солинади. Жумладан мамлакатнинг қонунчилигида Иттифоқнинг ЕС 90/314/ЭЕС Директиваси асосида сотувни тартибга солувчи ***«комплекс» ёки «пакет» маҳсулотларни харид*** қилиш номли (бир нархда сотиладиган икки ёки ундан ортиқ турмаҳсулот) тартибини белгилаб беради. Буюк Британия учун асосан кичик меҳмонхоналарда тунаш ва нонушта қилиш типидаги комплекс турмаҳсулотлар (Bed and Breakfast, B&B), дам олиш кунлари, танффус вақтида тушлик қилиш, голф клубида голф ўйнаш, отелда тунаш жараёнларида турли театр-кўнгилочар тадбирлар киритилган.

Буюк Британияда ички туризмни ривожлантириш масалалари билан Висит Энгланд давлат ташкилоти шуғулланади. Бу ташкилот ижрочи орган сифатида маданият, ОАВ ва спорт масалалари бўйича Департамент қошида ҳисобланади. Ушбу ташкилотнинг асосий вазифаларидан бири мамлакат иқтисодиётига кирувчи туризмга нисбатан сезиларли даражада кўп фойда келтирадиган ички туризмни ривожлантириш ва рағбатлантиришдан иборат.

Буюк Британиянинг географик ва иқтисодий хусусиятлари боис ички туризм жуда оммалашган, бунда бир кунлик сафарлар жуда кўп бўлиб, мамлакат иқтисодиётида сезиларли улушга эга. Виситенгланд ҳар куни кунлик саёҳатлар ҳақидаги ҳисоботни ўзининг интернет саҳифаси[18]да эълон қилади. Сайтда шунингдек, ички туризм бозорининг ҳажми, бир кунлик ва ундан ортиқ тунаш турларнинг нархи ҳам келтирилади.

Венгрияда мамлакатни ривожлантириш давлат стратегиясининг устувор вазифаларидан бири – ***Сечени Янги режаси***[19] бўлиб, мамлакатнинг геотермал сувлари ва геотермал салоҳиятдан фойдаланиш, шунингдек ушбу йўналишда ёндош бўлган товар ва хизматлар сотувини йўлга қўйишдир. Ушбу стратегия доирасида ***«Сеченида дам олиш картаси»*** номида имтиёзли тизим жорий қилинган. Мазкур дастурнинг шартлари бўйича компаниялар ўз ходимларига махсус банк карталари орқали иш ҳақларини ўтказиб боради, натижада улар солиққа тортишда имтиёзларга эга бўладилар. Ушбу маблағларнинг тежаб қолинган қисмини ходимлар ўзлари ёки яқин кишиларининг дам олиши учун сарфлаши мумкин. Бундай имтиёзли маблағ суммаси 1500 евродан ошмайди. Мазкур сумманинг 750 евросини меҳмонхона хизматлари, 500 евро умумий овқатланиш ва 250 евро бошқа туристик хизматларни қоплашга йўналтирилади. Картада жамғарилган маблағдан икки йил мобайнида фойдаланиш мумкин. Ҳар бир Сечени картаси эгалари мустақил равишда ўз баланси ҳақида интернет орқали маълумот олиши, шунингдек, тельефон орқали ҳам билиб олиши мумкин.

“Secheni rekreasion karta”си иш берувчиларга ходимлар учун фойдали бўлган қўшимча маблағ ажратилишини таъминлайди. Мазкур ажратилган маблағ жисмоний шахсларнинг даромад солиғига тортилмайди ва пенция фонди ҳамда мажбурий суғурта фондлари учун ажратмалар олинмайди. Шундай қилиб таклиф этилаётган солиқ имтиёзлар туфайли ишловчилар одатдаги иш ҳақидан маблағлар йўналтирилганига нисбатан 30% маблағини тежаш имконига эга бўлади.

Германияда туризмни давлат томонидан тартибга солишнинг ўзига хос жиҳатлари мавжуд бўлиб, туризм ва санатория-курорт

---

[18] https://www.visitengland.com/biz/resources/insights-and-statistics/market-size-and-value/domestic-overnight-tourism-gbts

[19] http://palyazat.gov.hu/new_szechenyi_plan

тармоғи учун алоҳида қонунлар қабул қилинмайди, чунки туризм ва санатория-курорт тармоғи мамлакат иқтисодиётининг ажралмас қисми сифатида қаралади. Айниқса, мамлакатда ички туризм ривожланган бўлиб, унинг асосий қисмини санатория–курорт соҳаси ташкил қилади.

ГФРда туризмни ривожлантиришга қаратилган ягона ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шу билан бирга тегишли жиҳатлар бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда (солиқ, суғурта қонунчилигида ва бошқ.) акс этган. Давлат ўзининг асосий вазифаси сифатида тармоқнинг самарали амал қилиши учун зарурий шарт-шароитлар яратиб беради. Туризмни режалаштириш билан боғлиқ аниқ чора-тадбирлар эса федерал ерлар даражасида амалга оширилади.

ГФРда расман туризм соҳасини молиявий ва солиқлар орқали рағбатлантириш тизими мавжуд эмас. Соҳанинг немис мижозларига ихтисослашган хусусий компаниялар барча тармоқлар учун умумий бўлган шарт-шароитларда фаолият юритади. Яқинда амалга оширилган яшаш хизматлари ҚҚС ставкасининг 10% дан 7% га камайтирилиши, меҳмонхона эгаларига катта ёрдам бўлди.

Испанияда туризмга оид давлат сиёсатини олиб боришда жавоб берадиган ташкилот Испания саноат, энергетика ва туризм вазирлиги қошидаги туризм бўйича Давлат секретариати ҳисобланади. Туризм соҳасидаги давлат ва хусусий корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш Испания туризм Институти (Instituto de Turismo de España) амалга оширади. Мазкур институт мамлакатда туризмни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва халқаро бозорларда силжитиш учун масъул ҳисобланади. Ушбу ташкилот саноат, энергетика ва туризм вазирлиги таркибига киради ва ўз фаолиятини Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда Испания имижини силжитиш бўйича Олий ҳукумат комиссияси (Alto Comisionado del Gobierno para la Marca España) билан келишилган ҳолда олиб боради.

Бундан ташқари, Испания Конституциясида (148 модда 18 банди) туризм соҳасини ривожлантириш испаниянинг ҳудудий ҳокимият органлари ваколатига кириши белгилаб қўйилган. Шу боисдан туризм ривожланишини рағбатлантириш, жумладан ички туризмни ривожлантириш маҳаллий даражада амалга оширилади. Испанияда ички туризмни ривожлантириш устувор йўналиш сифатида олиб қаралмаганлиги сабабли ҳам ушбу соҳага кам

эътибор қаратилади ҳамда хорижий туристларни жалб қилиш асосий ҳисобланади.

Испания туризми борган сари юқори технологияларга асосланиб ривожланмоқда. Каталонияда мобил қурилмаларга юклаб олиш мумкин бўлган йўл кўрсаткич иловалар кенг қўлланилади. Мисол тариқасида туристларни мамлакатнинг энг диққатга сазовор жойлари, музейлар, парк ва турли тарихий ёдгорликларга йўл кўрсатувчи Guia de Girona келтиришимиз мумкин. Мобил гидни AppStore ва Google Play электрон магазинларидан ҳам юклаб олиш мумкин бўлиб, унинг нархи 2 евро атрофида туради.

Италия иқтисодиётининг фарқли хусусияти барча даврлардаги каби ички туризм ролининг жуда юқорилигидир. Италия статистика институти маълумотларига кўра мамлакатда ички туристик оқим 2017 йилга нисбатан 15,2% га пасайган бўлса-да, ички туризм жами ташрифларнинг 3/4 қисмини ташкил қилади.

Таъкидлаш жоизки, Италия аввало хорижий туристларни жалб қилишга йўналтирилган, ички туризм, жумладан ижтимоий туризмни ривожлантириш алоҳида объект сифатида қаралмайди. Шу билан бирга айрим туризмда яратилган шарт-шароитлар итальян туристларининг мамлакат бўйлаб саёҳатини рағбатлантиришга хизмат қилади. Масалан, ойнинг биринчи якшанбасини музейлар куни сифатида белгиланган ва бепул ташриф йўлга қўйилган. Аксарият итальян оилалари бундай имкониятдан кенг фойдаланадилар ва дам олиш кунлари кўплаб музейларга ташриф буюрадилар.

Италияда ички туризмни рағбатлантириш масаласи алоҳида давлат дастури сифатида кўриб чиқилмаган бўлиб, кўпроқ аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш дастури сифатида олиб борилади. Ички туризмни ривожлантириш мақсадида мамлакат ва маҳаллий даражада комплекс чора-тадбирлар амалга оширилади. жумладан, миллий ОАВ Маданият ва туризм вазирлиги билан ҳамкорликда мамлакатнинг бой тарихий-маданий бойликларини турли ҳужжатли ва бадиий фильмлар, сериаллар, телевизион дастурлар, хилма-хил босма нашрлар, маданий мавзудаги тадбирлар орқали тарғиб қилиш, италия шаҳарлари, тарихий жойлар ҳамда қаҳрамонларининг ижобий қиёфасини шакллантириш билан шуғулланади.

Норвегияда ҳам ички туризмни тартибга солиш ва рағбатлантиришга қаратилган махсус дастурлар ва йўналишлар мавжуд эмас, чунки Норвегия ҳукумати миллий туристик маҳсулотни силжитишда ички туризмни алоҳида фаолият тури сифатида ажратмайди. Ижтимоий туризм (болалар, ёшлар, кўп болали оилалар, пенсионер, ногирон ва шу кабилар.) тушунчаси умуман мавжуд эмас.

Финляндияда ички туризмни тартибга солувчи қонунчилик ҳамда мазкур йўналишдаги давлат сиёсати мавжуд эмас. Туризмнинг ушбу турини ривожлантириш ва рағбатлантириш вазифаси шаҳар ва ҳудудий ҳокимликларга, шунингдек, бизнес жамиятларга юклатилган.

Францияда туризм соҳасидаги меъёрий ва ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш туризм Кодексига (Code du tourisme) асосан амалга оширилади. Кодекс бандларига асосан давлат, ҳудудлар, департамент ва коммуналар туризмни ривожлантириш бўйича махсус ваколатлар доирасида келишилган ҳолда ишларни олиб борадилар. Кодексдаги ҳолатларга асосан ижтимоий туризмнинг асосий инструменти ***таътил чеклар тизимидир (chèques-vacances)***.

Таътил чеклар тизимни бошқариш ва эмиссия қилиш ваколати таътил чеклари миллий Агентлиги (l'Agence nationale pour les chèques-vacances) га юклатилган. Агентлик таътилларнинг ҳаммабоплигини таъминлаш мақсадида касаба уюшмалар ва ижтимоий таъминот органлари билан келишув шартномаларни тузади ва улар чекларни тўлов воситаси сифатида сотиб оладилар.

Таътил чеклари тўлов воситаси сифатида Франция Республикаси ва ЕИ аъзо мамлакатлар ҳудудида дам олиш вақтни ўтказиш ва таътил (яшаш, овқатланиш, саёҳат ҳамда транспорт, маданий тадбирлар ва шу кабилар.) билан боғлиқ хизматлар учун мўлжалланган. Чеклар чек дафтарчаси шаклида 10, 20, 25 ва 50 евро қийматида ёки Интернет орқали тўловни амалга ошириш имконини берувчи электрон чек шаклда (e-chèque-vacances) 60 евро номиналда чиқарилади.

Мазкур таътил чекларининг мақсадли гуруҳлари асосан хусусий сектор ишчилари, давлат хизматчилари, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзолари ҳисобланади. Ишчилар иштирокининг миқдори унинг иш ҳақи миқдори ва оила аъзолари сонига боғлиқ бўлади:

агарда ўртача иш ҳақи ойига 3218 евродан ошмаса, чекда иштирок этиш миқдори камида 20%;

агарда ўртача иш ҳақи ойига 3218 евродан кўп бўлса, чекдаги иштирок миқдори камида 50%.

Мазкур ставка 15% гача пасайтирилиши мумкин. бунда бир бола учун 5%, ногирон болалар учун 10%. Бир кишига тўғри келадиган таътил чекларининг ўртача қиймати йилига 350 еврони ташкил этади. Таътил чеклари Агентлик билан контракт шартномасини тузган туристик хизмат кўрсатувчи корхоналарда тўлов учун қабул қилинади. Бундай турфирмаларнинг сони ҳозирда 170 мингтани ташкил қилади.

Хорижий мамлакатлар кирувчи ва ички туризмини ривожлантиришдаги тажрибаларнинг тахлили Ўзбекисон Республикасида туризмни давлат томонидан тартибга солишда ижобий тажрибага эга бўлсада, ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришни бошқаришда мамлакат ҳудудлари даражасида етарли тажриба ва ижобий жиҳатларга эга эмаслигини кўрсатди. Жаҳонда ички туризмнинг ЯИМ улуши ўртача 72% бўлган ҳолда, кирувчи туризмнинг улуши 28% ташкил қилмоқда, бу ҳолат (2.2.1-расмда) яққол кўриниб турибди.



2.2.1-расм. Жаҳон туризмининг турлари бўйича ЯИМ даги улуши.[20]

[20] Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) расмий веб-сайти маълумотлари UNWTO World Tourism Annual Report 2019, асосида тайёрланди.

Таҳлил натижалари бўйича Ўзбекистонда ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришда хорижий мамлакатларнинг бу борадаги қуйидаги ижобий тажрибаларини жорий қилиш тавсия қилинади:

– тижорат банклари томонидан туризмни ривожлантиришга йўналтирилган қарз мажбуриятлари ва субсидияларга давлат томонидан кафиллик берилиши;

– туризм соҳасида мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга тўғридан-тўғри бюджет ассигнациялари ва субсидиялари бериш;

– Австрия тажрибасига асосланган ҳолда туристик объектларга ташриф буюрувчи ёш болалар, ўсмирлар, ёши катта фуқаролар ва кўп фарзандли оилалар учун муҳим ижтимоий функцияни бажарувчи ***ҳудудий дисконт карталар***ни жорий қилиш;

– ***Венгриянинг «Сечени рекреацион карталари» имтиёзли тизимини ҳамда ҳар ойнинг биринчи якшанбасини музейлар куни сифатида белгилаш ва бепул ташрифни йўлга қўйиш;***

– ***Франция Республикасининг таътил чеклар тизимини (chèques-vacances)*** жорий қилиш асосида Ўзбекистон ҳудудларида дам олиш вақтни ўтказиш ва таътил (яшаш, овқатланиш, саёҳат ва транспорт, маданий тадбирлар ва шу кабилар.) билан боғлиқ хизматлар учун тўлов воситасини йўлга қўйиш. Мазкур таътил чеклари ёрдамида хусусий секторда фаолият юритаётган аҳоли, давлат хизматчилари, шунингдек уларнинг қарамоғидаги оила аъзоларини ижтимоий туризмга жалб этиш имконияти мавжуд.

Бугунги кунда туризм соҳасига, барча мамлакатлар иқтисодиётига жуда кучли салбий таъсир кўрсатаётган глобал муаммолардан бири коронавирус (COVID-19) пандемияси ҳисобланади. Коронавирус пандемияси сабабли 2020 йилнинг биргина январь-май ойлари оралиғида жаҳон туризм индустрияси 320 миллиард доллар даромадни йўқотган. Бутунжаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) ҳисоботига асосан ББСнинг маълумот беришича бу кўрсаткич 2009 йилдаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз натижасида соҳа томонидан кўрилган зарарлардан уч баравар кўпдир[21].

Коронавируснинг жуда тезлик билан тарқалиши ва ҳукумат томонидан дунё бўйлаб туристик саёҳатларга чекловларнинг қўйилиши сабабли туризм соҳаси ҳозирги кунда энг оғир кунларни

[21] https://www.unwto.org/

бошидан ўтказмоқда. БТТ бош котиби Антонио Гутеррешнинг маълум қилишича,[22] биргина туризм соҳасида 120 миллионга яқин иш жойлари хавф остида қолмоқда. Унинг сўзларига кўра коронавирус пандемияси ривожланган мамлакатлар учун жиддий зарба ва ривожланаётганлари учун эса фавқулодда вазиятга айланди.

БТТ маълумотларига қараганда, туризм соҳаси COVID-19 пандемияси сабабли бир неча ойлик чегара ёпилганидан сўнг мисли кўрилмаган инқирозни бошидан кечирмоқда. Нокулай эпидемиологик вазият шароитида туризм бизнесининг ривожланиши жиддий хавф остида қолди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, коронавирус пандемиясининг дастлабки ойларида барча халқаро йўналишларда талаб 20-25 % га камайди ва давлатлар томонидан чегараларнинг ёпилиши билан эса бу кўрсаткич деярли нолга тушиб кетди.

Амалдаги статистик маълумотларга асосланиб, 2021 йил охирига қадар халқаро сайёҳлик ташрифи сони бир миллиардга ёки 70-75 фоизга камайиб, ўттиз йил аввалги даражага қайтишини кутишимиз мумкин. Ва соҳадан тушадиган даромадларнинг йўқолиши 1,1 триллион долларга етади. Бундай кескин пасайиш глобал ялпи ички маҳсулотнинг 2 триллион долларга камайишига олиб келиши мумкин ", - дея хабар беради UNWTO.

Осиё-Тинч океани минтақасида саёҳатлар сонининг сезиларли пасайиши – 2020 йилнинг10 ой ичида у 82 фоизга камайди. Яқин Шарқда пасайиш 73 фоизни, Африкада 69 фоизни ташкил етди. Европа ва Америкага халқаро келиш 68 фоизга камайди. Ёз ойларида туризмнинг қисқа муддатли тикланиши туфайли Европадаги пасайиш энг кичик кўрсаткич эди.

Шу туфайли “COVID-19” пандемияси оқибатларини юмшатиш ва туристлар оқимини қайта тиклаш мақсадида турбизнесни қўллаб-қувватлаш ва ички ҳамда ташқи туризмни янада ривожлантириш ҳамда қайта тиклаш бўйича давлатимиз томонидан тадбиркорлик субъектлари, йирик ва кичик корхоналарга бир қатор имтиёз ва енгилликлар берилди. Жумладан, Президентимизнинг 2020 йил 3 апрелдаги “Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан туристик хизмат кўрсатувчи корхоналар ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар жорий йил якунига

[22] https://www.unwto.org/

қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилди, уларга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга туширилди. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сонли фармони, ПҚ-4755-сонли қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 10 августдаги 433-сон қарорига асосан меҳмонхона ва туроператорлик ташкилотларига, гидлар, ҳунармандлар, овқатланиш шохобчаларига 12 турдаги имтиёз, грант, субсидия ва ссудалар ажратилмоқда.

Пандемияга қарамасдан, Ўзбекистон туризм сохасида 2020 йил давомида 2 064 номерли 104 та янги меҳмонхона очилди (меҳмонхоналар умумий сони 1 292 та, 28 751 номерли). 478 та оилавий меҳмонхона ташкил қилиниб, уларнинг умумий сони 1364 тага етди.

2.3. Халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденциялари

Миллий ва минтақавий туризмни ривожлантириш муаммоларини ечишга бағишланган илмий ишлар ва адабиётлар таҳлили, статистик маълумотлар, жумладан, туризм ва саёҳатлар бўйича Бутунжаҳон кенгаш (WTTC) материаллари ва бошқа манбалар таҳлили жаҳон туризм тараққиётининг умумий тенденцияларини аниқлашга имкон беради. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистон ва унинг минтақалари туризм индустриясининг ривожланишига бевосита таъсир кўрсатади. Айнан, жаҳон туристик-рекреацион бозорини ривожланиш тенденцияларини аниқлаш ва уларнинг илмий таҳлили, миллий ва минтақавий туризмнинг истиқболини прогнозлаш ва режалаштириш жараёнларига имкон яратади, улар аниқ туристик-рекреацион тизимни шакллантириш дастурларини ва концепциясини ишлаб чиқишда ҳисобга олинади. Илмий тадқиқотлар ривожланган давлатларда хизматлар соҳасида юз берадиган жараёнларнинг кўп жиҳатдан умумий хусусиятларга эга эканлигидан далолат беради, шу сабабли хориж тажрибасини маҳаллий шароитларда қўллаш мақсадида батафсил ўрганиш муҳим ҳисобланади.

Халқаро даражада туристик хизматлар бозорининг ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқишда кўпгина давлатлар учун чиқувчи туристлар оқимининг ўсиши, жумладан, 2014 йилдан

кейинги даврда чиқувчи туризмнинг юқори суратларда кўпайиши кузатилмоқда. Чиқувчи оқимнинг йиллик энг юқори кўпайиш суръатлари Бирлашган Араб Амирлигида – 49,8 %, Кипр мамлакатида – 40,7 %, Туркия мамлакатида – 31,9 % ни ташкил қилмоқда[23].

Ҳажми бўйича барқарор ҳисобланган экскурсия-танишув туризми бўйича Франция давлати устун ҳисобланса, АҚШ ва Германия давлатлари эса хизмат мақсадидаги сафарлар бўйича устунлик қилмоқда.

Туризмни ривожлантириш бўйича ўнта етакчи мамлакатлар қаторидан Австралия чиқиб кетади, унинг ўрнини Мексика давлати эгаллаш эҳтимоли мавжуд. Ҳозирги вақтда туризмдан энг юқори даромадларни ёзги дам олиш даврида туристларни қабул қиладиган давлатлар олмоқда ва булар Испания, Греция, Туркия, Кипр, Жануби-шарқий Осиё давлатларидир. Бу мамлакатлар туристларга дам олиш учун мумтоз туртўпламларни тақдим этмоқдалар. Россия давлати эса фақатгина Қора денгиз соҳилларидагина бундай дам олишни таъминлаш имкониятига эга. Бу ерда ёзги чўмилиш мавсуми Ўрта Ер денгизи мамлакатларига қараганда 2 ой қисқароқ давом этади. Қумли пляжларнинг узунлиги бўйича Россия соҳиллари Туркия, Испания, Африканинг Ўрта Ер денгизи мамлакатлари қирғоқларидан ўнлаб маротаба кичикдир. Денгиз сувининг экологик ҳолати ҳам ижобий эмас, Қора денгизнинг ҳозирги ҳолати экологларни бирмунча ташвишлантирмоқда, у ерда бир нечта салбий ҳисобланган жараёнлар кузатилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон туризмини ривожлантиришда айниқса, қуйидаги давлатлар етакчилик қилмоқда: Монтенегро, Ҳиндистон, Вьетнам, Ангола, Лаос, Чад, Гваделупа, Фиджи, Уганда ва Хитой давлатлари. Туризм индустриясининг бу давлатларда ривожланишига эътиборнинг ортиши уларнинг иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказмоқда, маълумотларни рақамларда ифодаласак, жаҳон ялпи ички маҳсулотига бевосита 3,8% ва билвосита 10% қўшилишига таъсир қилади.

Россия туризм бозорини ривожлантиришнинг тажрибасидан маълум бўлишича, бешта йирик туристик компания инқирозга учраган. Бунга Россияда кечган туризм соҳасининг тизимли инқирози сабаб бўлди, чунки туроператорлар пирамида тамойили

[23]United Nations World Tourism Organization.Yearbook of Tourism Statistics. Madrid: UNWTO, 2015.

асосида молиялаштирилмоқда, яъни фуқароларнинг бугун тўлаган пули уларнинг ўзи учун эмас, балки фирманинг кейинги туристлари харажатларини молиялаштириш учун ишлатилмоқда. Уларнинг ташрифи харажатларини эса турфирманинг келажакдаги мижозлари тўлайди.

Ҳозирги вақтда дунёдаги туристик фирмалар ўз маҳсулотини умуман мижозлар оммасига эмас, балки имконият даражасида аниқ гуруҳларнинг эҳтиёжларига йўналтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Замонавий турмаҳсулот бозорида Ғарб давлатлари дам олиш учун оилавий турларни, ўқувчилар учун экскурсиялар, махсус ташрифлар, саргузаштли ва ов турлари, алоҳида соҳа ходимлари учун махсус турларни таклиф қилмоқдалар. Турмаҳсулотни шунга ўхшаш фарқланиши унинг турли компонентлари ва хилларини субъектив қиёсий баҳолаш муаммосини туғдиради, бу эса минтақа туристик ресурсларидан максимал фойдаланувчи оптимал мажмуали турларни шакллантириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жаҳонда туризм хизматлар бозорини ривожлантиришнинг навбатдаги тенденцияси – туризм индустриясининг давлат томонидан кўмаклашиш даражасини оширишдир. Бугунги кунда кўпгина давлатларда туристик минтақанинг минтақавий брендлари шакллантирилган, баъзи давлатлар ўзининг турмаҳсулотини умумжаҳон туризм бозорида силжитишга кўмак берадилар.

Ғарб мамлакатларидаги туристик компанияларни ривожлантиришда давлатнинг кўмагига оид айрим мисолларни кўриб чиқамиз. Масалан, ўз минтақасида туристик хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш учун Кипр ҳукумати виза тартибини енгиллаштиришга уринди. Ҳукумат хатти-ҳаракатлари натижасида Кипр дипломатик миссияси элчихонаси Россия ва бошқа давлатларнинг вакиллари учун визаларни бепул қилиб белгилади.

Туристик ва рекреацион хизматларни силжитиш учун Чехия кучли маркетинг сиёсатини олиб бормоқда. Улар психологларни жалб қилиб, янги бренд ишлаб чиқдилар. 2013 йилда Чехия Республикаси Миллий туристик бошқаруви (МТБ) 50 дан ортиқ тадбирларни, шу жумладан, қатор хизмат учрашувлари ва мавзули тақдимотларни ташкил қилмоқда. Мазкур тадбирлар дунё бозорларида етарли даражада таниш бўлмаган Чехия саройлари, курортлари, ЮНЕСКО рўйхатига киритилган шаҳарлари ва минтақанинг бошқа диққатга сазовор жойларига бағишланган.

Шундай қилиб, туристик хизматлар бозорининг фаолият кўрсатишидаги хорижий тажрибаларнинг таҳлили жараёнида қуйидаги халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденцияларини киритиш мумкин:[24]

1. Туризм соҳасини сервислаштириш тенденцияси кузатилмоқда, зеро, ривожланган давлатлардаги аҳолининг каттагина қисмида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб феъл-атвор ва дунёқарашда айрим ўзгаришлар кузатилмоқда, аввалги «истеъмолчилик психологияси» тушунчаси ўрнига жамоавий психология шаклланишига ишора қилувчи «постиндустриал жамият», «фаровон жамият», «бўш вақт жамияти» сингари тушунчалар кириб келди.

2. Бугунги кунда жаҳон туризм бозорида қуйидаги мақсадли туристик кўрсатмалар устун туради: янги таассуротларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тезда ўзгариши, гуруҳли ёки икки киши бўлиб дам олиш, ички сабаблар туфайли ёки ташқи таъсирларсиз ўз хоҳиш истакларини тезда қондиришга интилиш, табиат ва ландшафт гўзаллигидан баҳра олиш.

3. Аниқ истеъмолчилар феъл-атворининг туризм индустриясига таъсири остида юзага келадиган туристик талабни чуқур ўрганиш натижасида туристик маҳсулотни дифференциялаш ҳаракати кучаймоқда.

4. Дунёда туристик хизматлар тизимли савдоси шаклланмоқда ва фаол ривожланмоқда ҳамда туризмни ривожлантириш соҳасида франчайзингдан фойдаланиш амалиёти кенг тарқалмоқда.

5. Интернет туризми соҳасининг кўлами кенгайиб бормоқда, йил сайин тармоқда ўзининг саҳифасини ташкил этишга уринаётган турли даражадаги туризм бозори субъектларининг сони ортиб бормоқда.

Таянч сўз ва иборалар: “Туризм” тушунчасига берилган хорижий мамлакатлар таърифлари, Ўзбекистонда туризм соҳасига стратегик сектор мақоминиг берилиши, туризм хизматлар бозоридаги вазият, туризмда франчайзинг шартномаси, ривожлантириш тенденциялари, чиқувчи туристик оқим.

Мустақил ишлаш учун саволлар

[24]Safarov B.Sh. Milliy turizm xizmatlar bozorini innovatsion rivojlantirishning metodologik asoslari // Monografiya. – Toshkent: «Fan va texnologiya» nashriyoti, 2016, 184 b.

1. Туризмга хорижий мамлакатлар томонидан берилган таърифлар ўзаро нимаси билан ўхшаш?

2. Туризм соҳасига стратегик сектор мақомини берилиши Ўзбекистон учун қандай имкониятларни яратади ?

3. Туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантириш билан боғлиқ илмий изланишлар жаҳоннинг қайси илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда ва қандай натижалар олинган?

4. Хорижий мамлакатлар даражасида бугунги кунда Европа, Осиё ва Океания, Америка, Африка, Яқин Шарқ ҳудудларининг туристларни қабул қилиш ва улардан кўрилган даромад ҳажми бўйича ўрнини белгиланг.

5. Хорижий тажрибаларнинг таҳлили жараёнида қайси халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденцияларини Ўзбекистонга киритиш мумкин?

6. Бугунги кунда жаҳон туризмини ривожлантиришда айниқса, қайси давлатлар етакчилик қилмоқда?

7.Халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденциялари нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Жаҳон туризмини ривожлантиришда Ўзбекистон туризм соҳасининг улушини аниқланг. Ўзбекистонда туризм соҳасига стратегик сектор мақомини берилиши бунда қандай имкониятларни беришини асослаб беринг.

Тест саволлари

1. Қайси хорижий мамлакатлар томонидан туризмга берилган таърифлар бизга маъқул келади?

а) Америка Қўшма Штатлари;

б) Канада;

д) Буюк Британия;

е) БТТ Бутунжаҳон туризм ташкилоти.

2. Туризм соҳасига стратегик сектор мақомини бериш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қачон қабул қилинган?

а) 1997 йил;

б) 2001 йил;

д) 2014 йил;

е) 2016 йил.

3. Халқаро туристлар ташрифи бўйича 2016 йилда дунё қитъаларининг ўрнини қайси жавобда тўғри кўрсатилган? 1) Осиё ва Тинч океани; 2) Европа; 3) Америка; 4) Африка; 5) Яқин Шарқ.

а) 2, 1, 3, 4, 5

б) 1, 2, 3, 4, 5

д) 3, 5, 4, 2, 1

е) 5, 4, 3, 2, 1

4. Халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденцияларига нималарни киритиш мумкин?

а) туристик хизматларнинг тизимли савдосини;

б) янги таассуротларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг тезда ўзгариши;

д) рекреацион хизматларни силжитиш;

е) давлат томонидан кўмаклашиш.

5. Чиқувчи туристлар оқимининг йиллик энг юқори суръатлари қайси мамлакатда кузатилмоқда?

а) Бирлашган Араб Амирлиги;

б) Кипр;

д) Россия;

е) Чехия Республикаси.

3-мавзу. САЁҲАТЧИ ВА ТУРИСТ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

Режа:

3.1. Туризмнинг шаклланиш тарихи.

3.2. Саёҳатчи ва туристни ажратиб турувчи асосий фарқлар.

3.3. Марказий Осиёда туризмни шакллантиришнинг тарихий-хронологик асослари.

3.1. Туризмнинг шаклланиш тарихи



Томас Кук (1808-1892)

Бугунги кунда замонавий туризм асосчиси сифатида англиялик **Томас Кук** тан олинган. У биринчилардан бўлиб саёҳат мақсадида оммавий сафар уюштиришнинг моҳияти ва фойдалилигини англаб етди ҳамда 1843 йилда у дастлабки темир йўл орқали турни муваффақиятли ташкиллаштирди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган 165 минг кишини Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкил қилди. Кўргазмага қилинган саёҳат катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюришининг ташкилотчиси бўлди. 1856 йилдан бошлаб, Европа бўйлаб турлар одатий ҳолга айланди, Кукнинг туристик агентлиги ва унинг филиаллари тузилди. Туристик компаниянинг мисли кўрилмаган муваффақиятга эришганлигини Кук туристларга таклиф этган каталогдан 8 мингдан ортиқ меҳмонхоналарнинг ўрин олганлиги ҳам тасдиқлайди. Томас Кук 1872 йилда биринчи бўлиб, саноат асосида жаҳон бўйлаб саёҳат уюштиришни таклиф қилган. Бугунги кунда «Томас Кук» компанияси бутун дунёда 12000 дан ортиқ туристик агентликларга эга бўлиб, йилига 20 миллиондан ортиқ туристга хизмат кўрсатади.

Салб юришлари ўрта асрларнинг машҳур ҳодисалари сифатида қайд этилади. Ҳозирги пайтда зиёратчилик диний

туризмнинг асосини ташкил қилиб, ўз фаолиятига кўра, кенг миқёсга эга ҳисобланади. Бунга мисол тариқасида ислом дини вакилларининг муқаддас Макка-ю Мукаррама шаҳрига ҳажга бориши ёки христианларнинг Қуддус шаҳрига зиёрат қилишларини келтириб ўтиш кифоя.

Туризм соҳаси охирги 30 йил ичида айниқса, жадал суръатларда ривожланди. Бу вақт оралиғида халқаро туристлар сони 3,8 марта, бу соҳадан келадиган фойда 25 мартага ўсди. Ҳозирги кунда туризм соҳасига дунё ялпи маҳсулотининг 10 фоизи, халқаро сармояларнинг 7 фоизи, иш ўринларининг ҳар 16-си, дунё истеъмол харажатларининг 12 фоизи тўғри келмоқда. Бугунги кунда туризм – жаҳон миқёсидаги иқтисодиётнинг жуда кучли тармоғи бўлиб, бу соҳага жуда кўп сонли ходимлар, асосий воситалар ва йирик капитал маблағлар жалб қилинган. ***Туризм йирик бизнес, катта пул ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдан*** иборат.

Бугунги кунда жамиятнинг ривожланиши билан сайёрамизнинг кўплаб аҳолиси туризм соҳасига жалб қилинмоқда. 1995–1997 йиллар мобайнида саёҳат қилувчилар сонининг барқарор ўсиш тенденцияси йилига ўртача 4 фоизга кузатилиб, 2008 йилдан жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз сабабли бу соҳадаги фаолликнинг камайганлиги қайд қилинди. Туризм соҳаси кўпгина мамлакатларда шиддат билан ривожланаётган индустриянинг ижтимоий-иқтисодий тармоғи ҳисобланади. Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (БТТ) баҳолашига кўра, туризм хизматлари ривожланган шаҳарга ташриф буюрган 100 нафар турист 20 минг АҚШ доллар атрофида маблағ сарфлайди, яъни ҳар бир турист томонидан бир кунда шаҳарга 200 АҚШ доллари миқдорида фойда келиши мумкин.

Туризм инфратузилмаси ва индустрияси туризмга ёндош бўлган бир неча тармоқларнинг ҳам ривожланишига сабаб бўлади. Бундан ташқари, туризмнинг ривожланиши яна бир катта муаммо бўлган ишсизликни, яъни бандлик муаммосини ҳам ҳал қилишга ёрдам беради. Статистик маълумотларга кўра, мамлакатга ташриф буюрган ҳар 20 нафар турист, 1 та бевосита туризм соҳасида ва 2 та туризмга боғлиқ бўлган иқтисодиётнинг бошқа тармоқларида янги ишчи жойларининг очилишига ёрдам беради. Шу билан бирга, маҳаллий минтақаларнинг ривожланишига ҳам ижобий таъсир

қилиб, жумладан, қишлоқ хўжалик, маҳаллий саноат ва миллий ҳунармандчилик маҳсулотларини сотишга ёрдам беради.

Туризм кўпгина мамлакатлар иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми бўлиб, у маҳаллий аҳоли бандлигини, меҳмонхоналарни тўлдириш, ресторан, томоша тадбирлари, чет эл валютасининг келиб тушишини таъминлайди. Туризмнинг ички иқтисодий табиати турист ташриф буюрган мамлакатда ўз маблағини албатта сарфлаб кетишини тақозо этади. Туризм маҳаллий туристик ресурслар эксплуатациясига асосланади ва бунинг эвазига шу минтақа ёки мамлакат фойда олиши керак бўлади.

Ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрнинг охирига бориб шаклланган бўлса-да, фақат XX асрга келиб, у жадал суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида «XX аср феномени» номини олди.

Ҳозирги пайтда туризм миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ бўлган, мақсади инсонларнинг бўш вақтида дам олиши ва саёҳат қилишининг турли хилларига ҳамда мавжуд бўлган туристик ресурслардан самарали тарзда фойдаланишга, тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолиятни таъминловчи корхона ва тармоқларнинг мажмуини ифодаловчи иқтисодий категория сифатида кўрилмоқда.

3.2. Саёҳатчи ва туристни ажратиб турувчи асосий фарқлар

Саёҳат ва туризм *(travel and tourism)* – бир-бири билан боғлиқ тушунча бўлиб, улар инсон ҳаёт фаолиятининг маълум бир тарзини ифодалайди. Бу – дам олиш, кўнгил очиш, спорт, атроф-муҳитни англаш, савдо, фан, даъволаниш ва бошқа кўплаб жиҳатларни қамраб олади. Бироқ бунда ҳар сафар саёҳатни бошқа фаолият турларидан ажратиб турувчи ўзига хос ҳаракат – инсоннинг вақтинчалик бошқа жойга, мамлакатга, қитъага бориши, унинг доимий яшаш жойидан узоқлашиши назарда тутилади.

Саёҳатлар айрим шахслар томонидан алоҳида, ягона мақсад ва қизиқишга эга бўлган шахслар томонидан экспедициялар, жумладан, илмий экспедициялар тузилган ҳолда амалга оширилиб, улар таркибига юзлаб ва ҳаттоки минглаб мутахассислар, дипломатлар, мигрантлар ва кўчиб юрувчилар ҳам киради. Денгиз, ҳаво ва бошқа

транспорт воситалари экипажлари ойлаб ўз уйларида бўлмайдилар, шу тариқа улар учун саёҳат турмуш тарзи, кунлик иш фаолияти бўлиб ҳисобланади.

Саёҳат тушунчаси, одамларнинг мақсадларидан қатъи назар, замон ва маконда кўчиб юришни англатади ҳамда саёҳатчиларнинг турмуш тарзи бўлиб хизмат қилади.

Кўп асрлик тарихдан маълумки, инсонга савдони ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, ресурслар ва янги транспорт йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб саёҳат қилиш хос бўлган. Цивилизациямизнинг ривожланишига ажратилган вақт унчалик катта бўлмай, беш минг йилга яқин давр билан белгиланади, бироқ бизгача фақат яқин ўтмишдаги саёҳатлар ҳақидаги ҳикоя ва тасвирларгина сақланиб қолган. Ўтмишдан бизга янги қитъа ва ерларни, халқлар ва табиий ҳодисаларни очган, ўзига хос географик тизимларни асослаб берган буюк саёҳатчиларнинг номлари маълум.

Саёҳатлар ва туризмнинг бир-биридан фарқларини кўриб чиқишда ушбу фаолиятнинг мақсадлари ва моддий таъминотига тўхталиб ўтиш жоиз. Саёҳат ва экспедицияларнинг асосий қисми маълум бир мақсадларга (савдо, фан, янги ерларни очиш, маҳсулот рекламаси ва ҳ.к.) хизмат қилиб, манфаатдор шахслар, ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади.

Саёҳатчи – бу биринчи навбатда касб бўлиб, одамларнинг касби ёки кун кўриш манбаи, ё бўлмаса саёҳатда иштирок этувчиларнинг турмуш тарзига айланиши мумкин. Бу эса фаолиятнинг мақсади бўлиб, туризм мақсадларидан тубдан фарқ қилади.

Турист–вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) манбалардан даромад олиш билан боғлиқ бўлган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда вақтинча бўлиш мамлакатига (жойига) йигирма тўрт соатдан кетма-кет ўн икки ойгача бўлган даврга борувчи ёки вақтинча бўлиш мамлакатида (жойида) камида бир кеча тунаб қолувчи жисмоний шахс[25].

Туризм – саёҳатларнинг бир тури бўлса-да, бироқ ўзига хос жиҳатларига кўра, маълум бир тавсифга эга бўлиб, унда иштирок

[25]Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон

этувчи шахс турист деб номланади. Муҳими, туристни саёҳатчи дейишимиз мумкин, аммо саёҳатчини ҳар доим ҳам турист дея олмаймиз. Саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учровчи соҳа бўлиб ҳисобланади. Туризм бу туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик мақсадларга эга оммавий саёҳатлар тури бўлиб, туристнинг фаолияти ва бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича махсус хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат. Бундай махсус хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти авваламбор туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва шу хизматлар билан боғлиқ бўлган турли хил бошқа тармоқлар томонидан амалга оширилади.

Туризм фаолияти асосан бўш вақтда амалга оширилади. ***Туризм фаолиятини амалга ошириш учун учта омил бўлиши шарт: дам олишга ажратилган бўш вақт, тегишли маблағ ва хоҳиш-истаги.*** Узоқ вақт давомида туризм фақат бадавлат кишиларга мансуб бўлган. Ҳозирги пайтда аҳолининг турли қатламлари бўш вақтини ва жамғарилган маблағларини турли туристик сафарларга боришга бемалол сарфлай олиши мумкин.

Иқтисодий омилларни ҳисобга олиш нуқтаи назаридан ташриф буюрувчилар – туновчи, яъни бир кеча ётиб қолувчилар ва бир кунлик, яъни 24 соатгача (меҳмонхонада) бўлувчи туристларга бўлинади. Туризмнинг моҳияти ва туристик фаолиятни яхши билиш учун 3.2.1-жадвал маълумотларини тўлиқ ўзлаштириш мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2.1-жадвал

Туризм жараёнида туристни саёҳатчидан ажратиб турувчи асосий фарқлари

№	Фарқ қилувчи белгилар	Туризм (турист)	Саёҳат (саёҳатчи)
1	Мамлакат иқтисодиётига таъсири бўйича.	Туризм жаҳон миқёсидаги кучли иқтисодиёт тармоғи бўлиб, унинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши мавжуд. Бу йирик бизнес, катта пул ва глобал миқёсдаги жиддий сиёсатдир.	Саёҳатларнинг иқтисодиётга бевосита таъсири йўқ.

3.2.1-жадвалнинг давоми

2	Қўйилган мақсадлар бўйича.	Йўлланмада кўрсатилган аниқ қўйилган мақсадлар билан чегараланган.	Аниқ қўйилган мақсадлар билан чегараланмаган.
3	Муддат мобайнида.	Муддатлари: 3-7 кунлик; 8-28 кунлик; кунлар билан белгиланган.	Муддати белгиланмаган.
4	Маълум маконда бўлиши.	Бўладиган жойи йўлланма билан чегараланган.	Макони ёки бўладиган жойи чегараланмаган.
5	Бўш вақтнинг мавжудлиги.	Асосан бўш вақт мобайнида амалга оширилади.	Бўш вақт бўлиши шарт эмас. Саёҳат қилиш ҳаёт тарзи ҳисобланади.
6	Борган жойида ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиши бўйича.	Қонун бўйича борган жойида турист учун ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш мумкин эмас.	Борган жойида саёҳатчи учун ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланиш мумкин.
7	Маблағ билан таъминлаш.	Туристнинг шахсий маблағидан ва ижтимоий фондлардан.	Ҳомий ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан молиялаштирилади.
8	Ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш.	Бу фаолият турли хил туристик корхоналар ва хизмат кўрсатиш соҳалари билан боғлиқ тармоқлар томонидан амалга оширилади.	Ташкил қилиш ҳомий ташкилотлар, давлат ва хусусий жамғармалар томонидан амалга оширилади, саёҳларга хизмат кўрсатиш эса бевосита ўзи томонидан амалга оширилади.
9	Яшаш фолиятига таъсири.	Турист учун саёҳатга бориб келиш дам олиш ва ўз билимларини оширишга хизмат қилади.	Саёҳатчи учун саёҳат касби ёки кун кўриш манбаи, турмуш тарзи бўлиб хизмат қилади.

3.3. Марказий Осиёда туризмни шакллантиришнинг тарихий-хронологик асослари

Туризм қадим замонлардан бошлаб сайёрамиз халқлари ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилган. Одамлар янги ўлкаларни кашф этиш, дунёни кўриш ва билиш, савдо-сотиқни ривожлантириш, маданий ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш мақсадида саёҳатга чиққанлар. Савдо карвонлари йўллари кесишган, маданиятлар ва цивилизасиялар туташган чорраҳада жойлашгани учун Марказий Осиё минтақаси бу жараёнда муҳим ўрин тутган.

Марказий Осиё ўлкасида ўзга мамлакатларга аниқ мақсадлар билан саёҳат қилиш қадим замонлардан ривожланган бўлиб, ўлкамиздаги илк сайёҳлик кўринишлари «Буюк Ипак йўли» га бориб тақалади. Бунда миллоддан аввалги II асрда очилган Буюк Ипак йўлини аҳамияти ниҳоятда катта бўлган. Бу йўл фақат савдо-сотиқ йўли бўлмай, айни пайтда дунё халқлари ўртасида маданий-маърифий ва илм-фан тараққиёти ҳамда халқаро алоқалар йўли бўлган.

VII-VIII асрларда Араблар Мовароуннаҳрни забт этиш йўли билан маҳаллий халқнинг урф-одати, дини ва эътиқоди, қадимдан ривожланиб келаётган маданиятга ўз таъсирини ўтказиб, аста-секинлик билан ислом дини кириб кела бошлади. Маҳаллий халқнинг ислом динига ўтиши билан Марказий Осиёни Араб мамлакатлари Маккаю Мадина билан боғлади. Ислом дини фарзларидан бири ҳажга бориш ҳисобланиб, Мовароуннаҳрликлар ўз юртларидан чиқиб, Афғонистон, Эрон, Ироқ, Сурия орқали ўтиб, Саудия Арабистондаги Макка ва Мадинада ҳаж амалини бажарганлар. Бу йўл машаққатли, оғир, бир неча ой ва йилларни ўз ичига олган бўлсада, йилдан-йилга ҳажга борувчиларнинг сони ортиб борган.

Кўп асрлик тарихдан маълумки, инсон ўз савдосини ривожлантириш, янги ерларни очиш ва ўзлаштириш, янги илм-фан йўлларини излаб топиш мақсадида жаҳон бўйлаб амалга оширган саёҳатлар жараёни, бугунги кунда туризм фанида туризмнинг ўзига хос бўлган зиёрат ва илмий туризм тури бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги тушунчаларда қабул қилинган туризм XIX асрнинг охирига бориб шаклланган бўлсада, фақат XX асрга келиб, у жадал

суръатларда ривожланди ҳамда техника ва технологияларнинг ривожланиши, жамият муносабатларининг юксалиши натижасида у «XX аср феномени» номини олди. Бугун туризм миллий иқтисодиётнинг ўзаро боғлиқ бўлган, мақсади инсонларнинг бўш вақтида дам олиши ва саёҳат қилишнинг турли хилларига ҳамда мавжуд бўлган туристик ресурслардан самарали тарзда фойдаланишга, тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондиришга қаратилган фаолиятини таъминловчи корхона ва тармоқлар мажмуини ифодаловчи иқтисодий категория сифатида қаралмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти нутқида "Биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни Учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик"[26] деб таъкидладилар.

Маълумки антик даврда Юнонистонда IX-XII асрларда бўлган буюк уйғониш Марказий Осиёда ҳам илм-фан ривожланишининг янги йўналишларини очиб берди. Бу даврда юртимизда биринчи Ренессанс юзага келди ва натижада бутун дунё тан олган Муҳаммад ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Замаҳшарий сингари ўнлаб буюк алломаларимиз ўзларининг илмий-ижодий кашфиётлари билан умумжаҳон тараққиёти ва илм-фан ривожига беқиёс ҳиссаларини қўшди. Шу ўринда алоҳида таъкидлашимиз керак, "Ислом маданиятининг олтин асри" деб эътироф этиладиган бу даврда она заминимизда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Абул Муъин Насафий каби улуғ уламолар етишиб, бутун мусулмон оламининг фахри ва ғурурига айланди.

Иккинчи Ренессанс даври XV асрда соҳибқирон Амир Темур бобомиз асос солган давлатда ҳар томонлама илм-фан ривожини қўллаб-қувватлаши натижасида шаклланди. Бу даврда Мирзо Улуғбек, Али Қушчи сингари олимлар, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Лутфий, Абдураҳмон Жомий каби шоир ва мутафаккирлар, Мирхонд, Хондамир, Маҳмуд Музаҳҳиб, Камолиддин Беҳзод каби тарихчи, мусаввир, созанда ва мусиқашунослар ўз ижодлари билан катта сахнага чиқишди.

---

[26] Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи. 30.09.2020

Туризмни шакллантириш ва ривожлантиришнинг назарий-услубий масалалари қуйидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган: Л.И.Лукачева, В.А.Кварталнов, В.А.Исаев[27], К.Х.Абдураҳмонов[28], М.Қ.Пардаев[29], И.С.Тухлиев[30] ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида кенг ёритилган. Туризмнинг ривожланиши ва оммавий ҳодисага айлана бориши билан саёҳат қилаётган одамларни статистик ҳисобга олиш мақсадида «туризм» тушунчасига берилган дастлабки таърифлари пайдо бўлган эди. Ҳозирги пайтда туризм таърифига турли хил ёндашувлар мавжуд. Мисол учун, Н.И.Кабушкин туризмни «инсонни саёҳат давомида юзага келадиган муносабатлар мажмуи ва ўзаро алоқа ҳамда ҳодисалар бутунлиги» сифатида таърифлайди[31]. Аммо, мамлакатимизда туризмни саёҳат мақсадлари бўйича шакллантиришнинг тарихий-методологик асослари етарли даражада тадқиқ этилмаган.

Шарқнинг ҳар иккала Уйғониш даври – умуман олганда инсоният тарихидаги ноёб ҳодиса бўлиб, буюк аждодларнинг илм-фан, маърифат, диний бағрикенглик ва инсонпарварлик ҳақидаги эзгу ғоялари билан сингиб кетган. Бизнинг замонамизда, Ўзбекистон мустақиллиги йилларида алоҳида, чуқурроқ маъно касб этмоқда[32]. Дарҳақиқат Буюк ипак йўлининг чорраҳасида жойлашган давлатимиз азалдан юксак цивилизация ва маданият ўчоқларидан бири бўлган. Бунинг исботи сифатида, тошга муҳрланган қадимий ёзувлар, меъморий обидалар, нодир қўлёзмалар бир неча минг йиллик бой тарихимиздан далолат беради.

Илмий адабиётларда туризм-саёҳатнинг бир тури бўлсада, бироқ ўзига хос жиҳатларига кўра, маълум бир тавсифга эга бўлиб, унда иштирок этувчи шахс турист, деб номланади. Муҳими туристни саёҳатчи дейишимиз мумкин, аммо саёҳатчини эса ҳар доим ҳам турист, дея олмаймиз. Сабаби саёҳатлардан фарқли равишда, туризм иқтисодиёт ва сиёсатнинг кучли таъсирига учровчи соҳа бўлиб ҳисобланади. Туризм бу туристлар томонидан амалга оширилувчи, аниқ белгиланган туристик манзилга ва

---

[27] Л.И.Лукачева, Квартальнов В.А., Исаев В.А. и др. Менеджмент туризма: Основы менеджмента: Учебник. - М.: Финансы и статистика, 2002. – 352 с.

[28] К.Х. Абдурахмонов Менежмент туризма: Учебное пособие. –Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЭУ им. Г.В. Плеханова” в г. Ташкенте, 2013.-248с.;

[29] М.Қ.Пардаев, Атабаев Р. Туристик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. -Самарқанд: СамИСИ, 2006.

[30] И.С.Тухлиев ва бош. “Туризм: назария ва амалиёт”дарслик. Тошкент “Фан ва технология” 2018 й.

[31] Н.И.Кабушкин. Менеджмент туризма: Учебник. 4е изд., стереотип. Мн.: Новое знание, 2004. – 409 с.

[32] А.Саидов. Новый Узбекистан и третий Ренессанс. Страна фокусе. 9.09.2020.

мақсадга эга оммавий ёки якка саёҳатлар тури бўлиб, бундай саёҳатларни уюштириш ва амалга ошириш бўйича махсус хизмат кўрсатувчи ташкилотлардан иборат. Бу каби туристик хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолияти авваламбор туристик фирмалар, меҳмонхоналар ва шу хизматлар билан боғлиқ бўлган турли хил ёндош тармоқлар томонидан амалга оширилади[33].

Зиёратчи-олимларнинг энг машҳури, буюк муҳаддис **Имом Бухорий (810-870)**[34] ўз онаси билан 17 ёшида ҳажга бориб, бир неча йил Арабистонда яшайди. У фиқҳ ҳадисларини йиғиш мақсадида Боғдод, Дамашқ, Балх, Нишопур, Миср ва бошқа кўпгина араб шаҳарларида 40 йил давомида саёҳат қилиб, ҳадисларни тўплайди. Бунга Имом Бухорийнинг замондоши **Имом Термизийни (824-892)** ҳам мисол қилиш мумкин. Ат-Термизийнинг хорижий мамлакатларга қилган сафари узоқ йилларга чўзилиб, бу сафарлар чоғида кўпдан-кўп олимлар, муҳаддислар билан мулоқотда бўлган.

Араб халифалигига кирган Мовароуннаҳр, Хуросон ва Хоразмда маҳаллий тилларда ёзилган асарлари йўқ қилиниб, ерли билимдонлар, толиби илмлар халифаликнинг марказий шаҳарлари Дамашқ, Қоҳира, Боғдод, Куфа ва Басрага бориб билим олишган ҳамда араб тилида ижод қилишга мажбур бўладилар. Бу шаҳар Шарқнинг йирик илм ва маданият маркази бўлиб, улар орасида Боғдод шаҳри энг машҳури эди. IX асрда бу шаҳарда «Байт-ул ҳикма» – «Донишмандлар уйи» Шарқнинг ўз давридаги Фанлар Академияси ташкил этилган эди.



3.1-расм. Имом Исмоил Бухорийнинг саёҳатлари.

«Байт-ул ҳикма»да катта кутубхона ҳамда Боғдодда ва Дамашқда астрономик кузатишлар олиб бориладиган расадхоналар мавжуд эди. Бу ердаги толиблар илмий тадқиқотлар билан бир қаторда, қадимги юнон ва ҳинд олимларининг илмий меросини

[33] И.С.Тухлиев ва бош. “Туризм: назария ва амалиёт”дарслик. Тошкент “Фан ва технология” 2018 й.

[34] Барча олимларнинг туғилган ва тарк этган саналари / Буюк юрт алломалари[Матин]/ Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов;Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Учунчи нашри.-Тошкент: “Qzbekiston” НМИУ,2020.-424б. дан олинган.

ўрганиш ва асарларини араб тилига таржима қилиш билан шуғулланадилар. Бу ерда ўрта аср илму фанига катта ҳисса қўшган кўпгина Мовароуннаҳр ва хуросонлик олимлар ижод қилишган. Қуйида Марказий Осиёлик сайёҳ олимларнинг саёҳатлари (туризм) билан боғлиқ фаолиятини келтирамиз:

Хоразм илмий мактабининг илк кўзга кўринган намоёндаси **Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий (783-850)** бўлиб, у америкалик шарҳшунос Д.Сартон таъбири билан айтганда, “Барча замонларнинг энг улуғ математикларидан бири эди” [35] –деб айтиб ўтганди. Муҳаммад Хоразмий Хоразмда туғилган ва Бағдодда вафот этган. Мусо Хоразмийнинг асарларида ҳаммаси бўлиб, 537 жойнинг номи, шаҳарлар, тоғлар (203 та ном), денгизлар ва оролларнинг номлари, охирида эса дарёлар алоҳида-алоҳида ёзилган. Қизил денгиз, Ҳинд ва Атлантика океанлари каби номлар учрайди. Шунингдек, Азов денгизи, Нил дарёси ҳавзаларига изоҳ берилган. Италиялик шарҳшунос К. Наллино -“ Европадаги ҳеч бир халқ Мусо Хоразмий эришган ютуққа эришган эмас ва бундай асар яратишга қобил эмас”[36] - деб ёзган эди. Мусо Хоразмийнинг саёҳатлари натижасида яратилган географик ғоялари бу фанни янги поғонага кўтариб, IX аср бошларида Шарқда янги география фанининг яратилишига олиб келди.



3.2-расм. Мухаммад Хоразмий.



3.3-расм. Нил дарёсининг Рода оролидаги Аҳмад Фарғонийга ўрнатилган хайкал.

[35] И.С.Байджанов. “Хоразм Маъмун академияси ўтмишда ва хозир”. Жамоавий тўплам. 2016 й.
[36] И.С.Байджанов. “Хоразм Маъмун академияси ўтмишда ва хозир”. Жамоавий тўплам. 2016 й.

Аҳмад Фарғоний Фарғонада туғилган ва дастлабки илмни шу ерда олиб, вояга етган. Сўнг ўша замонда Шарқда машҳур бўлган Боғдоддаги “Байт-ул ҳикма” академиясида Муҳаммад Хоразмий билан ишлаш бахтига муяссар бўлган. Аҳмад Фарғоний Қуёш ва Ой тутилишларини илмий жиҳатдан исботлаб берган, юлдузлар илмининг султони деб тан олинган Мирзо Улуғбекдан беш аср олдин Қуёш ва юлдузларнинг ҳаракат йўналишларини, Ер шар шаклида эканлигини ва у қутблар деб аталувчи икки ўқ атрофида ҳаракатланишини ҳам исботлаб берган.



3.3-расм. Техронда Абу Райҳон Берунийга ўрнатилган ҳайкал.

Орадан 800 йил ўтгач, Христофор Колумб ҳамда XVI асрда Ер шари бўйлаб айланма саёҳатни амалга оширган Фернандо Магеллан ҳам Аҳмад Фарғонийнинг Ер шари ҳажмини ҳисоблаш учун ишлатган бир даража меридиан узунлиги ҳақидаги ҳисоб-китобларнинг нақадар тўғри эканлигини ёзиб қолдиришган. Аҳмад Фарғоний Нил дарёсининг сувини доимий ўлчаб турувчи “Ниломер” асбобини ясаган. Бу асбоб бўйича бутун Нил дарёси ҳавзасида муваффақиятли деҳқончилик қилинган. Бу асбоб бўйича Нил дарё-сининг тошқинли даврлари олдиндан маълум бўлган ва истеъмол қилинган сув учун тўланадиган солиқ миқдори аниқланган.

Миср ҳукумати ватандошимиз Аҳмад Фарғонийнинг ушбу мамлакат олдидаги хизматларига юксак эҳтиром сифатида Нил дарёсидаги Рода оролида унинг ҳайкалини ўрнатишга қарор қилди. Ушбу ҳайкал Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг 2007 йилда Мисрга қилган расмий ташрифи чоғида тантанали равишда очилган.

Абу Райҳон Беруний (973-1048) –ўрта асрнинг буюк комусий олими. У бир вақитнинг ўзида астроном, астролог, математик, геолон, географ, ўлкашунос, биолог, медик, ўсимликшунос, маъданшунос, тарихчи, манбашунос, диншунос, адабиётшунос,

файласуф, социолог, мантиқшунос ва шоир бўлган[37]. Бағдодда ой тутилишини исботлаб берган. Агар Берунийнинг бутун умри давомида қилган саёҳатларини сарҳисоб қилсак, у шимолда Хоразмга, жанубда Ҳиндистонга, ғарбда Каспий денгизи соҳили ва Бағдод оралиғида саёҳат қилган.

Бугунги кунда илмий адабиётларда замонавий туризм асосчиси сифатида англиялик Томас Кук тан олинган. У биринчилардан бўлиб, саёҳат мақсадида оммавий сафар уюштиришнинг моҳияти ва фойдалилигини англаб ҳамда 1843 йилда у дастлабки темирйўл орқали турни муваффақиятли ташкиллаштирди. 1851 йилда у мамлакатнинг барча ҳудудларидан келган 165 минг кишини Париждаги кўргазмада иштирок этишини ташкил қилди. Кўргазмага қилинган саёҳат катта фойда келтирганлиги сабабли, Кук англиялик туристларнинг 1865 йилда Парижга Бутунжаҳон кўргазмасига оммавий равишда ташриф буюришининг ташкилотчиси бўлган, деб ҳисобланади.

Аммо жадвал маълумоларидан туризмни шакллантириш Марказий Осиёлик қомусий олимлар ўз саёҳатларини 819 йилда, яъни IX асрда дастлаб зиёрат мақсадида ва турли фанлар бўйича илмий билимларини янада бойитиш ҳамда мавжуд билимларини хорижий олимлар билан фикир алмашиш учун Шарқ Ренессанси давридаги илмий марказларга ташриф буюришгани маълум бўлмоқда. Туризмни шакллантириш жараёнини хронологик жиҳатдан таҳлил қилсак, бугунги кунда илмий адабиётларда туризм асосчиси сифатида тан олинган англиялик Томас Кукнинг 1843 йилда дастлабки темир йўл орқали сафарини ташкиллаштиргани XIX асрга тўғри келмоқда. Демак, Марказий Осиёлик қомусий олимлар IX-XI асрларда ўз саёҳатларини амалга ошириш натижасида туризмнинг зиёрат ва илмий турларини шакллантиришда асос солганлари маълум бўлмоқда.

[37] А.Саидов. Новый Узбекистан и третий Ренессанс. Страна фокусе. 9.09.2020.

3.3.1-жадвал

Марказий Осиёлик қомусий олимлар саёхатлари натижасида туризмни шаклланиш тарихи

№	Ўз ватанларидан ўзга мамлакатларга саёхатларни амалга оширган олимлар	Сафарнинг бошланиш манзили ва вақти	Сафарнинг якуний манзили ва мақсади	Илм истаб хорижий мамлакатларга сафар қилинган шаҳарлар
1	Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий	Хоразмдан 819 йилда	Бағдодга, “Байт ул – ҳикма” да юнон, ҳинд ва эрон астрономияси бўйича ўз билимини оширган	Марв, Хуросон, Бағдод, Дамашқ,
2	Имом Бухорий	Бухородан 825 йилда	Маккаи мукаррамага, хадис илми бўйича сабоқ олиш учун	Мадина, Тоиф, Жидда, Басра, Бағдод, Куфа(Ирок), Шом, Миср Месопотамия(Жазийра), Хуросон шаҳарлари: Марв, Балх, Хирот, Нишопур, Рай, Жибол.
3	Имом Термизий	Термиздан 850 йилда	Ҳижоз-Маккага, хадис, ал-қироат, ал-баён, фиқх илми бўйича ўз билимини оширган	Самарқанд, Марв, Мадина, Ирок, Хуросон, Нишопур,
4	Аҳмад Фарғоний	Фарғонадан 861 йилда	Марвга, “Байт ул- ҳикма” да билимини оширган.	Марв,Боғдод, Шоммосия, Дайр Муррон, Қохира.
5	Абу Райҳон Беруний	Хоразмнинг Кот шахридан 995 йилда	Эроннинг Рай, Журжон шаҳрида билимини оширади	Каспий денгизининг жануби-шарқидаги Журжон шаҳри, Эроннинг Рай шаҳри, Ғазна, Ҳиндистон.
6	Абу Али ибн Сино	Бухоронинг Афшона қишлоғи-дан 1002 йилда	Урганчда Маъмун саройи-да олимлар билан илмий изланишлар олиб борган	Эроннинг Гургон, Рай, Исфахон шахарларида бўлган.

3.3.1-жадвалнинг давоми

7	Носир Ҳисрав	Балх шаҳри яқинидаги Қободиён қишлоғидан 1045 йилда	1045 йилнинг кузида Мурғоб дарёси бўйлаб жанубга юриб, дарёнинг бошланишигача етиб боришда кўрганларини ўзининг эсдаликларига туширган	Мазкур саёҳат Марвдан бошланиб, Эроннинг шимолий қисми, Арманистон, Туркия жануби, Арабистоннинг Макка ва Мадина шаҳарлари, Ливан ва ҳозирги Исроил ерларидан ўтиб, Мисргача давом этган. Шундан кейин, олим Ҳиндистоннинг шимолий вилоятларига саёҳат қилган.
8	Маҳмуд аз-Замаҳшарий	Хоразмнинг Замаҳшар қишлоғидан 1075 йилда	Маккага билимини ошириш мақсадида боради.	Хуросон, Эрон, Арабистон, Ироқ, Яман, Сурия, Марв, Нишопур, Исфахон, Бағдод, Хижоз, Дамашқ ва Макка шаҳарларида бўлиб, асарлари учун бой манбалар тўплаган
9	Заҳириддин Муҳаммад Бобур	Андижондан 1504 йилда	21 ёшида Фарғонадан Бухорогача, Тошкентдан Ҳисор ва Ҳиротгача бўлган барча шаҳар ва қишлоқ-ларда ҳамда дашту тоғларда бўлган. У умрининг 30 йил-лик саёҳатлари даврида ўзининг шоҳ асари «Бобурнома» учун бой маълумотлар тўплаган.	Ўрта Осиё, Афғонистон ва Ҳиндистон давлатларининг шаҳарларида бўлди.

56

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Шарқ Ренессанси давридаги Марказий Осиёлик олимлар жаҳоннинг энг илғор, тараққий этган халқлари қаторида бўлгани ва уларнинг илм-фан тараққиёти йўлидаги хорижий мамлакатларга қилган сафарлари натижасида инглиз олими Д.Бернал ўзининг «Жамият тарихида илм-фан» фундаментал монографиясида таъкидлаганидек "...мусулмон оламида табиий фанлар соҳасида эришилган ютуқларни кўрсатиб ёзишича, мусулмон олимлари жонли, ривожланиб борувчи илм-фанни бунёдга келтирдилар. Мазкур олимлар юнон математикаси, астрономияси ва тиббиёт ҳақидаги фанларнинг тор асосини кенгайтиришга, алгебра, тригонометрия ҳамда оптикага асос солишга муваффақ бўлдилар. Мусулмон дунёси илм-фани кимё, алкимёда ҳал қилувчи ютуқларга эришди, мусулмон олимлари бу соҳалардаги эски назарияларни тубдан ўзгартириб юбордилар ва янги анъаналарга эга бўлган янги фанлар яратиш тажрибасини амалга оширдилар"[38].

Бугунги кунда шиддат билан ривожланаётган туризм фани ҳам нисбатан ёш фанлар қаторида бўлса ҳам, халқаро туризм жаҳон хўжалигини энг йирик ва юкори даромад келтирувчи соҳалардан бирига айланиб улгирди. Ҳозирги пайтда туризм фани бўйича илмий тадқиқотлар олиб боришда уни дастлабки шаклланиш тарихини ва Марказий Осиёлик қомусий олимлар саёҳатлари натижасида кишилар билимини оширадиган туризмнинг "илмий" ва "зиёрат" турларига асос солинганлигини ва ўз вақтида кенг ривожланганлигини эътироф этиш зарур. Шу туфайли тадқиқотчилар бўлажак илмий изланишларида ҳар иккала ренессанс давридаги буюк олимларимизнинг туризмга қўшган хизматларини ҳисобга олишларини тавсия қиламиз.

Таянч сўз ва иборалар: Марказий Осиё саёҳатчилари, қадимги саёҳатлар ва зиёратчилик, саёҳат ва саёҳатчи, турист ҳақидаги тушунчалар, зиёратчи олимлар, туризмни саёҳатдан ажратиб турувчи асосий фарқлар, туризм кучли жаҳон миқёсидаги иқтисодиёт тармоғи, замон ва маконда кўчиб юриш, бўш вақтнинг ва маблағнинг мавжудлиги.

---

[38] Джон Бернал, Наука в истории общества, М., «Иностранная литература», 1956 г., с.572. Источник: https://vikent.ru/author/793/

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Саёҳат деганда нимани тушунасиз?
2. Илк саёҳатчилар кимлар бўлган?
3. Зиёратчилар қандай саёҳатларни амалга оширадилар?
4. Савдогарлар саёҳати ҳақида нималарни биласиз?
5. Марказий Осиё саёҳатчиларининг туризмга қўшган ҳиссаси нимадан иборат?
6. Нима учун Томас Кук туризмнинг асосчиси дейилади?
7. «Туризм» га берилган таърифни келтиринг.
8. Туристни саёҳатчидан фарқи нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Яна қайси Марказий Осиё саёҳатчи алломаларнинг илмий фаолиятини ва сафар қилган жойларни биласиз? Марказий Осиё алломаларининг илмий фаолиятлари давомида қилган саёҳатларини чуқурроқ билиш учун адабиётлардан ва интернет маълумотларидан фойдаланган ҳолда маълумотлар тўпланг ва тақдимотини ўтказинг.

Тест саволлари

1. Саёҳат тушунчасига тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

а) фуқароларнинг маълум бирор вақт давомида қандай мақсадлигидан қатъи назар бошқа жойга бориши;

б) узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши;

д) узоғи билан олти ойга жўнаб кетиши;

е) аниқ мақсадли ва ташкиллаштирилган фаолият.

2. Марказий Осиё саёҳатчи алломалари туризмнинг қандай турларини шакллантиришга асос солганлар?

а) соғламлаштириш;

б) илмий;

д) диний;

е) танишув.

3. Илк саёҳатчилар кимлар бўлган?

а) кўчманчилар;

б) савдогарлар, зиёратчилар;

д) чорвадорлар;

е) а ва б жавоблари тўғри.

4. Туризмнинг саёҳатдан фарқи нимада?

а) мақсад ва муддатнинг чегараланганлигида;

б) аниқликда ва режаликда;

д) ташкиллаштирилганида;

е) турмуш тарзида.

5. Оммавий равишда ташриф буюришнинг ташкилотчиси сифатида Томас Кук қайси шаҳарга тур ташкил этган?

а) Париж;

б) Швейцария;

д) Англия;

е) Австрия.

4-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА ТУРЛАРИ

Режа:

4.1. Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари.
4.2. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари.
4.3. Туристик-рекреацион кластерни шакллантириш.

4.1. Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари

Замонавий туризмнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш мақсадида, унинг муҳим таснифий белгиларини аниқлаб олиш зарур бўлади. Жумладан, географик ва туристик талаб йўналиши бўйича, сафар мақсади, ҳаракатланиш усули, туристларни жойлаштириш воситалари ва иштирокчилари сони бўйича ташкилий-ҳуқуқий шаклларини таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

4.1.1-жадвал

Туризм соҳасининг таснифланиши

№	Таснифланадиган белгилар	Туризм турлари
1	Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича	1.1 . Миллий туризм 1.2 . Халқаро туризм 1.3. Ҳудудий (минтақавий) туризм 1.4. Ички туризм 1.5. Кирувчи туризм 1.6. Чиқувчи туризм
2	Мақсадлар бўйича	2.1. Тарихий обидалар туризми 2.2. Археологик туризм 2.3. Рекреацион туризм 2.4. Соғломлаштирувчи дам олиш туризми 2.5. Малакавий иш туризми 2.6. Илмий туризм
		2.7. Спорт туризми 2.8. Шоп-турлар 2.9. Диний туризм (ҳаж сафари, зиёрат билан боғлиқ сафарлар)

4.1.1-жадвалнинг давоми

		2.10.Қўмсаш, соғиниш туризми 2.11. Экотуризм 2.12. Овчилик туризми 2.13. Гастрономия туризми 2.14. Сафари туризми 2.15. Спелеотуризм 2.16. Маърифий туризм 2.17. Экстремал туризм 2.18. Этнографик туризм 2.19. Таълим туризми 2.20. Даволаниш туризми
3	Молиялаштириш манбаи бўйича	3.1. Социал туризм 3.2. Тижорий туризм
4	Иштирок этувчилар сони бўйича	4.1. Индивидуал-якка 4.2. Гуруҳли (стихияли тузилган гуруҳ) 4.3. Гуруҳли (бир-бирига таниш инсонлардан тузилган гуруҳ)
5	Ташкилий шакллари бўйича	5.1. Ташкиллаштирилган 5.2.Ташкиллаштирилмаган
6	Иштирок этувчиларнинг ёш таркиби бўйича	6.1. Болалар туризми 6.2. Ўсмирлар туризми 6.3. Ёшлар туризми 6.4. Ўрта ёшдагилар туризми 6.5. Нафақа ёшидагилар туризми
7	Иштирок этувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари бўйича	7.1. Оилавий туризм 7.2. Жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризми 7.3. Мавзули туризм

Географик ва туристик талаб йўналиши бўйича туризмнинг турлари қуйидаги тавсифий хусусиятларга эга:

Халқаро туризм – мамлакат фуқаросининг чет давлатларга туристик мақсадларда чиқиши ва чет давлат фуқароларининг туристик мақсадлар билан ушбу давлатга ташриф буюриши ҳисобланади. Халқаро турист тушунчасига кўра, ташриф буюрган хорижий давлатга 24 соатдан кам бўлмаган муддатга келган ва малакавий фаолиятига ҳақ тўланмайдиган вақтинчалик ташриф буюрган туристлар киради.

Туристик оқимларнинг йўналиши бўйича туризм турлари «кирувчи» ва «чиқувчи» тоифаларига бўлинади. Кўпгина ривожланган мамлакатларда туризм турлари уйғун ҳолатда ривожланади, «ички» ва «ташқи» туризм соҳасида мувозанат сақланади.

Туризм хизматлар бозорини мувофиқлаштиришда Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ишланмалари бўйича қуйидаги нисбат тавсия қилинади:

1 та кирувчи турист - 1 та чиқувчи турист - 4 та ички турист.

Ушбу нисбатнинг Ўзбекистон бўйича 2015 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, ҳар битта кирувчи туристга 1, 4 нафар чиқувчи турист тўғри келиб, шуларга нисбатан ички туристлар сони 3, 5 нафар туристни ташкил этмоқда.

1 та кирувчи турист - 1, 4 та чиқувчи турист - 3, 5 та ички турист.

БТТ тавсиялари асосида Ўзбекистон бўйича 2015 йилда ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра, чиқувчи туристлар сонининг кирувчи туристларга нисбатан 0, 4 кишига кўплигини кўрсатмоқда. Бу вазият Ўзбекистон фуқароларининг оилавий бюджетидан бевосита туристик мақсадларга ажратилган қисми ортиб бораётганлигини ифодалайди. Бу, ўз навбатида, ижобий кўрсаткич бўлиши билан биргаликда, унинг салбий оқибатлари ҳам мавжуд бўлиб, республикадан чет эл валютасининг чиқиб кетишига ҳам сабаб бўлмоқда. Юқоридаги БТТнинг нисбатига кўра, ички туризм 4 кишига эга бўлиши керак эди, демак, Ўзбекистон шароитида ички туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш етарли даражада эмаслигини кўрсатмоқда.

Ички туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати. Ички туризм давлат чегараларини кесиб ўтиш билан ва туристик расмиятчилик билан боғлиқ эмас. Миллий валюта, тил, ҳужжатлар олдингидек ўзгармасдан қолади. Дунёдаги сафарларнинг 80-90 фоизи ички туризм улушига тўғри келади. Унга қилинадиган харажатлар халқаро туризм харажатларидан 5-7 баробар кам бўлади. Айниқса, туризмнинг бу тури АҚШ, Франция, Англия мамлакатларида оммабоп ҳисобланади.

Кирувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати.

Чиқувчи туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг ўзга мамлакатларга қилган саёҳати.

Тарихий обидалар туризми – Бухоро, Хива, Самарқанд, Шаҳрисабз, Тошкент шаҳарларидаги ва республикамиз туманларидаги тарихий обидаларни кўришга қизиқиш.

Археологик туризм – Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа шаҳарларнинг қолдиқлари, қадимий қалъалар харобалари, кўҳна қадимий Марказий Осиё халқлари ҳаёти ҳақидаги археологик топилмаларни ўрганиш.

Рекреацион туризм – "рекреация" атамаси лотинча "ресреатион" – "тикланиш" сўзидан келиб чиққан бўлиб, дастлабки мазмуни унинг ҳозирги замонавий тушунчасига тўлиқ мос тушади. У, одатда, "дам олиш, меҳнат қилиш жараёнида инсон томонидан сарфланган ишчи кучини тиклаш" маъносида талқин қилинади. Дастлабки талқиндан фарқли равишда, замонавий талқини кўпроқ ижтимоий аҳамиятга эга.[39] Рекреацион туризм қатор давлатлар учун туризмнинг оммавий шакли бўлиб ҳисобланади.

Соғломлаштириш ва даволаш мақсадларида қилинадиган туризм – ҳеалтҳ анд фитнес тоур ор ресорт тоур. Спа ёки ҳеалтҳ спа – санаторийлар, курортлар, пансионатлар, соғломлаштирувчи – даволовчи ташкилотлар, курорт зоналарида, шифобахш сувлар, шифобахш балчиқлар ва бошқалар ёрдамида (шифобахш минерал сувли курортларда) олиб борилади. Туристик соҳага ихтисослаштирилган соғломлаштириш мақсадларига қараб, дам олиш масканларида минерал сувларни ичиш ёки минералли ва олтингугурт-водородли ванналар қабул қилиш имкониятлари белгиланади. Бунга мисол тариқасида чет эл шифобахш сувли курортларидан – Россиядаги Кавказда жойлашган Кисловодск, Железноводск, Пятегорск, Есентуки; Виши, Виттел ва Экс-ле-Бен (Франция); Бад-Наукейм, Висбаден ва Баден-Баден (Германия); Карлави-Вари (Чехия); Спа (Бельгия); Бат ва Бакстон (Буюк Британия); Бурса (Туркия); Атами (Япония) термал булоқларининг каттагина қисмини келтириш мумкин.

---

[39] Usmanova Z.I. "O'zbekistonda turistik - rekreatsion xizmatlarni rivojlantirish xususiyatlari va tendensiyalari". Iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

Ўзбекистон табиати бой ва ранг-баранг бўлиб, мамлакатнинг турли ҳудудларида 200 дан ортиқ шифобахш ер ости минерал суви ва балчиқ манбалари аниқланган. Ушбу ер ости сувлари кимёвий таркиби, тиббий-биологик ва бошқа хусусиятларига кўра турли-тумандир. Ушбу манбалар асосида физиотерапевтик шифохоналар, санаторий-курортлар ва бошқа соғломлаштириш муассасалари ташкил этилган. Фарғона водийсида жойлашган «Чортоқ», «Шоҳимардон», «Арслонбоб», «Олтиариқ», «Чимён», Самарқанд вилоятида жойлашган «Абу Али ибн Сино», Бухородаги «Ситораи Моҳи-Хоса» ва Тошкент шаҳрида жойлашган «Чинобод» ҳамда «Турон» каби минерал сув билан даволаш дам олиш имкониятига эга бўлган санаторийлар, дам олиш оромгоҳлари мавжуд. Бугунги кунда мамлакатимизда 57318 дан зиёд кишига мўлжалланган махсус санаторий, профилакторий, дам олиш уйлари ишлаб турибди.[40]

Малакавий иш туризми. Туризмнинг мазкур турига иш мақсадлари билан амалга оширилган сафарлар киради. Ҳозирги иқтисодиётни модернизациялаш шароитида хусусий тадбиркорларнинг фаолияти хорижий ҳамкорлар билан ишлашни тақозо этмоқда, шу туфайли маҳаллий тадбиркорларнинг халқаро муносабатлари ривожланиб бормоқда. Иш туризмининг афзаллиги шундан иборатки, уни туризм соҳаси учун номавсумий пайтда ҳам ташкил этиш имкониятини беради.

Туризмни мазкур турининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, ишчанлик вазиятида ўтадиган учрашув иштирокчилари мамлакат бўйлаб қилинган саёҳат пайтида оддий туристга нисбатан кўпроқ маблағ сарфлайди. Шунинг учун кўпгина давлатлар халқаро форумларни ва шунга ўхшаш тадбирларни ўз мамлакатида ўтказишга ҳаракат қиладилар (масалан, турли форум, фестиваль, қишки ва ёзги спорт мусобақалари ва ҳ.к.).

Илмий туризм. Ўқиш, таълим олиш мақсадида, малака ошириш мақсадида сафар қилиш халқаро туризмнинг нисбатан янги турлари сафига киради. Хорижда таълим олиш учун сафар қилиш Ўзбекистонда ҳам турбизнеснинг янги сегментларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ушбу сафарларнинг оммабоп бўлиб бораётган тури–бу хорижий тил ўрганиш мақсадида Буюк Британияга ва

[40] “2016-yilda O‘zbekiston Respublikasida turizm va dam olishni rivojlanishining asosiy ko‘rsatkichlari” statistik byulleteni. Toshkent. 2017 y.

бошқа инглиз тилида сўзлашадиган давлатларга сафарларни амалга ошириш.

Ҳозирги вақтда катта қизиқиш уйғотаётган ***спорт туризмининг*** асосий мақсади туристларга ўзлари танлаган спорт тури билан шуғулланишга имконият яратиб беришдан иборат. Спорт туризми зарурий база мавжудлигини: турли инвентарларни, махсус трассаларни, арқон йўллар, спорт майдончаларини, асбоб-ускуналарни талаб этади. Спорт туризми бўйича саёҳатларга қўйиладиган асосий талаблардан бири – бу дам олувчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳисобланади. Спорт туризмининг саёҳатлари сафарларнинг мақсадига боғлиқ равишда 2 турга бўлинади: актив ва пассив равишда бўлиши мумкин.

Шоп-турлар Россия ва Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатлари учун хос бўлган, хорижга ташрифнинг асосий мақсади ушбу мамлакатда танқис бўлган халқ истеъмол товарларини харид қилиш ва уни ўз мамлакатида сотиш ҳисобланади (пойабзал, трикотаж, ёзги ва қишки кийимлар ва бошқа маҳсулотлар – Хитой, Туркия, Италия, Португалиядан; мебель ва жиҳозлар – Дубай, Хитой ва Италиядан; теле-радио маҳсулотлари – Бирлашган Араб Амирликлари (БАА), Хитойдан; автомашиналар – Германия, Жанубий Корея, Бирлашган Араб Амирликларидан.

Диний туризм – зиёрат қилиш мақсадидаги саёҳат сифатида ҳозирги кунда жуда юқори талабга эга бўлиб, оммавий тус олмоқда. Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили кўплаб ватандошларимиз Маккаи Мадинага Ҳаж ва Умра сафарларини амалга оширмоқдалар. Дунёдаги кўпгина одамлар Макка-ю Мукаррама, муқаддас ер бўлган Ватикан ибодатхоналари ва бошқа жойларни зиёрат қилиш учун саёҳат қилишади. Ўзбекистонда бундай муқаддас зиёрат қиладиган жойларга Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва бошқа вилоятларимизда жойлашган тарихий ёдгорликлар мисол бўла олади. Айниқса, мусулмон олами учун кичик ҳаж ҳисобланган, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Имом Мотрудий, Маҳмуди Аъзам Дахбитий, Ҳаким Термизий, Ҳазрати Имом зиёратгоҳлари диний туризмни ривожлантиришда муҳим ўринга эга бўлмоқда.

Қўмсаш, соғиниш туризми – бу, асосан, қариндош ёки дўстларини кўришга мўлжалланган бўлиб, ўз мамлкатларидан айрим сабабларга кўра кўчиб кетган кишилар билан боғлиқдир.

Қўмсаш туризмига яққол мисол бўлиб, Ўзбекистонда собиқ Иттифоқ даврида яшаган ва ҳозирги пайтда ҳам уларнинг қариндош-уруғлари республикамизнинг турли шаҳарларида фаолият кўрсатиб келаётган қрим-татар, кавказ халқлари, немислар ва бошқа миллатга мансуб бўлган аҳолини кўрсатишимиз мумкин.

Экотуризм – нафақат маърифий-маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда бетакрор табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий-иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экологик муаммоларни ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Овчилик туризми – республикамизда ов қилишнинг ҳуқуқий-қонуний меъёрлари яратилган бўлиб, овчиликнинг турли йўналишлари бўйича катта салоҳиятга эга, табиий-ҳудудий минтақалари бўлган дарёларнинг сув ҳавзалари, тоғ олди зоналари, чўл ва адир ҳудудларининг мавжудлиги. Бунга мисол қилиб, Нурота, Фориж, Бурчмулла, Бахмал, Зомин тоғ зоналари, Арнасой, Ҳайдаркўл, Тўдакўл, Шўркўл сув ҳавзалари; Устюрт платаси, Қизилқум, Конимеҳчўл зоналарини келтирсак бўлади.

Гастрономия туризми – бу мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш ҳамда келган сайёҳларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади. Гастрономик тур хизмат сифатида нафақат саёҳат қилиш бўлиб ҳисобланади, балки дунёнинг бошқа бирор жойида такрорланмайдиган ва бетакрор таъмга эга бўлган масалликлардан таркиб топган, маълум бир ҳудуддагина учровчи таомларни татиб кўришга қаратилган тадбирлар мажмуига киради.

Сафар туризми – кўриқхонага ҳайвонларни томоша қилиш учун сайр, овчилик, балиқ ови мақсадидаги саёҳат, фото-овчилик, табиатда ажойиб ҳайвонларни эркин ҳолда кўриш мақсадидаги сайрлар. Саёҳат дастурига нафақат маҳаллий жойларни кўриш, балки тоғли ҳудудда автомобиль бошқариш, тўсиқларни енгиб ўтиш, лагерь ҳаётига ўрганиш, фавқулодда вазиятларда яшаб кета олиш кабиларни ўргатади.

Спелеотуризм[41] – ғорларни ўрганиш ёки спорт мақсадларида кириш. Спелеотуристлар ғорлардаги турли тўсиқларни махсус асбоб-ускуналар ёрдамида босиб ўтади. Ушбу тўсиқларга девордан

[41] M.Xoshimov “Speleoturizm”. Adabiy-publitsistik nashr. –S.: “Zarafshon” nashriyoti, 2009, 18 b.

тирмашиб чиқиш, ер ости сувларини кечиш ёки аквалонг ёрдамида сузиб ўтиш, тор йўлаклардан юриш кабиларни киритиш мумкин. Спелеотурист тоққа чиқиш кўникмаларига эга бўлиши, дайвер ва уста сузувчи бўлиши керак. Ҳаттоки, энг оддий спелеотургa ҳам якка ҳолда эмас, балки гуруҳ билан бориш мақсадга мувофиқ.

Экстремал туризм [42] – хатарли тусдаги туризм – спорт туризмининг турли хил кўриниши, турист учун анча хатарлилиги билан ажралиб туради. Экстремал туризм ишқибозлари ўртасида тоғдан баланд объектдан парашютда сакраш, баланд объектлардан резина арқон билан кўпинча кўприклардан сакраш ва ҳ.к.лар оммалашган.

Этнографик туризм – турли халқлар, элатлар ва ҳудудларнинг урф-одатлари, маданияти ва турмуш тарзини ўрганишга бўлган ҳаракат, интилишлар инсонларни саёҳат қилишга ундайди. Масалан, турли халқларнинг урф-одатлари, турмуш тарзи, миллий таомлари, кийим-кечаклари, рўзғор буюмлари, маданий-тарихий обидалари туризм соҳасида энг оммалашган хизмат кўрсатиш турлари сифатида намоён бўлиб келмоқда.

Маданий-танишув туризми. Туристнинг маданий дунёқарашини кенгайтиришга бўлган эҳтиёжи ушбу туризм турининг асосини ташкил этади. Бу туризм маданий қадриятлар билан танишиб, турист ўз хоҳиши асосида билим олиш имкониятига эга бўлади.

Спорт туризми. Спорт туризмининг 2 та тури мавжуд: актив ва пассив. Актив спорт туризмининг асосини спортнинг ихтиёрий тури билан шуғулланиш эҳтиёжи ташкил этади. Пассив спорт туризмида эса – спорт турига қизиқиш, асосан кузатув ташкил этади. Спорт туризми охирги вақтларда анча фаоллашиб бориб, унинг таркибига қуйидаги спорт фаолияти киритилмоқда:

Сув туризми – сув ресурсларига эга бўлган мамлакатларда қадим замонлардан маълум бўлган фаол ҳаракатланиш фаолияти ҳисобланади. Охирги вақтларда янги замонавий шаклларининг яратилиши ушбу туризм турининг ўсишига олиб келди. Бунга, асосан, туристлар томонидан харид қилинадиган ёки ижарага олинадиган турли ҳажмдаги ёки кўринишдаги сув транспортидан

---

[42] X.M.Mamatqulov “Xizmat ko‘rsatish sohasiga oid atamalar va iboralar izohli lug‘ati”. T.: “Iqtisod-moliya”, 2010, 372 b.

фойдаланишнинг кенгайши катта таъсир кўрсатмоқда. Бу туризм тури инфратузилмасининг асосини спорт бандаргоҳи ташкил этади.

Қишки спорт. Қишки спорт амалиёти анъанавий туристик фаолиятлардан бири ҳисобланади. У турли кўринишларга эгадир: алп чанғилари, тоғ чанғилари ва бошқалар. Одатда, қишки туризм тоғдаги қишки станцияларда ташкил этилади.

Овчилик ва балиқ ови. Бу туризм ҳам анъанавий туризм турларидан бири бўлиб, маълум белгиланган қоидалар асосида ташкил этилади, яъни унда иштирок этиш учун махсус рухсатнома ва лицензиялар талаб этилади. Овчилик ва балиқ ови географик жойлашув, фасл ва ҳайвонлар ҳамда балиқларнинг баъзи турларини сақлаш мақсадида жорий қилинган чекловлар ва рухсатларга боғлиқ ҳолда ташкил этилади. Овчиликнинг бир тури сифатида Африканинг қўриқхоналарида ташкил этиладиган сафарларини киритиш мумкин. Шуни таъкидлаш керакки, спорт туризмининг бу тури ихтисослашган ҳисобланиб, ўзининг тарафдорларига эгадир.

Голф спорт туризмининг бир тури ҳисобланиб, Буюк Британияда вужудга келган ва кейинчалик бошқа мамлакатларга кенг тарқалгандир. Шуни таъкидлаш керакки, спорт туризми кенг инфраструктурага эга бўлиши керак. Унинг таркибига спорт ускуналарини ижарага бериш жойлари, хизмат кўрсатиш ҳудудлари, кийим алмаштириш хоналари, техник хизмат кўрсатиш хизматлари, махсус иншоотлар (майдонлар, кортлар, бассейнлар ва бошқалар) киритилади. Катта хавф-хатар ва жароҳат олиш эҳтимолининг юқорилиги тиббиёт пунктларининг мавжудлигини талаб этади. Бундан ташқари, жойлашув, овқатланиш объектлари, дўконлар, дискотекалар ва шу кабиларни ўз ичига оладиган қўшимча хизматлар ҳудудлари ҳам бўлиши керак.

Социал туризм – кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламлари ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилувчи шахслар томонидан истеъмол қилинадиган, лекин давлат бюджети, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳомийлар, туризмда фаолият кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахсларнинг ижтимоий эҳтиёжларга ажратилган маблағлари ҳисобидан қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган туристик саёҳатларнинг барча турларига айтилади.

4.1.2-жадвал

Туризм турларининг ўзига хос жиҳатлари

№	Умумий белгилар	Ўзига хос томонлари	Туризм турлари
1	Ҳаракатланиш усули бўйича	Яёв юриш	Пиёда туризми, спорт туризми, тоғ туризми
		Авиатранспортда учиш	Халқаро туризм, авиакруиз, спорт туризми
		Ҳаво шарларида учиш	Спорт туризми, экстремал туризм, маданий туризм
		Дельтапланда учиш	Спорт туризми, экстремал туризм, тоғ туризми
		Денгиз транспорти	Денгиз круизи, спорт туризми
		Сув усти ва сув ости сузиш ускуналари	Дайвинг, сёрфинг, аквабайкинг, экстремал туризм, спорт туризми
		Дарё транспортида юриш	Дарё круизи, овчилик туризми
		Автотранспортда юриш	Автомобиль туризми, караванинг, экстремал туризм, спорт туризми (ралли), сафари
		Автобусда юриш	Автобус круизи, маданий туризм, тарихий туризм
		Темир йўл транспортида юриш	Темир йўл круизи
		Велосипедда юриш	Спорт туризми, экстремал туризм
		Уловларда юриш	Экстремал туризм, экзотик туризм, тарихий туризм, сафари
2	Жойлашув воситалари бўйича	Отелларда, меҳмонхоналарда жойлашиш	Туризмнинг барча турлари
		Мотелларда жойлашиш	Автомобиль туризми, спорт туризми, экстремал туризм
		Пансионатларда жойлашиш	Соғломлаштириш туризми, рекреацион туризм, қишлоқ туризми
		Кемпингларда жойлашиш	Автомобиль туризми, спорт туризми, экстремал туризм, тоғ туризми, экотуризм, ёшлар туризми, сафари
		Палаткаларда жойлашиш	Рекреацион туризм, спорт туризми, экстремал туризм, тоғ туризми, спелеотуризм, болалар туризми, ўсмирлар туризми, ёшлар туризми, сафари

4.1.2-жадвалнинг давоми

		Ротелларда жойлашиш	Экзотик туризм, автобус круизлари, ёшлар туризми
		Ботелларда жойлашиш	Спорт туризми, дайвинг, сёрфинг, экстремал туризм, экзотик туризм
		Санаторийларда жойлашиш	Социал туризм, соғломлаштириш туризми, даволаш туризми, рекреацион туризм
		Флотелларда жойлашиш	Спорт туризми, дайвинг, сёрфинг, экстремал туризм, экзотик туризм
		Хостелларда жойлашиш	Социалтуризм, ёшлар туризми, таълим туризми
		Отел-клубларда жойлашиш	Бизнес туризм, спорт туризм
		Турбазаларда жойлашиш	Спорт туризми, экстремал туризм, тоғ туризми, спелеотуризм, сафари
		Туристик уйларда жойлашиш	Тарихий туризм, маданий туризм, қишлоқ туризми
		Аппартаментларда жойлашиш	Шаҳар чегарасида ташкил этилган туризм турлари
		Аквателларда жойлашиш	Спорт туризми, дайвинг, сёрфинг, экстремал туризм, экзотик туризм
		Таймшерларда жойлашиш	Шаҳар чегарасида ташкил этилган туризм турлари, сафари
		Оромгоҳларда жойлашиш	Социал туризм, болалар туризми, ёшлар туризми, сафари
3	Овқатланиш хизматлари бўйича	Овқат истеъмол қилиш мақсадидаги саёҳат	Гастрономик туризм
		Фақат маълум бир турдаги овқатларни истеъмол қилиш	Гурманлар туризми
		Тез тайёрланадиган овқатларни истеъмол қилиш	Ёшлар туризми, пиёда туризми
		Махсус овқатларни талаб этиши	Болалар туризми, даволаниш туризми, соғломлаштириш туризми, спорт туризми, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризми
4	Туристларнинг ўзига хос томонлари	Махсус хизматларни талаб этиши бўйича	Болалар туризми, ёшлар туризми, таълим туризми, археологик туризм, экстремал туризм, спорт туризми, илмий туризм, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризми
		Қўшимча шароитларни талаб этиши бўйича	Болалар туризми, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар туризми, таълим туризми, сафари

Социал туризмнинг мақсади фойда олиш эмас, балки даромади кам бўлган кишиларни дам олишга бўлган ҳуқуқини амалга ошириш учун уларни қўллаб-қувватлаш ҳисобланади. Туризмнинг мазкур тури чет элда кенг тарқалган. Собиқ Иттифоқ даврида ҳам туризмнинг мазкур тури оммабоп ҳисобланган, унинг улушига ички туризмнинг қарийб 80 фоизи ва халқаро туризмнинг 50 фоизи тўғри келар эди. Социал туризм хизматлари – ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига (болалар, ўсмирлар, ёшлар, жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар, кам таъминланган аҳоли гуруҳлари) ҳамда чегирмали йўлланмаларни харид қилган шахсларга, социал туризм субъектлари (социал туристик бирлашмалар, болалар ва ўсмирлар туристик ҳамда турли соғломлаштириш-курорт муассасалари, имтиёзли асосда хизмат кўрсатувчи бошқа туристик корхоналари) томонидан, давлат, давлат ва нодавлат жамғармалари, ҳуқуқий ва жисмоний шаҳсларнинг маблағлари ҳисобига қисман ёки тўлиқ молиялаштириладиган, туристларнинг мутаносиб эҳтиёжларини қондиришга қаратилган хизматлар мажмуасидир.[43]

Ташкил этилган туризм – бу тур ташкилотлар томонидан ташкил этилаган алоҳида шахсларни ёки бир гуруҳ туристларнинг саёҳатидир. Ташкил этилган тур бўйича туристлар туристик йўлланмани харид қилиш йўли билан саёҳатга чиқиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Бунда хизмат турлари турлича бўлиши мумкин. Масалан, туристлар туристик йўлланмасиз борганда, хизматлар мажмуасини, яъни транспорт, овқатланиш, яшаш хизматлари учун борган жойида курсовкани харид қилиб олишлари мумкин.

4.2. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари

Туризмнинг актив ва пассив турларга бўлинишининг асосий мазмуни одамларнинг туризм жараёнида ҳаракатланиши ва мижозларнинг турларини аниқлаш билан белгиланади.

Катта жисмоний куч талаб қилинадиган ва ҳамма туристлар қатламига ҳам тўғри келадиган туризмнинг ***актив турларига*** – дам олиш ва саёҳат, вақтичоғлик, спорт кабилар киради. Актив

[43] Norqulova D. “O‘zbekistonda sotsial turizm xizmatlarini rivojlantirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmini takomillashtirish” mavzusidagi iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

туризмга ҳар хил саргузаштли саёҳатларни ҳам киритиш мумкин: саргузаштли туризм (адвентуре тоур), экзотик жойларга, вулқонларга, оролларга, шаршараларга ва шу каби жойларга боришга айтилади. Одатда, бу экзотик ва экологик жиҳатдан тоза табиий ҳудудлар, Ғарб саёҳатлари, ноанъанавий транспорт воситалари билан боғлиқ бўлган, бирор-бир қолипга тушмаган туризмдир. Баъзи ҳолатларда бу хилдаги туризм жиддий жисмоний зўриқишлар (ехтгеме тоур) билан боғлиқ бўлади. Туристдан мустаҳкам соғлиқ ва довюраклик талаб қилинади. Масалан, Колорадонинг тошқин дарёларида қайиқларда, шимолдаги мамлакатларда итлар тортадиган чаналарда сайр қилиш ва тоғ-чанғи курортларидаги дам олиш ва бошқалар шулар жумласига киради. Уларда қатнашиш учун туристлар олдиндан маълум кўникмага ва жисмоний тайёргарликка эга бўлишлари керак бўлади.

Фаол (ҳаракатлантирувчи) туризмнинг турлари:

✓ *Тоғ туризми* – тоғли ҳудудлар (тик қоялар, ўтиш жойлари, тошли жойлар, музликлар, тоғ дарёлари ва бошқалар) бўйлаб пиёда саёҳатларни ўз ичига киритади. Тоғ туризми тоза ҳавода очиқ осмон остида хилма-хил туристик маршрутлар ва экскурсиялардир;

✓ *Сув туризми* – катамаранлар, байдаркалар, рафтлар ва бошқа сузиш воситаларида дарёларда сузишдан иборат;

✓ *Чанғи туризми* – чанғида турли даражадаги табиий тўсиқлардан ўтиш;

✓ *Спелеотуризм* – танишув ёки спорт мақсадларида турли шаклли ғорларда саёҳат қилиш;

✓ *Пиёда туризми* – ҳаракатланиш қийин бўладиган ҳудудларда пиёда саёҳатлар;

✓ *От туризми* – отлар устида ёки араволарда саёҳат қилиш;

✓ *Велосипед туризми* – велосипедда турли маршрутлар бўйича ҳаракатланиш;

✓ *Авто ёки мототуризм* – тегишли транспорт турида саёҳатларни қамраб олади.

Шу билан бирга, экстремал дам олиш (дельтаплан ёки парапланларда учиш) ҳам фаол туризм турларига киритилади.

Фаол туризм билан шуғулланиш учун спорт билан шуғулланиш ва яхши жисмоний тайёргарликка эга бўлиш талаб этилмайди. Қийинлик даражаси паст бўлган маршрутлардан бошлаб, уларни махсус гуруҳлар билан ўтиш маслаҳат берилади. Қийинлик

даражаси юқори бўлган маршрутларни махсус тайёргарликдан ўтган инсонларгина бажариши мумкин.

Туризмнинг пассив турига туристик саёҳатнинг тинчроқ ва кам куч сарф қилинадиган, жисмоний зўриқишга хос бўлмаган тури киради. Бу тур бир маромда дам олишга мослашган шахсларга мўлжалланган, танишиш туризми бўлиб, даволовчи характердаги соғломлаштирувчи хусусиятлардан иборат, яъни турли санаторий ва курортларни шулар қаторига киритиш мумкин. Бундай турдаги туризм кўпроқ ёш фарзандли оилаларга, катта ёшдаги туристларга ва нафақахўрларга тегишли бўлади.

4.3. Туристик-рекреацион кластерни шакллантириш

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг амалда синалган усуллардан бири бўлган кластерларни шакллантириш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Иқтисодиётнинг туризм соҳасини кластерли ташкил этиш ўзининг бир қанча афзалликларига эга бўлиб, у кластер иштирокчиларининг манфаатдорлик тизимида фаолият кўрсатади ва ҳудудни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратади.

Туризмнинг ички табиати икки хил характерга эга: бир томондан, у маълум ҳудуд бўйлаб ҳаракатланиш-саёҳат қилиш шакли бўлса, бошқа томондан, иқтисодий фаолият тури ҳисобланган туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни реализация ва истеъмол қилиш субъекти ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда амалиётда синалган туристик-рекреацион фаолият кластери қуйидаги муҳим вазифаларни бажариш имкониятига эга:

– туристик ресурсларни рўйхатга олиш;

– замонавий туризм бозорини шакллантириш;

– ҳудудда ички ва ташқи туризмнинг устувор йўналишларини ривожлантириш;

– туристик фаолиятнинг давлат бошқаруви тизимини шакллантириш;

– соҳадаги турли кўринишдаги тадбиркорлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

– минтақа туристик фаолиятининг миллий ва халқаро туризм бозорига интеграциялашувини таъминлаш ҳамда соҳадаги халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

– туристик объектларни қуриш ва таъмирлаш ишларига бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилиш;

– туристик кадрларни тайёрлаш, малакасини оширишнинг замонавий тизимини жорий этиш;

– ҳудудий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда туризм соҳасидаги илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш.

Туристик-рекреацион кластер фаолияти маълум модель ёки намуна асосида шаклланади ва бундай моделда, биринчи навбатда, туризмнинг ҳудудга хос белгилари инобатга олинади. Моделда мавжуд ресурслардан фойдаланиш учун зарур бўлган унсурларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бири иккинчисини тўлдириши, уларнинг рақобатбардош хизмат турларини яратишдаги улуши инобатга олинади.

Мамлакатимизда ва хорижда туризмни ривожлантиришнинг кластерлаштириш жараёнига оид илмий ишларда айрим муаллифлар бу соҳани фақат туристик тадбиркорлик тизими фаолияти доирасидагина тадқиқ қилганлар. Бундай ҳолатларда ҳудудий кластерлаштиришга таъсир кўрсатувчи глобаллашув жараёни ва унинг серқирралилиги ўз аксини топмайди. Бу жараёнларда иқтисодиётнинг бошқа секторлари, жумладан, оммавий фойда келтирмайдиган уй хўжалиги секторлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Минтақанинг туристик-рекреацион кластери унинг таркибига кирувчи хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини оширишга имкон беради. Мазкур субъектлар учун ахборот алмашинуви ва янгиликларни жорий этиш имконияти кучаяди, ҳамкорликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш масаласи енгиллашади, туристларга хизмат кўрсатувчи инфраструктура объектларидан ҳамкорликда фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. Таълим тузилмаларида кадрлар тайёрлаш, рақобатчи – хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият самарадорлигини бир-бири билан таққослаш реал воқеликка айланади. Туристик-рекреацион кластер фаолият кўрсатадиган ҳудудда минтақада мавжуд керакли малака ва кўникмага эга бўлган меҳнат ресурслари, кластер иштирокчиларининг хўжалик юритиш доирасида инвестиция фаолияти ва солиққа тортишнинг ўзига хос тартиби билан боғлиқ янги тузилмаларнинг пайдо бўлиши учун қулай шарт-шароитлар юзага келади.

Ўзбекистон минтақаларида туристик кластерларнинг шакллантирилиши туристик-рекреацион ресурслардан тўлиқ фойдаланиш

замирида янги туристик фирмалар очилишига ва мавжудларининг ишини янада фаоллаштиришга туртки беради ҳамда янги турдаги туристик маҳсулотларнинг яратилишига асос бўлади.

Кластернинг минтақада муваффақиятли фаолиятини таъминлаш учун тегишли бизнес муҳити яратилиши лозим ва бу муҳит турли ташқи омилларнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Туристик-рекреацион кластернинг ривожланишида маъмурий муҳит муҳим аҳамиятга эга бўлади. Туризм соҳасининг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши ҳамда қонун, қарорларнинг қабул қилинганлиги мамлакатимизда бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлигидан дарак беради.

Туризмга ёндош соҳаларнинг фаолияти кластер ривожининг кенг қулоч ёйишига туртки бўлади. Кластер бундай турдаги корхоналарсиз ҳам мавжуд бўлиши мумкин, аммо уларнинг иштироки кичик бизнес ривожига имкон беради. Шунинг учун таҳлил ёндош корхоналарнинг кластер шаклланишидаги, туризмнинг истиқболли турлари ривожидаги улушини инобатга олиш имкониятини яратади.

Таянч сўз ва иборалар: кириш туризми, чиқиш туризми, халқаро туризм, соғломлаштириш ва даволаш мақсадларида қилинадиган туризм, экологик туризм, сафари тур, қўмсаш туризми, диний туризм, актив ва пассив туризм.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризм соҳасининг таснифланиши қандай амалга оширилади?
2. Ҳаракатларнинг турларига нисбатан туристик маршрутлар таснифи қандай кўринишларга эга?
3. Туризм турларининг таснифи бўйича яна қандай турларни биласиз?
4. Диний туризмнинг ҳозирги фаолияти нимадан иборат?
5. Актив ва пассив туризм турларидаги хусусиятларининг фарқи нимадан иборат?
6. Ўзбекистонга сафар мақсадларига кўра фуқароларнинг ташрифлар маълумотлари нимани ифодалайди?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Туризм соҳасининг таснифланишида ҳаракатланиш усули бўйича туризм турларини аниқланг ва тақдимот тайёрланг.

2. Туризм соҳасининг таснифланишида жойлаштирув воситалари бўйича тақдимот тайёрланг.

3. Туризм соҳасида иштирок этувчилар сони бўйича туризм турларини аниқланг ва тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. Қуйидаги таърифлардан қайси бири «ички туризм» тушунчасини ифодалайди?

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати;

б) бир мамлакат фуқаросининг бошқа мамлакатга саёҳат қилиши;

д) бирор бир мамлакат фуқаросининг ўз аҳолиси бўлмаган мамлакатга саёҳат қилиш учун келиши;

е) узоқ қариндошларни кўриш ва соғлиқни тиклаш мақсадида даволаниш.

2. Халқаро туризмга таъриф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) шахснинг туристик мақсадларда доимий яшайдиган мамлакатидан ташқарига саёҳати;

б) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди;

д) ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда (тўланадиган фаолиятсиз) туристик мақсадларда саёҳат қилишига айтилади;

е) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш.

3. Кирувчи туризмга таъриф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшамайдиган фуқароларнинг Ўзбекистон ҳудуди бўйлаб қиладиган саёҳати;

б) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди;

д) жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойидан 12 ойдан ошмаган муддатга, борадиган жойида иш ҳақҳи тўланадиган фаолият билан шуғулланмасдан, даволаниш, ўрганиш, иш ёки бошқа мақсадда саёҳати ҳисобланади;

е) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш.

4. Чиқувчи туризмга тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

а) Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган фуқароларнинг ўзга мамлакатларга қилган саёҳати;

б) фаолияти тўланмайдиган туристлик мақсадларда доимий яшамайдиган шахсларни ўзга мамлакат ҳудудига ташрифи, саёҳати ҳисобланади;

д) вақтинчалик бўладиган мамлакатда саёҳатчиларни сайёҳлик ресурслари билан таништириш мақсадидаги фаолиятни ташкиллаштириш бўлиб, бунда жойлаштириш юзасидан хизмат кўрсатиш назарда тутилмайди;

е) жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойидан 12 ойдан ошмаган муддатга, борадиган жойида иш ҳақҳи тўланадиган фаолият билан шуғулланмасдан, даволаниш, ўрганиш, иш ёки бошқа мақсадда сайёҳати ҳисобланади.

5. Социал туризм – бу…

а) турли молиявий манбалар томонидан ижтимоий эҳтиёжларга ажратиладиган маблағлар ҳисобидан саёҳат қилиш ҳисобланади;

б) хорижга ташрифнинг асосий мақсади бўлиб, олиб яна қайта сотиш учун халқ истеъмоли товарларини харид қилиш ҳисобланади;

д) ўзига хос тарзда дам олишни бир тури бўлиб, туристларни нафақат улар учун жалб қилувчи жойлар билан таъминлаш, балки ғалати, ғайритабиий фаолият тури билан шуғулланишга жалб қилади;

е) туризмнинг мазкур тури қариндошларникига, туғилган жойларга ва яқинлариникига ташриф буюриш.

5-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РЕСУРСЛАРИ

Режа:

5.1. Туризм ресурсларининг моҳияти.

5.2. Туризм ресурсларининг гуруҳланиши.

5.1. Туризм ресурсларининг моҳияти

Туризм соҳасининг ресурслари ҳар бир мамлакатнинг миллий бойлиги бўлиб, улар давлат мулки ҳисобланади. Аммо улардан бир қисми жаҳон аҳамиятига молик объектлар ва ёдгорликлар ҳисобланиб, ЮНЕСКО нинг «Жаҳон мероси» рўйхатига киритилган. Бундай рўйхат ҳар йили ЮНЕСКО томонидан ўрганилади ва янгиланади, рўйхатдаги ушбу табиий, тарихий ва маданий ёдгорликлар давлат томонидан муҳофаза қилинади, умумжаҳон аҳамиятидаги объектлар ва ёдгорликларни таъмирлашга, сақлаб қолишга БМТ томонидан тегишли маблағ ажратилади. Бугунги кунда ЮНЕСКО нинг “Жаҳон мероси” рўйхатида Ўзбекистоннинг 4 та шаҳри ва 31 дан ортиқ тарихий ёдгорликлари ўрин олган.

Бугунги кунда Ўзбекистон катта туристик ресурслар салоҳиятига эга бўлиб, унинг ҳудудида 8000 дан ортиқ тарихий-архитектура ёдгорликлари ва гўзал табиий-иқлимий ресурслари мавжуд. Мамлакатимизда мавжуд жами туристик-рекреацион объектларидан Тошкент шаҳрида 144 таси, Самарқандда 118 таси, Бухорода 201 таси ва Хива шаҳрида 310 таси жойлашган бўлиб, ушбу туристик объектлардан фойдаланадиган туристик фирмалар эса асосан марказий минтақаларда жойлашганини кўрамиз. Аммо бугунги кунда ушбу туристик ресурсларнинг 3/1 қисмигина туризм учун фаолият кўрсатмоқда, қолганлари эса туристик инфратизимнинг шаклланишини ва янги турмаҳсулотлар тайёрлашни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда кўпгина тармоқлар каби туризм индустрияси ҳам тез ривожланиб бормоқда. Туристик бизнесни мавжуд инвестиция, технология ҳамда малакали ишчи-ходимлар орқалигина шакллантириб бўлмайди. Бунинг учун биринчи навбатда, туристик ресурслардан самарали фойдаланиш зарур бўлади.

Мутахассислар туристик ресурсларга қуйидагича таъриф беришган: ***туристик ресурслар*** – табиий, тарихий, ижтимоий-маданий ва бошқа объектлар бўлиб, туристларни саёҳатга

қизиқтирадиган, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий кучини тиклаши ва ривожланиш эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган объектлардир. Туризм соҳасининг ресурслари – туризм мақсадларида ва туризм жараёнида инсоннинг эҳтиёжини қондиришга қодир табиий-иқлим, ижтимоий - маданий, тарихий, меъморий, илмий ва хизмат кўрсатишга доир, томоша қилинувчи объектлар ёки ҳодисалар тўпламидан иборат.

Туристик ресурсларнинг моҳияти шундан иборатки, улар туристик маҳсулот шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади. Туристик ресурслардан соғломлаштириш, туристик, спорт ва танишув мақсадида фойдаланилади. Ундан ташқари, туристик ресурсларни шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин: ***табиий ва инфратузилмали.*** Туристик бизнеснинг ривожланишида юқоридаги икки гуруҳнинг ҳам аҳамияти катта. Ҳар қандай юқори туристик ресурс салоҳиятидан, коммуникация, алоқа воситалари, хизмат кўрсатиш соҳаларисиз фойдаланиб бўлмайди. Мавжуд туристик ресурслар мажмуасини табиий - иқлимий, маданий - тарихий, ижтимоий - иқтисодий, ахборот берувчи ресурсларга бўлиш мумкин.

Туристик ресурслар динамик, яъни ўзгариб турувчи социал иқтисодий жараён бўлиб ҳисобланади, шу сабабли туризм ташкилотчилари томонидан ўтказиладиган ислоҳотлар унга янги сифат ўзгаришларини тақдим этади, натижада янги турдаги туристик фаолият билан шуғулланиш имкониятлари туғилади. Дам олишнинг янги турларининг пайдо бўлиши барча янги туристик ресурсларни жалб қилишга олиб келади.

Туристик фаолиятнинг юқори даражадаги динамиклиги кўпгина сабаблар билан изоҳланади: у ёки бу турдаги дам олиш турининг оммавийлашгани ёки замонавий тусга айланганлиги, табиий ландшафтлар, тарихий-маданий ёдгорликлар ҳамда кишиларнинг иқтисодий, социал ва маданий ҳаётидаги ўзгаришлар шулар жумласидандир. Масалан, ҳудудда экологик туризмнинг тараққий этиши билан, ўзлаштирилмаган ҳудудлар ўзлаштирилиб, туристлар ташрифи учун жозибадор жойларга айлантирилади. Бошқа томондан, кўпгина ташриф буюрувчилар ўзларининг бўш вақтларини экологик вазият ёмонлашган ҳудудларда табиатни муҳофаза қилиш фаолиятига сарф этадилар. Улар ўз ташрифлари мақсади сифатида йирик саноат ҳудудларини танлайдилар, бошқалари эса табиат учун

хавфли бўлган объектларни танлаб, у ерда турли тадбирларни ташкил этадилар: оммавий норозилик намойишлари ёки ўрмонларда оммавий туристлар томонидан ташланадиган чиқитларни камайтириш ва ҳ.к. Шу тарзда бу ҳолат қанчалик жарангламасин, экологик хавфли объектлар ҳам баъзи ҳолатларда туристик ресурслар сифатида талқин этилади.

5.2. Туризм ресурсларининг гуруҳланиши

1. Табиий туристик ресурслар. Табиий туристик ресурсларнинг асосий аҳамияти шундан иборатки, улар инсонларнинг жисмоний ва руҳий қобилиятларини тиклашда фойдаланиш воситалари бўлиб хизмат қилади. Туристлар асосий эҳтиёжларини табиатдан қондирадилар. Туристик фаолиятни ташкиллаштиришда ландшафтлар, иқлим, сув объектлари, денгизлар, минерал сув ва даволовчи ботқоқлар асосий ресурс вазифасини бажаради. Бу ресурслар ўзи ёки инсон томонидан қайта тикланиши мумкин. Бу ресурсларни географик, биологик, геологик ва бошқа жиҳатларга кўра баҳолаш мумкин. Дам олишни ташкил этиш учун табиий туристик ресурсларни таҳлил этиш талаб қилинади. Табиий ресурслар сифатида алоҳида табиат компонентлари ёки бир бутун табиат мажмуаларини олиш мумкин.

Барча табиий ресурсларга рекреация ёки туристик салоҳият нуқтаи назардан қараш лозим бўлади. Табиий туристик ресурсларнинг таснифи мавжуд бўлиб, у икки ёқлама хусусиятга эга, биринчи хусусиятига кўра – табиий келиб чиқиши ва иккинчи хусусияти эса – туризм учун иқтисодий аҳамиятга эгалиги билан боғлиқ. Табиий ресурслар қуйидаги хусусиятларига кўра гуруҳланади.

Келиб чиқишига кўра:

- табиий (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар);
- биологик – тирик табиат (тупроқ ресурслари, флора, фауна);
- энергоинформацияли, табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёрат каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Рекреация сифатида фойдаланиш турига кўра:

- минерал сувлар;

- ботқоқлар;
- тузлар;
- ўрмонлар;
- дарё соҳиллар;
- булоқлар;
- табиатдаги сўлим жойлар.

Ресурсларнинг давомийлик даражасига кўра:

- тугайдиган табиий ресурслар, улар ўз навбатида, янгиланиб турадиган (чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган (минераллар) турларга бўлинади;
- тугамайдиган табиий ресурслар, уларга қуёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари, сувлари киради.

Ўзи қайта тикланиши ва ўсиши имкониятига кўра:

- қайта тикланадиган ресурслар, бунга ўрмонларни мисол келтириш мумкин, ўртача 20–30 йилда қайта тикланади;
- қайта тикланмайдиган ресурслар.

Табиий туристик ресурслар орасида асосий ўринни рекреация ресурслари эгаллайди ва улар мамлакат аҳолисини ҳамда туристларнинг дам олиши ва даволаниши учун хизмат қилади. “Рекреация” тушунчасининг турли талқинларини таҳлил қилиш натижасида, уни уйдан ташқарида, масалан, табиатда, туристик саёҳатларда, санаторий-курорт, соғломлаштириш муассасаларида дам олиш йўли билан соғлиқни ва ишчи кучини тиклаш деб тушунишимиз мумкин.[44]

Табиий ресурслардан тўғридан-тўғри фойдаланиш натижасида бир қанча муаммолар ҳам келиб чиқмоқда. Булар табиатдан нотўғри фойдаланиш, кўплаб режасиз қурилишларнинг амалга ошириш туфайлидир. Натижада тизим мувозанати бузилиб, экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

2. Маданий - тарихий ресурслар. Маълум ҳудуддаги туризмни ривожлантиришда у жойнинг маданий-тарихий ресурслари салоҳияти асосий ўринни эгаллайди. Туристик хизматда маданий - тарихий ресурслардан кўп мақсадларда фойдаланиш мумкин. Маданий мажмуаларнинг жозибадорлиги, уларнинг тарихий ва тасвирий баҳосидан фойдаланиш қулайлигига боғлиқ. Мавжуд

[44] Usmanova Z.I. “O‘zbekistonda turistik - rekreatsion xizmatlarni rivojlantirish xususiyatlari va tendensiyalari”. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

ресурслардан туризм фаолиятида интенсив фойдаланиш, яъни антропоген юкнинг ошиб бориши натижасида табиий туристик ресурсларнинг ифлосланишига, тарихий обидаларнинг тез бузилишига олиб келади. Маданий - тарихий ресурслар, моддий ва маданий турли ёдгорликлар мажмуаси маълум минтақанинг туристик қизиқиш объектлари ҳисобланади.

Минтақаларнинг архитектура ёдгорликларига бойлиги туризмнинг ривожланишига сабаб бўлади. Аммо охирги пайтларда туристик оқимнинг ошиши айрим муаммоларни ҳам келтириб чиқармоқда. Маданий - тарихий ресурсларни туризм мақсадида сақлашни қуйидагича амалга ошириш таклиф қилинади:

- мавжуд тарихий жойлар, бинолар ва ёдгорликларни туристик қизиқиш объектлари сифатида қайта тиклаш;
- табиий ресурсларни муҳофаза қилишни фаоллаштириш;
- туристик эҳтиёжни қондириш мақсадида атроф - муҳитни сақлаш ва яхшилашда бошқарув ташкилотлари масъулиятини ошириш.

Туристик ресурслар ичида жаҳон аҳамиятидаги маданий объект ва ёдгорликлар асосий ўринда туради. «Маданий объект» дейилганда, қуйидагилар тушунилади:

- ёдгорликлар: архитектура бинолари, археологик аҳамиятидаги жойлар, илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга ғорлар, тарихий ёзувлар;
- ансамбллар: илмий, маданий ёки тарихий аҳамиятга эга ўзаро боғланган бинолар гуруҳи. Масалан, Регистон, Шоҳи Зинда, Ҳазрати Имом ансамбли;
- инсон ёки табиат томонидан яратилган эстетик, этнографик, тарихий аҳамиятга эга бўлган, кишини жалб этувчи ўзига хос жойлар.

Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритиладиган объектларнинг қуйидаги хусусиятлари ҳисобга олинади:

- инсон ижодининг ноёб намуналари;
- ажойиб маданий, архитектура объектлари ҳамда маданий ландшафтларнинг алоҳида аҳамиятга эга ҳудудлари;
- замонавий цивилизациянинг ноёб намуналари, қурилишлари;
- инсон тарихи билан боғлиқ бинолар ёки архитектура ансамбллари, ландшафтлари.

Табиатнинг ноёб кўринишларини бутунжаҳон рўйхатига киритиладиган хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- ер қатламининг шаклланишида геологик-геоморфологик жараёнлар асосида шаклланган ёдгорликлар;
- турли-туман ўзига хос экотизимлар, ландшафтлар;
- маълум минтақанинг ўзига хос ўсимлик ва ҳайвонлари;
- камёб биологик турлари.

3. Ижтимоий-иқтисодий туристик ресурслар. Туризм – иқтисодиётнинг кўплаб тармоқлари билан боғланган бўлиб, қурилишдан бошлаб транспорт хизматигача бўлган фаолиятнинг ихтисослашган тури ҳисобланади. Ундан ташқари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, транспорт воситалари, ишлаб чиқарувчи заводлар, мебель ишлаб чиқарувчи корхона ва бошқалар билан ўзаро алоқада ривожланади.

Меҳнат ресурслари. Туристик маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида инсонларнинг жисмоний ва ақлий меҳнати ишлатилади. Бунда инсонларнинг соғлиги ва жисмоний кучи, маълумоти ҳамда малакаси асосий ўринни эгаллайди. Меҳнат ресурсларининг миқдори, малакаси иқтисодий омил сифатида катта аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда жаҳонда ташкил этилган ҳар 7 ишчи ўриндан бири туристик бизнесга тўғри келади. Яқин ўн йил ичида Европа мамлакатларида ва бошқа қатор мамлакатларда ҳам туризм соҳаси янги ишчи жойларни ташкил этишнинг йирик манбаи бўлиб қолмоқда.

Туризм жаҳон хўжалиги меҳнат ресурсларини кўп талаб қилувчи тармоқларидан ҳисобланади. Туризм соҳасидаги банд ишчи кучининг ўзига хос хусусиятларидан бири шундан иборатки, уларнинг 60 фоизи малакасиз ҳисобланади. Уларнинг ярмидан ортиғи аёлларни ташкил этади. Ундан ташқари, туризм индустриясида ёшлар ва чет эл ишчи кучидан кенг фойдаланилади. Европа Иттифоқи мамлакатларида ҳар бир учинчи 16 ёшдан 21 ёшгача бўлган ўсмир туризм соҳасида ишлайди.

Бутунжаҳон меҳнат ташкилоти туризмдаги бандликни учта асосий шаклларга бўлади:

1. Мавсумий иш, бунда асосан сайёҳлик мавсумида туристлар сони бир неча баробарга ошиб кетади, шунда қўшимча ишчи кучига талаб ошади.

2. Тўлиқсиз иш кунига асосан ривожланган мамлакатларнинг меҳмонхона ва ресторан хўжалигидаги банд ишчи кучлари киради.

3. Турли мамлакатларда тўлиқсиз ишчи куни билан ишлаётганлар бутун меҳмонхона бизнесида банд ишчи кучларининг 12 фоиздан 52 фоизгачани ташкил этади.

4. Вақтинчалик иш билан бандлик (дам олиш кунлари, кўргазмалар ташкил этиш).

Асосий восита ресурслари ишлаб чиқаришнинг биринчи омили ҳисобланиб, унга турли иншоотлар, жиҳозлар киради, улардан меҳнат фаолияти орқали фойдаланилади. Асосий восита элементлари таснифи мутахассислар томонидан қуйидагича белгиланган:

- асосий бинолар: отеллар, бар, ресторан, клуб ва б.;
- ёрдамчи бинолар: гараж, иситиш тизими ва б.;
- иншоот ва қурилмалар: йўллар, туристик поездлар, спорт майдонлари ва б.;
- коммуникация қурилмалари: электр ўтказгичлар, қувурлар ва б.;
- машина ва жиҳозлар: трансформатор, компьютер ва б.;
- транспорт воситалари: енгил автомобиль, автобус ва б.

4. Туристик ахборот ресурслари. Саёҳат вақтида ёки унга тайёргарлик кўришда туристлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, уларга бериладиган маълум ҳудуд, объект тўғрисидаги маълумотлар мажмуаси туристик ахборот ресурслари ҳисобланади.

Мутахассислар туристик ахборот ресурсларига туристик маршрутда жойлашган ҳамда тарихий, илмий аҳамиятга эга объектлар бўйича маълумотларни киритишади. Ундан ташқари, туризм аҳамиятига эга шаҳарлар, қишлоқлар, табиат манзаралари уларга боғлиқ афсона ва қиссалар, ҳар хил адабиётлар, хариталар, тасвирий альбомлар, расмлар, аудио-видео маҳсулотларини ҳам киритиш мумкин. Кўпгина шаҳарларда туристик ахборот берувчи марказлар ишлаб турибди. Улар истеъмолчиларга барча тегишли маълумотларни етказиб беришади.

Умуман олганда, ҳозирги кунда туристлар учун ахборот асосий ўринни эгаллайди. Чунки турист бораётган жойи ҳақида қанча кўп билса, саёҳатини шунча самарали ўтказади. Албатта ҳар қандай турист маълум вақт оралиғида иложи борича кўпроқ жойларга боришга ҳаракат қилади. Бунинг учун у албатта ахборот ва маълумотларга етарли даражада эга бўлиши керак.

Инфратузилма ресурслари қуйидаги гуруҳларни ўз ичига олади: транспорт таъминоти, жойлаштириш тизими, овқатлантириш тизими, сувенир маҳсулотлари ишлаб чиқариш тизими. Ҳозирги кунда туризмни ривожланишини туризм инфратузилмасини жадаллашувисиз кўриш мумкин эмас. Чунки мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланишда бу ресурсларнинг ўрни бениҳоят катта аҳамиятга эга.

Туристик ресурслар ва туристик акватория

Туристик ҳудуд ёки акватория – бу туристик ресурслар, туристик минтақа таркибида ажратиб кўрсатиладиган туристик эҳтиёжлар объектини реэстр ва кадастрларда ҳамда бошқа ҳужжатларда қайд қилиш билан туризм мақсадларида фойдаланиш маълум географик ўриндаги мажмуали туристик ресурслар кўринишидан иборат.

Ҳудуд – қуруқликда ёки ер остида бўлиши мумкин. Қуруқликдаги, ер устидаги ҳудуд қўшимча тушунтиришни талаб этмайди. Ер ости ҳудуди мос равишда шахта ва тоғ ишланмаларида ғоршунос туризмини севувчилар учун ресурс вазифасини ўтайди. Масалан, туристлар Иоганнасбург (ЖАР) даги олтин конлари шахталарига ва олмос конларига ташриф буюрадилар. Баъзи шахталардан фақатгина экскурсия мақсадларида эмас, балки ер остидаги табиат яратган ўта ўзига хос иқлимда даволаниш мақсадаларида ҳам фойдаланилади. Бунга мисол қилиб, Алп тоғидаги эски олтин қазиб олинадиган шахтадаги Бад Гастойи жойини кўрсатиш мумкин (юқори ҳарорат ва юқори намликдаги радион ингалацияси).

Ғорларга ташриф – ғоршунослик туризми ва экскурсиянинг кенг тарқалган турларидан бири ҳисобланиб, фақатгина Грецияда туристлар ташриф буюриши мумкин бўлган 3500 га яқин ғорлар мавжуд. Улкан ғорлар нафақат Мексика, АҚШ, Жанубий Африка, Россия ва бошқа давлатларда, балки ўзимизда ҳам мавжуд. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси тоғ тизмалари ҳамда ҳудудларида турли хилдаги ва маълум даврга хос 400 дан ортиқ ғорлар мавжуд.

Акватория – муҳим туристик ресурс ҳисобланади. Сув инсонга озиқланиш воситаси сифатида зарур ва шу сабабли танишув ёки саргузаштли маънода бу жуда қизиқ ҳисобланади. Дунёда маска билан унчалик чуқур бўлмаган чуқурликда ва аквалонг билан 70 метр чуқурликкача тушувчи сувости туризми-

нинг 50 млн.га яқин ишқибозлари мавжуд. Катта Барер рифи сувости қоялари Австралия миллий бойлиги бўлиб, жаҳон аҳамиятига молик аквапарк деб эълон қилинган. Иккинчи кичик Барер қояси Белиз қирғоқларида жойлашган ҳамда сувости дунёси ишқибозлари ва сувости саргузаштларини ёқтирувчилар учун ҳақиқий жаннат бўлиб ҳисобланади. Қизил денгиз сувостида сузувчилар учун чекланмаган имкониятларни туғдиради ва курортларда дам олувчилар кўнгил ёзишининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади.

Қадимги сувости бойликларни излаб топиш, олтини билан чўкиб кетган кемаларни қидириш бугун туризмнинг алоҳида турини ташкил этади. Греция, Кипр, Италия, Туркия каби Ўрта Ер денгизининг бошқа давлатлари ўз сувости хазиналаридан фаол, оқилона фойдаланадилар. Сувдаги ҳайвонот дунёсини ва маржон сувости қояларини кузатиш учун туристик сувости қайиқларидан ҳамда деярли барча денгиз бўйи туристик марказларида мавжуд бўлган сувнинг туби мусаффо тарзда кўриниб турадиган кемалардан фойдаланилади. Махсус туристик сувости қайиқлари Бермуд, Канар ороллари, Қизил денгиз, Болеар ролларида ва Испаниянинг Коста-Браво курортли қирғоқларида мавжуд. Чўкиб кетган кемаларни излаб топиш – саргузаштли туризмнинг оммабоп тури ҳисобланади.

Муҳим туристик ресурслар бўлиб антиқа-ноёб маданий қурилмалар, пирамидалар, мавзолейлар, ҳайкаллар, ибодатхона меъморий ансамбллари, боғлар, музей коллекциялари, замонавий қурилмалар – осмонўпар бинолар, тўғонлар ва бошқа гидротехник қурилмалар ҳамда бошқа объектлар ҳисобланади. Қанчалик таажжубланарли бўлмасин, туризмни ўзига тортувчи кучи барча асрларда мавжуд бўлган қабристонлар ҳам, Мисрда қурилган минглаб пирамидалар ҳам туризм доирасида юқори даражада фойдаланиб келинмоқда. «Дунёнинг етти мўъжизаси»: Миср эҳромлари, Бобилнинг осма боғлари, Артемида ибодатхонаси, Галекарнас мақбараси, Қуёш худоси, Гелиос ҳайкали, Александр Маёқи, Олимпия худоси Зевс ҳайкали рўйхати милоддан аввалги иккинчи асрда яшаб ўтган юнон меъмори Антипар Сидонский томонидан тузилган эди. Бугунги кунда ЮНЕСКО мутахассислари фикрича, дунёда 800 дан ортиқ мўъжиза, деб аташга лойиқ ёдгорликлар мавжуд экан.

Швейцариялик кинорежессёр Бернард Вебернинг ташаббуси билан 2007 йилда дунёнинг янги етти мўъжизасини аниқлаш бўйича телефон ва интернет орқали сўров ўтказилди. Мазкур сўровга сайёрамизнинг турли мамлакатларидан 100 млн.дан ортиқ киши жавоб берди.[45] Овоз бериш натижалари 2007 йил 7 июль куни соат 7 да Португалиянинг Лиссабон шаҳридаги 50 минг кишидан зиёд томошабин тўпланган стадионда дунёнинг янги етти мўъжизаси тантанали равишда эълон қилинди.



5.2.1-расм. Дунёнинг янги етти мўъжизалари.

Унга қуйидаги тарихий ёдгорликлар киритилди: Буюк Хитой девори, Рио-де-Жанейродаги Исо Масиҳ ҳайкали, Ай-Петри (Петра) тош шаҳри, Мачу-Пикчудаги инкларнинг тош шаҳри, Чечен-Ингушиядаги майялар ибодатхонаси, Рим колизейи ва Тожмаҳал.

[45] Gadoyev K., Berdiyeva S. Sayyoramiz mo‘jizalari. –T.: “O‘zbekiston”, 2012, 81 b.

5.2.1-жадвал

ТУРИЗМ РЕСУРСЛАРИНИНГ ТАСНИФИ

№	Тасниф-ланади-ган белгилар	Таснифланадиган белгиларнинг турлари
1.	**Табиий - иқлимий шароит-лар**	Тоғлар, ландшафтлар, чўллар, денгизлар, кўллар, дарёлар, воҳалар, ўрмонлар, боғлар, хиёбонлар.
		1. *Шаклланишига кўра*: • табиий (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар); • биологик – тирик табиат (тупроқ ресурслари, флора, фауна); • энергоинформацияли, табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёратли каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.
		2. *Рекреация сифатида фойдаланиш турига кўра*: • минерал сувлар; ботқоқлар; тузлар; ўрмонлар; дарё соҳиллари; булоқлар; табиатдаги сўлим жойлар.
		3. *Ресурсларнинг давомийлик даражасига кўра*: • тугайдиган табиий ресурслар, улар ўз навбатида янгиланиб турадиган (чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган (минераллар) турларга бўлинади; • тугамайдиган табиий ресурслар, уларга қуёш энергияси, шамол, денгиз тўлқинлари, сувлар киради.
		4. *Ўзи қайта тикланиши ва ўсиши имкониятига кўра*: • қайта тикланадиган ресурслар, бунга ўрмонларни мисол келтириш мумкин, ўртача 20-30 йилда қайта тикланади. • қайта тикланмайдиган ресурслар.
2.	**Маданий - тарихий объектлар**	• ёдгорликлар: архитектура бинолари, археологик аҳамиятдаги жойлар, илмий, маданий ва тарихий аҳамиятга эга ғорлар, ёзувлар; • ансамбллар: илмий, маданий ёки тарихий аҳамиятга эга ўзаро боғланган бинолар гуруҳи. Масалан,

5.2.1-жадвалнинг давоми

		Регистон ансамбли; • меҳмондўстлик жойлари: инсон ёки табиат томонидан яратилган эстетик, этнографик, тарихий аҳамиятга эга бўлган, кишини жалб этувчи ўзига хос жойлар; • миллий байрамлар, фестиваль ва симпозиумлар; • муқаддас жойлар; мафтункор жойлар.	
3.	**Ижтимоий - иқтисодий омиллар**	1. Меҳнат ресурслари. 2. Асосий восита ресурслари. 3. Иқтисодиёт тармоқлари. 4. Инфратузилма.	
4.	**Туристлик ахборот ресурслари**	1. Интернет тармоғи. 2. Адабий ва тасвирий нашрлар. 3. Ахборот ташувчилар. 4. Турли ахборот манбалари.	
5.	**ЮНЕСКО томонидан қўриқланаётган объектлар**	1. Дунёга машҳур бўлган обидалар. 2. Табиат масканлари. 3. Маданий меросни сақлаш ва ундан фойдаланиш. 4. Миллий фольклор, фестиваллар.	
6.	**Дунё мўъжизалари**	1. Миср эҳромлари. 2. Бобилнинг осма боғлари. 3. Артемида ибодатхонаси. 4. Голекарнас мақбараси. 5. Қуёш худоси Гелиос ҳайкали. 6. Александр Маёқи. 7. Олимпия худоси Зевс ҳайкали.	**Дунёнинг янги мўъжизалари:** 1. Буюк Хитой девори. 2. Рио-де-Жанейродаги Исо Масиҳ ҳайкали. 3. Ал-Батри (Петра) тош шаҳри. 4. Мачу-Пикчудаги инкларнинг тош шаҳри. 5. Чечен-Ингушиядаги майялар ибодатхонаси. 6. Рим колизейи. 7. Тожмаҳал.

Таянч сўз ва иборалар: туризм ресурслари, табиий туристик ресурслар, маданий - тарихий ресурслар, туризм ресурсининг таснифи, туристик ахборот ресурслари, туристик қизиқиш ва туристик таассурот, ижтимоий - иқтисодий туристик ресурслар, туристик акватория, ЮНЕСКО томонидан қўриқланаётган объектлар, дунёнинг янги мўъжизалари.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризм ресурслари тушунчаси нимани билдиради?
2. Табиий туристик ресурсларга нималар киради?
3. Туризмнинг маданий - тарихий ресурсларига нималар киради?
4. Туризмнинг ижтимоий - иқтисодий ресурсларига нималар киради?
5. Туристик қизиқиш ва туристик таассуротнинг туризм ресурсларига қандай алоқаси бор?
6. Туризм ресурсининг таснифи нимани ифодалайди?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Ўзбекистон ҳудудида жойлашган туристик ресурслар бўйича тақдимот тайёрлаш мақсадида мавжуд тарихий, маданий, археологик ресурсларни таҳлил қилинг.
2. Юнон меъмори Антипар Сидонский томонидан тузилган дунёнинг етти мўъжизалари рўйхатининг туристик объектлари бўйича ҳамда дунёнинг янги етти мўъжизаси объектлари ҳақида ҳам батафсил маълумот тўпланг ва улар бўйича тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. Туристик ресурсларга тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

а) табиий, тарихий, ижтимоий - маданий ва бошқа объектларга туристларни қизиқтирадиган, инсоннинг жисмоний, руҳий ва ақлий кучини тиклаши ва ривожланиши эҳтиёжларини қондиришга қодир объектларга айтилади;

б) инсон томонидан яратилган ноёб, тарихий ва архитектура ёдгорликлари мажмуаси;

д) инсонларнинг ҳаёти, урф-одат ва миллий байрамларининг намойиши билан боғлиқ ресурслар;

е) инсон томонидан яратилган ноёб асарлардан туризм мақсадида фойдаланиш.

2. Табиий туристик ресурслар келиб чиқишига кўра қандай гуруҳланади?

а) табиий (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар);

б) минерал сувлар;

д) ботқоқлар;

е) тузлар.

3. Табиий ресурслар рекреация сифатида фойдаланиш бўйича қандай гуруҳланади?

а) минерал сувлар, ботқоқлар, тузлар, ўрмонлар;

б) тугайдиган табиий ресурслар, улар ўз навбатида янгиланиб турадиган (чучук сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси) ва янгиланмайдиган (минераллар) турларга бўлинади;

д) энергоинформацияли, табиатдан ўзига хос майдон ва ландшафт сифатида фойдаланиш бўлиб, бу ресурслар маданий, зиёратли каби туризм турларини ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади;

е) қайта тикланмайдиган ресурслар.

4. Ресурсларнинг давомийлик даражасига кўра қандай гуруҳланади?

а) тугайдиган табиий ресурслар, тугамайдиган табиий ресурслар;

б) минерал сувлар, ботқоқлар, тузлар, ўрмонлар ва ҳ.к.;

д) қайта тикланмайдиган ресурслар;

е) табиий (геологик, иқлимий, гидрологик, термал сувлар); биологик – тирик табиат (тупроқ ресурслари, флора, фауна); энергоинформацияли.

5. Туристик ҳудуд ёки акватория тушунчасига тўғри таъриф берилган жавобни топинг.

а) бу қимматли бўлган туристик ресурслар, туристик минтақа таркибида ажратиб кўрсатиладиган туристик эҳтиёжлар объектини реэстр ва кадастрларда ҳамда бошқа ҳужжатларда қайд қилиш билан, туризм мақсадларида фойдаланиш билан маълум географик ўриндаги комплекс туристик ресурслар кўринишидан иборат;

б) маълум ҳудудда туризмни ривожлантиришда у жойнинг маданий-тарихий ресурслари салоҳияти асосий ўринни эгаллайди;

д) асосий восита ресурслари ишлаб чиқаришнинг биринчи омили ҳисобланиб, унга турли иншоотлар, жиҳозлар киради, улардан меҳнат фаолияти орқали фойдаланилади;

е) туризм – иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини ўз ичига олган, қурилишдан бошлаб, транспорт хизматигача бўлган фаолиятнинг ихтисослашган тури ҳисобланади.

6-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ

Режа:

6.1. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатидаги тарихий шаҳарлари.

6.2. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликларига эга бўлган вилоятлари.

6.1. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатидаги тарихий шаҳарлари

Ўзбекистонда жаҳон маданияти хазинасига кирувчи кўплаб архитектура ёдгорликлари мавжуд. Хива, Бухоро ва Шаҳрисабз шаҳарларининг тарихий марказлари, қадимий Самарқанднинг тарихий ёдгорликлари ЮНЕСКО нинг «Жаҳон мероси» деб номланган рўйхатига киритилган (6.1.1-жадвал). ЮНЕСКО “Жаҳон мероси” асосий рўйхатига 2012 йилда жами дунёнинг 962 та объекти киритилган бўлса, шулардан 4 таси Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидир, бу улар умумий сонининг 0,4% ини ташкил этади.

6.1.1-жадвал

Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатидаги тарихий шаҳарлари

№	Номи	Жойлашиши	Ташкил этилган санаси	ЮНЕСКО рўйхатига киритилган йили	№	Мезонлари
1	Ичан Қалъа	Хоразм вилояти	тахминан XIV аср	1990	№ 543	III, IV, V
2	Бухоро шаҳри тарихий маркази	Бухоро вилояти	XII - XVI асрлар	1993	№ 602	II, IV, VI
3	Шахрисабз шаҳри тарихий маркази	Қашқадарё вилояти	XV - XVI асрлар	2000	№ 885	III, IV

6.1.1-жадвалнинг давоми

4	Самарқанд маданиятлар чорраҳаси	Самар-қанд вилояти	XIV - XV асрлар	2001	№ 603	I, II, IV

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш ва уни янги босқичларга кўтариш борасида, аввало, кўҳна маданий ва архитектура ёдгорликларига бой бўлган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Марғилон каби шаҳарлар муҳим аҳамиятга эга. Бу шаҳарларда бутун дунё аҳолисини ҳайратга солувчи ва лол қолдирувчи қадимий тарихий ёдгорликлар мавжуд. Ер юзининг турли мамлакатларида истиқомат қилувчи ҳар бир инсон бу шаҳарларни ўз кўзлари билан кўриш орзусида яшайдилар. Кўп мамлакатларда Ўзбекистон ўзининг ана шу шаҳарлари билан машҳурдир.

Тошкент – Марказий Осиёнинг энг йирик шаҳарларидан бири – Ўзбекистон Республикасининг пойтахтидир. Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Халқаро ислом ташкилоти (ИСЕССО) Тошкентни 2007 йилда Ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилди. Ўзбекистоннинг ислом маданияти ва илми олдидаги, ислом мероси ва ёдгорликларини асраш ва янада бойитиш борасидаги мислсиз хизматлари учун Тошкент шундай юксак ва фахрли унвонга сазовор бўлди.



6.1.1-расм. Тошкентнинг туристик ресурслари.

Тошкентда «Жаҳон маданияти ёдгорликлари» рўйхатига киритилган Усмон Қуръони ҳамда Беруний кутубхонаси сақланмоқда. Тошкент ҳақидаги энг дастлабки маълумотлар милоддан оддинги II асрда қадимги Хитой солномаларида учрайди. Хитойда у Юни, деб номланган бўлса, Эрон шоҳи Шопур I нинг милоддан олдинги ёзувларида Тошкент атрофлари Чоч деб аталган. Чоч турли мамлакатларнинг олтин, қимматбаҳо тошлар, зираворлар ва ажойиб отлар экспорт қилинадиган йўллар чорраҳасида жойлашган. Ҳозирги кунда Тошкент ўзида Ўзбекистоннинг тарихий ўтмишини эслатиб турувчи тараққий топган замонавий саноат шаҳри ҳисобланади.

Тошкентда кўплаб музейлар мавжуд. Масалан, Тасвирий санъат музейи ҳайкаллар, расмлар ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг Марказий Осиёдаги энг йирик тўпламига эга. Ўзбекистон Амалий санъат музейи 30 мингдан ортиқ ҳунармандчилик ва халқ миллий мероси намуналарини тўплаган. Темурийлар тарихи давлат музейи бутун Темурийлар даври тарихи намуналарини ўзида жамлаган музейдир.

Тарихий Эски Жува – шаҳарнинг энг қадимий бозорларидан бири, унда ҳозир ҳам озиқ-овқат маҳсулотларидан тортиб саноат маҳсулотларигача барчасини топиш мумкин. Эски шаҳарнинг марказида XVI асрнинг ажойиб ёдгорлиги – Бароқхон мадрасаси жойлашган. Булардан ташқари, 1966 йилги зилзиладан Юнусхон мақбараси, Кўкалдош мадрасаси каби ажойиб ёдгорликлар омон қолган. Тошкент метроси жаҳоннинг замонавий архитектура дурдоналаридан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти 2008 йилнинг 2 апрелида «Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш» тўғрисида қарор қабул қилди. Унга кўра, Ўзбекистон пойтахти, илм-фан ва маданият маркази, тинчлик ва дўстлик рамзига айланган Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигини кенг нишонлаш ва муносиб ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди. Юбилей муносабати билан кўплаб тарихий ёдгорликлар қайта таъмирланди, янги бинолар қурилди ва шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмаси янада обод бўлди.

Тошкент шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари: Кўкалдош мадрасаси (XIV аср), Каффол Шоший мақбараси, (XVаср), Ҳазрати Имом архитектура мажмуаси (XVI аср),

Абулқосим мадрасаси (XIX аср), Бароқхон мадрасаси (XVI аср), Жомеъ масжиди (XIX аср), Зангиота мажмуаси (XV-XX аср), замонавий архитектура дурдонаси саналган Амир Темур музейи, Амир Темур ҳиёбони, Мустақиллик майдони, Халқлар Дўстлиги майдони, Жасорат монументи, Хастимом майдони, Тилла Шайх масжиди, Ҳазрати Имом масжиди, Хадра майдони, Сўфи Ота мақбараси ва бошқалар.

Тошкент вилояти улкан туристик салоҳиятга эга. Чунончи, ҳудудда экстремал ва тоғ туризмини, яъни чаналарда учиш, сноубординг, парапланда ва дельтапланда учиш, велоспорт, мотоспорт ва экстремал спорт турлари ҳамда экологик ва қишлоқ хўжалик туризмини ривожлантиришга табиий шароитлар бор. Хусусан, Тошкент вилояти тоғларида Чорвоқ сув омбори мавжуд бўлиб, унинг соҳилида кўплаб пансионатлар, дам олиш зоналари ва болалар спорт соғломлаштириш оромгоҳлари жойлашган. Муҳташам ғарбий Тангри тоғлари кўплаб сайёҳлик йўллар ва йўлаклар, шаршаралар, ғорлар, чуқурликлар, ёнғоқзорлар ва боғлар 2016 йили ЮНЕСКО нинг Бутунжаҳон рўйхатига киритилган. Бундан ташқари, “Угом-Чотқол” миллий боғи 230 турдаги ҳайвонлар, 1800 ўсимлик турлари ва 4 та табиий кўлларни (Урунгач, Бодак, Шовури, Ихнож) ўз ичига олади.

Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони [46] билан 2017 йилда Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантиришни таъминлаш, кўрсатилаётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш белгиланди.

САМАРҚАНД: Самарқанд ўзининг ноз-неъматлари, табиати, бой маънавий мероси, бетакрор тарихи, оламшумул меъморий обидалари билан бутун дунё жамоатчилигининг диққат-эътиборини ўзига қаратиб келаётган «сайқали рўйи заминдир». Сўғдиёна ва Турон давлатларининг улуғвор анъаналари, дунёвий цивили-

[46] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining «“Chorvoq” erkin turistik zonasini tashkil etish to‘g‘risida» gi Farmoni. 2017-yil 5-dekabr.

зациянинг энг муҳим босқичлари ривожланган бу шаҳарнинг тарихи ва маданияти билан узвий боғлиқдир.



6.1.2-расм. Самарқанднинг туристик ресурслари.

Дунёнинг эътиборли сармоядорлари, ривожланган мамлакатларнинг машҳур тижоратчи ва банкирлари, халқаро ташкилот раҳбарлари, иқтисодчи ва сиёсатчилари, санъатшуносларининг нигоҳи бугун Самарқандга қаратилганлиги бежиз эмас. Бу эса Самарқанд Ўзбекистоннинг йирик саноат, фан ва маданият маркази сифатидаги мавқеи тобора ошиб бораётганлигидан, мамлакатнинг гуллаб-яшнаши ва равнақи учун муҳим ҳисса қўшаётганидан далолат беради.

Жаҳон банкининг президенти Жеймс Д.Уолфенсон Самарқандга ташриф буюрганида «Кейинги 40 йил давомида мен қарийб бутун дунёни кезиб чиқдим, бироқ Самарқанддек шаҳарни ҳеч жойда кўрмадим», – деб ўз қалб сўзларини айтган эди. Америкадан келган сайёҳларнинг фикрича, «дунёда биттагина Париж ва биттагина Самарқанд мавжуд». Оммавий француз журналларидан бирининг эътироф этишича: «Самарқанд тасаввурни жунбушга келтирадиган шаҳар бўлиб бораяпти. Кўзингизни юмиб мулойим оҳангда «Самарқанд» сўзини талаффуз қилсангиз, худди эртакларлардагидек тасаввурингизда гўзал ва сеҳрли манзаралар оқими пайдо бўлади». Бу ўринда узоқ тарих саҳифаларида қолдирилган ушбу сатрларни ҳам эслаш жоиздир: «Бу шаҳар ва унинг атрофидаги замин шунчалик бой ва фаровонки, бундан ҳайратга

тушмасдан бўлмайди. Эҳтимол шунинг учундир у “Самарқандия”, деб аталган».

Самарқандликлар ўзларининг заминлари каби сахий, боболари каби собитқадам, ҳиссиётли, тарихлари мисоли бетакрор ва ноёб, тинчликсевар ва саховатлидир. Уларнинг бу ноёб фазилатларининг тенги йўқ, у Ўзбекистонга ташриф буюраётган барча давлат раҳбарлари, арбоблари, фан ва маданият вакиллари томонидан тан олиниб, «Туризм Маккаси» дея эъзозланмоқда. Самарқандга келиш бахтига сазовор бўлган, орзулари руёбга чиққан хорижий сайёҳлар уни «бутун дунёга юз очган шаҳар», «Минг бир кечадаги афсона ва эртаклар шаҳри» дея атамоқдалар. «Мусулмон дунёсининг қиммат-баҳо дурдонаси»га дунёнинг турли бурчакларидаги диндорларнинг ҳам қизиқишлари чексиз. Улар учун Самарқанд «Аллоҳ паноҳидаги шаҳар»дир. Ўрта аср манбаларида ҳам шаҳарни шундай, деб атаганлар.

Самарқанд 2750 йиллик тарихга эга. Темурийлар сулоласи даврида қурилган архитектура ёдгорликлари аҳамияти жиҳатидан қадимги Миср, Хитой, Ҳиндистон, Юнонистон ва Римдаги архитектура дурдоналари қаторида туради.

Қадимий Самарқанднинг маркази бўлган Регистон XV-XVIII асрлардаги Марказий Осиё бунёдкорлигининг юксак намуналаридан биридир. Майдон уч томондан Улуғбек, Шердор ва Тиллакори мадрасалари билан ўралган. Самарқанд шаҳрининг жанубида жойлашган Амир Темур мақбарасида (XIV-XV асрлар) Амир Темур, Мирзо Улуғбек каби Темурийлар сулоласи вакиллари дафн этилган. Темурийлар даврида Самарқанд янада гуллаб яшнаган эди.

Самарқандда ҳар бир кўча, сув ҳавзаси ўз тарихига эга. Зиёратгоҳ саналувчи Шоҳи Зинда (Тирик Шоҳ) мажмуаси Муҳаммад Расулуллоҳ амакисининг ўғли – Қусам ибн Аббос номи билан боғлиқ. Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Расадхона 1449 йилда бузиб ташланган бўлса-да, унинг яхши сақланиб қолган ер ости қисми билан танишиш мумкин. Шунингдек, Самарқандда кўплаб дам олиш манзиллари мавжуд. Вилоятда неандертал одамларнинг турар жойлари топилган.

Мустақилликка эришилгандан сўнг, Ўзбекистон «очиқ эшиклар сиёсати»ни жорий қилди ва жаҳон ҳамжамияти билан интеграциялашув жараёнига фаол кириб борди. Бунинг ёркин

мисоли сифатида Самарқанд республиканинг йирик туристик марказига айланди. Туризмнинг ривожланиши Ўзбекистон ва Самарқанднинг қулай геополитик ҳолати, унинг Марказий Осиё минтақасидан ўтган «Буюк Ипак йўли» устида жойлашгани, қулай географик ва иқлимий шароити, бу соҳанинг равнақига хизмат кўрсата оладиган мутахассислар ва зарур қонуний базаларнинг мавжудлигидадир. Халқлар ўртасида дўстлик, бир-бирларини англаш, тинчлик, ҳамкорлик ва мамлакатда барқарорликни ривожлантиришда туризмнинг аҳамияти беқиёсдир. Буларнинг ҳаммаси туризмнинг хилма-хил шаклларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, халқаро андозалар асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш, маҳаллий хусусиятлар туризмнинг миллий моделини яратиш учун қулай имкониятлар яратмоқда.

2014 йил 7 июль куни Американинг таниқли “The Huffington Post” нашри “Дунёнинг албатта бориб кўриш лозим бўлган 50 та шаҳари” рўйхатини эълон қилди. Дунёнинг энг машҳур шаҳарлари орасида “Шарқ марвариди” – Самарқанд ҳам бор. Мазкур нашр рейтингида қайд этилганидек, “Регистон майдонидаги мадрасалар ва қадимги иншоотлардаги нақшлар Буюк Ипак йўлининг кўҳна шаҳри – Самарқандни жаҳон ислом меъморлигининг энг гўзал намуналаридан бирига айлантирган”.

Ушбу рейтинг “The Huffington Post” нашри томонидан минубе.нет саёҳатчилар ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликда тузилган. Бундан кўзланган мақсад “Буюк кўҳна пойтахтлардан тортиб, то Осиё, Америка ва улардан ташқари дунёдаги энг аъло жойни топиш” билан изоҳланади. Рейтинг муаллифларининг фикр билдиришларича, одамлар ўз ҳаёти давомида албатта бориб кўриши лозим бўлган қадамжолар рўйхатидан дунёнинг 50 та шаҳари жой олган. Самарқанд – МДҲ мамлакатлари шаҳарлари ўртасида ушбу нуфузли рўйхатга кирган ягона шаҳардир.[47]

Самарқанд шаҳрида 2020 йилгача “Samarkand city” туризм зонаси, Самарқанд туманида эса эшкак эшиш канали ҳудудида спорт-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион мажмуаси барпо этилади.[48]

---

[47]Samarqand “dunyoning albatta borib koʻrish lozim boʻlgan 50-shahri”// Zarafshon. 2014-yil 10-iyul.

[48] Oʻzbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “2017 – 2019-yillarda Samarqand shahri va Samarqand viloyatining turizm salohiyatini jadal rivojlantirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi 450-son Qarori, 2017-yil 30-iyun.

“Samarkand city” туризм зонасида Самарқанд шаҳрида туристлар кеча-ю кундуз бўш вақтларини мароқли ўтказиши учун қулай шарт-шароитлар ва турли хизматларнинг кўрсатилишини таъминловчи замонавий меҳмонхоналар, коттежлар, маданий-соғломлаштириш ва кўнгилочар-савдо масканларининг қурилиши назарда тутилган.

Самарқанд туманидаги эшкак эшиш канали ҳудудида йил давомида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиш имконини берувчи замонавий спортзал, спорт майдончалари, усти очиқ ва ёпиқ бассейнлар, оилалар учун меҳмонхона мажмуалари ва коттежлар, сув аттракционларини ўз ичига олган спорт-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион мажмуаси барпо этилади.

“Samarkand city” туризм зонасини қуриш лойиҳаси амалга оширилишини молиялаштирувчи инвесторлар, жумладан, хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри сармоя киритиш шаклида биргаликда молиялаштирувчи бош ташкилот этиб Миллий банк, эшкак эшиш канали ҳудудида спорт-соғломлаштириш ва туристик-рекреацион ҳудудини барпо этиш” лойиҳаси бўйича эса “Ўзсаноатқурилишбанк” белгиланди.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларидаги туризм ҳудудлари тажрибаси асосида Урганч, Тошкент шаҳарлари ва Фарғона вилоятида туризм ҳудудлари, шунингдек, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида тоғ кластерларини босқичма-босқич ташкил этилади[49].

Самарқанднинг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари: Афросиёб (милоддан олдинги VIII аср), Мирзо Улуғбек расадхонаси (1428 й.), Шоҳи Зинда архитектура мажмуаси, Ҳазрати Хизр масжиди (XIX аср ўрталари), Бибихоним масжиди (1399 й.), Улуғбек мадрасаси (1417 й.), Шердор мадрасаси (1619 й.), Тиллакори мадрасаси (1647 й.), Чорсу бозори (XVIII аср охири), Рухобод мақбараси (1380 й.), Оқсарой мақбараси (1470 й.), Амир Темур мақбараси (1404 й.), Намозгоҳ масжиди (XVIII аср), Ишратхона мақбараси (1464 й.), Хожа Аҳрор мажмуаси (XV-XX асрлар), Чўпон-Ота мақбараси (1430 й.), Хожа Абду Дарун қабристони (XV аср), Имом Бухорий ёдгорлик мажмуаси (IX-XX аср) ва б.

---

[49] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2018–2019-yillarda turizm sohasini rivojlantirish bo‘yicha birinchi navbatdagi chora-tadbirlar to‘g‘risida”gi PQ-3217-son Qarori, 2017-yil 16-avgust.

БУХОРО: «Бухоро» сўзи санскрит тилида «Ибодатхона», сўғд тилида «Тангри жамоли» маъноларини англатади. Бухоро Буюк Ипак йўлининг йирик тижорат маркази бўлиб ҳисобланган. Бухоро ўрта асрларга мансуб 140 дан ортиқ архитектура ёдгорликларига эга бўлган «Музей-шаҳардир». Пойи Калон, Қўшмадраса, Минораи Калон, Исмоил Сомоний мақбараси каби кўплаб ёдгорликлар бундан минг йиллар олдин қурилган бўлиб, ҳозирги кунда ҳам меҳмонларни ўзларига жалб этмоқда. Бухоронинг машҳурлигини Имом Бухорий, Наршахий, Рудакий, Дақиқий, Абу Али ибн Сино ва Баҳоуддин Нақшбанд каби сиймолар янада шарафлашган.

Ислом дунёсида Бухоронинг исмига “шариф”, яъни “муқаддас” қўшимчаси қўшиб ишлатилган. X асрда Бухоро энг йирик илмий ва маданий марказ бўлган. Мағоқи Аттори, Намозгоҳ масжиди, Чашмаи Аюб кабилар ушбу даврдан ёдгор бўлиб қолган. Ситораи Моҳи-Хоса охирги Бухоро Амирининг ёзги саройи, у ҳашаматли архитектуранинг энг ёрқин намуналаридан биридир. Лабиҳовуз (XVI-XVII асрлар), Хўжа Насриддин ҳайкали, Нодир Девонбеги мадрасаси, Девонбеги хонақоси, вақтида Марказий Осиёдаги етакчи бўлган Кўкалдош мадрасаси (Абдуллахон томонидан бунёд этилган) шаҳарнинг ўзига хос диққатга сазовор жойлари ҳисобланади. Исмоил Сомоний мақбараси шаҳардаги яхши сақланиб қолган энг қадимий бино бўлиб, нафис архитектурага эга. Пойи Калон ансамбли (XII-IV асрлар) шаҳарнинг марказидан ўрин олган. Шу ердан пиёда Арк биносига, Чорминорга ўтиш мумкин. Шаҳар атрофидаги Варахша харобаларидан жанглар ва ов маросимларини акс эттирувчи кўплаб рангли лавҳалар, қимматли буюмлар топилган ва музейларга топширилган. Бухоро қоракўли халқаро бозорда эътироф этилган. Шунингдек, Бухоро зардўзлик санъатининг Ватани ҳисобланади.

Бухоронинг асосий тарихий ва архитектура ёдгорликлари: Арк (XI аср), Болоҳовуз мажмуаси (XVIII аср), Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср), Чашмаи-Аюб (1380 й.), Абдуллахон мадрасаси (1596 й.), Модари-Хон мадрасаси (1556 й.), Масжиди Баланд (XVI аср бошлари), Гавкушон мажмуаси (масжид, минора, мадраса) (XVI аср), Зайниддин Хожи хонақоси (1555 й.), Пойи Калон мажмуаси (XII аср), Лабиҳовуз мажмуаси (XVI аср), Кўкалдош мадрасаси (1568 й.), Нодир Девонбеги хонақоси (1620 й.), Улуғбек мадрасаси

(1417 й.), Абдулазизхон мадрасаси (1652 й.), Болоҳовуз масжиди (1712 й.), Сайфиддин Боҳарзий мақбараси (XIII асрнинг иккинчи ярми), Баёнқулихон мақбараси (XIV асрнинг иккинчи ярми), Намозгоҳ масжиди (XII аср), Файзобод хонақоси (1598 й.), Чорминор мадрасаси (1807 й.), Бухоро Амирининг Ситораи Моҳи-Хоса ёзги саройи (XIX аср охири), Чор-Бакр мажмуаси – Жўйбор хўжалари қабристони (1560 й.) ва б..



6.1.3-расм. Бухоронинг туристик ресурслари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017–2019-йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилояти сайёҳлик имкониятларини жадаллик билан ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори асосида Бухорода ҳудуди 10 гектардан кам бўлмаган “Боқий Бухоро” номли эркин туристик зона (ЭТЗ) яратилади.

Хорижий сайёҳларга тўлиқ дам олиш имкониятини яратиш мақсадида ЭТЗ ҳудудида турли даражада хизмат кўрсатиш қулайликларига эга меҳмонхоналар, кўнгилочар ва савдо муассасалари, хусусан, 500 кишилик амфитеатр, боулинг-клублар, рақс майдонлари ва караоке, миллий таомлар ва дунёнинг машҳур ошхоналарини тақдим этувчи бар, кафе, ресторанлар, сувенирлар ва бошқа маҳсулотлар дўконлари қурилиши кўзда тутилмоқда.

Бухоро шаҳрининг тарихий қисмида (“Шаҳристон” бозори ҳудудида) икки қаватли уйлардан иборат ҳунармандлар даҳаси ва ёпиқ бозор яратилади. Шунингдек, ушбу даҳада анъанавий устахоналар, миллий сувенирлар, зардўзлик маҳсулотлари, китоблар, мева

ва сабзавотлар, ширинлик ва сайёҳларни жалб этувчи бошқа маҳсулотлар сотиладиган дўконлар очилади.

Бугунги кунда жаҳонда 7 мингдан зиёд эркин туристик зоналар фаолият юритади. Улар туризмнинг турли йўналишларига, шунингдек, иқтисодий соҳага ҳам йўналтирилган. Туристик зоналар одатда, табиати, маданияти ва тарихий салоҳияти юқори бўлган ҳудудларда ташкил этилади.

ХИВА: Хива – кўплаб меъморий ёдгорликлари жойлашган, Ичан-қалъада қадимий Шарқ руҳини сақлаб қолган шаҳардир. Хиванинг меъморий ёдгорликлари асосан мадраса, масжид ва миноралар: Паҳлавон Маҳмуд мақбараси (1835 йил), Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1850–1855 йиллар), Кўҳна Арк, Тош ҳовли, Оллоқулихон карвонсаройи (1855 йил) кабилардан иборат. Рангли безаклар берилган Калта Минор (1835 йил) ва 218 та нақшли устунга эга бўлган Жума масжидларни алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин. 2,5 километр узунликдаги деворга эга бўлган Ичан-қалъа Отадарвоза, Шимолий, Шарқий, Жанубий, Бухоро ва Тошдарвозаларига эга. Унда 40 дан кўпроқ қудуқлар мавжуд.



6.1.4-расм. Хиванинг туристик ресурслари.

Хиванинг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари: Ичан-қалъа, Саидбой масжиди ва мадрасаси (XVIII аср боши), Полвон Дарвоза атрофлари, Оллоқулихон мадрасаси (1834 й.), Қутлуғмурод-иноқ мадрасаси (1804 й.), Оллоқулихон тими ва карвонсаройи (XIX аср), Абдуллахон мадрасаси (1865 й.),

Анушахон масжиди ва ҳарами (1657 й.), Тош ҳовли (Оллоқулихоннинг саройи) (1830 й.), Оқмасжид (1832 й.), Жума масжиди ва минораси (1788 й.), Саид Оловуддин мақбараси (XIV аср), Муҳаммад Аминхон мадрасаси (1851 й.), Калтаминор (1855 й.), Кўҳна Арк (1868 й.), Тўрамурод минораси (1888 й.), Шерниёзхон мадрасаси (1718 й.), Борланди масжиди (XIX аср), Арабхона мадрасаси (1838 й.) ва б.

ШАҲРИСАБЗ: Боғлар ва узумзорларга бурканган Шаҳрисабз шаҳри ҳунармандчилик маркази бўлган. Шаҳрисабздаги дастлабки турар жойларга V-VI асрларда асос солинган бўлса, IX-X асрларга келиб, у йирик савдо ва ҳунармандчилик марказига, Амир Темур томонидан девор билан ўралганидан сўнг, маданият ва илм-фан шаҳрига айланган.

Қарши шаҳри Самарқанд ва Бухородан Афғонистон ва Ҳиндистонга ўтувчи карвон йўллари асосида юзага келган. Қарши шаҳри бир неча архитектура ёдгорликларига эга. Қашқадарё вилоятининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари: Шаҳрисабз шаҳрида Оқсарой (1380 й.), Дорус - Саодат мажмуаси (XIV аср), Ҳазрати Имом масжиди (XIV аср), Жаҳонгир мақбараси (XIV аср), Дор-ут-Тиловат архитектура мажмуаси, Кўкгумбаз масжиди (1435 й.), Гумбази Саидон (XV аср), Темурийлар сулоласига тегишли Шамсиддин Кулол мақбараси (XV аср) ва б.



6.1.5-расм. Шаҳрисабзнинг туристик ресурслари.

Қарши шаҳрида Мирзо Улуғбек томонидан қурилган Кўкгумбаз масжиди (1463 й.), Жомеъ масжиди, Минорали Қўрғонча (XIX-XX асрлар), Хўжа Абдулазиз мадрасаси (XX аср), Қиличбой мадрасаси (1714 й.), Захкок-Морон шаҳарчаси харобалари (милоддан аввалги I аср – милоднинг V асри) ва Қашқадарё дарёси устидан ўтган қадимий кўприк кабилардир. Шаҳарда Ўлкашунослик музейи бор. Ҳисор тоғларининг жануби-ғарбида 1975 йилда Қизилсой қўриқхонаси ташкил этилган. Бу ерда силовсин, айиқ, қор барси каби ноёб ҳайвонларни учратиш мумкин.

6.2. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ва меъморий ёдгорликларига эга бўлган вилоятлари

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгаши 99-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқида таъкидланганидек, "...Биз Ўзбекистоннинг улкан сайёҳлик салоҳияти ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудида шаклланган ва ривожланган энг қадимий цивилизация ва маданиятлар, қоятошлардаги ёзувлар ва иероглифларни, ноёб тарихий обидалар, моддий маданият ва меъморликнинг улуғвор ҳамда бетакрор намуналарини назарда тутамиз. Айни пайтда уларни Япония, Франция, Германия ва бошқа давлатларнинг кўплаб олим ва мутахассислари ўрганмоқда. Шу билан бирга, ўзининг жозибаси ва таровати билан дунёдаги энг яхши дам олиш ва саёҳат масканларидан қолишмайдиган гўзал табиатимизнинг бойлиги ва хилма-хиллигини ҳам бу борадаги энг катта имкониятларимиз қаторида кўрамиз. Буларнинг барчаси мамлакатимизни жаҳон туризми марказларидан бирига айлантириши мумкин ва зарур".

***Фарғона вилояти*:** Фарғона бутун дунёга Шоҳимардон, Қизилтепа каби курортлари билан машҳур бўлган. Табиатшунослик музейида шаҳарнинг бутун тарихи билан танишиш мумкин. Қўқон илгари Қўқон хонлигининг пойтахти бўлган, Ўзбекистоннинг энг машҳур шаҳарларидан бири.

XX аср бошларида Қўқон Тошкентдан сўнг иккинчи йирик шаҳар ҳисобланган, аҳолисининг сони барча ҳудудий марказлардан ортиқ бўлган. Қўқоннинг охирги хони Худоёрхоннинг саройи шаҳарнинг энг муҳим меъморий ёдгорликларидан бири бўлиб

ҳисобланади. Хон саройи ҳашаматли ва безаклари билан ўчмас таассурот қолдиради. Шунингдек, шоира Нодирабегим номи билан боғлиқ икки минорали Модарихон мақбараси ҳам қизиқарлидир. Қатл этилган шоира хотирасига бағишлаб мақбара ёнида оқ мармар ва бронзадан ишланган ҳайкал ўрнатилган.



6.2.1-расм. Фарғонанинг туристик ресурслари.

Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги ҳукумат қарори асосида 2007 йилда кенг нишонланди. Марғилонга Буюк Ипак йўлининг кашф этилиши билан озодликни тан олувчи мағрур сўғдлар томонидан асос солинган. X асрда Марғилон бутун дунёга ўзининг ипак матолари билан машҳур бўлган. XV аср охирлари XVI аср бошларида Марғилон водийнинг энг муҳим шаҳарларидан бирига айланган. Марғилоннинг монументал ёдгорликларидан безатилган масжид минора – мақбара ва каптархонадан иборат бўлган Каптарлик композицияси (XVIII аср) ҳамда Шоуда масжидини келтириш мумкин.

Фарғона вилоятидаги мавжуд меъморий обидалар ичида муқаддас зиёратгоҳлар билан боғлиқ ёдгорликлар, масалан, Хожаназар Ҳувайдо Бурҳониддин Марғилоний, Увайсий мақбаралари, Улуғ мозор, Пур Сиддиқ мажмуаси, Даҳмайи шоҳон, Модарихон, Биби Убайда, Пошшо пирим, Бистом бува, Хўжа Муъоз, Мўйи муборак, Пури Сиддиқ зиёратгоҳи, Шоҳимардондаги Ҳазрат Али мозори, Тошкелин (Риштон тумани), Қиз мозор (Марғилон шаҳри), Чилдухтарон (Олтиариқ тумани) “Шоҳ Толиб”, “Тўнга ота”

(Олтиариқ тумани), “Хўжа Илғор” (Риштон тумани), “Яланғоч ота”, “Садкак ота” (Фарғона тумани) алоҳида ўрин тутади.

Андижон вилояти: Андижон кўп асрлик бой тарихга эга. Вилоят ҳудудида милоддан олдинги XII-VII асрларга оид бўлган кўҳна шаҳарлар ва археологик комплекслар мавжуд. Шундайлар сирасига Далварзин, Эйлатон, Мингтепа, Ашқалтепа, Сарвонтепа ва бошқаларни киритиш мумкин.



6.2.2-расм. Андижон вилоятининг туристик ресурслари.

Сайёҳларни, шунингдек, Мирпўстин ота, Фозилмон ота, Имом ота, «Тузлуқ момо», «Уч булоқ», “Мингтепа” археологик ёдгорлиги, “Йилқичи Бува» зиёратгоҳи, “Фозилмон ота” зиёратгоҳи, Хўжа Абдуллоҳ Туғдор, Қутайба ибн Муслим мақбараси, Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғи, “Биби сешанба” зиёратгоҳи, Отақўзи мадрасаси ва шунга ўхшаш бошқа диққатга сазовор ёдгорликлар ўзига жалб этмоқда. Айни пайтда Андижон вилоятида сал кам 380 га яқин маданий ёдгорликлар рўйхатга олинган. Бундан ташқари, шифобахш манбалар ҳам мавжуд ва бу экотуризмни ривожлантириш учун йўл очиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Миллий ҳунармандчилик усталари маҳсулотлари ва анъаналари, бой фольклор ҳам хорижий сайёҳларни ўзига тортади.

Кўҳна Андижоннинг карвон йўлида жойлашганлиги бу ерда савдо-сотиқ ва ҳунармандчиликнинг жадал ривожланишига хизмат қилди. Ипак йўли орқали бу ерга Шарқ ва Ғарб цивилизациясининг

кириб келиши, шу ҳудудда яшовчи маҳаллий аҳолининг онги-шуурини ҳам ўзгартириб юборди.

Андижонда қадимда ва ўрта асрларда бунёд этилган меъморий ёдгорликлар бизгача етиб келмаган. Андижон шаҳрида XIX аср охирида қурилган жоме масжиди мажмуаси сақланган. Таркибида масжид, минора ва мадраса бор. Жоме масжиди Фарғона водийсида энг маҳобатли бинодир.

Шаҳрихонда ўтган асрда барпо қилинган бир қанча маҳалла масжидлари ва мадрасалари сақланган. Шундан бири XIX аср бошида қурилган Понсод масжидидир. Масжиднинг безак қисмларини фарғоналик усталар ишлаган. Шаҳрихонда 1872 йилда қурилган Гумбаз мадрасаси сақланган. Андижон шаҳрида XX аср бошида қурилган икки қаватли Аҳмадбек ҳожи уйи ҳам миллий меъморлик намуналаридан бири. Пахтаобод шаҳрида XX аср бошида қурилган Отақўзи мадрасаси ёдгорлиги ҳам диққатга сазовор. Унинг 5 минораси бор.

Шунингдек, сайёҳларнинг музейларга бўлган қизиқишини инобатга олган ҳолда, вилоят ўлкашунослик музейи, адабиёт ва санъат музейи, “Ҳунармандчилик” номли ҳунармандлар маҳалласи, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг уй-музейи таъмирланган ҳолда экспонатларга бойитилмоқда.

Наманган вилояти: Наманган вилояти ҳудуди археологик обидаларга бойлиги билан ажралиб туради. Наманган вилоятининг туристик ресурслари қаторига Хожа Амин мақбараси, Мулло Бозор Охунд мақбараси, Қадимий Ахсикент, Мулла Қирғиз мадрасаси, Ғойибназар Қози мадрасаси, Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси, Мавлавий Намангоний мақбараси, Девона Бува мақбараси, Турақўрғон туманида Ахсикент ва Ахси, Поп туманида Мунчоқтепа, Чуст туманида Буонамозор, Косонсой туманида Мугтепа, Учқўрғон ва Норин туманларида Кайвонот ва Эйлотон, Чотқол туманида қадимий ирригация қурилмалари – коризлар муҳим археологик ёдгорликлар сифатида катта илмий қимматга эга бўлиб, узоқ ўтмишдан хабар бериб туради.

Наманган вилоятининг тарихий ёдгорликларини илмий асосда ўрганиш Туркистонни Россия босиб олгандан сўнг, XIX аср 80-йилларининг ўрталаридан бошланган.



6.2.3-расм. Наманган вилоятининг туристик ресурслари.

Мустақиллик йилларида Наманган вилоятида маданий меросни асраш ва буюк аждодларимизнинг номларини абадийлаштириш борасида қатор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Жумладан, Нодим Намонгоний мақбараси, Бобораҳим Машраб боғи, уй-музейи ва ҳайкали, Ибрат уй-музейи, Мавлоно Лутфуллоҳ мажмуаси, Махдуми Аъзам Косоний мажмуаларининг бунёд этилиб, халқимизга топширилиши аждодлар руҳига ҳурмат ва ўзлигимизни англаш нишонасидир. Ёш авлодни аждодлар анъанаси руҳида тарбиялашда тарихий-маданий обидаларнинг ўрни ва аҳамияти катта. Шундай экан маданий меросимизни сақлаш, уларни илмий жиҳатдан янада кўпроқ ўрганиш ва келажак авлодга етказиш бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Халқ ҳунармандчилиги айниқса, Наманган ва Чуст шаҳарларида қадимдан ривожланган. Чустда пичоқ, идиш-товоқ, қишлоқ хўжалиги қуроллари ишлаб чиқарилади, дўппидўзлик, каштачилик билан шуғулланилади, беқасам ва атлас газламалар тайёрланади.

Жиззах вилояти: Жиззах вилояти табиатининг ўзига хос хусусиятларидан бири тоғлар ва тоғ ёнбағирларида таркибида темир, олтингугурт, водород, радий, кремний кислотаси, карбон гази, ишқорли термо-минераллар бўлган бир қатор шифобахш сув манбаларининг мавжудлигидир. Ғаллаорол, Фориш, Мирзачўл туманларида ана шундай балнеологик сувлар билан даволовчи

“Маржонсув”, “Бирлашган”, “Гагарин” номли санаторийлар ва бир неча профилакторийлар ишлаб турибди.



6.2.4-расм. Жиззах вилоятининг туристик ресурслари.

Шунингдек, Зомин, Жиззах, Бахмал туманларида ҳам маъданга бой сув манбалари бор. Вилоятдаги барча маъданли сувлар кимёвий ва балнеологик таркибига кўра энг машҳур минерал манбаларидан қолишмайди.

Жиззах воҳасини буюк қадамжолар ва маданий мерос маскани сифатида ҳам тилга олсак адашмаган бўламиз. Маълумотларга қараганда, Жиззах вилояти ҳудудида жами 372 та маданий мерос объектлари, шундан 42 та тарихий обида ва муқаддас зиёратгоҳлар, 267 та археологик манзилгоҳлар, 63 та монументал ёдгорликлар “Давлат муҳофазаси рўйхатлари”га киритилган.

Ҳар бир юртнинг ўз табаррук масканлари, бош узра тутган муқаддас зиёратгоҳлари бўлгани каби Жиззах воҳасининг ҳам мўътабар зиёратгоҳлари бор. Жиззах маданий манзиллари, бебаҳо тарихий масканлари билан энг муносиб ўринга дахлдор вилоятларимиздан ҳисобланади. «Сайҳонсой қоятошлари»даги суратларни (4,5 минг йил аввал) минг йиллардан бери азиз тутиб келинган «Темир дарбоза», «Саъд ибн Абу Ваққос», «Парпи ота», «Хўжамушкент ота», «Новқа ота», «Ўсмат ота», «Саид Мир

Халилиллоҳ ота», «Хўжабоғбон ота», Сайфин ота, Саврик ота, Қулфисар ота каби кўплаб мўътабар зиёратгоҳ манзиллари ва қадамжолари мавжуд. Шунингдек, Зомин ҳамда Бахмал тоғ ва тоғолди дам олиш жойлари, Зомин давлат қўриқхонаси ва миллий боғи ҳам вилоятнинг муҳим туристик масканларидандир.

Вилоятда 20 дан ортиқ ғорлар бор. Гарчи улар мутахассислар томонидан ўрганилмаган бўлса-да, биргина Пишоғор ғорини кузатган ҳаваскорларнинг хотирлашларича, ғор ичида саҳни кенг ва узун майдон (зал), кули қизғиш ўчоқ, тош деворларга ишланган расмлар ва петроглиф ёзувлар бисёр. Бундан ташқари, узундан-узун чўзилган ғор сунъий тўсилиб, навбатдаги зал учун қўшимча зиналар қилингани, бу жойда қадим - қадимда ибтидоий одамлар яшаганлигидан далолат беради.

Сирдарё вилояти: Сирдарё вилоятида қадимий каналларнинг излари, сардобалар мавжуд. 70 км узунликдаги Ўринбойўғиз, Искандарарик, Бухороарик жуда қадимги каналлардир. XV асрда Шоҳрух ва Улуғбек Сирдарёдан Мирзачўлга канал орқали сув чиқартирган. Кейинчалик Мирзачўлнинг жануби-шарқида Бўзарик, Сирдарёнинг ўнг томонида Далварзинарик барпо этилган. Қиёт кўли ёнида Сирдарёдан сув оладиган майда ариқлар бўлган.

Сирдарё вилоятида 1 та музей (Гулистон шаҳридаги «Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи музейи»), 2 та маданият ва истироҳат боғи фаолият ко‘рсатади.

Тарихий - меъморий ёдгорликлардан “Гумбаз” тарихий обидаси, Юсуф бобо, Шербобо, Хадичабиби мақбаралари, Гумбаз қишлоғи сардобаси, Ховос қалъасидаги карвонсарой, Оқ олтин туманидаги Мирзақудуқ сардобаси, Сардоба шаҳарчасидаги карвонсарой, “Ховос қалъа”си, Шўрбулоқсой бўйида жойлашган ёдгорликлар ичида энг қадимгилари Эски Ховос ва Нуртепа ёдгорликлари, Сайхунобод туманида жойлашган Нурота ёдгорлиги, Сардоба тумани, Пахтаобод кўрғони ҳудудидаги Сардоба ёдгорлиги мавжуд.

Бинобарин, вилоятдаги бугунги кунга қадар сақланиб келган ва давлат муҳофазасига олинган 19 та маданий мерос ёдгорликлари, X-XII асрларга оид, деб ҳисобланган Юсуф бобо, Шербобо, Хадичабиби мақбаралари, Гумбаз қишлоғи сардобаси, Ховос қалъасидаги карвонсарой, Оқ олтин туманидаги Мирзақудуқ сардобаси, Сардоба шаҳарчасидаги карвонсарой каби маданий

ёдгорликларнинг аксарияти қайта таъмирланиб, обод масканларга айлантирилди.

Навоий вилояти: Навоий вилоятида қадимги давр, илк ва ўрта асрларда қурилган 10 дан ортиқ ёдгорликлар мавжуд. Жумладан, қадимги Карманадаги Мирсаид Баҳром мақбараси, Қосим Шайх меъморий мажмуаси, Катта Гумбаз масжиди, Бухоро-Навоий йўлидаги Работи Малик карвонсаройи ва сардобаси, Деҳгарон мажмуаси, Нурота чашмаси кабиларни айтиб ўтиш мумкин.

Вилоятда 30 га яқин археология ёдгорликлари мавжуд. Айниқса, Навбаҳор тумани Учтут қишлоғидаги шахта (неолит даври), Нурота тумани ҳудудидаги Қоратоғда ўйиб ёзилган қоятош ёзувлари (мил. ав. III аср.) ва б. тарихчилар диққатидадир.



6.2.5-расм. Навоий вилоятининг туристик ресурслари.

Деггарон мажмуаси, Мир Саид Баҳром мақбараси, Нурота чашмаси, “Чашма” табиий меъморий музейи, Нур чашмаси, Нур қалъаси, IX асрда бино қилинган “Панжвақта” катта гумбаз масжиди, Шайх Абул Ҳасан Нурий мақбараси, Нургул бинни Абул Ҳасан қабри, Нургулато қудуғи ва мадраса ҳужраларидан иборат Нуротадаги қалъа харобаси, Работи Малик (Шоҳ Работи) карвон-саройи, Работи Малик сардобаси, Навоий вилояти ўлкашунослик музейи, “Сармишсой” табиат боғи юксак аҳамиятга эга. Навоий вилояти экотуризми деганда, кўз олдимизда Навбаҳор туманидаги беш минг йиллик тарихга эга Сармишсой қоятош суратлари,

Нурота туманидаги «Чашма» мажмуаси, Нур қалъаси, Сангижумон дарасидаги аждодларимизнинг бундан 5-6 минг йил аввалги ҳаёт тарзидан «сўзловчи» тошлар ўрмони каби 200 дан ортиқ бебаҳо ёдгорликлар гавдаланади. Шунингдек, Қизилқум саҳросидаги «АЙДАР-1», «АЙДАР-2» ва «КАМЕЛ» каби сайёҳлик базалари томонидан яратилган ўтовлар кўринишидаги экзотик манзаралар дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларни ўзига мафтун этмоқда.

Сурхондарё вилояти: Сурхондарё вилоятининг маркази бўлган Термиз шаҳри милоддан олдинги II-I асрларда Ҳиндистонни Марказий Осиё орқали Европа билан боғловчи карвон йўлларининг чорраҳасида пайдо бўлди, кейинроқ у Хитойга элтувчи Буюк Ипак йўлида ҳам муҳим аҳамият касб этди.

Вилоятдаги қадимги одамларнинг дастлабки манзилгоҳлари турли ёввойи ҳайвонлар ва ёввойи ўсимликлар билан қопланган тоғ ўрмонларида, Бойсун тоғларидан оқиб тушувчи дарё этакларининг бўйларидан пайдо бўлди.



6.2.6-расм. Сурхондарё вилоятининг туристик ресурслари.

Уларнинг ичида энг қадимгилари сифатида ўрта ва юқори палеолит даврига мансуб Тешиктош ва Мачай ғорлари ҳисобланади. Тешиктош ғоридан неандертал боланинг суяклари топилган бўлиб, ушбу кашфиёт Ўрта Осиё ҳудуди ҳозирги одамларнинг шаклланиш минтақаларидан бири бўлган, деган илмий хулосага олиб келди.

Сурхондарё вилояти ҳудудидаги Кушонлар даврига оид археологик ёдгорликлар ниҳоятда кўп ва хилма-хилдир. Далварзинтепа ва Холчаёнда ўтказилган қазилмалар кушонлар шаҳри юксак маданият ўчоқлари бўлганлигини кўрсатади. Бу даврда ҳунармандчилик ва қишлоқ хўжалигининг интенсив равишда ривожланиши, товар-пул муносабатларининг ўсиши архитектура, монументал ҳайкалтарошлик ва рассомчилик, коропластика ва глиптика санъатининг юксалиши кузатилади.

Ҳудудда сақланиб қолган асосий ёдгорликлар қаторига Қирқ қиз саройи, Ҳаким Термизий меъморий ёдгорлиги, Султон-Саодат мажмуаси, Термиз ҳукмдорлари саройи, Қоратепа ибодатхонаси ва Фаёзтепа ибодатхонаси каби бир қанча объектларни киритишимиз мумкин. Шунингдек, Сурхондарё экотуристик ҳудудида Кўҳитанг тоғида 1987 йилда ташкил этилган 53,7 минг га майдонда эга, 800 хил ўсимлик ва 290 та қуш ҳамда 20 дан ортиқ ҳайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган “Сурхон давлат қўриқхонаси” мавжуд.

Мамлакатимизнинг Сурхондарё вилоятида бошқа вилоятлардаги каби етарли даражада туристик ресурслар мавжуд. Вилоят маркази бўлган Термиз шаҳрида жойлашган “Ҳаким Термизий” меъморий мажмуаси, қизлар академияси номини олган “Қирқ қиз” меъморий ёдгорлиги ва “Султон-Саодат” обидалари, Ангор туманида “Болалик тепа”, Музробод туманидаги “Кичик тепа”, “Сополли тепа”, “Аёзтепа”, Шўрчи туманидаги “Далварзинтепа” манзилгоҳлари, Бойсун туманидаги “Тешиктош ғори”, “Конустепа” (динозаврнинг изи топилган), “Далварзинтепа” (36 кг олтин топилган), Қумқўрғонда “Македон кўприги харобалари”, Жарқўрғондаги “Жарқўрғон минораси”, Деновда эса эски масжид, мадрасалар кабилар шулар жумласидандир.

Шу билан биргаликда, воҳанинг ўзига хос урф-одатлари, халқ ўйинлари, таомлари ва ўзига хос кийимлари вилоятлар ичида ажралиб туради.

Қорақалпоғистон Республикаси: Республикада 3 та махсус қўриқланадиган табиий ҳудуд: «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси, «Сайғоқ» ва «Судоче» буюртма қўриқхоналари ташкил этилган.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида антик, ўрта аср ва янги даврларга оид меъморий ёдгорликлар мавжуд. Меъморий ва тарихий ёдгорликлардан 237 таси рўйхатга олинган, улардан 145 таси археологик, 25 таси меъморий ва 67 таси монументал ёдгорликлардир.

Тупроққалъа (мил. I–IV асрлар.), Аёзқалъа (Аёзқалъа - милодий II-IV асрларга оид учта қалъа харобасидан иборат археологик ёдгорликлар мажмуаси), Катта Гулдурсин қалъаси (мил.ав. III–IV асрлар, мил. XII–XIII асрлар), Қойқирилган қалъа (мил.ав. IV аср – мил. IV аср), Шилпиқ ёдгорлиги (мил. I–IV асрлар, мил. IX–XI асрлар), Даъукескен қашиси (Марказий Осиёдаги энг қадимги божхона), Ақшахан (қадимги пойтахт), Миздаҳқон археологик-архитектура комплекси (мил. авв. IV аср – мил. XIV аср), Совитский номидаги давлат музейи, Ажинияз Бобо мақбараси, Жантемир Ийшан ота зиёратгоҳи каби яна кўплаб туристик ресурсларни келтириб ўтиш мумкин.



6.2.7-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг туристик ресурслари.

Беруний туманидаги Султон Увайс Бобо, Кечирмас Бобо; Тўрткўл туманидаги Қалан-дардағ, Норинжон Бобо мажмуалари; Хўжайли туманидаги Мазлумхон Сулу ва Миздаҳқон мажмуалари; Қўнғирот туманидаги Белеули, Давут Ота мақбаралари; Мўйноқ туманидаги Ҳаким Ота мақбараси ва қабристони, Элликқалъа туманидаги Аёзқалъа-1 ва Аёзқалъа-2, Тупроққалъа кабилар энг муҳим ёдгорликлардир.

Таянч сўз ва иборалар: тарихий шаҳарлар, «Шарқнинг қадимий обидалари», «Жаҳон мероси», аквапарк, Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК), Халқаро ислом ташкилоти (ISESCO), тарихий шаҳарларнинг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари, эркин туристик зона.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон туризмини ривожлантиришда тарихий шаҳарларнинг ўрни нималардан иборат?
2. Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарлари «Шарқнинг қадимий обидалари» сифатида ифодаланишининг сабаби нимада?
3. Ўзбекистоннинг қайси шаҳарлари ЮНЕСКО рўйхатига кирган?
4. Тошкент шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?
5. Самарқанд шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?
6. Бухоро шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?
7. Хива шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?
8. Фарғона водийси шаҳарларининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?
9. Термиз шаҳрининг асосий тарихий ва меъморий ёдгорликлари нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарларидан яна қай бирини эркин туристик зонага айлантириш мумкин? Асослаб беринг.
2. Ўзбекистон вилоятларида жойлашган яна қандай тарихий, маданий археологик обидаларни биласиз? Улар ҳақида маълумотлар тўпланг ва тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. Имом Бухорий мажмуаси қаерда жойлашган?

а) Самарқанд шаҳри, Паяриқ тумани, Хартанг қишлоғида;
б) Самарқанд шаҳри, Нуробод тумани, Қалача қишлоғида;
д) Бухоро шаҳри, Ғиждувон туманида;
е) Бухоро вилояти, Когон тумани, Қасри Орифон қишлоғида.

2. Тарихий шаҳарларни эркин туристик зонага айлантиришда қандай талаблар қўйилади?

а) иқтисодиёти ривожланган;

б) аҳоли сони 500 мингдан ортиқ бўлиши;

д) табиати, маданияти ва тарихий салоҳияти;

е) илм-фан тараққий қилган шаҳар.

3. Ҳаким Термизий мажмуаси; Султон-Саодат ёдгорлиги, Фаёзтепа ибодатхонаси каби тарихий ёдгорликлар қаерда жойлашган?

а) Сурхондарё вилоятида;

б) Қашқадарё вилоятида;

д) Жиззах вилоятида;

е) Тошкент шаҳрида.

4. Самарқанд шаҳри «Регистон» майдонидаги қайси мадраса биринчи ва ким томонидан қурилган?

а) Улуғбек мадрасаси, Мирзо Улуғбек томонидан;

б) Шердор мадрасаси, Баҳодур Ялангтўш томонидан;

д) Тиллакори мадрасаси, Мирзо Улуғбек томонидан;

е) Шердор мадрасаси, Мирзо Улуғбек томонидан.

5. Қуйидагилардан қайси бири Термиз шаҳрига хос ёдгорликлар саналади?

а) Фаёзтепа ибодатхонаси (I аср);

б) Чорсу бозори (XVIII аср охири);

д) Исмоил Сомоний мақбараси (IX аср);

е) Дорус-Саодат мажмуаси (XIV аср).

7-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

Режа:

7.1. Туристик хизматлар ва маҳсулотлар.

7.2. Туристик хизматлар хусусиятларининг «4 та С» билан ифодаланиши.

7.3. Хизмат кўрсатиш класслари ва хизматлар пакети.

7.1. Туристик хизматлар ва маҳсулотлар

Бугунги кунда туризм соҳаси тез суръатларда ривожланмоқда ва унинг муҳим ижтимоий ҳамда иқтисодий аҳамиятга эга бўлиши қуйидаги омиллар билан белгиланади:

– маҳаллий даромадни ўстиради;

– янги иш ўринларини яратади;

– туристик хизматлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган барча соҳаларни ривожлантиради;

– сайёҳлик марказларида ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиради;

– халқ ҳунармандчилик марказлари фаолиятининг ривожланишини тезлаштиради ва янги йўналишларини шакллантиради;

– маҳаллий аҳоли яшаш даражасининг ва сифатининг ўсишини таъминлайди;

– валюта тушумлари миқдорининг ўсишига ёрдам беради;

– ишсизлик муаммосини ижобий ҳал қилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунидаги айрим моддаларда туристик хизматлар билан боғлиқ тушунчаларнинг таърифи берилган. Жумладан, Қонуннинг 3-моддасида туристик хизматлар тушунчаси ҳақида: «туристик хизматлар туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар», деб таърифланади. Қонуннинг 11-моддаси «Туристик саёҳат ва туристик хизматлар мажмуи», деб номланиб, унда қуйидаги фикрлар баён қилинади: «Туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади.

Туристик хизматлар мажмуи транспорт хизмати кўрсатишни, яшаш, овқатлантириш, экскурсия хизмати кўрсатиш, маданий, спорт дастурларини ташкил этиш, туристлар бўш вақтини мазмунли ўтказиш ва бошқа хизматларни ўз ичига олади». Қонуннинг 10-моддаси: «Туристик хизматларни сертификатлаштириш», деб номланиб, унда қуйидаги жумлаларни ўқиймиз: «Туристик хизматлар мажбурий сертификатлаштирилиши лозим. Туристик хизматларни сертификатлаштириш ва сертификат бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Туристик фаолият субъектининг туристик хизматларни мажбурий сертификатлаштиришдан бош тортиши, туристик хизматларни сертификатлаштиришнинг натижаси салбий бўлиши, шунингдек, сертификатнинг амал қилишини бекор қилиш туристик фаолиятни амалга ошириш учун берилган лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб қўйишига ёки лицензиядан маҳрум қилишга сабаб бўлади». Қонуннинг 12-моддаси: «Туристик хизматлар кўрсатиш шартномаси», деб номланиб, қуйидаги фикрлар баён этилади: «Туристик хизматлар шартнома асосида кўрсатилади. Шартномада кўрсатилган хизматларнинг кўлами ва сифати, тарафларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, ҳақ тўлаш ва ҳисоб-китоблар тартибини, шартноманинг амал қилиш муддатини ва уни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун жавобгарликни, шунингдек, тарафларнинг келишувига кўра бошқа шартларни белгилайди». Бизнинг назаримизда, туристик хизматлар саёҳат давомида туристнинг барча эҳтиёжларини қондиришга ва таъминлашга қаратилган ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, турига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига тўла жавоб бериши керак.

Туристик хизматлар – турист ва экскурсант эҳтиёжларини қондириш ва таъминлашга қаратилган, хизмат соҳасидаги бир мақсадга йўналтирилган ҳаракатлар тўплами бўлиб, улар туризм мақсадларига, характерига ва туристик хизматнинг қандай йўналтирилганлигига жавоб бериши ҳамда умуминсоний тамойилларга қарши бўлмаслиги керак. Давлат стандарти таърифига кўра, туристик хизматлар – туристларнинг эҳтиёжларини қондириш фаолияти билан шуғулланувчи туризм ташкилотларининг фаолияти маҳсулидир.

Хизматлар – бу истеъмол товарларининг ўзига хос туридир. Хизмат бевосита истеъмол жараёнида юзага келади ва алоҳида ҳолда бўлмайди,

бу хизматнинг моддий товарга нисбатан асосий фарқидир. Бундан ташқари, товар истеъмолчига олиб келиб берилади, туристик хизматда эса истеъмолчи бевосита хизматнинг амалга ошириладиган жойига олиб борилади. Шунинг учун ҳам туристик хизматларни шакллантириш ва сотиш моддий товарларни сотишга алоқадор бўлган қонунлар асосида эмас, балки бошқа қонунлар мажмуи билан бошқарилади.

Туристик хизматлар икки турга бўлинади: асосий ва қўшимча туристик хизматлар. Уларнинг бир-биридан фарқли томонлари қуйидагилардан иборат:

7.1.1-жадвал

Асосий хизматлар	**Қўшимча хизматлар**
Турпакетга киритиладиган хизматлардир (масалан: ташиш, жойлаштириш, овқатлантириш ва б.).	Қўшимча туристик хизматлар эса турпакетга киритилмайди.
Асосий туристик хизматлар саёҳатни бошлашдан олдин сотиб олинган, яъни тўлов олдиндан амалга оширилган бўлади.	Қўшимча туристик хизматларда тўлов – хизматдан фойдаланиш жараёнида амалга оширилади.

Юқоридаги фарқлардан келиб чиққан ҳолда, ***қўшимча туристик хизматлар деганда,*** турпакетда назарда тутилмаган, турист саёҳат давомида ўзининг қўшимча тўлови асосида амалга ошириладиган хизматлар тушунилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти қўшимча туристик хизматларнинг 400 та турини келтириб ўтган. Қўшимча туристик хизматларнинг аҳамияти шундаки, унда турист пайдо бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиради, маълум бир вазифаларни бажаришда ўзини уринтирмайди (масалан: меҳмонхонада яшаётганида кийимини тозалаш ёки дазмоллаш учун меҳмонхона ходимларига мурожаат қилади). Турист қўшимча туристик хизматлар туфайли тўла дам олишга эришади. Натижада ўз саёҳатидан кўнгли тўлади. Қўшимча туристик хизматлардан турист икки хил вазиятда фойдаланади:

Турпакетнинг танаффус қисмида ёки турист бўш қолган вақтда фойдаланадиган хизматлар (масалан, кечқурин Регистон майдонида намойиш этиладиган овозли ва нурли панораманинг томошаси).

Асосий хизматлар кўрсатилиши давомида ёки турист эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда фойдаланадиган хизматлар (масалан, қўшимча гид хизмати).

Туристга биринчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

– туристлар қизиқишларини инобатга олиб, иложи борича туристларга фақат яхши кайфият бағишлайдиган қўшимча хизматлар тақдим этиш ўринли ҳисобланади. Шу ўринда бу хизматлар туристга ижобий таассурот қолдира олиши керак. Масалан: ўзбек миллий тўйларига ва оилаларга олиб бориш, туристни миллий концерт, фестивалларга таклиф этиш. Бунинг учун республикада туристларга хизмат қиладиган миллий ансамбль гуруҳларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлади;

– турист учун янгилик бўлган ва бундай вазиятга олдин дуч келмаган қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш. Масалан: Самарқандда бир-бирига масофа жиҳатидан яқин жойлашган ёдгорликлар (Амир Темур мақбараси, Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳи Зинда ансамбли ва бошқалар)га саёҳат қилишда туристларни туя, от-араваларда олиб бориш чуқур таассурот қолдирувчи хизматлар турига киради. Бунинг учун шу ёдгорликлар жойлашган ҳудудда махсус пиёда туристик йўлаклар ташкил этиб, туристик-томоша ҳудудига айлантириш керак;

– туристларни миллий урф-одатлар ва анъаналар билан таништириш орқали миллий ҳунармандчилик ва касаначилик жараёнларида бевосита қатнашишини ташкил этиш. Ёки ўзбек миллий таомларининг пиширилиш жараёнини томоша қилиш каби хизматлар кўрсатиш. Бунинг учун мамлакатимизда ҳунармандчилик, касаначилик ва миллий ошхоналарни туризм соҳасига жалб қилиб, бу соҳаларни ривожлантириш.

Туристга иккинчи вазиятдаги қўшимча туристик хизматларни кўрсатиш учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

– меҳмонхоналардаги қўшимча туристик хизматларни ривожлантириш. Бу хизматларга: номерга таом ёки меҳмон буюртмаларини етказиб бериш хизмати, кийим тозалаш ва дазмоллаш хизмати, сейф хизмати, телефон, интернет, почта хизматлари, тренажёр зали хизмати, бассейн (очиқ ёки ёпиқ), массаж, сауна, сартарош хизмати, техникани таъмирлаш хизмати, валюта айрибошлаш хизмати, ижара хизмати ва бошқалар.

– овқатланиш корхоналарида қўшимча туристик хизматлар махсус турист буюртмаси ва танловига асосан кўрсатиладиган хизматлардир.

Қўшимча туристик хизматлардан турист кетма-кет равишда ҳам фойдаланиши мумкин. Яъни турист бўш вақтида шаҳардан ташқарига тоғли манзараларни кўриш учун борганда, валюта алмаштириш хизмати, автомобиль ижара хизмати, қўшимча овқатланиш хизмати (шаҳардан ташқарида) дан кетма-кет фойдаланади. Хулоса қилиб айтганда, қўшимча туристик хизматлар нафақат ташкил қилиниши ва таклиф қилиниши, балки сифатли ва фойдали равишда кўрсатилиши керак.

Туристик маҳсулот. Туризм хизмат бозори ўзига хос ҳодиса бўлиб, унинг таъсир доираси туристик маҳсулотни яратиш ва истеъмолчилар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар билан ифодаланади.

Туристик маҳсулот туризм мақсадлари ва жараёнида туристнинг эҳтиёжларини қондириш учун етарли бўлган, барча туристик хизматлар, ишлар, товарлар ва таъминот воситалари ҳамда турпакетга киритилган бошқа туристик хизматлар мажмуидан иборат. Туристик маҳсулот (турпакет) хизматлар ҳаракатининг 24 соатдан ортиқ вақтига эга ёки тунаб қолиш (жойлаштириш) ва жойдан-жойга кўчиб ўтиш (юк ташиш) ни ўз ичига олади. Туристик маҳсулот барча кўрсатилган хизматлар ва барча харажатларни ўз ичига олган умумий нарх бўйича таклиф этилади, унинг истеъмол хусусиятлари эса шартнома шартлари асосида амалга оширилади.

Турист туристик маҳсулотлар (туристик хизматлар, ишлар ва товарлар) истеъмолчисидир. Туристик маҳсулотлар – туристик асосий хизматлардан (бронлаштириш, трансферт, жойлаштириш, овқатлантириш, экскурсиялар), қўшимча хизматлар туристик ишлардан (фото хизмати, суғурта, ахборот, молия, банк хизмати) ва туристик товарлардан (эсдалик совғалар, хилма-хил тур товарлари, истеъмол товарлари – парфюмерия, тамаки, спиртли ичимликлар, маиший техника, кийим-кечак) иборатдир.

Агар туристик хизматлар кўрсатиш жараёнини синчиклаб кузатадиган бўлсак, унда туризм ташкилотчилари (туроператорлар) айнан хизмат кўрсатиш билан эмас, балки туристларнинг эҳтиёжларига қараб, туристик маҳсулотни шакллантирадилар ва уларнинг турли комбинацияларини тузадилар, бунинг эвазига улар фоиз кўринишида мукофот оладилар. Шундай қилиб, туризм ташкилотчилари туристлар ва хизмат кўрсатувчилар ўртасида воситачи вазифасини ўтайдилар.

“Туризм ташкилотчилари нима билан савдо қиладилар ва туристик йўлланма ёки ваучерни харид қилган турист бевосита нимага эга бўлади?” деган савол туғилади. Агар ушбу жараён диққат билан ўрганилса, унда турист ушбу йўлланманинг ўрнатилган муддатида туристик хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади. Туристик йўлланма (ваучер) бу туристнинг ёки туристлар гуруҳининг тур таркибига кирувчи туристик хизматларга бўлган ҳуқуқини белгиловчи ва бундай хизматлар кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасига асосан: **«Тур – муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация, экскурсия ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат»,** деб белгиланган. Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, турмаҳсулот бўйича туристик харажатлар таркиби қуйидаги ҳолатда бўлади:



7.1.1-расм. Турмаҳсулотнинг туристик харажатлар бўйича таркиби

Туристик харажатлар таркибида кўрсатилганидек, турист саёҳат учун қиладиган умумий харажатларининг ўртача 50 фоизи – тур (турпакет)ни сотиб олишга ишлатади, 30 фоизи – қўшимча туристик хизматлардан фойдаланишга сарфланади, 20 фоизи эса – товар (сотиб олиш: сувенир ва совғалар) харажатларини ташкил этади.

7.1.1-расмдан кўриниб турибдики, асосий хизматлар турист харажатларининг асосини ташкил этса-да, қўшимча хизматлар учун турист қолган бор пулининг аксарият қисмини сарфлар экан.



7.1.2-расм. Туризм маҳсулотининг таркибий тузилиши.

Туристларга номоддий хизматлардан ташқари моддий хизматлар ёки махсус маҳсулотлар тақдим этилиши мумкин, масалан, шаҳар режаси, метро харитаси, сувенирлар, туристик жиҳозлар ва б.

7.2. Туристик хизматлар хусусиятининг «4 та С» билан ифодаланиши

Туризм хизмат кўрсатиш соҳасининг ташкил этувчиси сифатида ўз хусусиятларига ва функциясига эга бўлиб, бу уни хўжалик юритишнинг автоном соҳаси эканлигини белгилайди. Бошқа хизмат турлари каби туристик хизматлар ўзига хос хусусиятларини шартли равишда «*Тўртта С*» билан белгиласак, қуйидаги ҳолатда бўлади:

1. Сезилмаслик. Туристик хизматлар номоддий маҳсулот бўлиб ҳисобланади. Улар ижтимоий - маданий (номоддий) соҳаларга тегишли бўлади, чунки истеъмолчининг ижтимоий-маданий хизматларга бўлган эҳтиёжини жисмоний, этник-интеллектуал, маънавий ва ҳ.к. эҳтиёжини қондириш бўйича хизматларни ижро этувчилар фаолияти аниқлайди. Уларни харид қилиш вақтида кўриш ёки баҳолаш мумкин эмас. Бундай хизматлар объекти бўлиб шахсан истеъмолчи (турист) ҳисобланади;

2. Сервисни ва истеъмолчини ўзаро боғлиқлиги. Хизматлар истеъмолчи ва ижро этувчиларнинг ўзаро таъсири натижасида ташкил топганлиги сабабли, туристик хизматларни кўрсатиш жараёни (ишлаб чиқариш) истеъмол билан бирга параллел равишда юз беради. Маълумки, моддий шаклда товарларни ишлаб чиқариш, уни сотувидан олдин бўлади, фақат ундан кейингина истеъмол жараёни бошланади. Яна бир муҳим хусусиятларидан бири – бу туристик товарлар ва хизматлар истеъмоли фақатгина истеъмолчини, яъни туристни унинг ишлаб чиқилган жойига олиб борилган ҳолдагина амалга оширилади. Оддий товарлар ва хизматлар истеъмоли эса тескариси, яъни ишлаб чиқилган маҳсулот, жойидан қатъи назар, тайёр бўлгач, истеъмолчи уни шу ернинг ўзида истеъмол қилади.

3. Сақланмаслик. Туристик хизматларнинг сақланмаслиги (сақлаш мумкин эмаслиги). Туристик хизматларнинг ҳаётий даври моддий товардан тубдан фарқ қилади, хусусан, сақлаш босқичининг мавжуд бўлмаганлиги билан туристик хизматларни сақланмаслиги

бозор конъюнктурасини яхшилаб ўрганишни, талаб ва таклифнинг мутаносиблигини талаб этади, чунки хизматлар талаб бўлмагунга қадар «омборларда» туриб қоладиган маҳсулот эмас.

4. Сифатнинг доимий эмаслиги (хизматлар сифати кўп ҳолларда манбанинг ҳолати, унинг малакавий тажрибаси, кайфиятига боғлиқ бўлади).

Меҳмондўстлик соҳасидаги хизматлар ўзининг ўзгарувчанлиги билан ажралиб туради. Бундай ўзгарувчанликнинг бир неча сабаблари мавжуд. Биринчидан, бундай турдаги хизматлар бир вақтнинг ўзида кўрсатилади ва қабул қилинади, бу эса уларнинг сифатини назорат қилиш имкониятини чеклайди.



7.2.1-расм. Туристик хизматлар хусусиятининг «4 та С» билан ифодаланиши.

Эҳтиёжнинг вақтинчалик нобарқарорлиги, эҳтиёж юқори бўлган даврда хизмат сифатининг сақланишини муаммоли қилиб қўяди. Кўп нарсалар хизмат кўрсатиш вақтида уни рад этиш ҳолатига боғлиқ бўлади. Айнан бир киши бугун сизга яхши хизмат кўрсатиши мумкин, аммо эртаси куни сифатсиз хизмат қилиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бундай сифатсиз хизмат кўрсатишнинг турли сабаблари бўлиши мумкин: хизмат сифатидаги ўсиш ва тебранишлар, меҳмондўстлик индустрияси шаънига мижозлар томонидан айтиладиган эътирозлар норозиликнинг бош сабаби бўлиб ҳисобланади. Туристик хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари юқоридаги 7.2.1-расмда келтирилган.

7.3. Хизмат кўрсатиш класслари ва хизматлар пакети

Хизмат кўрсатиш класслари тақдим этилаётган хизматлар сифатини белгилаш учун ишлатилади. Туристик маҳсулот турли-туман хизматлар йиғиндисидан иборат бўлганлиги учун, уларни туристга сотишда даражасини белгилаш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқади. Турлар ва хизматларнинг даражасини белгилаш бўйича бизнинг мамлакатимиз бозорларида ҳам, халқаро бозорда ҳам меъёрий стандартлар мавжуд эмас. Шунинг учун туроператор ва турагентлар турни сотишда шартли равишда тур бўйича хизматларни люкс, биринчи класс, туристик класс, эконом (иқтисод) класс қилиб белгилайди.

Люкс класс. Ушбу класс бўйича турларни ташкил қилишда одатда энг юқори даражали хизматлар жалб қилинади: 5 юлдузли ҳашаматли меҳмонхоналар, биринчи класс ва бизнес авиация самолётларида учиш, ҳашаматли ресторанларда овқатланиш, алоҳида транспорт, люкс класс машиналарида, алоҳида гид хизматлари ва ҳ.к. Бундай турлар ВИП-хизмат кўрсатиш туркуми (разряди) бўйича тақдим этилади.

Биринчи класс – бу ҳам нисбатан юқори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражадаги самолётларда учишни, қимматбаҳо ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутади.

Туристик класс – 2-3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни, доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учишни, швед столи бўйича овқатланишни, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиш тури ҳисобланади.

Иқтисод класс – энг арзон хизмат кўрсатиш туридир. Одатда, иқтисод классдан талабалар ва кам таъминланганлар фойдаланади. Ушбу класс дастурлари юқори даражада бўлмаган хизматларни кам миқдорда тақдим этишни кўзда тутади: 1-2 юлдузли меҳмонхонада жойлаштириш, ётоқхона ва хостелларда жойлаштириш, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш тамойили бўйича фаолият юритувчи кичик ва кооператив меҳмонхоналарда жойлаштириш, чартер авиарейсларида учиш, кутиб олиш ва кузатиш жамоат транспортида амалга оширилиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, ҳаммаси тежамли ва арзон бўлади.

Аммо шуни унутмаслик лозимки, ушбу белгилашларнинг барчаси шартлидир ва кўпинча улар миллий вариантлар ва фарқларга эга. Нима бўлганда ҳам турни сотиб олишда ҳар бир хизмат даражасини ва унинг таркибини аниқлаштириш лозим.

Хизматлар пакети (тўплами). Амалиётда асосий туристик маҳсулот бу хизмат кўрсатиш мажмуасидир, яъни туристларга ягона пакетда сотилувчи хизматларнинг стандарт тўплами. Хизматлар пакети (тўплами) туроператор томонидан яратилган бўлиб, маълум хизматлар тўпламидан: ташиш, жойлаштириш, овқатланиш, экскурсиялар ва ҳ.к. иборат туристик маҳсулотдир. Турдаги хизматлар пакети турист томонидан танланган туристик дам олиш тури бўйича уларнинг эҳтиёжлари ва саёҳат мақсадидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади. Тур ва унинг пакетини шакллантиришда туристлар билан ишлашнинг икки варианти мавжуд:

а) буюртмали турлар сотилиши;

б) инклюзив турлар сотилиши.

Буюртмали тур. Буюртмали турларни сотишда дастурни шакллантириш ва хизматлар таркибини яхлитлаш турист хоҳишига биноан, унинг бевосита иштирокида амалга оширилади. Туристга таклиф этилаётган дам олиш масканида турли хил тур хизматларнинг ҳар бири бўйича ҳар хил хизмат кўрсатиш вариантлари таклиф этилади:

- жойлаштириш – жойлашган жойи ва тури, даражаси бўйича турли хил меҳмонхоналар.
- овқатланиш – турли вариантлар (тўлиқ ёки ярим пансион ёки умуман овқатланишсиз) швед столи ёки «аля кард» ва ҳ.к;
- экскурсиялар ва кўнгилочар хизматлар;
- транспорт хизматлари – авиаучиш вариантлари, темирйўл ташувлар, автомобиль ижараси ва ҳ.к. вариантлари;
- спорт ва даволаниш курорт хизматлари;
- виза хизматлари, шунингдек, суғурта хизматлари.

Юқорида айтилганидек, бундай турларни тузишда туристнинг ўзи бевосита иштирок этиши ҳам мумкин.

Турист томонидан танланган хизматлар тур дастурида шакллантирилади, нархи ҳисобланади, уни турист турпакетга эга бўлгач тўлайди. Одатда, бундай буюртмалар агентликларда шакллантирилади, сўнг жорий қилиш учун туроператорга йўналтирилади. Буюртмаларни тез ва сифатли таъминлаш учун бугунги кунда

халқаро туризмда турагентликлар ва операторлик компаниялари замонавий компьютер технологияларидан фойдаланмоқда. Халқаро туризмда пакетни яхлитлаш муаммолари, нархни ҳисоблаш ва турни сотишни тезкор ҳал қилиш учун компьютер ва телефакс алоқасидан кенг фойдаланилади.

Инклюзив тур (ИТ). Бу олдиндан режалаштирилган ва дам олишнинг ёки туризмнинг маълум тури ҳамда туристларнинг маълум ижтимоий гуруҳига ва унинг ёнига йўналтирилган қатъий хизматлар тўпламидир. Энг кўп тарқалган инклюзив турлар, деб маршрутли турларни айтиш мумкин. Яъни бунда туристлар гуруҳи автобусда бир нечта шаҳарлар ва мамлакатлар бўйлаб саёҳат қилади. Ушбу турнинг ўзига хос хусусиятлари (саёҳат графиги ва муддатлари билан қатъий боғланган, барча учун ягона дастур) унинг буюртмали бўлишига йўл қўймайди. Круиз турлар, ҳобби турлар ҳам инклюзив турлардир. Инклюзив турларни сотишда хизматлар таркиби ўзгармайди.

Турист бундай турни тўлиғича сотиб олиши ёки ундан бутунлай воз кечиши мумкин. Инклюзив турлар барқарор талабга эга таниқли туризм ва дам олиш масканларидаги маршрутларда ташкиллаштирилади ва таклиф этилади. Инклюзив турлар нархининг катта қисмини жойлаштириш ва овқатланиш тўловлари ташкил этади. Халқаро (авиа) ҳаво транспортлари ассоциацияси талабига биноан, инклюзив турлар ўз ичига 3 тадан кам бўлмаган хизматлар: авиаучиш, жойлаштириш, бутун маршрут бўйлаб саёҳат ва юқоридаги 2 таси билан боғлиқ бўлмаган бирор хизмат (экскурсия, автомобиль ижараси ва ҳ.к.).

Бундай турларга бўлган талабнинг тебранишига қарамасдан, уларни ривожлантиришнинг маълум афзалликлари мавжуд:

- умуман олганда, мажмуали саёҳат алоҳида сотиб олинадиган хизматлар тўпламидан арзондир;
- нархлари олдиндан маълум бўлганлиги учун турагентларнинг туристларга қандай маршрутни танлаш борасида маслаҳат беришлари осон кечади. Бунда дастурлар ҳам олдиндан белгиланган бўлади;
- ўз маҳсулотининг жозибадорлигини кўрсатиш учун кўпроқ имконият бўлади.

Инклюзив турларнинг камчиликлари:

- бундай турда мижозни қизиқтирмаган хизматларнинг мавжуд бўлиш эҳтимоли бор;
- дастурнинг ҳаддан ташқари тўйинганлиги;
- бундай тур рекламаси истеъмолчиларнинг фақатгина бир қисминигина жалб қилиши мумкин.

Буюртмали турларда туроператор доимий равишда меҳмонхоналардаги тасдиқланмаган ўринларга квоталарни ушлаб туриши лозим. Сотишда турли талабномалар бўлиши мумкин. Туроператор турли меҳмонхоналарда жойлаштирилган туристлар билан ишлашига тўғри келади. Туристларни бир меҳмонхонада жойлаштириб хизмат кўрсатиш анча осон кечади. Юқорида айтиб ўтилганидек, туристнинг шахсий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, барча туристик саёҳатлар индивидуал ёки гуруҳли тарзда амалга оширилади.

Туртўплам (турпакет) – истеъмолчиларга гуруҳли ёки индивидуал вариантлар бўйича тақдим этиладиган хизматлар тўпламига киради.

Турпакетни ташкиллаштиришга таъсир этувчи омиллар:
- берилган саёҳатга талабнинг мавжудлиги;
- хизматлар, инфратузилма, моддий базанинг мавжудлиги;
- авиакомпаниялар ва бошқа транспорт компаниялари билан муносабати;
- жўнатувчи ва қабул қилувчи мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар;
- ҳамкор туристик ташкилотлар билан муносабат;
- белгиланган мамлакатда туризмнинг ривожланиш даражаси;
- белгиланган мамлакатнинг сиёсий барқарорлиги.

Шуни таъкидлаш лозимки, сиёсий барқарорлик омили туроператор томонидан ўзининг стратегиясини ишлаб чиқишда муҳим ҳисобланади. Туризмда Грециядаги курд миллати воқеалари, Мисрдаги террористик портлашлар билан боғлиқ ҳодисалар талабнинг кэскин пасайиш ҳолларига олиб келади. Ушбу йўналишларга ихтисослашган туроператорлар катта йўқотишларни бошдан кечирдилар. Аммо шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ушбу ҳудудларда вазият барқарор бўлиши билан туристлар оқими яна кучая бошлайди. Берлиндаги халқаро туризм биржасида қайд этилганидек, турист хавф-хатарни енгиб ўтишга мойил. Сиёсий барқарорлик

қайта яхшиланган мамлакатларда, шу билан бирга, турпакетнинг нархлари арзонлашганда туристик оқим яна кучая бошлайди.

Турпакет нархи. Турпакетнинг муваффақиятига таъсир этувчи энг муҳим омил бу – нархдир. Нархлаштиришда бошқаларникига ўхшамаган, алоҳида хусусиятли турпакетга эга бўлган туроператорлар кўпроқ эркинликка эгадир. Улар нархни асосан хизматларни сотиб олиш ва бошқа харажатлар, шунингдек, даромаднинг маълум фоизини киритишга асосланиб белгилайдилар. Оммавий бозор туроператорлари асосан рақиблар нархига асосланиб нарх белгилашади, айниқса, турпакетларга талаб пасайганда (ўлик мавсумда).

Турпакет нархини аниқлашда туроператорлар бозор етакчилари нархларига амал қилишади. Йирик туроператорлар харажатларни камайтиришади ва шу билан рақибларининг нархлаштиришда омадга эришишларига йўл қўймайди. Энг кўп қўлланиладиган нархлаштириш усулларидан бири – бу харажатларга асосланган нархлардир, яъни маҳсулот таннархи ҳисобланади ва даромаднинг маълум фоизи қўшилади. Турпакет нархига кирувчи даромад фоизи қўшимча харажатларни қоплаш, фондларга ажратмалар, маош ва соф даромадни ҳисоблаш орқали аниқланади ва 15 % дан 30% гача бўлади.

Туризмда нархлар харажатлар ва даромадлар нотекис тақсимланган вақтда бозордаги талабнинг тебранишини ифодалайди, «ўлик мавсум»да нархлар пасаяди ва мавсумда улар қайта тикланади (даромад эвазига). Турпакетлар нархи нафақат туристик бозорнинг ҳолати, рақобатчиларнинг нархига, балки бошқа турлар нархига ҳам боғлиқ бўлади.

Таянч сўз ва иборалар: туристик маҳсулот, тур, индивидуал турлар, гуруҳли туризм, хизмат кўрсатиш класслари, «Люкс класс», «Иқтисод класс», хизматлар пакети (тўплами), мажмуали хизмат кўрсатиш, буюртмали тур, инклюзив тур, турпакет, туристик хизматларнинг хусусиятлари, «4 та С», сезилмаслик, сервисни ва истеъмолчини ўзаро боғлиқлиги, сақланмаслик, сифатнинг ўзгарувчанлиги.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туристик хизматларга нималар киради?
2. Асосий ва қўшимча туристик хизматлар деганда нимани тушунасиз?
3. Асосий ва қўшимча туристик хизматларнинг бир-биридан фарқли томонларини тушунтириб беринг.
4. Туризм маҳсулоти деганда нимани тушунасиз?
5. Жозибадор туризм маҳсулотини яратиш қандай амалга оширилади?
6. Хизмат кўрсатиш классларининг таърифларини баён қилинг.
7. Хизматлар пакетига нималар киритилади?
8. Миллий туризм маҳсулотнинг таркибига нималар киради?
9. Туристик хизматлар хусусиятининг «4 та С» билан ифодаланиши нимани билдиради?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Туризм маҳсулотни туристик хизматлардан ажратиб турувчи фарқлар нималардан иборат?
2. «Бухоро шаҳрига саёҳат» номли турпакет тайёрланг ва тақдимотини ўтказинг.
3. Самарқанд шаҳри меҳмонхоналарида хизматлар кўрсатиш классларини аниқланг.

Тест саволлари

1. «Туризм тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасида туристик хизматларга қандай таъриф берилган?

а) туристик хизматлар – туристик фаолият субъектларининг жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, ахборот-реклама хизматлари кўрсатиш борасидаги, шунингдек, туристларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа хизматлар;

б) туристик саёҳат якка тартибда ёки туристлар гуруҳи таркибида амалга оширилади;

д) асосий ва қўшимча туристик хизматлар;

е) муайян йўналиш бўйича туристик хизматлар мажмуи (жой бандлаш, жойлаштириш, овқатлантириш, транспорт, рекреация,

экскурсия хизматлари ва бошқа хизматлар) билан таъминланган аниқ муддатлардаги туристик саёҳат.

2. «Люкс класс» хизматлари тўғри таърифланган қаторни белгиланг.

а) ушбу класс бўйича турларни ташкил қилишда, одатда, энг юқори даражали хизматлар жалб қилинади;

б) иқтисод (эконом) классга нисбатан юқори даражали хизматлар кўрсатилади;

д) 2-3 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни, доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учишни, швед столи бўйича овқатланишни, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиш туридир;

е) энг арзон хизмат кўрсатиш туридир.

3. Биринчи класс хизматлари тўғри таърифланган қаторни белгиланг.

а) бу ҳам нисбатан юқори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4-5 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражадаги самолётларда учишни, обрўли ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутади;

б) ушбу класс бўйича турларни ташкил қилишда одатда энг юқори даражали хизматлар жалб қилинади;

д) 1-2 юлдузли меҳмонхоналарда жойлаштиришни доимо авиарейсларнинг иқтисод классларида учишни, швед столи бўйича овқатланишни, гуруҳли трансфертни назарда тутувчи энг оммалашган хизмат кўрсатиш туридир;

е) энг арзон хизмат кўрсатиш туридир.

4. Буюртмали тур бу…

а) буюртмали турларни сотишда дастурни шакллантириш ва хизматлар таркибини яхлитлаш турист хоҳишига биноан, унинг бевосита иштирокида амалга оширилади;

б) энг арзон хизмат кўрсатиш туридир;

д) бу олдиндан режалаштирилган ва дам олишнинг ёки туризмнинг маълум тури ҳамда туристларнинг маълум ижтимоий гуруҳига ва унинг ёнига йўналтирилган қатъий хизматлар тўпламидир;

е) бу ҳам нисбатан юқори даражали хизмат кўрсатиш бўлиб, 4 юлдузли меҳмонхоналарга жойлаштириш, бизнес класс даражадаги самолётларда учишни, обрўли ресторанларда овқатланишни, индивидуал трансфертни, гид хизматларини назарда тутади.

5. Асосий хизматларни аниқланг.

а) туристлар таклиф қилган хизматлар;

б) транспорт, жойлаштириш, овқатлантириш, гид-экскурсия ва кўнгилочар хизматлар;

д) жойлаштириш ва овқатлантириш хизматлари;

е) меҳмонхона хизматлари.

8-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ

Режа:

8.1. Туризм соҳасида жойлаштириш воситалари ва хизматлари.

8.2. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи.

8.1. Туризм соҳасида жойлаштириш воситалари ва хизматлари

Меҳмонхона хўжалиги инсоният тарихидаги ҳар қандай ижтимоий формацияга хос бўлган, меҳмонни ҳурмат қилиш, уни қабул қилиб олиш ва хизмат кўрсатиш тантаналари каби энг қадимги анъаналаридан келиб чиқади. Меҳмонхона хизматлари туризм соҳасининг энг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Меҳмонхона бизнесида кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш, бу борада мавжуд хорижий тажрибани, уларнинг ривожланиш тенденциясини ўрганиш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Меҳмонхона – кеча-ю кундуз, уч сменада, йигирма тўрт соат давомида мураккаб технологик жараёнлар содир этиладиган корхона бўлиб, унда таклиф этиладиган хизматлар туристлар учун аввало, қулай ва хавфсиз бўлиши керак. Меҳмонхона индивидуал ва жамоавий жойлаштириш воситаси сифатида жиҳозланган аниқ номерлар сонига ҳамда категориясига қараб хизматлар йиғиндисини таклиф қилувчи корхона ҳисобланади.

Меҳмонхона хўжалигида сервис бу тадбиркорлик фаолияти нинг бир кўриниши бўлиб, меҳмондўстлик индустриясини ривож лантиришда ташриф буюрувчи турист ва саёҳатчилар эҳтиёжини максимал даражада таъминлашга қаратилган, стандартлар талабига жавоб берадиган, фойдаланувчилар учун хавфсиз ва юқори сифатли хизмат кўрсатиш жараёни ҳисобланади.[50]

Ўзбекистонда меҳмонхона бизнесининг ривожланишидаги асосий ўзгаришлар сифатида меҳмонхона ихтисослашувининг чуқурлашуви, халқаро меҳмонхона тармоқларининг ташкил топиши, меҳмонхона бизнесига замонавий компьютер технологияларининг кириб келиши ва улардан самарали фойдаланишнинг йўлга қўйилганлиги каби бир қатор омилларни келтириб ўтиш мумкин.

---

[50] М.Х Хамитов. Меҳмонхона хўжалигида сервис фаолиятини ривожлантириш механизмини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси.;С. 2021 й.

Бугунги кунда мамлакатимизда меҳмонхона бизнеси билан шуғулланадиган тадбиркорларга кенг имкониятлар яратилган. Соҳани ривожлантиришга қаратилган қонун ости ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва бу иш ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда.

Оилавий меҳмон уйлари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 07.08.2018 йилдаги қарори, Меҳмонхона соҳасига қўшимча инвестицияларни жалб этиш чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 14.08.2018 йилдаги қарори ва Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 24.11.2018 йилдаги қарорлари қабул қилинган.

Эндиликда оилавий тадбиркорлик типидаги меҳмонхона очиш учун ҳужжатларда белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаган устав фондини шакллантириши ва яшаб турган уйларини нотурар жой шаклига ўтказмасдан меҳмонхона бизнеси билан шуғулланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги[51] Фармони туризм соҳасидаги тадбиркорлик фаоллигини янада рағбатлантириш, туризм инфратузилмасини ривожлантириш, туризм ташкилотларига қўшимча имтиёз ва преференциялар беришга имкон яратди. Ушбу фармонга кўра:

- туризм операторлари улар томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари учун тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади;
- меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;
- хорижий фуқаролар томонидан меҳмонхоналар хизматига ҳақ тўлаш эркин айирбошланадиган валютада амалга оширилади, улар учун тўлов республиканинг давлат ва бюджет ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган ҳолатлар бундан мустасно;

[51] O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M.Mirziyoyevning 2016-yil 2-dekabrdagi “O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoni // Xalq so‘zi, 2016-yil, 7-dekabr.

- юридик шахслар камида “4 юлдузли” даражадаги меҳмонхона ва мотелларни фойдаланишга топширганда, улар юридик шахсларнинг фойда солиғи, ер солиғи ва мол-мулк солиғидан, шунингдек, ягона солиқ тўловидан 5 йил муддатга озод қилинади.

Меҳмондўстлик индустрияси – бу минтақа ёки туристик марказ хўжалигининг кучли тизими ва туризм иқтисодиётининг муҳим таркибий қисмидир. Меҳмон қабул қилиш индустриясини гуруҳли ва якка жойлаштиришнинг турли хилдаги отеллар, меҳмонхоналар, мотеллар, ёшларнинг хостел ва ётоқхоналари, апартаментлар, туристик қишлоқлар, шунингдек, туристларни жойлаштиришда иштирок этувчи хусусий секторни ташкил этади.

Меҳмонларни рўйхатга олиш, уларнинг келиши ва кетишини бошқариш, меҳмонларга турли-туман хизматлар кўрсатиш меҳмонхонанинг маъмурий қисмида амалга оширилади. Меҳмонлар оқими ҳар хил кирувчилар, кетувчилар, яшовчилардан иборат. Жойлаштириш хизмати асосан қуйидаги ишларни ўз ичига олади:

- меҳмонлар ҳужжатларига кўра қабул қилинади. Маъмур меҳмон билан яшаш жойини (номер тоифаси, унинг жойлашган ўрни ва ш.к.ни), кўрсатиладиган хизматларни, яшаш муддатини келишиб олади. Яшаш учун ҳақ олинади. Расмийлаштириш якунланганидан кейин меҳмонга номер картаси ва калити берилади;
- меҳмонлар номерда яшаши даврида уларга хизмат кўрсатиш, яшаш муддатини узайтириш, меҳмонни бир номердан бошқа номерга ўтказиш (зарур ҳолларда), яшаш учун ҳақ олиш, мижознинг хоҳишига қараб унга қўшимча хизматлар кўрсатишни ўз ичига олади;
- меҳмоннинг жўнаб кетишини расмийлаштириш чоғида кўрсатилган хизматлар учун у билан тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади (фойдаланилмаган аванс қайтариб берилади), мижоз номер ва калитни топширади. Мижоз билан ҳисоб-китоб нақд пул билан ҳам, пул ўтказиш йўли билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Ягона ҳисоб-китоб соати (12 соат) тизимини жорий этиш меҳмонхона маъмуриятига мижозлар билан техник ҳисоб-китоб қилиш жараёнини соддалаштириш имконини беради. Мижозга кредит карталаридан фойдаланиш имконини бериш йўли билан меҳмонхона унинг эркинлик даражасини оширади.

Қабул қилиш хизматининг ишини енгиллаштириш учун ахборот-ҳисоблаш тизимлари ишлаб чиқилган ва татбиқ этилмоқда.

Умумий ҳолда ахборот-ҳисоблаш тизими қуйидаги тўртта функционал қисмдан ташкил топади:

– жойларни олдиндан буюртма қилиш кичик тизимлари;
– хизматга доир ахборот берилишини таъминлаш тизимлари;
– навбатчи маъмур тизимлари;
– меҳмонхона маъмурияти тизимлари.

Туризмда ахборот ҳисоблаш тизимининг имкониятлари жуда кенг. Жойларни олдиндан буюртма қилиш жараёнини автоматлаштириш билан бир қаторда, келаётганлар рўйхатга олинади, номер фондининг ҳисоби юритилади, мижозлар учун ҳисоб варақлар тайёрланади.



8.1.1-расм. Туристлар ва меҳмонларни жойлаштириш воситалари.

Меҳмонхона қатор қўшимча пуллик хизматлар кўрсатади. Жумладан, зарур ахборот олиш, паспортлар ва туристик ҳужжатларни расмийлаштириш, экскурсияга рўйхатга олиш ва ташкил қилиб бериш, валюта айирбошлаш, консерж хизмати (яъни театр, музей, концерт заллари, стадионларга чипталар буюртма қилиш ва сотиш), самолёт, поезд ва бошқа қатнов воситаларига чипталарни буюртма қилиш, ижарага автомобиль олиш шулар жумласидандир. Айрим меҳмонхоналарда иш юзасидан ташриф буюрган мижозлар учун бизнес марказлари ташкил этилади. Марказ мижоз ишлаши ва касбий таълим олиши учун зарур шарт-шароитлар яратади. Бизнес марказида ҳужжатларни таржима қилиш, қайта чоп этиш ишлари бажарилади, компьютер хизматлари кўрсатилади. Марказ телекс ва факсимил алоқа воситалари, видеомагнитофон ва проекцион аппаратлар билан жиҳозланади.

Меҳмонхона номери кўп функцияли аҳамиятга эга бўлиб, у мижознинг тунаши, дам олиши, овқатланиши, ювиниши, ишлаши, мулоқот қилишини таъминлайди. Номерда меҳмоннинг шахсий буюмлари сақланади. Номерлар ўринлар сони, хоналар сони, майдони, жиҳозланишига қараб таснифланади.

Меҳмонхона номери – бу жойлаштириш хизматининг асосий элементи, меҳмонларга дам олиш, ухлаш, ишлаш имкониятини яратувчи кўп функционалли жой ҳисобланади. Номерлар жаҳон амалиётида қуйидаги турларга ажратилади:

✓ *Бир хонали номер* – битта киши учун мўжалланган ётоқ.

✓ *Икки кишилик номер* – икки кишилик, кўпинча оилалилар учун баъзан бир киши учун мўлжалланган жой.

✓ *Твин* – бу икки киши учун иккита алоҳида краватдан иборат, оила аъзолари ва гуруҳлар учун мўлжалланган жой.

✓ *Кўп ўринли номер* – уч ёки ундан кўп инсон, асосан битта гуруҳ учун мўлжалланган номер.

✓ *Оилавий номер* – оила аъзолари, ота-она ва фарзандлар учун ёки фарзандларнинг (тарбиячи, бобо-бувиси) билан туришига мўлжалланган номер.

✓ *Дормитори* – бу краватлар сонига қараб яшовчиларни қабул қилувчи кўп ўринли номер бўлиб, айнан битта гуруҳ учун мўлжалланган.

✓ *Джуниор сюит* – ишлаш, дам олиш учун қўшимча жойи бор номер, бу категорияга кирувчи уйлар бир хонали ҳисобланади.

Ишбилармонлар учун меҳмон кутиш, мини ошхона, ишлаш жойи билан таъминлайди. Бир-икки киши яшаши учун мўлжалланган. Хонанинг ярми меҳмон кутиш хонаси, ошхона ва кабинетдан иборат.

✓ *Сюит* – ётоқ, ётоқ жойи, алоҳида хона, дам олиш хонаси, иш хонасидан иборат бўлиб, уч ва ундан кўпроқ яшаш хонаси ва қўшимча ҳожатхонадан иборат.

✓ *Апартамент* – бу ётоқ, ётоқ жойи, алоҳида ётоқ, дам олиш хонаси, ошхона ва ошхона жиҳозлари, икки ёки ундан кўп хоналар (меҳмон кутиш, ошхона, ётоқ)дан иборат бўлиб, битта оила аъзолари ва гуруҳлар учун мўлжалланган.

Жаҳон амалиётида бир ёки икки кишига мўлжалланган бир хонали номерлар айниқса, кенг тарқалган. Айрим меҳмонхоналарда ҳар бир яшовчига нисбатан бир хонали номерлар улуши номер фондининг 60-100% ига етади. Номерларда мебель номернинг габарити, деворларининг оралиғи, иситиш хусусиятлари, технологик кўрсаткичларига қараб жойлаштирилади. Мебель фойдаланувчи учун қулай бўлиши, санитария ва эргономика талабларига жавоб бериши, мижозлар дидига мос келиши керак.

Апартаментлар сони номерлар умумий миқдорининг 10% идан ошмайди. Улар хоналарининг сони ва вазифасига, ҳожатхонаси ва ваннасига, даҳлизи ва майдонига кўра ҳар хил бўлади.



Меҳмонхонанинг қабул қилиш бўлими



Меҳмонхона номерининг кўриниши

8.1.2-расм. Меҳмонхонанинг қабул қилиш ва номерлар ҳолати.

Ходимлар учун хоналарни жойлаштиришда, иш вақтида ходимларнинг ҳаракат йўналишларини қисқартириш зарурлигидан келиб чиқиш керак. Хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хоналари иш

жойидан узоқ бўлса, бу қўшимча қувват сарфига, ходимлар кўпроқ чарчашига олиб келади. Шу сабабли, қаватдаги номерларга бевосита яқин жойда хизмат кўрсатувчи ходимларнинг бир қанча хоналари, чунончи: ходималарнинг хоналари, омборлар (тоза чойшаб ва ёстиқ жилдлари, сарфлаш материаллари, кир чойшаб ва ёстиқ жилдлари, тозалаш воситалари омборлари), официантларнинг хоналари, ахлат йиғгич ва б. жойлаштирилади.

Халқаро статистика бўйича меҳмонхоналардаги туристларнинг талаб ва эҳтиёжлари ўрганилганда:

1. Меҳмонларнинг 95%и душ ва 5 %и ванна қабул қилади.
2. Меҳмонларнинг 40%и эрталаб уйғотишни сўрайди.
3. Меҳмонларнинг 95%и ҳар куни камида 1 соат телевизор кўришади.
4. Меҳмонлар орасида бизнес туристлар 40% ни, жуфт бўлиб саёҳат қилувчилар 43% ни, ёлғиз эркаклар 32% ни, ёлғиз аёллар 22% ни ташкил қилади.

8.2. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи

Мижозлар эҳтиёжидан келиб чиқиб, меҳмонхоналар ҳар хил функционал вазифаларни бажаради ва уларга ҳар хил талаблар қўйилади. Бундай меҳмонхоналарда мижозлар билан ишлаш улар бўйсунувчи идоралар раҳбарияти томонидан тасдиқланган меҳмонхона хизматлари кўрсатиш қоидаларига асосан амалга оширилади. Мазкур меҳмонхоналарда амал қилувчи қоидаларнинг бирорта ҳам банди Ўзбекистон Республикасининг меҳмонхона бизнесини ташкил этиш бўйича қонун ҳужжатларига зид бўлмаслиги керак.

Функционал вазифасига қараб меҳмонхоналар **қуйидаги гуруҳларга ажратилади:**

- ***ишбилармонлар учун*** – умумий типда, идоравий, йиғилишлар, кенгашлар ва ҳ.к. учун;
- ***дам олиш учун меҳмонхоналар*** – туристик, курорт меҳмонхоналари, автотуристлар учун, мотеллар, кемпинглар;
- ***меҳмонхоналарнинг махсус турлари*** – транзит йўловчилар, спортчилар ва бошқалар учун қурилади.

Мамлакатимизда асосан маълум иш юзасидан, нисбатан қисқа муддатга кирувчи одамларга, шунингдек, ҳар хил мақсадда саёҳат қилаётган фуқароларга мўлжалланган умумий типдаги меҳмонхо-

налар кенг тарқалган. Бундай меҳмонхоналар шаҳарнинг марказий қисмида, жамоат, маъмурий, савдо марказлари яқинида жойлашади ва шаҳарнинг турли-туманлари билан яхши транспорт алоқасини назарда тутади. Мазкур меҳмонхоналар, одатда, махсус кўкаламзорлаштирилмаган нисбатан кичкина ер майдонларига эга бўлади. Умумий типдаги меҳмонхоналарнинг номерлар фонди асосан бир, икки ўринли ва кўпинча уч ўринли номерлардан ташкил топади. Бу номерларда, қоида тариқасида, ишлаш учун жой мавжуд бўлади. Меҳмонхоналарда алоқа бўлими, айрим ҳолларда – банк бўлими ишлаб туради, музокара ва йиғилишлар ўтказиш учун алоҳида жойлар назарда тутилади. Меҳмонхоналарнинг турлари, жаҳон амалиётида уларнинг ҳар бирини батафсил тафсилоти 8.2.1-жадвалда берилган.

8.2.1-жадвал

МЕҲМОНХОНАЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Меҳмонхона турлари	**Тавсифи**
Отел-люкс	Ўз сиғими бўйича меҳмонхонанинг мазкур тури кичик ёки ўрта корхоналар сафига киради. Одатда шаҳар марказида жойлашади. Яхшигина таълим олган персонал-ходим конференция, хизмат учрашувлари иштирокчилари, бизнесменлар бўлиб ҳисобланган талабчан мижозларга сервиснинг жуда юқори даражасини таъминлайди. Барча хизмат турларини ўз ичига олувчи номерларнинг нархлари анча қиммат туради.
Ўрта (класс) бўғинли меҳмонхона	Ўз сиғими бўйича отелдан катта (400-200 ўринли) шаҳар марказида ёки шаҳар атрофида жойлашган. Етарли даражада кенг хизматлар турини тақдим этади, улардаги нархлар у жойлашган минтақа даражасига тенг ёки ундан бирмунча юқорироқ бўлиши мумкин. Бизнесменлар, хусусий туристлар, конгресс, конференция иштирокчилари ва ҳ.к.ни қабул қилиши мумкин.
Меҳмонхона-апартамент	Сиғими бўйича кичик ёки ўрта ўлчамли (400 ўрингача) йирик шаҳарнинг доимий бўлмаган аҳолиси

8.2.1-жадвалнинг давоми

(апарт-отел)	учун хосдир. Вақтинчалик турар жой сифатида кўп йиллардан бери ўз-ўзига хизмат кўрсатишдан фойдаланиладиган квартира (ижара) типидан ташкил топади. Меҳмонхонанинг мазкур турида нархлар, қоидага кўра, жойлашув муддатига боғлиқ равишда (турланиб) тўланади. Узоқ муддатга тўхтаб ўтувчи оилавий туристларга, бизнесменларга ва ижарачиларга хизмат кўрсатади.
Иқтисодий бўғин (класс) меҳмон-хонаси	Кичик ёки ўрта сиғимли корхоналар (150 ўринли ва ундан ортиқ) магистраль йўл ёқаларида жойлашади. Хизматлар тўпламининг чекланганлиги, оддий ва тез хизмат кўрсатиш билан ажралиб туради. Истеъ-молчилари – кўрсатилган хизматлар учун ҳақиқий тўловни амалга оширишга интилувчи ва тўлиқ пансионга муҳтож бўлмаган бизнесменлар, хусусий туристлар учун мўлжалланган.
Отел-курорт	Ўз сиғими бўйича меҳмондўстликнинг тўлиқ хизмат-лар тўпламини таклиф этиш билан ажралиб турадиган корхона. Бундан ташқари, бу ерда парҳез таомлар ва махсус тиббий хизмат кўрсатиш мажмуасини олиш мумкин. Курорт минтақаларида жойлашади.
Мотел	Шаҳар ташқарисида, шаҳар бўйида, магистраль йўл ёқаларида жойлашган оддий бир ёки икки қаватли бинолар. Бу кичик ёки ўрта корхоналардир (400 ўрингача). Кам сонли ходимларни ўрта даражали хиз-мат кўрсатиши характерлидир. Мижозлари бўлиб ҳаваскор автотуризмига урғу берилган турли категориядаги туристлар ҳисобланади.
«Тунаш ва нонушта» хилидаги хусусий меҳмонхона	АҚШда кенг тарқалган. Бу меҳмонхона кичик (баъ-зида ўрта) сиғимли. Шаҳар атрофида ёки қишлоқ жойларда жойлашган. Хизмат кўрсатишга, қоидага кўра, нонушта ва уй шароитидаги енгил тамадди киради. Мижозлари бўлиб уй шароитига интиладиган тижоратчилар ва шу йўналишдаги туристлар ҳисоб-ланади.

8.2.1-жадвалнинг давоми

Отел-гарни	Мижозларга чекланган миқдордаги хизматларни: жойлашув ва континентал нонуштани тақдим этувчи корхоналар.
Пансион	Хизматлар даражасини чекланганлиги ва оддий стандартли корхоналардир. Отел-гарнилардан фарқли равишда.
	бу ерда нонушта, тушлик ва кечки овқат (тўлиқ пансион) тақдим этилади. Бироқ овқатланиш хизмати фақат мижозларгагина кўрсатилади.
Меҳмонхона-ҳовли	Отеллардан сиғими, хизмат кўрсатиши, содда стандартлиги билан ажралиб турувчи корхона, учрашувлар ва меҳмонлар ташрифи учун қатор жамоа хоналарининг мавжуд эмаслиги билан ажралиб туради. Меҳмонхона-ҳовли таркибида ресторан ёки барнинг мавжуд бўлиши мажбурийдир.
Ротел	Тунаш учун мўлжалланган креслолар жойлаштирилган бир ёки икки ўринли вагонлардан ташкил топувчи ҳаракатланадиган меҳмонхонадир. Ҳожатхона, ошхона, музлатгич ва кийиниш учун мўлжалланган хоналар мавжуд.
Ботел	Мос равишда жиҳозланган кичик кема сифатида фойдаланувчи, сувдаги унча катта бўлмаган меҳмонхона.
Флотел	Кўп ҳолларда «сувдаги курорт» деб номланувчи катта меҳмонхона. Туристларга кенг турдаги хизматларни тақдим этувчи шинам номерлар: бассейн, сув чанғилари, балиқ овлаш учун шароит яратадиган, сув остида сузиш, сув ости ови, тренажёр заллари, конференция ва конгресслар учун заллар, кутубхона, турли-туман таъминотлар (телефон, телефакс, телетайп, телевизор ва ҳ.к). Сўнгги вақтларда турларда ўқитувчи конгресс-круизлар, конгресс-турлар, биз-нес-турларни ташкил этиш учун фойдаланилади.
Флайтел	Агромеҳмонхона ёки «учувчи отел». Фавқулодда қиммат ва меҳмонхонани камёб тури ҳисобланади. Қўниш майдончаси ва метеорологик хизмат алоқалари билан жиҳозланган.

8.2.1-жадвалнинг давоми

Меҳмонхона-клуб	Бундай турдаги меҳмонхоналарда номер фондидан ташқари бир неча заллар актив (фаол) дам олишни ташкиллаштиришга мўлжалланган. Жойлар: конференция заллари, фитнес, кино концерт заллари, суҳбатлашиш хоналари, банкет заллари ва бошқалар.
Конгресс меҳмонхона	Конференция, съездлар, симпозиумлар ва мажлислар ўтказилиши учун мўлжалланган меҳмонхона.
Бутик-отел	Жозибадор интерерга эга элитага мансуб кичик меҳмонхоналар.

Ҳозирда жаҳонда маълум бўлган 30 дан ортиқ таснифлаш тизимлари замирида шинамлик даражаси ётади. Улар орасида қуйидаги таснифлаш тизимлари айниқса, кенг тарқалган:

- Европа таснифлаш тизими ёки *«юлдузлар» тизими*. Франция миллий таснифлаш тизими асосида тузилган. Унинг замирида меҳмонхоналарни 1 дан 5 юлдузгача бўлган тоифаларга ажратиш ётади. Бундай тизим Франция, Австралия, Венгрия, Миср, Россияда ва бошқа бир қанча мамлакатларда қўлланади;
- ҳарфлар тизими (А, Б, С, Д). Грецияда қўлланади;
- «тожлар» тизими. Буюк Британияда амал қилади;
- ҳинд тизими.

Ривожланаётган мамлакатларда меҳмонхоналарни таснифлашнинг ҳинд тизими айниқса, кенг тарқалган. Бу тизим ҳам меҳмонхоналарни беш тоифага: «бир юлдузли», «икки юлдузли», «уч юлдузли», «тўрт юлдузли», «беш юлдузли» тоифаларга ажратишни назарда тутади. Бу тоифаларни махсус комиссия баллар бўйича баҳолаш асосида белгилайди. *Мисол:* «1 юлдуз» тоифаси: бу тоифага мансуб меҳмонхона яхши ҳудудда, меҳмонхона учун яроқли бинода жойлашган бўлиши керак (максимал баҳо 15 балл); мижозлар билан алоқа қилувчи ходимлар инглиз тилини иш учун зарур ҳажмда билиши керак (максимал баҳо 5 балл) ва ҳ.к. «2 юлдуз» тоифасини олиш учун 150 балл, «3 юлдуз» учун – 210 балл, «4 юлдуз» учун – 250 балл, «5 юлдуз» учун – 290 балл тўплаш керак. Ҳар бир давлатда меҳмонхоналарни таснифлаш мезони – шинамлик даражаси ҳар хил тушунилади, шунингдек, давлатларнинг маданий-тарихий ва миллий анъаналари билан белгиланган бир қанча омиллар жаҳонда меҳмонхоналарнинг ягона таснифини жорий этишга монелик қилади. Бутунжаҳон туризм ташкилоти

(БТТ), Европа ҳамжамияти, Меҳмонхона ва ресторан саноати қўмитаси, Халқаро меҳмонхоналар уюшмасининг бу йўналишдаги фаолияти ҳозирча самара бермаяпти. БТТ фақат жойлаштириш воситаларининг стандарт таснифини таклиф этган. Бу таснифда меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш корхоналар тўрт катта гуруҳдан бирига киритилади.

Жаҳон амалиётида бир мамлакат доирасида бир нечта таснифлаш тизимлари амал қилади. Масалан, Буюк Британияда «тожлар» тизими билан бир қаторда, Британия туристик агентликлар уюшмаси – *«Бритич Травел Аутҳоритй»* (БТА) томонидан таклиф қилинган таснифлаш тизими қўлланилади. Буюк Британияда амал қилувчи «тожлар» тизимини «юлдузлар» тизими билан уйғунлаштириш учун «тожлар»нинг умумий миқдоридан битта «юлдуз»ни айириш керак (масалан, тўрт «тожли» даража уч «юлдузли» даражага тенг). Юқорида кўриб чиқилган Британия агентликлари уюшмаси томонидан таклиф қилинган меҳмонхоналарни таснифлаш тизими ҳам шундай мувофиқликни назарда тутади:

- бюджет меҳмонхоналари – «1 юлдуз»;
- туристик тоифа меҳмонхоналари – «2 юлдуз»;
- ўртача тоифа меҳмонхоналар – «3 юлдуз»;
- биринчи тоифа меҳмонхоналари – «4 юлдуз»;
- олий тоифа меҳмонхоналари – «5 юлдуз».

Жаҳонда меҳмонхоналарни Франция миллий таснифлаш тизимида даражалаш кенг тарқалган. Бу тизим туристик меҳмонхоналарни 6 тоифага ажратади. Шулардан беш тоифа меҳмонхоналарга маълум миқдорда юлдузлар беришни назарда тутади («1 юлдузли», «2 юлдузли», «3 юлдузли», «4 юлдузли» ёки «5 юлдузли» меҳмонхоналар). Бир тоифа – юлдузсиз. Бундай тизим меҳмонхона хизматлари бозорини анча тўлиқ қамраб олиш имконини беради. Минимал талаб-мезонларга жавоб бермайдиган меҳмонхона тоифа олишга даъвогар бўла олмайди. Бундай талаб-мезонлар қуйидаги гуруҳларга бирлаштирилган:

А – хоналар миқдори;

Б – умумий бинолар ва хоналар;

С – меҳмонхонанинг жиҳозланиши;

Д – яшаш жойининг шинамлиги;

Э – хизмат кўрсатиш;

Ф – ногиронлар ҳамда ҳаракатланиши чекланган шахсларга яратилган қулайликлар.

Германия таснифлаш тизимига кўра, меҳмонхона корхоналари беш тоифага ажратилади. Бу тизимни Европа тизими билан уйғунлаштириш мақсадида бу ерда ҳар бир тоифа маълум юлдузлар миқдорига мос келиши назарда тутилади:

- туристик тоифа – «1 юлдуз»;
- стандарт тоифа – «2 юлдуз»;
- комфортли тоифа – «3 юлдуз»;
- биринчи тоифа – «4 юлдуз»;
- люкс – «5 юлдуз».

Бошқа таснифлаш тизимлари ҳам ўзининг «юлдузлар» тизимига мувофиқлигини белгилашга ҳаракат қилади. Масалан, Грецияда А тоифа меҳмонхоналари «тўрт юлдузли» даражага, В тоифа меҳмонхоналари «уч юлдузли» даражага, С тоифа меҳмонхоналари «икки юлдузли» даражага, Д тоифа меҳмонхоналари «бир юлдузли» даражага мос келади. Италияда биринчи тоифа меҳмонхоналар шартли равишда «тўрт юлдузли» даражага, иккинчи тоифа меҳмонхоналар уч юлдузли даражага, учинчи тоифа меҳмонхоналар «икки юлдузли» даражага мос келади.

Германия таснифлаш тизимининг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, унда пансионлар, карвонсаройлар, «гарни» отеллар сингари меҳмонхона корхоналари учун ҳам тоифалар назарда тутилган. Бундай турдаги меҳмонхона корхоналарига тегишли тоифаларни белгилашда «ресторан», «овқатланиш сервиси» каби мажбурий талаблар назарда тутилмайди, қўшимча талабларнинг зарур миқдори эса анча кам:

- биринчи тоифа учун – 90;
- комфортли тоифа учун – 50;
- стандарт тоифа учун – 15.

Бундан ташқари, мазкур корхоналарга кўпи билан биринчи тоифа («4 юлдуз») берилиши мумкин.

Таянч сўз ва иборалар: меҳмонхона, меҳмонхона индустрияси, жойлаштириш хизмати, овқатлантириш хизмати, меҳмонхона типлари, Европа таснифлаш тизими, Франция миллий таснифлаш тизими, ҳинд таснифлаш тизими, Германия таснифлаш тизими.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Меҳмондўстлик индустрияси нималардан иборат?
2. Меҳмонхона хўжалигида меҳмонларга хизмат кўрсатиш тартибини тушунтиринг.
3. Меҳмонхонанинг мижозлар яшайдиган қисми ва унга хизмат кўрсатиш тартибини тушунтиринг.
4. Халқаро меҳмонхоналарнинг таснифланиш даражалари нимани ифодалайди?
5. Франция миллий таснифлаш тизимининг моҳиятини айтинг.
6. Германия таснифлаш тизимини тушунтиринг.
7. «Тож» тизимини ва «ҳинд» тизимини айтиб беринг.

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Самарқанд шаҳрида меҳмонхоналарнинг қандай турлари мавжуд ва улардаги кўрсатиладиган асосий ва қўшимча хизмат турларининг рўйхатини тузиб чиқинг, тақдимотини тайёрланг.

Тест саволлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида меҳмонхоналарга қандай имтиёзлар берилди?

а) мулк солиғидан озод қилинди;

б) меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 25 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

д) меҳмонхоналар хорижий валютадаги тушумнинг фақат 15 фоизини белгиланган тартибда мажбурий сотадилар;

е) тушадиган хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотишдан озод қилинади.

2. Халқаро туризмда меҳмонхоналарнинг нечта тасниф-лаш тизими мавжуд?

а) 30 та;

б) 4 та;

д) 15 та;
е) 25 та.

3. Меҳмонхоналарнинг сиғими бўйича таснифлашда кичик меҳмонхоналар неча ўринли бўлади?

а) 150 ўрингача;
б) 200 ўрингача;
д) 150 дан зиёд;
е) 200 дан зиёд;

4. «Юлдузлар» тизими қайси давлат миллий таснифлаш тизими асосида тузилган?

а) Францияда;
б) Германияда;
д) Америкада;
е) Ҳиндистонда.

5. «Ҳарфлар» тизими қайси мамлакатда фойдаланилади?

а) Грецияда;
б) Германияда;
д) Америкада;
е) Ҳиндистонда.

9-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ОВҚАТЛАНТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ

Режа:

9.1. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари.

9.2. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматларининг турлари ва таснифи.

9.1. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари

Хорижий адабиётларнинг таҳлили бўйича овқатлантириш хизмати қадимий тадбиркорлик турларидан бири ҳисобланади. Европада бу каби хизматлар қадимий меҳмонхона ва монастирлардан келиб чиққан. Дастлаб шаҳарларда, кичик ресторанлар оддий таомлар ва нон каби маҳсулотлар билан хизмат кўрсатишни бошлаган. Шундай ресторанлардан бири, Ле рестаурант Дивин (илоҳий тикловчи) Парижда 1765 йилда очилган. Машҳур инглиз тавернлари меҳмонларни озиқ-овқат ва ичимлик ҳамда уй-жой билан таъминлашган.

Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш, туристларга хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтириш ва улар учун барча шароитларни яратиш мақсадида янги туристик мажмуалар, меҳмонхоналар, кемпинглар, ресторанлар, барлар, транспорт соҳалари, қурилиш учун катта маблағлар ажратилмоқда. Бундай суръатда туризмни ривожлантириш албатта умумий овқатланишни ҳам ривожлантиришни тақозо этади, чунки барча туристлар гоҳ ички турист бўлсин, гоҳ ташқаридан келсин, бундан қатъи назар ресторан хўжалигидан ёки овқатланиш тармоғидан фойдаланишга мажбур. Акс ҳолда инсонлар овқатланиш учун барча маҳсулотларни ўзлари билан олиб юриши керак ёки уй шароитларида тайёрлаб, истеъмол қилиши керак бўлади. Аммо туристларда бундай имкониятлар йўқ, шунинг учун ҳам улар овқатланиш хизматидан фойдаланишга мажбурдир ва мана шу ҳолатларнинг мавжуд бўлиши туризм умумий овқатланишни уйғун ҳолда ривожлантириши учун имкон беради. Шунинг учун ҳам туризмда асосий хизмат турларидан бирини овқатлантириш хизмати ташкил этади.

Дунё бўйича овқатланиш корхоналарининг ягона таснифлари мавжуд эмас. Лекин шунга қарамасдан, кўп мамлакатларда

оммавий тарқалган маълум бир кўринишдаги (типдаги) овқатланиш корхоналари ажратилиб кўрсатилади. ***Миллий ошхонага эга бўлган ресторанлар ҳам мавжуд бўлиб, улар итальянча, хитойча, юнонча, туркча, инглизча, америкача, ҳиндча, французча, немисча каби таомлар билан машҳур.*** Уларнинг айримлари нархларининг жуда арзонлиги билан, айримлари эса қимматлиги билан ажралиб туради.

Одатда, туристлар, қайси мамлакатда бўлсалар, ўша мамлакатнинг ошхонаси билан танишишга қизиқадилар. Кўп ҳолларда гидлар шаҳарнинг қизиқарли миллий ҳамда арзон ресторанлари ҳақида маълумот бериб ўтади, миллий ресторанлар билан таништириш нуқтаи назаридан ҳам саёҳатлар ташкил этилади. Масалан, Баварияда туристларни Бавария (Германия) ошхонаси билан, яъни машҳур оқ сосискалар ҳамда баварча пиво билан меҳмон қилишади. Мюнхенда эса туристни албатта «Хофбрайхаус»га, яъни энг катта пиво залига олиб боришади. Австрияда дунёда энг машҳур бўлган венча шницелларни тамадди қилишга олиб боришади ва албатта Италияда эса тушлик овқатланиш пастасиз (макаронли таом) ўтмайди. АҚШ да ва барча кўпгина мамлакатларда афғонча, колумбча, ҳиндча, чехча каби ресторанлар ишлаб келмоқда. Сўнгги пайтларда вегетерианларга хос ошхоналар ҳам пайдо бўла бошлади ёки яҳудийлар учун махсус тайёрланадиган таомлар ресторанлари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда.

Хорижий мамлакатларда ва бизда Араб мамлакатлари ва ислом динига мансуб бўлган мусулмонлар учун “ҳалол” таомлар ва маҳсулотлар таклиф қилинадиган ресторанлар сони ошиб бормоқда.

Овқатланишнинг турлари – эрталабки нонушта, ярим пансион, тўлиқ пансион доимо туристик хизматлар кўрсатиш таркибида белгиланган бўлади. Ярим пансионда (икки марта овқатланиш) эрталабки нонушта ва тушлик ёки кечки овқат назарда тутилган бўлади. **Пансион** – бу уч марталик овқатланишдир. Қимматбаҳо хизмат кўрсатиш вариантларида бутун кун давомида ва ҳаттоки тунда исталган вақтда ва исталган миқдорда овқатланиш ҳамда ичимликлар (спиртли ичимликларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда) ичиш имконияти назарда тутилиши мумкин.

Нонушта масаласида маъқули, турист меҳмонхонадан ташқарига чиқмаслиги керак, гарчи овқатланиш жойлари назарда тутил-

маган, туристларга эса яқинроқда жойлашган ресторанда овқатланиш мумкинлиги тавсия қилинган жойлаштириш воситалари ҳам мавжуд бўлсада. Бундай ҳолларда жойлаштириш хизматининг нархи кэскин пасайиб кетади.

Овқатлантиришни ташкил этиш туристнинг соғлигини ҳам ҳисобга олган бўлиши керак. Нотўғри овқатланиш, ёмон тайёрланган овқат заҳарланишга олиб келиши мумкин. Масалан, 40% гача туристлар Миср ва Ҳиндистонга борганларида диареядан азият чекадилар. Айниқса, кўчадаги майда сотувчилар қўлидаги сув ва овқат, шунингдек, ресторанлардаги сифатсиз таомлар хавфлидир.

Айрим тоифадаги туристлар руҳида диний белгилар бўйича умумий қабул қилган чекланишлар (чўчқа гўштини истеъмол қилмаслик, рўза тутиш), вегетарианларни ўзига хос талаблари, болалар овқати талабларини ҳам ҳисобга олиш керак. Овқатланишга бўлган бундай талабларнинг ўзига хослигини туристлар тур сотиб олаётганларида кўрсатишлари лозим.

Ресторан хўжаликларида чет эллик туристларни қабул қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки чет эллик туристларга одатда овқат ейишни ташкил қилиш алоҳида залларда ёки умумий залнинг чегараланган қисмида амалга оширилиб, уларга хизмат кўрсатиш жуда ҳам эътибор ва дид билан тайёрланган жойларда бўлиши керак. Туристларни ресторан ҳудудида овқатланиш жараёни ресторан биносидаги савдо заллари ва қўшимча ёрдамчи хоналарни тартибга келтириш, стол ва стулларни қабул қилинган тартибда қўйиш, идиш-товоқ олиш, столларга дастурхонни ёйиш, тушлик столларини ва официантларни ишга тайёрлаш жараёнлари киради. Ресторан ишини ташкил қилиш, унинг биносини ички ва ташқи кўринишини гўзал бўлиши уни очилишига қадар тайёр бўлиши керак.

Шунингдек, туристларни турли хилдаги сервислардан фойдаланиши учун имкониятни яратиб бериш керак. Туристларни қабул қилиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида ходимлар ресторан корхонасидаги мебелларни жойланишига ҳам эътибор қаратишлари керак, столларни тўғри чизиқ ёки шахмат тартибида ўрнатиш, улар орасидан бемалол юра оладиган бўлиши, шунингдек, бошқа жиҳозларни ҳам туристларнинг хоҳиш-иродаси, қайси юртдан келаётгани ва ҳоказоларни ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш керак.

Халқаро туристларни овқатлантириш туризм фаолиятида туристлар учун хизмат кўрсатишнинг муҳим қисмини ташкил этади. Шунинг учун ҳам туристлар учун хизмат кўрсатиш тури икки қисмдан иборат: биринчиси – ошхона ва озиқ-овқатларнинг сифати ва ассортименти, иккинчиси – озиқ-овқат ва хизматларни истеъмолчиларга сотишда сифат жараёнини такомиллаштиришдир. Сифат ва ассортимент умумий овқатлантириш корхоналарининг турига ва уни турли категорияларига қарамасдан барча учун бир хил аҳамиятга эгадир.

Озиқ-овқат ва хизматларни туристларга сотиш ва истеъмолчиларни талабларини қондириш шартларидан бири – бу ўз вақтида маҳсулотларни сотиш ва барча талаб қилинган хизматларни қондиришдан иборатдир. Масалан: корхонада ёки меҳмонхоналарда тез хизмат кўрсатиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, буларга буюртма қилинган таомнинг столга берилиш тезлиги ва мижознинг ўзига хизмат қилиши киради. Ресторанларда эса хизмат қилиш сифати меҳнат турлари, яъни ходимларни қайси хизмат билан шуғулланишига боғлиқ бўлади. Маъмурий хизмат, официантлар, гардеробдагилар ва бошқалар шу хизмат кўрсатувчилар қаторига киради.

Овқатланиш соҳасида бу фаолиятнинг хизмат кўрсатиш сифати ва кўрсаткичлари қуйидагилардан иборатдир:

- бериладиган таом, десертнинг иссиқ-совуқлиги ва таом сифатини юқори даражада ташкил этиш;
- ресторанда бериладиган таомлар ассортиментининг турли-туманлиги, ичимлик ва бошқа маҳсулотлар тури бўйича мижозларга мос келиши;
- овқатланиш жараёнида хизмат кўрсатилаётган шахсга нисбатан хушмуомалада бўлиш, меню-карточкаларидан харидорнинг ўзи фойдаланиши, харидорлар талаб-эҳтиёжларига хушёр бўлиб туриш лозим. Буюртмачи буйруғининг бажарилиш тезлиги ва овқатланиб бўлгандан сўнг таом ҳаққини тўлашнинг турли усулини қўллаш;
- таом истеъмол қилинадиган вақтда мижозларга хизмат кўрсатиш, вино ва ичимликларни рюмка ва фужерларга қуйиш ва бошқа шу каби хизмат кўрсатиш жараёнида официантлар барча қоидаларга риоя қилиши шарт;

• залдаги тозалик ва шинамликни таъминлаш, шахсий гигиена, ташқи кўриниш ресторан категорияларига жавоб бериши керак.

Овқатланиш соҳасида таом ва ичимликларни ўрнатилган сертификация ва стандартлар асосида ҳамда белгиланган нархларда истеъмолчиларга етказиш асосий талаблардан биридир.

9.2. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматларининг турлари ва таснифи

Ҳозирги иқтисодий модернизациялаш жараёнлари амалга оширилаётган бир пайтда иқтисодиётнинг асосий қисмини хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари эгалламоқда. Уларнинг улуши ялпи ички маҳсулотда, иқтисодиётда банд бўлганларнинг таркибида, давлат бюджетига тўланадиган солиқларда, янги иш ўринларини яратиш каби энг муҳим масалаларда муттасил ошиб бормоқда ва келажакда ҳам бу жараённинг давом этиши ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан мустаҳкамланмоқда.

Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига умумий овқатланиш корхоналарининг фаолияти ҳам бевосита таъсир қилади. Умумий овқатланиш корхоналари турли хусусиятларига кўра тавсифланади ва таснифланади. Умумий овқатланиш соҳаси субъектларини қуйидаги 10 та белгига кўра таснифланиши 9.2.1-жадвалда кўрсатилган.

Умумий овқатланиш соҳаси субъектларини таснифий белгилари ва турлари бўйича бир-бирига тўғри келадиган жиҳатлари жадвалда кўриниб турибди. Ушбу жадвални таҳлил қилганимизда унда кўрсатилган айрим белгиларни юқорида кўриб ўтдик. Фаолият муддатига кўра эса – доимий ва мавсумий турларга бўлинади. Мамлакатимизга ташриф буюрувчи туристлар мавсумий даврда келганликлари учун, биз уларга доимий шаклда хизмат кўрсата олмаймиз. Шунинг учун биз, фаолият муддатига кўра, йилнинг маълум мавсумларида, куннинг аниқ бир овқатланиш даврида туристларга хизмат кўрсатамиз. Бундан кўриниб турибдики, туризм фаолиятида овқатлантириш хизмати аниқ бир вақтни белгилашни талаб қилади.

9.2.1-жадвал

Умумий овқатланиш соҳаси субъектларининг таснифланиши[52]

№	Таснифий белгилари	Таснифланиши
1.	Мақомига кўра	-жисмоний шахс мақомига эга якка тартибда фаолият юритувчи субъектлар; -ҳуқуқий шахс мақомига эга субъектлар (корхона ва ташкилотлар).
2.	Мулк шаклига кўра	-шахсий ёки хусусий мулкка асосланган корхоналар; - жамоат мулкига асосланган корхоналар; - давлат мулкига асосланган корхоналар; - аралаш мулкка асосланган корхоналар; -хорижий давлатлар ва фуқаролар мулкига асосланган корхоналар.
3.	Жойлашувига кўра	- шаҳарларда; - қишлоқларда; - меҳмонхоналар қошида; - маҳалла марказларида; - таълим муассасалари қошида, вагонларда; - дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида; - ишлаб чиқариш корхоналарида; - турли хилдаги клубларда; - бозорлар қошида; - автотрасса бўйларида; - аэропортларда; - портларда; - кемаларда; - бошқа рухсат этилган жойларда.

[52] Sharipov T. S. Umumiy ovqatlanish korxonalari samaradorligini oshirishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish (Samarqand viloyati misolida), i.f.n. ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya. –S.: SamISI, 2010.

9.2.1-жадвалнинг давоми

4.	Хизмат шаклига кўра	- ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи швед столи; - официантлар хизматидан фойдаланувчи; - аралаш; - маҳсулотларни етказиб берувчи (уйга, дам олиш жойларига, иш жойларига); - кўчма хизматни амалга оширувчи.
5.	Хизмат даражасига кўра	- люкс; - олий; - биринчи; - иккинчи; - учинчи даража.
6.	Ташкилий тузилишига кўра	- тизимли; - мустақил.
7.	Ихтисослашувига кўра	- ихтисослашмаган; - ихтисослашган (маҳсулотлар ассортименти бўйича, маълум миллатлар таомлари бўйича, миллий таомлар бўйича, истеъмолчилар гуруҳлари бўйича, хизматлар бўйича).
8.	Фаолият муддатига кўра	- доимий (йил давомида, бутун сутка давомида); - мавсумий (йилнинг маълум мавсумларида, куннинг аниқ бир овқатланиш даврида).
9.	Ташкилий шаклига кўра	- ресторан; - кафе; - бар; - ошхона; - чойхона; - базмгоҳ - тўйхона; - тамаддихона ва бошқалар.
10.	Жойлашуви ва ҳаракатига кўра	- стационар (муқим бир жойда турувчи); - ҳаракатдаги (автоошхона, вагон-ресторан, купе-буфет, авто-буфет ва бошқалар).

Умумий овқатланиш корхонаси – маълум турдаги корхона хизматлари ўзига хос белгиларининг мавжудлиги, мижозларга кўрсатилган хизмат сифатининг даражаси ва шароити билан ифодаланади. Умумий овқатланиш корхоналарининг бешта тури мавжуд: ресторан, бар, кафе, ошхона, тамаддихона (яҳна овқатлар). Корхонанинг турини белгилашда қуйидагиларга эътибор берилади:

- реализация қилинадиган маҳсулотлар ассортименти, уларни тайёрлашдаги турли-туманлик ва мураккаблик;
- техник жиҳозланиш – моддий база, муҳандис-техник жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши, бино тизими, архитектура – режаланиши ва ҳ.к.;
- хизмат қилиш усуллари;
- ходимларнинг малакалари;
- хизмат кўрсатиш сифати, бинонинг ички безаги, ахлоқ-одоб, муомала, эстетика ва ҳ.к.

Ресторан ва барларга корхона тоифалари сифатида люкс, олий ва биринчи тоифали, деган номлар берилади. Кафе, ошхона, тамаддихоналар тоифаларга бўлинмайди.

Люкс тоифа. Умумий овқатланиш корхоналарининг люкс тоифасига ресторан ва барлар киради, булар бошқа тоифалардан қуйидаги белгилари билан фарқ қилади: бинолар ноёб характердаги ҳажм режага эга бўлиши, мижозлар учун зал аъло даражада, кўнгилдагидек қилиб ясатилиши шарт. Бу талаб анъанавий архитектурадаги ресторан ва барларга, шунингдек, тематик ресторан ва барларга ҳам тегишлидир. Ҳозирги замон муҳандислик жиҳозларининг мавжудлиги, турли мусиқа дастурларидан кенг фойдаланиш, махсус мебель, алоҳида идиш-товоқларда таом буюриш, ёритиш воситалари архитектура-бадиий безакни такомиллаштиради, хизматнинг умумий дидли манзарасини намойиш қилади. Бундан ташқари, ресторан маҳсулотлари, буюртма ва фирма ичимликларининг кенг ассортименти таклиф қилинади.

Олий тоифа. Уларнинг ҳам ноёб бинолари, бино ички безаклари, чиройли жиҳозлари, ноёб ассортимент, кўнгилдагидек буюртма, фирма таомлари ва маҳсулотлари, шунингдек, мураккаб усулда тайёрланган ҳар хил даражадаги ичимликлар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 13 февралдаги 75-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизмат-

ларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари»да умумий овқатланиш корхоналари қуйидаги турларга бўлинади ва уларга қуйидагича тавсиф берилади[53] (9.2.1-расм).



9.2.1-расм. Умумий овқатланиш корхоналарининг турлари.

Ресторан – ўз номига эга бўлган, истеъмолчиларга мураккаб усулда тайёрланадиган юқори сифатли таомлар, пазандачилик маҳсулотларининг кенг ассортиментини ҳамда ичимликларни тақдим этадиган энг қулай умумий овқатланиш корхонаси. Ресторан таомномасига мажбурий тартибда порцияли ва фирма овқатлари киритилади. Хизмат кўрсатиш дам олиш, овқатлар пишириш ва хизмат кўрсатиш билан уйғунлаштирилган ҳолда, юқори малакали ошпазлар ва официантлар томонидан амалга оширилади.

Хорижий туристларга хизмат қиладиган ресторан официантлари биронта чет тилини билиши ва меҳмонлар билан гаплаша олиши лозим. Ресторанлар айрим мижозларгагина хизмат қилиш билан чекланмайди. Улар давлат миқёсидаги катта анжуманлар, мажлислар, конференция, семинар, расмий кечалар, қабул маросимлари, тўйлар, оила тантаналари, банкет, тематик кечалар ва бошқаларга хизмат қилади. Ресторанларда мижозларга, катта йиғинлар, кенгашлар, конференция қатнашчиларига таомнинг тўла рациони берилади.

Ресторанлар марказий, одамлар гавжум кўчаларда, темир йўл, вокзалларда, аэропортлар, кемалар тўхташ жойларида, теплоход, денгиз кемаларида, сузувчи дам олиш уйларида, шунингдек,

---

[32] O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2003-yil 13-fevraldagi 75-sonli qarori bilan tasdiqlangan «O‘zbekiston Respublikasida umumiy ovqatlanish mahsulotlarini (xizmatlarini) ishlab chiqarish va sotish qoidalari».

стадион, шаҳарлараро ҳудудларда, маъмурий, томоша масканлари мажмуаларида, тарихий ва архитектура ёдгорликлари жойлашган ерларда, Ўзбекистон шароитида катта бозорлар, ўйингоҳлар яқинида очилади.

Кўпгина ресторанларда байрам куни олдидан, шанба ва якшанба кунлари миллий таомлар таъмини аниқлаш (дегустация) тадбири ўтказилади. Баъзи ресторанлар фаолиятида оилавий овқатланиш тажрибаси амалга оширилмоқда. Хизматнинг бу турида махсус таомнома тузилади, бунда ёш болалар ҳисобга олинади.

Люкс тоифадаги ресторанда буюртма ва фирма таомларидан ташқари, таомномада ёзилмаган таомларнинг буюртмасини ҳам қабул қилиш мумкин. Ресторанда маҳсулотлар ассортиментида шоколад, конфетлар, ҳўл мевалар ва бошқалар бўлиши керак. Люкс ва олий тоифадаги ресторан витриналари турли манзарали бадиий материаллар, оптик ёритгичлар, рангли диапозитивлар, фотосуратлар билан безатилади. Витриналар шундай ясатиладики, унда корхонанинг фаолияти яққол кўринади, ошхонанинг ўзига хос хусусияти, мижозларга кўрсатиладиган хизмат мажмуи акс этади.

Ошхоналарда фойдаланиладиган матодан қилинган буюмлар – сочиқлар, дастурхон, салфеткалар, қўл сочиқлари зал хусусиятига қараб буюртма билан тайёрланади. Бу буюмларнинг ҳар бирида ҳам ресторан тамғаси бўлиши шарт.

Люкс ва олий тоифадаги ресторан таомномаси босмахонада чоп этилиши зарур. Бу ресторанларда хорижий меҳмонларга хизмат қилинадиган бўлса, таомнома уч тилда: инглиз, француз, немис тилларида босилади. Таомноманинг фирмали жилди, реклама афишалари, буклетлар, варақалар, табрик ва таклиф қоғозлар ҳамда бошқа нашр рекламалари зич, қалин қоғозлар ёки ялтироқ ишлов берилган картондан тайёрланади. Таомноманинг жилдида ресторан номи ва тамғасидан ташқари, ресторанниng мавзу йўналишини ифодаловчи расм ҳам бўлади.

Люкс тоифадаги ресторанларда албатта қуйидаги қўшимча хизматлар бўлиши шарт: байрам таомлари тайёрлаш ва хизмат уюштириш, уйга овқат олиб бориб бериш, таом ва бошқаларга буюртмалар қабул қилиш, маълум муддатга жойни банд қилиб қўйиш, мижоз илтимосига кўра такси чақириб бериш, гул ва совғалар сотиш. Бундан ташқари, люкс ва олий тоифадаги ресторанларда оркестр чиқишига мўлжалланган жой бўлади. Ансамбллар, театр

гуруҳлари концерт дастурлари билан мижозларнинг яхши дам олишига шароит яратилади. Люкс тоифали ресторанларда юқори сифатли стереофоник радиоаппаратурадан фойдаланилади, ҳар бир столда овозни бир меъёрда тартибга солувчи динамиклар бўлади. Ресторанлар бир-бирларидан қуйидагилар билан фарқланади:

✓ тайёрлаб бериладиган таомлар ассортименти бўйича (миллий таомлар, хорижий мамлакатлар таомлари);

✓ ўрнашган жойи – шаҳарда, вокзалларда, меҳмонхонада, дам олиш зонаси, вагон-ресторан ва бошқалар.

Ресторан залларида мижозлар учун қулайликлар яратиш мақсадида архитектура-конструктив манзарали элементлар, мебель ва бошқа жиҳозлар ўрнатиш учун майдонлар барпо этилади. Ресторанларда мебелларнинг асосий турлари: икки, тўрт, олти киши сиғадиган столлар (тўғри бурчакли, квадрат, думалоқ ва бошқа шаклда); ресторан креслолари, диванлар, официантлар учун сервантлар, гулдонлар, хизмат учун столлар ва ҳоказо.

Шаҳар ресторанлари шаҳар ичида жойлашган бўлади, белгиланган маълум соатлардагина ишлайди. Улар таом, газаклар, ичимликларнинг кенг ассортиментини тавсия этади, асосан тушки ва кечки овқатлар тайёрлайди.

Вокзал ресторанлари – темир йўл, аэровокзалларда жойлашган бўлади ва йўловчиларга кеча-ю кундуз хизмат қилади. Бу ресторанлар таомномасида таомлар, газак ва ичимликлар чекланган бўлади.

Меҳмонхона мажмуаларига тегишли меҳмонхона тармоғи таркибига иккита ресторан – серҳашам фирма таоми бўлган ва кичик, таом ва ичимликлари баҳоси юқори даражада бўлмаган ресторанлар киради.

Кема ресторани туристлар ва йўловчиларга хизмат қилишга мўлжалланган. Бу ресторанларда нонушта, тушлик, кечки овқат тайёрланади, овқат, қандолат маҳсулотлари, совитилган ичимликлар, йўл анжомлари сотилади. Йўловчиларга хизмат қилиш официантлар томонидан амалга оширилади.

Вагон-ресторанлар узоқ масофаларга қатновчи темир йўл поездларида бўлади. Одатда, бундай ресторанлар бир кеча-кундуздан ортиқроқ сафарга борувчи йўловчилар учун хизмат қилади. Автосайёҳлар учун ресторан – катта йўл чорраҳаларида, йирик автостанцияларда жойлашади, сайёҳлар бу ерларда овқатланади, ҳордиқ чиқаради.

Бар – кичкина ресторан, илгари майхона деб ҳам атаганлар. Кенг ассортиментда ҳар хил ичимликлар сотилади. Шу билан бирга, барда таомлар, газаклар, қандолат маҳсулотлари ҳам бўлиши мумкин. Барларнинг вазифаси – бу ерга кирувчиларга яхши хизмат кўрсатиш, шинам жиҳозланган, чиройли жойда кўнгилдагидек дам олиш шароитини яратиш, мусиқа, стереофоник овоз чиқарадиган аппарат, саноаткорлар чиқиши, телевизор, видеоэшиттиришларни ташкил қилишдан иборат. Ҳаттоки барда ўйин автоматлари ва 50 дан кўп кишига мўлжалланган рақсга тушиш майдончалари ҳам бўлиши мумкин. Сотиладиган ичимликлар ва маҳсулотлар турларига кўра барлар қуйидаги турларга бўлинади: пиво барлари, вино, сут-қатиқ, коктейл-холл, коктейл-барлар. Коктейл-холл коктейл-бардан залининг катталиги, жиҳозланишининг турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Барлар одатда, маъмурий-маданий ва савдо марказларида, микроҳудудларда, ресторан, кафе, меҳмонхоналар қошида очилади.

Биноларнинг тузилишига кўра барлар қуйидагича жойлашади:

- вестибюлларда – бу ерда кишилар учрашадилар, суҳбат қиладилар;
- ресторан барлари – бино ичида, залда жойлашади;
- ёрдамчи барлар – меҳмонхона қаватларида жойлашади;
- банкет барлари – банкет залларида жойлашади;
- мини-барлар – меҳмонхонанинг меҳмонлар учун мўлжалланган хоналарида жойлашади.

Салат-барлар – махсус пештахта билан жиҳозланган, очиқ совитгич витринасига эга. Махсус идишларда тайёрланган ҳар хил салатлар: кўк салат, бодринг, редиска, помидор, тухум, картошка, сабзи, қизилча, укроп, пиёз, петрушка, карам, шунингдек, гўшт, балиқ, колбаса, пишлоқ ва бошқалар қўйилади. Алоҳида идишларда: ёғ, сирка, горчица, крем, қаймоқ, маёнез, шакар, туз, гармдори берилади. Ўз диди ва иштаҳасига қараб ҳар бир хўранда тегишли маҳсулотлардан идишларига солиб олади. Бу барлар «швед столи» нинг бир кўринишидир.

Ҳўл мева барлари – умумий овқатланиш корхоналарининг янги бир тури. Ижтимоий вазифаларни ҳал қилишга қаратилган, алкоголь ичимликлар истеъмолини камайтириш назарда тутилган тадбир сифатида пайдо бўлди.

Бу хилдаги барлар ўзига хос усулда биноларда жойлашган, оддийгина жиҳозланган: пештахталар қўйилган, витриналарда 15 хилгача шарбатли ичимликлар, сут коктейллари, электрокофейниклар, самоварлар мавжуд. Мижозлар шарбатлардан ташқари, чой, кофе идишлари, рестораннинг қандолат цехидан келтирилган қандолат маҳсулотларидан баҳраманд бўлишлари мумкин.

Сут маҳсулотлари барлари – ўз маҳсулот ассортименти билан бошқалардан фарқланади. Сут ва сариёғ коктейлларидан ташқари, барнинг кундалик таомномасида бутербродлар, пишлоқ, колбаса, бир неча хил сутли таомлар, қуймоқлар, қаймоқли, творогли сомсалар, ун-қандолат маҳсулотлари, ширин таом ва ичимликлар бўлади. Овқат тайёрлашда мижозларнинг ўзлари қатнашадиган барлар кенг оммалашиб бормоқда. Сут маҳсулотлари барлари фирма сут маҳсулотлари дўконлари қошидаги йирик савдо марказларида барпо этилади. Уларнинг асосий мақсади мижозлар таомни татиб кўриши билан мазасига тушунади ва бар машҳур бўла боради.

Диско-барлар – кундуз кунлари кафе сифатида иш олиб боради, кечқурун эса бар хизматини ўтайди. Бу ерларда доимо дискотека уюштирилади. Диско-барлар алоҳида биноларда ёки меҳмонхоналарнинг ярим ертўлаларида фаолият кўрсатади. Диско-бар заллари замон талабига жавоб берадиган даражада бадиий безатилиши керак. Рақс майдони рангли паркет билан қопланиши, умумий кўринишга мос ёруғлик берилиши шарт. Диско-барларда слайдлар кўрсатиш учун катта экран ўрнатилади, қуввати кучли мусиқа аппарати, ёруғликни ҳар хил қилиб кўрсатиш учун асбоблар, шунингдек, телевизорлар, видеомагнитофонлар жойлаштирилади. Мусиқий дастурни диско-бар ходими бошқариб боради. Бу барларда оркестрлар, ашулачи, актёрлар иштирокида ёшларнинг дам олиш кечалари ўтказилади. Тавсия этиладиган маҳсулотлар ассортименти турличадир: одатда, енгил, совитилган, аралаш ичимликлар, газаклар, бутерброд, иссиқ таомлар бўлиши ҳам мумкин. Қандолат-ширинликлар ва музқаймоқнинг турли хиллари тавсия қилинади.

Экспресс-барлар (бир зумда хизмат қилиш) – савдо марказларида, меҳмонхона ва вокзалларда фаолият кўрсатади. Маҳсулотлар ассортименти бар вазифасига мос тушиши керак: бутербродлар, парчаланган, қиймаланган гўштлар нон бетига қўйилган таомлар, ҳар хил қандолат ва сут маҳсулотлари. Тикка туриб овқатланиб кетадиган барларда таом ассортименти чекланган бўлади. Булар –

бифштекслар, лангетлар, парранда гўштидан тайёрланган овқатлар, чанқоқбосди ичимликлар, шарбат, коктейл, кофе.

Пиво барлари – махсус жойларда пиво қуйиб сотилади ёки шишаларда берилади. Қуйиб сотиладиган пиволар махсус идишлардан ёки ишлаб чиқарган завод автоцистернасидан бевосита автоматлар орқали қуйиб сотилиши мумкин. Савдода мевали ва минерал сувлар бўлиши тавсия қилинади. Ҳисоб-китоб официантлар чеки орқали, ўз-ўзига хизмат қилиш жойларида буфетчи ёки сотувчига тўланади. Пиво барлари пиво сотиш билан бирга, иссиқ ва совуқ газаклар ҳам сотади. Булар жумласига: бутерброд, пивога мос келадиган пишлоқлар, ҳар хил тузланган нарсалар, қуритилган балиқ, қаламча қилиб қовурилган картошка, қуритилган қора нон, шўрданак, шўр бодом ва бошқалар киради.

Вино барлари – меҳмонхоналар, ресторан, кафелар қошида фаолият кўрсатади. Енгил овқатланиш ҳам мумкин, вақти чекланган, шошилган одамлар тез тамадди қилиб кетиши учун жуда қулай. Бундай барлар йирик ресторанлар ичида жойлашган бўлса, дўстлар билан учрашиш, меҳмонлар кутиш, суҳбатлар қилиш мумкин бўлади. Хотиржамлик билан бир пиёла чой ёки кофе ичиб кетиш мумкин.

Грил-барлар – савдо марказларида, шаҳар мавзеларида, дам олиш зоналарида, одамлар гавжум магистралларда, ресторанларда жойлашган бўлади. Грил-барда хўранда танқис, ноёб овқатларни олиши мумкин. Бу ердаги таом ассортименти хўранданинг тезлик билан овқатланишига имкон беради. Бу барларда энг кўп тарқалган овқатлардан қовурилган балиқ, жўжа, кабоб, бифштекс бўлади. Грил-барларда таом хўранданинг кўз олдида тайёрланади. Грил-барларда бар пештахталари рўпарасида столчалар ёки узун курсилар қўйилади. Пештахтанинг ички томонида сотувчи хизмат қилади.

Кафе (қаҳвахона) – истеъмолчилар овқатланиши ва дам олишини таъминлайди. Ресторан маҳсулотларига қараганда буларнинг ассортименти кам. Кафе фирма ва буюртма таомлар тайёрлаш, мижозларга етказиб беришдек вазифани бажаради. Буларнинг ассортименти чекланган ва таом тайёрлаши мураккаб эмас. Кафеда иссиқ чой, кофе, какао, муздай шарбатлар, минерал сувлар, қатиқ-сут, қандолат ва ширин таомлар мавжуд. Иккинчи таом сифатида тайёрланиши осон бўлган – қовурилган тухум, сосиска, сарделка,

қуймоқлар, биринчисига шўрва берилиши мумкин. Алкоголсиз кафеда ичимликлар ассортиментидан вино-ароқ маҳсулотлари олиб ташланади, алкоголсиз ичимликлар ва қандолат маҳсулотлари сотиш кўпайтирилади. Бу кафеларда дискотека бор. Тўйлар, юбилейлар, оилавий тушликлар, янги таом ва маҳсулотлар кўргазмаси ўтказилади.

Музқаймоқ кафеси – ҳордиқ чиқариш учун энг гавжум жой. Ҳамма оилалар ҳам ресторан ёки барга боравермайди, чунки у жойлар ёши жиҳатидан катта тоифадагиларга мўлжалланган, нархнавоси ҳам юқори. Музқаймоқ кафелари эса ҳаммабоп, бутун оила аъзолари билан келиб музқаймоқ истеъмол қилиш ва дам олиш мумкин. Музқаймоқ тайёрлаш жараёни ҳам ўзига хос. Музқаймоқ кафеси учун унча катта майдон талаб қилинмайди. Музқаймоқ кафелари савдо залида: паст ҳароратли витринада музқаймоқ ассортименти намуналари қўйилади. Мебель бўлади, чой ва кофе қайнатадиган анжомлар ёрдамида мижозларга иссиқ чой, кофе тайёрланади. Бундан ташқари, музқаймоқ кафесида ҳар хил пиширикқлар, қандолат маҳсулотларини ҳам харид қилиш мумкин.

Кафетерийлар – йирик озиқ-овқат ёки ноозиқ-овқат дўконларида ташкил қилинади. Кафетерийларда иссиқ ичимликлар, сутқатиқ маҳсулотлари, бутербродлар, қандолат маҳсулотлари ва бошқалар тайёрланиши ва сотилиши мумкин, тайёр унча қийин бўлмаган маҳсулотлар бўлади. Алкоголь ичимликлар сотиш тақиқланади. Ҳисоб-китобни буфетчининг ўзи бажаради.

Ошхона – умумий овқатланиш корхоналари орасида ошхоналар энг кенг тарқалган умумий овқатланиш жойи ҳисобланади. Асосий фаолияти – ўз маҳсулотидан аҳоли учун таомлар тайёрлаш, уларнинг мижозлар талабларини қондириш, нонушта, тушлик, кечки овқатлар ёки уларнинг бир қисми тайёрланади. Ошхоналар жойлашган жойига ва хизмат кўрсатиладиган мижозларига кўра, умумий равишда фойдаланиладиган саноат корхоналари, муассасалар, қурилишлар, ўқув юртлари ва шу кабилар ҳузуридаги ошхоналарга бўлинади. Ишлаб чиқариш корхоналари, ўқув юртлари ва муассасалар ҳузуридаги ошхоналарда асосан ҳафта кунлари бўйича турли хил мажмуа тушликлар, нонушталар ва кечки овқатлар ташкил этилади. Ошхоналардан уйга ҳам овқат берилади, олдиндан буюртмалар қабул қилинади, шунингдек, овқат маҳсулотлари, чала тайёр маҳсулотлар сотилади. Уларда ўз-ўзига

хизмат кўрсатиш ва столларга мажмуа овқатларни олдиндан қўйиш усуллари қўлланилади. Ошхоналар қуйидагича фарқланади:

– маҳсулотлари ассортименти бўйича: умумий ва парҳез таомлар ошхоналари;

– хизмат кўрсатиладиган мижозлар: мактаб болалари, талабалар ва шунга ўхшашлар;

– манзили бўйича: ҳамма учун, ўқув ва корхона, муассаса ходимлари учун. Истеъмолчилар таркиби бўйича – ёшлар кафеси, болалар кафеси ва ҳ.к.

Тамаддихона – ассортименти чекланган бўлиб, совуқ ва иссиқ таомлар, ҳаммабоп ва тез тайёрланадиган таомлар: сосиска, сарделкалар, чучвара, қовурилган тухум таклиф қилинади. Тамаддихоналарда хоҳлаган овқат танланади, кўп ҳолларда тик туриб тамадди қилинади. Таом танлангач, ҳисоб-китоб бирданига амалга оширилади. Бу иш автомат кассалар орқали ҳам бўлиши мумкин. Тамаддихоналарда спиртли ичимликлар сотиш тақиқланади.

Буфет – бу истеъмолчиларга чекланган турдаги қайноқ ва салқин ичимликлар, совуқ таомлар, нон-булка ва қандолатчилик маҳсуотлари, шунингдек, осон тайёрланадиган иссиқ ва ширин таомлар билан тезкор хизмат кўрсатишга мўлжалланган корхонадир. Унда ўз-ўзига хизмат кўрсатиш ёки официантлар томонидан хизмат кўрсатиш мумкин. Ҳисоб-китоб буфетчи ёки савдо автомати орқали бажарилади.

Буфетлар қуйидаги жойларда фаолият кўрсатади: меҳмонхоналарда, мактабларда, томоша масканларида, спорт майдонлари атрофида, вокзалларда, дарё, денгиз кемаларида, ишлаб чиқариш ва транспорт корхоналарида, қурилиш ва бошқа муассасаларда. Одатда, буфетлар маҳсулотларни ўзларига қарашли умумий овқатланиш корхоналаридан олади. Бундан ташқари, оммавий ўйин-томоша жойларидаги буфетларда олий сифатли қандолатлар, конфетлар, мева ва маъданли сувлар, ҳўл мевалар бўлиши керак. Спиртли ичимликлар билан савдо қилиш мумкин эмас.

Мактаб ва билим юртлари қошидаги буфетлар куни узайтирилган мактабларда қолувчи ўқувчилар ва мактаб ходимлари учун нонушта ва тушликлар беради. Умумтаълим мактабларида мактаб қурилиш лойиҳасида белгиланган тартибда буфетлар жойлаштирилади.

Бахт уйлари қошидаги буфетларда мева-чевалар, шоколад, конфетлар, шунингдек, гуллар ва совға буюмлари бўлади. Никоҳдан ўтувчиларнинг хоҳишига қараб, олдиндан дастурхон тузатилиши ва официантлар хизмат қилиши мумкин.

Чойхоналарда чой ва пиширикдар, қандолат маҳсулотлари, гўштли овқатлар, балиқ, тухум, мол гўшти, қовурилган тухум, колбаса ва бошқалар сотилади. Бу ерда асосан ўз-ўзига хизмат қилиш амалга оширилади. Бу чойхоналар Марказий Осиё давлатларида умумий овқатлантириш тизимининг асосларини ташкил қилади.

Мустақиллик туфайли Ўзбекистонда чойхоналарга кенг имкониятлар берилди. Ўтган йиллар ичида шундай чойхоналар бунёд этилдики, улар фақат чой ичиш жойигина эмас, ажойиб ҳордиқ чиқариш, кўнгил очиш, дўстларнинг суҳбатлашиш маконига айланди. Бу ерда мижозларнинг ўзлари хоҳлаган овқатларини тайёрлашлари, айниқса, чойхона палови жуда машҳур. Чойхоналар маданий дам олиш масканига айланди.

Хизмат кўрсатиш турлари ва менюлар. Сервис турини танлашда «қанчалик қиммат бўлса, шунчалик сервис кўп бўлиши керак» деган принципга риоя қилиш зарур. Дунёда ресторан сервисларининг қуйидаги турларини ажратишади:

• ***Bufet (швед столи)*** – мижоз ўз идишига ўзи овқат солади. Бунда бир неча вариантлар мавжуд: таом катта лаълиларда ёки иситиладиган поддонларга жойлашган; ошпаз мижозга гўшт кесиб беради ва б.

• ***Plate service (америкача ҳам дейилади)*** – официантлар мижознинг чап томонидан туриб унинг тарелкасига таомни қўядилар, бўш тарелкаларни эса мижознинг ўнг томонидан оладилар.

• ***Family service (оилавий)*** – таом стол ўртасида туради ва ҳар бир мижоз ўз тарелкасига ўзи олиб солади; баъзида столда фақат гарнирлар туради, гўшт (балиқ) эса официантлар томонидан тарелкага қўйилади. Сервиснинг бу турини инглизча ҳам дейишади.

• ***Silver service*** – таом официантлар томонидан катта идишда столга қўйилади, ушбу идишдан официант меҳмонлар тарелкасига чап томондан порциялар қўяди, тарелкаларни эса меҳмоннинг ўнг томонидан қўйиб чиқади. Ресторан сервисининг ушбу турини АҚШ ва Германияда русча, Францияда эса французча дейишади.

• ***Gueridon service*** – ресторан сервисининг энг олий тури бўлиб, унда официант таомни махсус тележкада меҳмон столи олдида тайёрлайди.

Таъкидлаш жоизки, официант таомнинг фақат якунловчи босқичини кўрсатади (спирт алангасида қовуриш). Нима қилаётганлигини у меҳмонларга тушунтира олиши керак (агар саволлар туғилса!). Францияда сервиснинг бу турини русча деб аташади.

Сервиснинг турига қараб қанча официант кераклигини аниқлаш мумкин. Масалан, ***Silver service***да битта официантга 10 та меҳмон, ***Plate service***да битта официантга 18 та меҳмон. Ҳатто ҳар бир мижоз учун столда ажратилган масофа ҳам муҳим — ***Silver service***да 75 см ва ***Plate service***да 60 см.

Меню – ресторан иши муваффақиятининг асосий шарти бўлиб, у баҳоловчи, раҳбатлатирувчи ва таҳлил қилувчи функцияларни бажаради. Менюнинг ҳар хил кўринишлари мавжуд.

Бош ошпаз каталоги ёки махсус (фирменний) таомлари менюсини таклиф этиш – бу фақатгина қиммат эксклюзив ресторанларга хос.

«Аля карт» менюси ҳар қайсиси алоҳида нархга эга порцияли таомларни таклиф этади. Бу менюни буюртмали деб аташ мумкин (таомларни эркин танлаш мумкин).

«Табл дъот» менюси ҳар бир таомнинг бир ёки бир неча вариантларини белгиланган нархларда таклиф этади. Менюнинг бундай тури Европа меҳмонхоналарининг ресторанларида кўп қўлланилади. Афзаллиги шундаки, меҳмонлар уни тежамлироқ деб ҳисоблашади.

«Дю жур» менюси навбатчи таомларни таклиф этади. Яъни одатда, тез тайёрланадиган, арзон, машҳур кундузги таомлар.

Шуни таъкидлаш жоизки, овқатлантириш хизматларини ташкил қилиш ва сервис турларидан фойдаланишда официантларга бир қанча талаблар қўйилади:

• белгиланган ташқи кўриниш ва шахсий гигиенага риоя қилиш (тоза ва дазмолланган форма, қўллар тоза, аёллар учун оддий косметика ва минимум тақинчоқлар);

• таомномани билиши. Официант қайси таом нимадан тайёрланганлигини тушунтира олиши керак;

• мижоз билан мулоқот қила олиши (мулойим, сабр-тоқат, овоз тони, табассум);

• жамоада ишлай олиши.

Ресторанниng асосий қонуни – барча таомлар иссиқлигича тақдим этилиши керак. Шунинг учун тез, лекин сифатга таъсир қилмаслик керак.

Таянч сўз ва иборалар: умумий овқатланиш корхоналари турлари, умумий овқатланиш корхоналари таснифи, хизмат турлари, хизмат кўрсатиш, пазандачилик, стол сервировкаси.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризмда овқатлантириш хизматининг мақсад ва вазифалари нималардан иборат?
2. Умумий овқатланиш соҳасининг иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти қандай?
3. Умумий овқатланиш корхоналарининг асосий турларини санаб беринг.
4. Ресторан ва люкс тоифали ресторанлардаги кўрсатиладиган хизматларнинг фарқланишини тушунтиринг.

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Эрталабки нонушта ва кечки овқат учун стол сервировкаларини тайёрлаб келинг ва унинг тақдимотини ўтказинг.

Тест саволлари

1. Ресторанлар бир-биридан нимаси билан фарқланади?

а) жойлашган жойи ва таомлар ассортименти билан;
б) мижозлар кўплиги билан;
д) ичимликлар тури билан;
е) хизмат турлари билан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида умумий овқатланиш маҳсулотларини (хизматларини) ишлаб чиқариш ва сотиш қоидалари тўғрисида»ги қарори қачон қабул қилинган?

а) 2003 йил 13 февраль;
б 2003 йил 17 март;
д) 2007 йил 2 август;

е) 2005 йил 16 октябрь.

3. Ошхоналар бир-биридан қандай фарқланади?

а) хизмат кўрсатиладиган мижозлари билан;
б) менюси билан;
д) ичимликлар тури билан;
е) хизмат турлари билан.

4. БТТ мавжуд барча хизматларнинг неча турини эътироф этади?

а) 160 турини;
б) 12 турини;
д) 120 турини;
е) 200 турини.

5. *Silver service* хизмат тури бўйича битта официантга нечта меҳмон тўғри келади?

а) 10 та меҳмон;
б) 8 та меҳмон;
д) 5 та меҳмон;
е) 3 та меҳмон.

10-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ

Режа:

10.1. Туризм соҳасида транспорт хизматлари.

10.2. Туризм соҳасида транспорт воситалари.

10.1. Туризм соҳасида транспорт хизматлари

Мустақиллик йилларида замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, дунё бозорларига янги йўлларни очиш, чет мамлакатлар билан боғлайдиган илғор транспорт-коммуникация тармоқларини яратиш бўйича улкан ишлар қилинди.

Туризм индустрияси ишлаб чиқадиган туристик маҳсулот, хизматлар ва товарларнинг таркиби анча катта ва ранг-баранг мажмуани ўз ичига қамраб олади. Бу маҳсулотдан кишилар саёҳат қилишда, шунингдек, туризм доирасида дам олиш, ҳордиқ чиқариш, даволаниш, ўз билим ва касбий даражасини оширишда фойдаланади. Бунда туристик маҳсулотнинг асосий таркибий қисмига кирувчи транспорт хизматлари жами хизматларнинг 27 % ини ташкил қилади. Йўловчиларни, шу жумладан, туристларни ташиш ҳар хил транспорт турларида, чунончи: ҳаво, ер усти, сув транспортида амалга оширилади. Туристик ташувлар учун транспорт турларининг оммавийлиги ёки талаб этилиш даражаси мамлакатнинг жўғрофий ўрни ва иқлим шароитларига, иқтисодий ривожланиш даражасига, миллий анъаналарига, одамларнинг ижтимоий ҳолати ва турмуш даражасига ҳамда бошқа омилларга боғлиқ бўлади.

“Ўзбекистон ҳаво йўллари» – халқ хўжалиги ва аҳолини авиация хизмати (юк, йўловчи ташувлари, махсус авиаташишлар) билан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Миллий авиакомпаниясидир. Авиакомпания 1992 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига биноан ташкил этилган. Ана шу вақтдан бошлаб самолёт паркини замонавийлаштириш, янги аэропортлар қуриш, ҳаводаги ҳаракатни бошқариш тизимини тубдан ўзгартириш, аэродромларни янги замонавий техника билан таъминлаш, юқори малакали мутахассисларни тайёрловчи база ҳамда бошқарув тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган “Республика Фуқаро авиациясини ривожлантириш” давлат дастури амалга кирди. Ўтказилган ислоҳотлар Ўзбекистон авиация транспортининг

халқаро, иқтисодий, дипломатик ва маданий алоқаларини ривожлантиришда етакчи соҳалардан бирига айланишига омил яратди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомапнияси халқаро авиаташувлар бозорида ўзининг муносиб ўрнига эга. У ўз фаолияти давомида бир неча маротаба нуфузли мукофотлар: фаол ишлари учун «Евромаркет – 2000» соврини, Халқаро авиация хавфсизлиги жамғармаси дипломи, Халқаро аэропортлар бирлашмаси мукофотларига сазовор бўлди. Авиакомпания Америка, Европа, Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари, Жануби-шарқий ва Марказий Осиё ҳамда МДҲнинг 40 ортиқ шаҳарларига мунтазам қатновларни амалга оширади.

Ҳозирги кунда миллий авиакомпаниямиз тасарруфида 11 та халқаро аэропорт мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборат: Ислом Каримов номидаги “Тошкент” халқаро аэропорти, “Самарқанд” халқаро аэропорти, “Бухоро” халқаро аэропорти, “Урганч” халқаро аэропорти, “Навоий” халқаро аэропорти, “Наманган” халқаро аэропорти, “Нукус” халқаро аэропорти, “Термиз” халқаро аэропорти, “Андижон” халқаро аэропорти, “Фарғона” халқаро аэропорти ва “Қарши” халқаро аэропорти.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси авиайўловчиларга 2018 йилнинг 1 январидан барча халқаро аэропортларда Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан ўтиш жойларида иккита йўлак тизимини ("яшил" ва "қизил") ишга туширганлиги ҳам мамлакатимизга хорижий туристларнинг оқимини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Бунда, божхона чегараси орқали ўтадиган авиайўловчилар нотижорат мақсадлар учун товарларни декларация қилиш шакли сифатида "яшил" йўлакни, божхона амалиётларини ўтказиш учун эса "қизил" йўлакни танлашлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февраль, ПФ-5326-сонли "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони асосида хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасига ташрифи учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва виза тартиб-таомилларини соддалаштириш мақсадида 2018 йил 10 февралдан бошлаб Исроил давлати, Индонезия Республикаси, Корея Республикаси, Малайзия, Сингапур Республикаси, Туркия Республикаси ва Япония фуқаролари,

шунингдек, Ўзбекистон Республикасига мунтазам авиақатновларни амалга оширувчи хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемалари экипажининг аъзолари учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кирган кундан эътиборан 30 кунлик муддатга визасиз тартиб белгиланди. Шу билан биргаликда, 2018 йил 10 февралдан бошлаб фуқаролар учун туризм визаларини расмийлаштиришнинг соддалаштирилган тартиби жорий қилинадиган 39 та мамлакатлар рўйхати тузилди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар йўловчилар оқими логистикасини анчагина яхшилашга имкон беради. Божхона расмийлаштирувини умумэътироф этилган стандартларга мувофиқ ҳолга келтириш ва божхона расмиятчиликларини соддалаштириш туризмни ривожлантириш учун қулай шароит яратиш ва назорат усуллари самарадорлигини оширишга қаратилган.

Ислом Каримов номидаги «ТОШКЕНТ» халқаро аэропорти. Яқин чет эл мамлакатлари аэропортларига қараганда, Ўзбекистон пойтахтининг аэропорти қулай географик ўринга эга, чунки МДҲ давлатларидан Жануби-шарқий Осиёга, Яқин Шарққа, Европага ва Америкага элтувчи ҳаво йўлларининг кесишган нуқтасида жойлашган. «Тошкент» халқаро аэропорти дунёнинг барча катта шаҳарлари билан ҳаво йўллари орқали боғланган. У Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти ***(ICAO – International Civil Aviation Organisation)*** нинг иккинчи категорясига эга бўлиб, турли русумдаги самолётларни қабул қилади.

«Тошкент» халқаро аэропорти иккита – жанубий ва шимолий (ICAO II тоифаси) учиш-қўниш майдонига, магистраль руллаш йўлларига, узоқ ва ўртача магистраль самолётлари учун 110 та туриш жойлари бўлган умумий майдони 100 гектарли перронга эга.

Халқаро аэропорт ғарбий нусхадаги турли ҳаво кемаларига хизмат кўрсатиш бўйича улкан амалий тажрибага эга. Аэровокзал биноларида 56 та суюқ кристалли мониторлар ўрнатилган бўлиб, уларда йўловчилар учун кўргазмали маълумотлар, шунингдек, тижорат рекламалари намойиш этилади; нақд пул олиш учун банкоматлар ва валюта айирбошлаш шохобчалари жойлашган.

Аэровокзалнинг техника билан қуролланганлиги ҳам узоқ, ҳам яқин хориж йўловчиларга хизмат кўрсатилишига имконият яратади. Йўловчиларни рўйхатга олиш бўйича автоматлаштирилган тизим жорий этилган, бу эса хизмат кўрсатиш сифатини ва

маданиятини анча яхшилайди. Ҳозирги пайтда “Тошкент” аэропортида электрон чипта тизими жорий қилинган.

Йўловчиларни Ўзбекистон ҳудудидаги шаҳарларга жўнатиш янги Маҳаллий ҳаво йўллари (Тошкент-3) терминали орқали амалга оширилади. Бугунги кунда маҳаллий ҳаво йўлларининг аэровокзали соатига 400 та йўловчини ўтказиш қобилиятига эга қулай бино ҳисобланади. Йўловчиларни ва багажларни рўйхатга олиш учун саккизта устун, дорихона, дўкон, маълумот хизмати, шаҳарлараро телефон ва бошқалар мавжуд.

Ўзбекистон меҳмонларига ва аҳолисига хизмат кўрсатиш учун аэровокзал биносида қулай мебель билан жиҳозланган катта кутиш заллари; туну кун тартибида ишловчи паспорт, божхона ва чегара назорати хизматлари; маълумотхоналар; багажни ташиш учун янги конвейер тизимлари; халқаро телефон алоқаси; чипта сотиб олиш ва бронлаш кассалари; Дутй Фреэ дўконлари; барлар; тез овқатланиш, валюта айирбошлаш шохобчалари ва бошқалар мавжуд.

Бизнес ва биринчи класс йўловчиларига хизмат кўрсатиш учун VIP (алоҳида муҳим шахсларга хизмат кўрсатиш учун) ва CIP (юқори қулайлик) заллари бор. Йўловчиларнинг қулайликлари учун уларни самолётгача ва орқага етказиб қўювчи алоҳида, ҳар жиҳатдан қулай автобуслар тақдим қилинади.

«САМАРҚАНД» халқаро аэропорти. Самарқанд шаҳри нафақат Ўзбекистонда, балки Марказий Осиёда машҳур сайёҳлик марказидир. “Самарқанд” халқаро аэропорти Регистон, Амир Темур мақбараси, Улуғбек обсерваторияси, Шоҳи Зинда, Имом Бухорий ва бошқа кўплаб тарихий ёдгорликлари билан бутун дунёга машҳур қадимий Самарқанд шаҳрининг ҳаво дарвозасидир.

Ҳозирги кунда «Самарқанд» халқаро аэропорти халқаро транзит йўналишлар учун муҳим бўғинлардан бирига айланиб бормоқда. У қайта таъмирлангандан сўнг, *ICAO* нинг биринчи категориясига эга бўлган аэропорт ҳисобланиб, Ғарбда ишлаб чиқарилган турли русумдаги лайнерларни ҳамда шарқий ҳаво кемаларини қабул қилиш имкониятига эга бўлди.

“Самарқанд” аэропорти реконструкциядан кейин ҳамма халқаро стандартларга тўғри келади ва А310, А320, Б757, Б767, Б777, Ил76, Ил114 каби ҳамма замонавий ҳаво кемаларини қабул қилади. “Самарқанд” халқаро аэропорти динамик ривожланаётган корхона бўлиб, у йилига 300000 дан ортиқ йўловчига хизмат қилади.

Аэропорт соатига 400 йўловчини қабул қилиш ва хизмат кўрсатиш имкониятига эга. Туркия, Тошкент, Москва, Санкт-Петербург, Симферопол ва Қозон шаҳарлари билан ҳаво алоқалари ҳам ўрнатилган. Бу ерга Европа мамлакатлари ва Япониядан чартер қатновлар амалга оширилади.

«Самарқанд» халқаро аэропорти йўловчиларга қулайлик яратиш учун аэропорт аэровокзал мажмуасида тиббий пункт, оналар ва болалар хонаси, CIP ва VIP заллари, ресторан ва буфет, қатновлар ҳақида йўловчиларга маълумот бериш тизими ишга туширилган, Wi-Fi, шаҳарлараро халқаро алоқа, Duty Free, авиакасса ва алоқа бўлими (почта) мавжуд.

«БУХОРО» халқаро аэропорти 1997 йилда ишга туширилиб, халқаро мақомга 1999 йилда эришган, соатига 150 йўловчини қабул қилади ва хизмат кўрсатади. Унда кенг кутиш майдони, буфетлар, дўконлар, тиббиёт пункти, юкларни сақлаш хонаси, миллий анъаналарда безатилган VIP ва CIP майдонлари мавжуд. Бухоро аэропортидан Тошкент, Москва, Санкт-Петербург шаҳарларига, шунингдек, МДҲ мамлакатлари ва бошқа давлатларга учиш мумкин. “МДҲ мамлакатлари орасида йилнинг энг яхши аэропорти” унвони ташувлар ҳажми борасида 2012 йилда беш юз минг нафаргача йўловчига хизмат кўрсатган “Бухоро” халқаро аэропортига топширилди.

«УРГАНЧ» халқаро аэропорти. Фуқаро авиацияси «Аэропорт» Ассоциациясининг «МДҲ давлатлари бўйича йилнинг энг яхши аэропорти» танловида 2012 йилда «Ишлаб чиқаришга қўшган салмоқли ҳиссаси учун» номинацияси ғолиби бўлди. «Урганч» халқаро аэропорти соатига 300 нафар мижозга хизмат кўрсатиш имконини берувчи, барча қулайликларга эга йўловчилар учиб келиш зали фойдаланишга топширилган. Унда кутиш майдони, тиббиёт пункти, барлар, кафе, валюта айирбошлаш шохобчаси, сувенирлар дўкони мавжуд. Аэропортдан Тошкент, Москва шаҳарларига ва дунёнинг бошқа мамлакатларига учиб бориш мумкин.

«НАВОИЙ» халқаро аэропорти. «Навоий» халқаро аэропорти 1962 йилда барпо этилиб, 2007 йилда қайта модернизация қилиниб таъмирланди. "Навоий" халқаро аэропорти Марказий Осиёнинг марказида жойлашган янги логистика марказидир. У Ўзбекистоннинг ва Марказий Осиё мамлакатларининг марказида ҳамда Франкфурт, Милан, Дубай, Ҳиндистон, Шанхай ва Инчёндаги

дунёнинг йирик авиация тармоқларидан 6 соатлик парвоздан кам бўлмаган масофада жойлашган, ҳозирда у янада рақобатбардош Европа ва Осиёни боғлаб турувчи ҳудудий логистика марказига айланиб бормоқда.

Ҳозирги кунда аэропорт юк ташишлар билан биргаликда йўловчиларни ҳам ташиш имкониятига эга бўлди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш учун замонавий аэровокзал, VIP - йўловчиларга хизмат кўрсатиш зали, она ва бола хонаси, буфет, тиббиёт пункти, алоқа ва транспорт хизматлари мавжуд.

“НАМАНГАН” халқаро аэропорти. Бугунги кунда Наманган халқаро аэропорти “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг (МАК) IV – синфига мансуб таркибий бўлинмаси ҳисобланади. Аэропорт кеча - кундуз режимида ишловчи, Тошкент ва бошқа йўналишдаги ҳаракатланаётган ҳаво кемаларига “захира” аэропорти ҳисобланиб, жаҳондаги барча турдаги ХК га хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

Булар Ил-76, Б-767, Б-757, Б-737, А-310, А-319, А-320, А-321, Ту-214, Ту-154, Ту-134, Ил-114, РЖ-85, Ан-12, Ан-24 ва бошқа турдаги самолётлар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 23.09.2013 йилдаги 263-сонли “Андижон, Наманган, Фарғона, Қарши ва Термиз аэропортларидан халқаро парвозларни бажариши” ҳақидаги Фармонига асосан, Наманган аэропортига “Халқаро аэропорт” мақоми берилди.

Наманган аэропортидан мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳридан ташқари, Россиянинг Москва, Санкт-Петербург, Екатеринбург, Новосибирск, Красноярск, Краснодар ва Нижний Новгород шаҳарларига қатновлар бажарилмоқда.

Аэровокзалнинг хизмат кўрсатиш қобилияти соатига 200 йўловчини ташкил этади.

“НУКУС” халқаро аэропорти. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг таркибий бўлинмаси бўлиб, Қорақалпоғистон Республикасининг пойтахти Нукус шаҳридан ташқарида, унинг шимолий қисмида жойлашган. Аэропортдан республика ичидаги, шунингдек, халқаро йўналишлар бўйича мунтазам йўловчи қатновлари, чартер юк ташувлари бажарилади. Аэровокзал бир соатда 200 тагача йўловчига хизмат кўрсатади.

“ТЕРМИЗ” халқаро аэропорти. «Термиз» аэропорти «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси таркибига киради. «Термиз» аэропорти 1 соатда 100 та авиайўловчиларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга.

«Термиз» аэропорти кеча-кундуз давомида ишлайди ва барча турдаги, яъни Шарқда ва Ғарбда ишлаб чиқарилган турли (жумладан, А-320, А-310, Боинг 737, 757, 767, Ил-114, Ил-76) русумли ҳаво кемалари ва барча турдаги вертолётларни қабул қилади.

“АНДИЖОН” халқаро аэропорти. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпаниясининг таркибига киради. Андижондан маҳаллий ва халқаро (МДҲ) линиялари бўйича доимий Москва, Санкт-Петербург, Тошкент йўналишидаги қатновлари бажарилади. Аэровокзал комплексининг йўловчи қабул қилиш салоҳияти соатига 200-250 йўловчини ташкил қилади.

Йўловчи ва мижозларга хизмат кўрсатиш учун аэропортда: йўловчилар учун кутиш зали, трансит йўловчилар учун кутиш зали, халқаро линиялар (МДҲ) йўловчилари учун учиш-қўниш зали, оналар ва болалар хонаси, тиббий маскан, пул айирбошлаш шохобчаси, бар, юк омбори, чегара, божхона ва авиация хавфсизлиги назорати хизматлари, расмий делегацияларга хизмат кўрсатиш зали хизмат кўрсатмоқда.

“ҚАРШИ" халқаро аэропорти. “Қарши" халқаро аэропорти давлат унитар корхонаси Ўзбекистоннинг жанубий қисмидаги Қашқадарё воҳасида, Помир-Олой тоғ тизмаларининг ғарбий ёнбағрида жойлашган Қашқадарё вилоятининг (вилоят ҳудуди 28,6 минг км^2 ни ташкил қилади, иқлими континентал, қуруқ, баъзи жойларда субтропик) ҳаво дарвозаси ҳисобланади. Аэропорт Қарши шаҳрининг жануби-ғарбий томонида жойлашган.

Аэровокзалнинг ўтказиш қобилияти соатига 200 кишини ташкил қилади. Аэровокзал биносида учиб кетиш учун 2 та сектор (маҳаллий ва халқаро авиайўллар) ва учиб келувчилар учун зал мавжуд. Она ва бола хонаси, багаж павильони, трансит зали, кутиш зали ва ошхона фаолият юритади.

“ФАРҒОНА” халқаро аэропорти. Ҳозирда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК таркибига кирадиган “Фарғона” халқаро аэропорти 1938 йилда ташкил топган ва денгиз сатҳидан 604 метр баландликда жойлашган. Бугунги кунда аэропортдан Ўзбекистон шаҳарлари Тошкент ва Бухорога, Россиянинг Москва (Внуково ва Домо-

дедово аэропортларига) ва Санкт-Петербург, Қозон, Краснодар, Новосибирск шаҳарларига мунтазам йўловчи қатновлари бажарилади. Умумэътироф этилган авиация стандартларига мувофиқ, йўловчиларга авиаташувлар билан боғлиқ бутун хизмат кўрсатиш комплекси кўрсатилмоқда: жойларни бронлаш ва сотиш, қатновга рўйхатдан ўтказиш. Замонавий жиҳозлар ўрнатилганлиги туфайли божхона ва чегара назоратидан ўтиш жараёнлари анча тез амалга оширилади.

Туристларни темир йўл транспортида ташиш хизматлари. Темир йўл транспорти ўрта масофаларга туристларни мақбул нархларда, тез ва қулай шароитда етиб боришларини таъминлайди. Алоҳида ҳолларда темир йўл транспортидан туристик саёҳат мақсадларида ҳам фойдаланиш мумкин. Туристларни темир йўлда ташиш туризм транспорт таъминотининг самарали воситаси ҳисобланади. Саёҳатнинг юқори шинамлиги, юқори тезлик ва мақбул нархларда туристлар гуруҳини ихчам жойлаштириш – бу транспорт турини кичик ва ўрта масофаларга ҳаракатланишда рақобатбардошлигини оширади. Темир йўл транспортидан ички ва чегара яқинида сайру томоша, экскурсион сафарлар ва дам олиш кунларини ташкил этишда кўпроқ фойдаланилади.

Темир йўлчиларимизнинг куч-ғайратлари билан бугунги кунда темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга[54] етди ва улар мамлакатимизнинг барча ҳудудини тўлиқ қамраб олди.

Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда янги пўлат изларни (магистраль) шакллантириш бўйича улкан ишлар қилинди. Қизилқум чўлларида Навоий – Учқудуқ – Султонувайстоғ – Нукус темир йўллари қурилди, Амударё орқали темир йўл-автомобиль қўшма кўприги барпо этилди, мураккаб тоғ шароитида Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон темир йўли қурилди.

Мавжуд бўлган темир йўл тармоғини модернизациялашга ҳам муҳим аҳамият берилмоқда. Осиё тараққиёт банкининг жалб қилинган маблағлари эвазига 2 та йирик инвестиция лойиҳаси амалга оширилди ва Тошкент – Самарқанд-Бухоро участкасида йўллар қайта тикланди, Келес – Бухоро участкасида 600 км дан ортиқ бўлган узунликдаги оптик толали алоқа линияларини ётқизиш якунланди. Тўқимачи – Ангрен темир йўл линиясини электрлаштириш ишлари ўз ниҳоясига етди. Янгиер – Жиззах ва

[54] Taraqqiyot yo‘lidagi hamkorlik istiqbollari. // Xalq so‘zi. 2017-yil 11-aprel.

Янгиер – Фарҳод темир йўл линияларини қуриш ишлари якунланди.

Маркизий Осиё ҳудудида Тошкентдан Самарқандгача илк тезюрар йўловчи ҳаракатни ташкил этиш мақсадида 2008 йил «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ ва "Талго" (Испания) компанияси ўртасида 2 та тезюрар йўловчи электропоездларни сотиб олиш тўғрисида битим имзоланди.

2011 йил 8 октябрдан «Афросиёб» (Испаниянинг "Талго" компанияси томонидан ишлаб чиқарилган) юқори тезликда ҳаракатланадиган поезди Тошкент – Самарқанд – Тошкент 161/162-сонли йўналишда ишга туширилди.

Янги тезюрар поезд бу маршрут орқали хизмат кўрсатадиган бошқа электр поездлар билан бирга, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида ҳаракат қилади. Юқори тезликдаги «Афросиёб» поезди икки соат ва ўн беш дақиқа ичида 344 км темир йўл масофасини босиб ўтади. Максимал тезлиги соатига 250 километрни ташкил этади.

«Афросиёб» таркибига 2 та локомотив ва 9 та қулай вагонлар киради:

- 2 ВИП класс вагон (вагонда 11 ўрин);
- 2 Бизнес класс (вагонда 26 ўрин);
- 4 эконом класс (вагонда 36 ўрин);
- 1 вагон-бистро.

«Афросиёб» электр поезди 2016 йилнинг 15 сентябрь кунидан Тошкент – Бухоро – Тошкент йўналишида қатновларни амалга ошира бошлади.

2017 йилда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи давомида Хитой ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Айнан ана шу анжуманда давлатимиз раҳбари Хитойнинг “Чина Раилwай Туннель Гроуп” компаниясига Ангрен – Поп темир йўлининг Қамчиқ довони қурилишининг муваффақиятли амалга оширилганлиги учун алоҳида миннатдорлик билдирди. Шунингдек, мазкур ташриф доирасида кўплаб соҳалар, хусусан, транспорт ва коммуникация инфратузилмасини ривожлантириш борасида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти билан ХХРнинг етакчи қурувчи компаниялари ўртасида самарали келишувларга эришилди.

Бугунги кунда ушбу темир йўл орқали Тошкент – Андижон – Тошкент йўналишида ҳар куни замонавий тезюрар йўловчи поездлари аҳолига хизмат кўрсатмоқда. Андижон – Бухоро – Андижон йўналишида ҳафтасига иккита йўловчи поезди, ҳафтада бир маротаба Андижон – Урганч – Андижон, Андижон – Москва – Андижон йўналишларида йўловчи поездлари қатнови ташкил этилди. Бундан ташқари, бир суткада ўнлаб юк поезди Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўли орқали ўтиб, юкларни ўз манзилига етказмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» поезди қатнай бошлаганидан буён юртимизда чет эллик сайёҳлар сони сезиларли даражада кўпайди. Бундай поездлар Бухоро ва Қарши шаҳарларигача юқори тезликда етиб боришга имкон яратди. Бу эса мамлакатимизда туризм соҳасини жадал ривожланишида муҳим аҳамиятга эга.

10.2. Туризм соҳасида транспорт воситалари

Халқаро транспорт-коммуникация тизимида автотранспорт магистралларининг ҳам ўрни беқиёс. Биргина 2016 йилда соҳа корхоналари томонидан қарийб 256 километрлик автомобиль йўллари реконструкция қилинди, 94,4 километирлик халқаро ва давлат аҳамиятига молик йўл капитал таъмирланди. ***Ҳозирги кунда юртимиз автомобиль йўлларининг умумий узунлиги 183 минг[55] километрни ташкил қилади. Улардан 42,6 минг километри халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга эга бўлган йўллардир.***

Туристик маҳсулотлар таркибида туристларни ташиш хизмати етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Бу шу билан ифодаланадики, барча туристик йўналишларда (пиёдалардан ташқари) саёҳатчиларни дам олиш ёки экскурсияга элтиш ва уйга қайтиши учун транспорт бўлиши таббий ҳол бўлиб қолмоқда.

Туризм фаолият тури сифатида туристларни доимий яшаш жойидан ташқарига чиқиши билан узвий боғланган ва уни транспорт таъминотисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Транспорт таъминоти туристик инфратузилманинг муҳим элементи ҳисобланади ва туристик маҳсулотлар таркибига киритилган асосий мажмуали хизматларни ташкил қилади. Транспорт корхоналари туризм

[55] Taraqqiyot yo‘lidagi hamkorlik istiqbollari. // Xalq so‘zi. 2017-yil 11-aprel.

соҳасини шакллантирувчи туристик корхоналарнинг алоҳида кўринишлари сифатида қараб чиқилади.

Туризм соҳасида транспорт таъминоти тизими қуйидагича фарқланади: турга қўшилган ва асосий туристик хизматларга кирувчи туристик ташиш воситаси сифатида, туристларни доимий яшаш жойидан белгиланган манзилга элтиб қўйиш (ёки йўналиш бошланадиган жойга) ва қайта олиб келиш; трансферт – туристларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун транспорт воситасини тақдим этиш; тур-сафар бўйича дастурлаштирилган тадбирларга хизмат кўрсатиш: экскурсион хизмат, дастурдаги тадбирларга бориш, атрофга ташриф буюриш, йўналиш бўйича кўчиш; турга киритилган саёҳат давомида ижарага бериладиган енгил автомашина.

Транспортда ташиш хизматларининг хили ва тури бўйича таснифланиши қуйидаги 10.2.1-расмда ифодаланган.



10.2.1-расм. Туризм мақсадлари учун фойдаланиладиган транспорт воситаларининг турлари.



10.2.2-расм. Туризмда транспорт воситалари.

Транспортда ташиш хизматларининг хили ва тури бўйича қуйидагича таснифланади:

Ташишнинг ер устида олиб юриш турлари бўйича:

- инсоннинг жисмоний кучи билан амалга ошириладиган ташишлар ва ҳаракатланишлар (пиёда, чанғида, велосипедда, рикшалар);
- ҳайвонлар ёрдамида (уловли, туяда, отда, итларда);
- механик воситалар билан, канатли йўллар;
- автомобиль транспортида (ғилдиракли, занжирли);
- рельсли транспорт – темир йўллар, метро, трамвай;
- ҳаво транспорт воситалари.

Ҳаво орқали ташиш турлари:

- ҳаво шарлари ва дирижабллар, дельтапланлар, парашютлар;
- вертолётлар;
- кичик авиация самолётлари, гидросамолётлар, товушдан тез учар лайнерлар;

- космик аппаратлар.

***Денгиз ва дарё сувлари орқали ташиш транспортлари*:**

- сол ва қайиқлар;
- елканли кемалар;
- кичик механик кучга эга флот қайиқлари;
- денгиз ва дарё кемалари;
- сувости кемалари.

Транспорт тизимларининг барча турлари ягона мақсадни – ташиш хизматларини амалга оширишда саёҳатчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга қаратилган.

Туристларга транспорт хизматларини кўрсатиш, туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуи, деб таърифланади.

Транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатлари билан мустаҳкамланган ҳуқуқий базага асосланади. Ушбу ҳужжатлар: 1) турли халқаро транспорт ташкилотлари томонидан; 2) мамлакатларнинг миллий қонунчилиги доирасида; 3) юк ва йўловчи ташувчиларнинг ички қоидалари тарзида ишлаб чиқилган бўлади. Халқаро туризмни амалга оширишда транспорт хизматлари кўрсатишнинг турли жиҳатларига алоҳида диққат-эътибор бериш лозим. Саёҳатлар соҳасида халқаро ҳамкорлик чегараларининг кенгайиши божхона, чегара ва санитария назоратини амалга ошириш меъёрлари ва қоидаларини муттасил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Фан ва техника тараққиёти одамларни ер юзининг исталган нуқтасига тез элтиб қўйишга қодир транспорт воситалари (овоздан тез учар самолётлар, тезюрар поездлар, автомобиллар, музёрар ва сувости транспорти ва б.) пайдо бўлишига, шунингдек, транспорт хизматлари кўрсатиш соҳасига янги технологиялар жорий этилишига олиб келди. Бу чипталарни бронлашнинг глобал тизимларида ва чипталар сотишнинг ноанъанавий усулларида, юк ва йўловчи ташувчиларнинг чартер дастурлари вужудга келиши ва ривожланишида, турли ахборот тизимлари ишлаб чиқилишида, йўловчи ташишнинг техник ва технологик режимларини назорат қилиш, электрон қурилмаларидан фойдаланилишида, уларнинг хавфсизлиги оширилишида ўз ифодасини топмоқда.

Муайян транспорт тузилмалари ўртасида ҳамда ҳар бир транспорт тури доирасида йўловчи ташувчилар ўртасидаги рақобат кураши йўловчиларга хизмат кўрсатишнинг такомиллашуви жараёнига кучли йўналиш берди. Сервис сифати ва даражасининг ошиши ҳаракатланадиган таркибнинг ҳозирги техник жиҳозланишида, йўловчиларга қулай ва шинам шарт-шароитлар яратилишида, транспорт воситалари бортида йўловчиларнинг дам олиши ташкил этилишида, йўловчиларни овқатлантириш сифатининг ошишида, транспорт компанияларининг доимий мижозлари учун рағбатлантириш дастурлари ишлаб чиқилишида намоён бўлмоқда. Йўловчи ташувчилар транспортда болалар ва ногиронларга, шунингдек, бошқа тоифа йўловчиларга хизмат кўрсатиш бўйича махсус тадбирларни амалга оширмоқдаларки, бу йўловчиларнинг эҳтиёжларини тўлақонли қондириш учун имконият яратмоқда.

Йўловчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш транспорт хизматлари кўрсатишнинг энг муҳим масаласи бўлиб ҳисобланади, у ҳаракатланадиган таркибдан фойдаланиш қоидаларига риоя қилишни, транспорт воситаларининг ҳаракатини таъминловчи турли хизматлар профессионал тарзда ва уюшқоқлик билан ишлашини, йўловчилар ҳам хулқ-атвор қоидаларига риоя қилишини, экологик тоза транспорт турларидан фойдаланишни назарда тутади.

Туристларнинг уюшган гуруҳларини ташиш маршрутлар ишлаб чиқиш, чипталарни буюртма қилиш, транспортда жойлаштириш, тур дастурларини амалга ошириш билан боғлиқ айрим ўзига хос хусусиятларга эга бўлганлиги учун туристик фирмалар транспорт компаниялари билан яқин алоқалар ўрнатишига тўғри келади.

Ўзбекистонда сўнгги 5 йилда умумий қиймати қарийб 3 миллиард долларлик инвестициялар ҳисобидан узунлиги 2600 километр бўлган замонавий автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилди, шунингдек, кемпинглар, ёнилғи қуйиш шохобчалари, овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш масканларини ўз ичига олган кўплаб йўлбўйи инфратузилма объектлари барпо этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал

ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги [56] Фармонида белгилаб қўйилганидек, туризм фаолияти субъектлари томонидан туристларни ташиш учун мўлжалланган, сиғими 9 кишидан ортиқ бўлган янги автотранспорт воситалари сотиб олинганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармасига йиғим сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматининг 3 фоизи миқдорида ундирилади.

Таянч сўз ва иборалар: туристларга транспортда хизмат кўрсатиш, «Ўзбекистон ҳаво йўллари», «Ўзбекистон темир йўллари», ташиш маршрутларини ишлаб чиқиш, чипталарни буюртма қилиш, транспорт компаниялари, транспорт таъминоти, транспортнинг улуши, транспортда ташиш хизматларининг таснифланиши.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туристик маҳсулот таркибида транспорт хизматларининг улуши қандай аниқланади?
2. Авиация хизмати ва темир йўл хизматларнинг афзаллиги нимадан иборат?
3. Туризм соҳасида транспорт таъминоти тизими нимадан иборат?
4. Транспортда ташиш хизматларининг хили ва тури бўйича таснифланиши қандай амалга оширилади?
5. Транспортда хизмат кўрсатишнинг иқтисодиётдаги ўрни нимадан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Туризм мақсадлари учун фойдаланиладиган транспорт воситаларининг турлари бўйича таснифланишини аниқ мисолларда ифодаланг ва тақдимотини тайёрланг.

[56] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 2-dekabrdagi PF.4861-sonli "O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016 y.

Тест саволлари

1. Туристларга транспорт хизматларини кўрсатиш деганда нимани тушунасиз?

а) туристларни ва уларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга мумкин қадар тез ва қулай шароитларда ташиш учун мўлжалланган хизматлар мажмуига айтилади;

б) йўловчиларнинг юкларини бир жойдан иккинчи жойга элтиб қўйиш;

д) туристларни борадиган мамлакатидаги диққатга сазовор жойларига олиб бориш;

е) туристларни транзит ташиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги [57] Фармони асосида янги автотранспорт воситалари сотиб олинганда қандай имтиёзлар берилди?

а) йиғим сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматининг 5 фоизи миқдорида ундирилади;

б) йиғим сотиб олинган автотранспорт воситалари қийматининг 3 фоизи миқдорида ундирилади;

д) сотиб олинган автотранспорт воситаларидан суғурта бадали олинмайди;

е) турфирма сотиб олган автотранспорт воситаларидан эркин фойдаланиш мумкин.

3. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси қачон ташкил этилган?

а) 1992 йил 28 январда;

б) 1991 йил 25 апрелда;

д) 1993 йил 27 майда;

е) 1992 йил 16 мартда.

---

[57] O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2016-yil 2-dekabrdagi PF.4861-sonli "O‘zbekiston Respublikasining turizm sohasini jadal rivojlantirishni ta’minlash chora-tadbirlari to‘g‘risida"gi Farmoni, O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2016 y.

4. Туристик маҳсулотнинг асосий таркибий қисмига кирувчи транспорт хизматлари жами хизматларнинг неча фоизини ташкил қилади?

а) 34 фоиз;

б) 27 фоиз;

д) 42 фоиз;

е) 18 фоиз.

5. Трансферт тушунчасига тўғри таъриф кўрсатилган қаторни белгиланг.

а) туристларни кутиб олиш ва кузатиб қўйиш учун транспорт воситасини тақдим этиш;

б) тур-сафар бўйича дастурлаштирилган тадбирларга хизмат кўрсатиш: экскурсион хизмат, дастурдаги тадбирларга бориш, атрофга ташриф буюриш, йўналиш бўйича кўчиш;

д) турга киритилган саёҳат давомида ижарага бериладиган енгил автомашина;

е) бир давлатга бориш учун иккинчи давлат ҳудудидан ўтиш.

11-мавзу. ГИД-ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

Режа:

11.1. Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи.
11.2. Гид-экскурсиячи хизмати ва унинг вазифалари.
11.3. Гид-экскурсиячига қўйиладиган талаблар.

11.1. Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи

«Экскурсия» тушунчаси юнонча « excursio » сўзидан олинган бўлиб, «саёҳатга чиқиш, сайр қилиш» деган маънони англатади. «Экскурсия» тушунчасига таърифни биринчи бўлиб В. Дал (1882 й.) қуйидагича берган: «Экскурсия – бу сайр-томоша, бирор нимани излаш, ўсимликлар йиғишдир». Россиялик олим М.П. Ансиферов (1923 й.) «Экскурсия – бу сайр бўлиб, унинг вазифаси аниқ маълумотлар асосида мавзуни ўрганишдир», деган фикрни келтириб ўтган.

Кичик совет энциклопедиясида (1931 й.) «Экскурсия – бу маълум бир жойларда, саноат корхоналарида, совхоз, музейларда ва бошқа жойларда илмий ва таълимий мақсадларда жамоавий ташриф буюришдир» деб таъриф берилган.

Катта совет энциклопедиясида (1978 й.) «Экскурсия – бу диққатга сазовор объектларга (маданий ёдгорликлар, музейлар, корхоналар, жойлар ва ш. к) ташриф буюриш, билим олишнинг шакли ва методи бўлиб, одатда мутахассис-гид раҳбарлигида жамоавий ўтказилади» деб таъриф берилган[58].

Экскурсия тушунчасини таҳлил қилганда экскурсия хизматининг объектив талаблардан иборатлигини эътиборга олишимиз керак бўлади. Ҳар бир экскурсия ўзига хос фаол жараён бўлиб, унинг моҳияти маълум қонуниятлар (мавзуийлиги, мақсадлилиги, кўргазмалилиги, ҳиссиётлилиги, фаоллиги ва ш.к.) билан асосланади.

Экскурсия хизмати олдида турган вазифалари қуйидагича намоён бўлиши мумкин:

---

[58] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. “Организация экскурсионного обслуживания”. Учебное пособие. –С., 2011.



11.1.1-расм. **Экскурсия хизмати жараёни ва вазифалари.**

Демак, **экскурсия хизмати** – бу тарихий ва маданий ёдгорликлар, табиат манзаралари, ишлаб чиқариш корхоналари ва бошқа диққатга сазовор жойларни кўрсатиш, ҳикоя қилиш жараёнини услубий жиҳатдан ташкил қилишдир. Ушбу жараёнда экскурсантлар кўз олдидаги объектлар, улар билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар малакали мутахассис-гид томонидан ҳикоя ва таҳлил қилинади.

Экскурсия хизматининг вазифаларидан бири – экскурсантлар онгида экскурсия мавзуси, тарихий шахслар ҳаёти, воқеалар, фактлар ва умуман экскурсия маълумотига бўлган муносабатни ва мустақил баҳо беришни шакллантиришдир.

Мавзули экскурсия хизмати шаҳар кўргазмали экскурсиясидан ўзининг таркиби, мазмуни, услуб жиҳатидан мураккаблиги билан фарқланади. Экскурсиянинг ривожланиш йўли унинг мазмун жиҳатидан ўзгариши билан боғлиқдир. Аввалари экскурсия шифобахш ўсимликларни излаб топиш мақсадидаги сайр дейилган, кейинчалик унга, масалан, ўлкашунослик музейларига намуналар йиғиш каби илмий мақсадлар қўйилган. Мустақил таълимнинг янги шаклларини излаш жараёни экскурсия хизмати олдида умумтаълимий мақсадларни белгилади. Тарбиявий ишларни самаралироқ ташкиллаштириш ҳаракатлари экскурсия хизматини маданий-таълимий ишларнинг бирига айлантирди.

Хулоса қилиб, экскурсия хизматининг мазмунини қуйидагича талқин қилишимиз мумкин: **экскурсия хизмати** – бу инсонлар гуруҳига махсус шаклларда бериладиган билимлар мажмуи бўлиб, билимларни узатишда махсус ҳаракатлар тизими танланади.

Ҳар бир экскурсия хизмати ўз вазифасига эга. Табиатшунослик мавзусидаги экскурсиялар экскурсантларни табиатга, ҳайвонот ва ўсимликлар оламига эҳтиёткорона муносабатни, санъатшунос-

лик мавзусидаги экскурсия экскурсантларни эстетик дунёқарашини, ишлаб чиқариш мавзусидаги экскурсиялар меҳнатсеварлик сифатида тарбиялайди.

11.1.1-жадвал

Экскурсия хизматининг мақсади, вазифаси ва ўтказиш шакллари[59]

№	Мақсади	Вазифаси	Ўтказиш шакли
1	Дам олиш	Доривор ўсимликлар, мевалар, қўзиқоринларни излаш	Сайр
2	Ўқув	Ўқув фанини ўқувчилар томонидан ўрганиши (ботаника, география, тарих)	Синфдан ташқари дарс
3	Илмий	Ўлкашунослик музейи учун намуналар излаш	Экспедиция
4	Умум-таълимий	Умумий, маданий дунёқарашни кенгайтириш	Туристик походларда суҳбат, транспортли саёҳатда йўл-йўлакай экскурсия ахборотини бериш
5	Маданий-таълимий	Тарих, меъморчилик, адабиёт ва бошқа соҳалардан билимларни ошириш	Кўргазмали, кўп режали экскурсия
6	Маданий-тарбиявий	Тарбия билан уйғунликда билимларни олиш	Мавзули экскурсия хизмати

Экскурсия хизматининг бошқа маданий - маърифий ишлар шакли каби ташкилий ва услубий жиҳатдан ўзига хослиги мавжуд. Ушбу хусусиятлар экскурсия хизматини бошқа маданий - маърифий ишлар билан ўхшашлиги ёки муайян фарқини кўрсатади.

Экскурсия хизматининг умумий *хусусиятларига* қуйидагиларни кўрсатиш мумкин[60]:

---

[59] Емелянов Б.В. «Экскурсоведение». –М., 2006.

• давомийлиги (бир академик соатдан (45 дақиқа) бир суткагача);

• экскурсантларнинг мавжудлиги (гуруҳ ёки якка);

• экскурсия раҳбари – гиднинг мавжудлиги;

• кўргазмалилиги, томошабин қабул қилиши, экскурсия объектларининг мавжудлиги;

• гуруҳ ҳаракатланадиган олдиндан тузилган экскурсия маршрутининг мавжудлиги;

• объектлар намойишининг мақсадлилиги, аниқ мавзунинг мавжудлиги;

• гуруҳнинг фаоллиги (кузатув, ўрганиш, объектларни тадқиқ қилиш).

Юқорида санаб ўтилган хусусиятларнинг бирортаси бўлмаса, жараён экскурсия ҳисобланмайди. Экскурсия хизмати хусусиятларининг мазмуни унинг моҳиятини тўғри талқин этиш имконини беради. Кўрсатиладиган объектларнинг кенглиги, кўп режали мавзу, экскурсия хизмати услубининг пухталиги, гиднинг маҳорати экскурсияда шахснинг шаклланишига ёрдам берувчи аниқ функцияни бажариши имконини беради.

Ҳар бир маданий - маърифий ишлар шакли ўзининг фарқ қилувчи хусусиятларига эга. Экскурсия хизматининг асосий хусусияти – юқори даражадаги кўргазмалилигидир. Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган хусусиятлар ҳар бир экскурсия хизмати учун зарурдир.

Экскурсия хизматлари ҳам ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда таснифланади. Экскурсия хизматини таснифлаш масаласи ҳар доим соҳа мутахассисларининг диққат марказида бўлиб, бу муаммони ечишда ўтган асрнинг 20-йилларининг охирида ҳаракат қилишди. Экскурсиячи олим В.А. Герд экскурсия хизмати шаклларини таснифлашнинг ўз вариантида экскурсияни гуруҳлар ва гуруҳостильарга бўлишни ва уни тайёрлашда гидга йўналиш олишга ёрдам берувчи хусусиятларини ажратишни таснифлашнинг асосий мақсади сифатида таъкидлаб ўтган.

Экскурсия хизмати – ҳам мустақил фаолият (дам олиш уйларида, клубларда, мактабларда), ҳам туристик хизмат мажмуасининг бир қисми бўлиши мумкин (турфирмаларда).

---

[60] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. “Организация экскурсионного обслуживания”. Учебное пособие. –С., 2011.

Ҳозирда экскурсия хизмати қуйидагича таснифланади[61]:

- мазмунига кўра;
- қатнашувчилар сони ва таркибига кўра;
- ўтказиш жойига кўра;
- ҳаракатланиш воситасига кўра;
- давомийлигига кўра;
- ўтказиш шаклига кўра.

Мазмунига кўра экскурсиялар кўп режали ва мавзули бўлади. Кўп режали экскурсияларда тарихий ва замонавий маълумотлардан фойдаланилади. Бундай экскурсиялар турли хил объектларни кўрсатиш негизида тузилади (тарихий ва маданий ёдгорликлар, бино ва иншоотлар, табиат объектлари, машҳур воқеа жойлари, шаҳарсозлик, саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналари ва шу к.).

Кўп режали экскурсияда воқеалар батафсил ёритилади ва шаҳар, ўлка, вилоят, республика, давлат ҳақида умумий тасаввурни беради. Бундай экскурсияда хронологик тартибда шаҳарнинг илк пайдо бўлиши тарихидан бошлаб то келажакдаги ривожланиши ҳақида маълумотлар берилади.

Кўп режали экскурсиялар ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, мавзули экскурсиядан фарқли равишда унинг мавзусини белгилаш мураккаброқ. Тайёрлаш ва ўтказиш жойидан қатъи назар, улар таркибий жиҳатдан бир-бирига деярли ўхшашдир. Уларнинг ҳар бирида бир неча мавзуостильар мавжуд (шаҳар тарихи, ишлаб чиқаришнинг қисқача тарихи, фан, маданият, халқ таълими ҳақида). Экскурсияда аниқ бир шаҳар, вилоят, ўлка ўзига хос тарихий ривожланишига қараб ҳикоя қилинади. Масалан, ҳарбий-тарихий мавзудаги экскурсияларда урушлар, қўзғолонлар бўлиб ўтган Бухоро хонлигидаги ўзаро низолар каби шаҳарлар киритилади. Адабий мавзудаги экскурсияларда эса ёзувчи, шоирлар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ шаҳар, қишлоқ, кўчалар киритилади.

Мавзули экскурсиялар битта мавзунинг ёритилишига бағишланади. Агар бу тарихий экскурсия бўлса, унинг негизида ягона мавзуда бирлаштирилган бир ёки бир неча воқеалар ётади. Агар бу меъморчилик мавзусидаги экскурсия бўлса, унда шаҳар, кўча ва майдонларида жойлашган қизиқарли санъат асарлари, ўтган асрлар меъморий ансамбллари киритилиши мумкин.

---

[61] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. “Организация экскурсионного обслуживания”. Учебное пособие. –С., 2011.

Мавзули экскурсиялар тарихий, ишлаб чиқариш, табиий (экологик), санъатшунослик, адабий, меъморий – шаҳарсозлик экскурсияларига бўлинади.

Ўз мазмунига кўра, *тарихий* мавзудаги экскурсия хизматлари қуйидаги гуруҳостильарга бўлинади:

– *тарихий – ўлкашунослик* (масалан, «Самарқанд шаҳрининг минг йиллик тарихи», «Мовий гумбаз остидаги шаҳар» ва ш.к.);

– *археологик* (масалан, Сурхондарё вилоятидаги Кампиртепа қадимий шаҳри; Самарқанд вилоятидаги Афросиёб археологик мажмуасидаги тарихий қазилмаларни кўрсатиш);

– *этнографик*, турли миллат ва элатларнинг урф-одатлари ҳақидаги экскурсия;

– *тарихий музейларда экскурсия.*

Ишлаб чиқариш мавзусидаги экскурсия хизматлари қуйидаги гуруҳостильарга бўлинади:

– *тарихий ишлаб чиқариш;*

– *иқтисодий ишлаб чиқариш (масалан, банк, биржа фаолияти);*

– *техник ишлаб чиқариш;*

– *экскурсантларни касбга йўналтирувчи.*

Санъатшунослик мавзусидаги экскурсия хизматлари қуйидаги гуруҳ остиларга бўлинади:

– *театрал – тарихий* (масалан, «Самарқанд шаҳри театри ҳаёти», «А.П.Чехов номли рус драма театри тарихи» ва ш.к.);

– *мусиқий – тарихий* (масалан, «Ҳамид Олимжон театрига бир кунлик саёҳат» ва ш.к.);

– *халқ амалий санъати* (масалан, Ўзбекистондаги кулолчилар, зардўзлар ва бошқа уста ҳунармандлар фаолияти билан танишиш);

– *маданият арбоблари ҳаёти ва фаолияти билан таништирувчи жойлар;*

– *картиналар галереяси, кўргазма заллари, музейлар, рассомлар ва ҳайкалтарошлар устахоналарида ва ш.к.*

Адабий мавзудаги экскурсия хизматлари одатда қуйидаги гуруҳ остиларга бўлинади:

– *адабий-биографик*. Бундай экскурсиялар шоир, ёзувчи, драматурглар яшаб ижод этган жойларда ўтказилади (масалан, «Садриддин Айний музей уйи», «Андижон – Бобур юрти» ва ш.к.).

– *адабий-тарихий*, ўзбек адабиёти ривожланишининг маълум даврини очиб беради (масалан, «XX асрда Бухоро адабиёти», «Адабий Тошкент» ва ш.к.).

Меъморий - шаҳарсозлик мавзусидаги экскурсия хизматлари қуйидаги гуруҳ остиларга бўлинади:

– *мазкур шаҳарнинг меъморий қурилишини кўрсатувчи экскурсия;*

– *маълум тарихий даврнинг меъморий ёдгорликларини кўрсатувчи экскурсия;*

– *битта меъмор ижодиёти ҳақида маълумот берувчи экскурсия;*

– *замонавий меъморий намуналарни кўрсатувчи экскурсия.*

Қатнашувчилар таркибига кўра экскурсиялар қуйидагиларга бўлинади:

– *катталар ва болалар учун;*

– *маҳаллий аҳоли ва туристлар учун;*

– *шаҳарликлар ва қишлоқ аҳолиси учун;*

– *гуруҳли ва индивидуал бўлиши мумкин.*

Ўтказиш жойига кўра: шаҳарда, шаҳар ташқарисида, ишлаб чиқариш корхоналарида, музейда, мажмуали бўлиши мумкин.

Ҳаракатланиш воситасига кўра: пиёда ёки турли ҳаракатланиш воситасида бўлиши мумкин. Пиёда экскурсия хизматларининг афзаллик томони шундаки, унда ҳаракатланишнинг зарурий тезлигини таъминлаб, объектларни кўрсатиш ва ҳикоя қилишда қулай шароит яратиш мумкин.

Ўтказилиш шаклига кўра экскурсия хизматлари қуйидагича бўлиши мумкин:

– *оммавий экскурсия.* Бундай экскурсия хизматлари қатнашувчилари одатда 10-15 та автобусларда (ҳар бир автобусда алоҳида гид) битта маршрут бўйлаб бир вақтда ҳаракатланадилар. Бундай экскурсиялар оммавий театрлаштирилган томошалар, фольклор байрамларни ўз ичига олиши мумкин;

– *экскурсия-сайр.* Бундай экскурсия хизмати одатда ўрмонда, дарё ва денгиз бўйлаб ўтказилади, ўрганиш ва дам олиш элементларини ўзида мужассамлайди;

– *экскурсия-концерт*. Бундай экскурсия хизмати мусиқали мавзуга бағишланиб, автобус салонларида мусиқали асарлар ҳам эшитилади;

– *экскурсия-спектакль*. Бундай экскурсия хизмати адабий-бадиий экскурсия хизматини ўтказишнинг шакли бўлиб, бадиий адабиётнинг аниқ бир асари бўйича тайёрланади ва ш.к.

Тўғри таснифланган экскурсия хизмати гиднинг экскурсантлар билан ишлашини енгиллаштиради, услубий тўгараклар фаолияти учун асос ҳисобланади.

11.2. Гид-экскурсиячи хизмати ва унинг вазифалари

Гиднинг иши яқин ўтмишгача касб сифатида қаралмаган, у ҳаваскор гуруҳ учун қизиқарли машғулот бўлган, холос. Гид ишини турли соҳа мутахассислари ўзларининг асосий фаолиятларидан ажралмаган ҳолда бажаришган (педагоглар, музей илмий ходимлари, институт илмий ходимлари ва ҳ.к.). Фақатгина бир неча экскурсия муассасаси ва алоҳида музейлар штатидагина гидлар мавжуд бўлган. Аммо давр ўтиши билан бу фаолият касбий хусусиятларга эга бўла бошлади.

Экскурсия хизмати функциясининг ўзгариши, унинг дам олиш шаклидан меҳнат жамоаларида маданий-тарбиявий ишларнинг ташкилий шаклига ва аҳолига хизмат кўрсатувчи тармоққа айланиши, янги мутахассислик, яъни гид ролининг ошишига олиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида **гид (гид-таржимон)** — ахборотга оид ва ташкилий хизматлар кўрсатиш, туристлар ва экскурсантларни вақтинча бўлиш мамлакатидаги (жойидаги) туристик ресурслар билан таништириш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс;
йўриқчи-йўл бошловчи — туристик йўналишларда туристлар ва экскурсантларга ҳамроҳлик қилиш ҳамда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун касбий жиҳатдан тайёргарлик кўрган, Ўзбекистон Республикаси резиденти бўлган жисмоний шахс[62], деган таърифлар киритилган.

Гид касбининг шаклланиши мураккаб ва кўп қирралидир. Унда қуйидаги 4 та босқични ажратиш мумкин (11.2.1-жадвал).

---

[62] Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонун. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон

11.2.1-жадвал

Гид касбининг шаклланиш босқичлари

Босқич-лар	Жараён номи	Ҳаракат жойи
1	Инсонлар билан маданий-жамоавий ишларни олиб бориш иштиёқининг шаклланиши	Умумтаълим мактаби, клубли муассасаларда
2	Мутахассислик бўйича билимлар тизимига эга бўлиш	ОТМ, курслар, мустақил ўрганиш
3	Касбий маҳорат асосларини ўрганиб олиш	Гидларни тайёрловчи курслар, туризм мутахас-сислиги бўйича ОТМда
4	Мутахассислик бўйича билим, малака, кўникмаларни такомиллаштириш	Малака ошириш курслари, гидларнинг услубий тўгаракларида

Касбий талаблар. Гид касбини танлаган инсонларга ушбу касб бир неча талабларни қўяди, яъни маданий-тарбиявий ишларга иштирок этиш иштиёқи, тарбия жараёнида экскурсия хизматининг моҳияти, ундаги ўз ролини тушуниши, бурчини ҳис этиши, бир ёки бир неча экскурсия мавзулари бўйича аниқ билимларга эга бўлиши, маданиятсизлик ва эскича қарашларга бефарқ бўлмаслиги, ўз билимларини узлуксиз такомиллаштириши, янгиликка интилиши, ишда ташаббус кўрсатиши ва ижодий ёндашиши, экскурсантларни қизиқтириши ва талабларини чуқур ўрганиши, турли гуруҳдаги инсонларга хизмат кўрсатишда турлича ёндашув; тарбиявийлик, юқори маданият ва хулқ-атвор, экскурсантлар билан тўғри муносабат юритиши, экскурсия хизматини ўтказиш услубига эга бўлиши, хуллас, касб сирларини яхши билиши керак.

Ҳар бир гид нафақат ўз мутахассислиги бўйича билимларга эга бўлиши, балки педагогика ва психология асосларини ҳам билиши зарур бўлмоқда. Гид ўз ишини тўғри таҳлил қилиши, ўтказган экскурсия хизматига объектив баҳо бериши, принципиал ва ўзига нисбатан талабчан бўлиши муҳимдир.

Гид касби аниқ амалий малакага эга бўлишни талаб қилади. Бу малака унга ўз билимларини аудитория учун тўғри танлаб олиш, мужассамлаштириш ва самарали узатиш имкониятини беради. Гид касбини танлаганлар қуйидагиларни қила олиши керак: зарурий, аниқ маълумотларни танлаши, ўқиб-ўрганиши, аниқ мавзудаги экскурсияга индивидуал матн тайёрлаши, услубий қўлланмани тузиши, уларни амалиётда қўллаши, «гид портфели»даги кўргазмали воситаларни тўғри ва ўз вақтида қўллаши, бошқа гидлар билан тажриба алмашиши, минтақанинг экскурсия имкониятларини тарғиб қилишда иштирок этиши ва ш.к.

Гиднинг амалий билим ва кўникмаси унга услубий ишларда қатнашишда, тўгаракларни, туристик гуруҳ раҳбари ҳамда турагентлар учун малака ошириш курсларини олиб боришда, ёш гидларга ёрдам беришда керак бўлади. Амалий билим ва малаканинг мавжудлиги гид устамонлигининг мустаҳкам негизидир.

Касб ва мутахассислик. Гидларнинг касбий маҳоратини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларидан бири мутахассисликдир. Энг аввало «касб» ва «мутахассислик» каби икки тушунчанинг мазмуни ва ўзаро алоқасини аниқлаб оламиз. *Касб* – аниқ билим ва кўникмалар жамланмасини талаб қилувчи меҳнат фаолияти шаклидир. *Мутахассислик* – бир касб захирасидаги фаолият тури. Масалан: шифокор – бу касб бўлса, терапевт, жарроҳ, стоматолог – бу мутахассислик ва ш.к. Касб асосий фаолият тури бўлса, «мутахассислик» тушунчаси маълум касб доирасида билим ва маҳоратга эришганлик даражасини кўрсатади, яъни мутахассис – бу бирор мутахассисликни профессионал эгаллаган ишчидир.

Гидларни тайёрлаш жараёнининг вазифаси – мутахассисларни малакали гид қилиш, яъни гид касбининг зарурий билим ва кўникмаларига эга бўлиши учун ҳар бир мутахассисга ёрдам беришдир. Бунда ишни шундай ташкил этиш керакки, экскурсия муассасасига келган киши ўз мутахассислигини нафақат сақлаб қолсин, шу билан бирга, уни такомиллаштириб, экскурсия хизматини яхши ташкил этиш учун ўз вазифасини мустаҳкамласин.

Тарих ўқитувчиси гид бўлганидан кейин тарихий мавзуда экскурсиялар ўтказиши мақсадга мувофиқдир. Ундан табиатшунослик мавзусида экскурсия мавзусини тайёрлашни талаб қилиш нотўғри бўлади. Бу мавзудаги экскурсияларни мутахассис – биолог, географ тайёрлаши мақсадга мавофиқ.

Гид шахсиятининг шаклланиши гид касбининг шаклланиши жараёнида юзага келади. Гид шахсиятига қўйилган талаб унинг умумий тамойиллар ва хулқ-атвор меъёрларига риоя қилиши, аниқ ғояларга амал қилишидир.

Шахснинг асосий *фазилатларига* қуйидагиларни киритиш мумкин:

- фаросатлилик – ақл-идрок билан иш тутиши;
- масъулиятлилик – ўз ҳаракатлари натижасини тушуниши;
- шахсий обрўси – ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳаракатлари;
- индивидуаллик – шахсиятининг ўзига хослиги, такрорланмаслиги.

Гид ўз касбининг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда фаол ҳаётий қарашларини намоён этиши ва кунлик фаолиятида фойдаланиши керак.

Фаол ҳаётий қарашлар – шахснинг жамият ҳаётига қатнашишидир. Шахснинг ҳаётий қарашлари унинг жамият, меҳнат, давлат ва хусусий мулкка, бошқа шахсларга ва ўзига бўлган муносабатида намоён бўлади. Шахснинг ҳаётий қарашлари фаоллигини баҳолашда барча жамоавий, меҳнат, ғоявий – оммавий фаоллик турлари инобатга олинади.

Гидни ижобий тавсифловчи билими, малакаси, кўникмаси энг аввало, унга топширилган ишни бажара олиши қобилиятига асослангандир. Гидларни ўқитиш жараёнида услубчилар уларнинг янги экскурсия мавзусини тайёрлаши, реферат ёзиши, курсларда маъруза ўқиши, маршрутларда экскурсия ўтказиши, услубий йўриқларни танлаши каби ишларни қила олиши учун зарурий қобилиятлари мавжудлигини инобатга олишади.

Гиднинг асосий фаолияти экскурсия хизматини тайёрлаш ва ўтказишдир. Экскурсия хизмати тайёрлаш 3 қисмга бўлинади[63]:

1) индивидуал матнни тайёрлаш;
2) методик ишланма талабларини эслаб олиш;
3) маршрутни ёдда тутиш.

Экскурсия хизматига тайёргарлик кўриш жараёнида гид ўз-ўзини текшириши учун тахминан қуйидаги саволларга жавоб излайди: Объект олдида мавзунинг режаларини ёритишда ҳикояни

---

[63] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. “Организация экскурсионного обслуживания”. Учебное пособие. –С., 2011.

нимадан бошлайман? Қандай қилиб кўриш орқали реконструкциялаш усулини яхшироқ қўллашим мумкин? Гид мавзуни қай даражада ўзлаштириб олганидан қатъи назар, у ҳар сафар тайёргарлик кўради. Тайёргарлик босқичининг муваффақияти гид шахсиятининг индивидуал хусусиятларига, яъни зарурий ишларни бажаришдаги тезкорлик ва ташкилотчилик қобилиятига боғлиқ. «Тайёргарлик» тушунчасига руҳий тайёргарлик ҳам киради. Бунда ўз билимига ишониш, яъни экскурсия хизматини юқори савияда ўтказишига, экскурсантлар кўрганидан ва эшитганидан мамнун, хурсанд бўлишига ишончидир.

11.3. Гид-экскурсиячига қўйиладиган талаблар

Ҳозирги замон туризм соҳасида гидларнинг ўрни беқиёсдир. Айниқса, хорижий фуқаролар билан ишлаганда гид ўз давлатининг вакили сифатида уни тақдим этади. Гид маршрут давомида меҳмонларни кутиб олишда ўзини тутиши, дўстона муносабати, ҳурмат билан қараши, уларда ушбу давлат ва умуман жамият ҳақидаги тасаввурини шакллантиради.



11.3.1-расм. Гид-экскурсаводлик жараёни.

Гид нафақат саёҳат ташкил этувчи турфирма вакили, балки ўз давлати салоҳиятини реклама қилувчи, меҳмонларга янги маълумотларни берувчи ва маълум ҳаракатларни (харид қилиш, одамлар билан мулоқот қилиш, рақс тушишни ўргатиш ва ш.к.) амалга оширишга ёрдам берувчи шахс ҳамдир. У координатор сифатида барча тадбирлар (экскурсия – концерт – дам олиш – экскурсия) ва хизматлар (милиция – аптека – алоқа – транспорт) занжирини боғлайди. Бахтсиз ҳодиса рўй берганда, гид биринчи тиббий ёрдам

кўрсатишни билиши, турист (экскурсант) ва маҳаллий аҳоли ўртасида низоли вазиятлар юзага келганда тинчлик ҳаками бўлиши, экскурсия хизмати жараёнида эса нотиқ сифатида туристлар (экскурсантлар) диққатини жалб эта олиши, энг асосийси, ташкилотчи сифатида ўз атрофида одамларни жамлаштира олиши лозим. Ташкилотчилик қобилияти бўлмаган гиднинг гуруҳи тарқалиб, саёҳат графигидан чиқиб кетиши, тадбирларга (концерт, тушлик) кеч қолиши ва натижада бутун бир режалаштирилган маршрути бузилиши мумкин. Шунинг учун, гид нафақат хизмат кўрсатувчи, балки саёҳат жараёнини бошқарувчи менежер ҳам ҳисобланади. У туристлар (экскурсантлар) истак - хоҳишини ўрганган ҳолда тадбирлар тактикаси ва режасини ишлаб чиқади. Туристлар истак ва хоҳишларини ўрганишда иккита муҳим элементни ажратиш керак бўлади:

- ташриф ҳудудини туристлар (экскурсантлар) томонидан ўрганиш жараёни;
- бутун бир режалаштирилган дастурни самарали ва масъулиятли бошқариш.

Турист саёҳат, экскурсия жараёнида уни ҳар жиҳатдан масъулиятли, билимли, маълумотларни тўғри етказадиган, мушкул вазиятларни ҳал эта оладиган мутахассис ҳамроҳлик қилади, деб ишонади. Гид тақдим этаётган ҳудудининг, объектнинг флора ва фаунаси, тарихий воқеалари ҳақида максимал ахборотга эга бўлиши керак.

Гид ўз ишини бошлашидан аввал қатнашувчилар таркиби, сегментини инобатга олса, ўз ҳаракатлари дастурини тузиши осонлашади. Фаолияти йўналишларига қараб гидлар ҳар хил турларга бўлинади[64]:

Тарихий жойлар ва ёдгорликлар бўйича гидлар. Туристлар (экскурсантлар) қизиқишини уйғотувчи меъморий, маданий объектлар, қадимий харобалар, иншоотлар сақланиб қолган шаҳарларда фаолият кўрсатувчи гидлар. Ўзбекистоннинг Самарқанд, Хива, Бухоро, Қўқон, Шаҳрисабз каби шаҳарларида ушбу йўналишларда гидлар экскурсантларни қизиқарли объектларга олиб борадилар.

Бу тоифадаги гидлар:

---

[64] Тухлиев И.С., Амриддинова Р.С. “Организация экскурсионного обслуживания”. Учебное пособие. –С., 2011.

• минтақа тарихи, маҳаллий аҳоли урф-одати, яшаш тарзини билиши;

• бино ёки иншоотларнинг бунёд этилиши тарихи, унинг ўзига хослиги, меъморий услуби ва орнамент услуби ҳақида маълумотларга эга бўлиши;

• далилларга таяниши ва уларни объектлар билан боғлаши;

• туристлар (экскурсантлар) қизиқишини уйғотувчи ривоят ва тарихий маълумотлардан фойдаланиши мақсадга мувофиқдир.

Аниқ исботларга эга бўлмасдан тарихий воқеаларни бузиш ёки ҳаддан зиёд фойдаланиш нотўғридир. Жараён шундай йўлга қўйилиши керакки, гид барча режалаштирилган асосий объектларни кўрсатиб ҳикоя қилиши, дастурга риоя қилиши зарур.

Музейлар бўйича гидлар. Бу тоифадаги гидлар тор мутахассислиги билан фарқланади. Улар одатда, битта музей ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар (масалан, картиналар, либослар, миллий таомлар ва шу кабилар). Туристлар (экскурсантлар) маълумотларни осон қабул қилиб олиши учун гид уларни сегментларга ажратади ва имкон қадар ҳар бирининг ахборотга бўлган талабини ҳам ҳажман ва ҳам мазмунан қондиришга, билимларини янгилаб боришга ҳаракат қилади.

Махсус турлар бўйича гидлар бошқа гидлардан таништирилаётган соҳанинг мутахассиси эканлиги билан фарқланади. Кўпинча улар ўз ҳамкасблари ёки шу соҳага қизиқувчилар билан ишлайди (орнитология, ботаника, этнография, гастрономия ва ш. к.). Махсус тур гидлари ўз соҳаси бўйича кенг ахборотга эга бўлиб, мустақил тадқиқотлар ўтказиб, ноёб маълумотлар топиб, соҳанинг устасига айланганлар.

Махсус тур гидлари ўз ишини ташкил этишда (табиат парклари, қўриқхоналарда) қуйидагиларни инобатга олиши мақсадлидир:

• объектни кўрсатишни маълум вақт билан чегараланганлигини инобатга олиши;

• у ёки бу зоналарга кириш имкониятининг мавжудлиги;

• флора ва фауна ҳақидаги маълумотларга экскурсантлар эҳтиёжининг борлиги;

• экскурсантларнинг ўзини тутиш қоидалари, шахсий хавфсизликка риоя қилиши ва ш.к.

11.3.1-жадвал

Гидга қўйиладиган талаблар

Ташқи кўриниши	***Профессионал талаблар***
• шахсий гигиенага риоя қилиши; • озода ташқи кўриниши; • ҳаракатларидаги тартиб -интизоми; • маданиятли кийиниши; • иш пайтида чекмаслиги; • ёқимли ташқи кўриниши ва ҳ.к.	• экскурсия ишини билиши; • эрудиция ва маълумотни етказиш қобилияти; • маршрут ҳақида тўлиқ маълумот бериши; • гуруҳни қизиқтира олиши, шунингдек, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиши; • миллий ва хорижий этикетни билиши; • тиббий ёрдам кўрсата олиши; • ностандарт вазиятларда қарор қабул қилиш қобилияти, турли вазиятда масъулиятни ўз бўйнига олиши; • низоларни бартараф эта олиши; • барча бошқарувчи органлар билан ишлай олиши.
Шахсий фазилат	***Турфирманинг талаблари***
• яхши жисмоний соғлиқ; • руҳий барқарорлик; • киришимли бўлиши; • тартиб-интизомли бўлиши; • хушмуомала бўлиши; • артистлик қобилияти, режиссёр ва ташкилотчи бўла олиши; • ватанпарвар бўлиши; • субординацияга риоя қилиши.	• маршрутда юзага келадиган барча ҳодиса учун масъулиятли бўлиши; • туристнинг хавфсизлигини таъминлаши; • фирма томонидан топширилган барча вазифаларни бажариши (фаолияти доирасида); • вазиятни таҳлил қила олиш қобилияти, хато ва камчиликларни турист шикоятларидан олдинроқ англаб, тўғрилаши; • ҳамкасблар ва ҳамкорлар билан жамоада ишлай олиши; • оптимист бўлиши ва саросимага тушмаслиги; • фирма обрўсини сақлаб қолиши, алдамаслиги ва ҳ.к.

Ўзбекистонда бошқа мутахассислар ҳам маълум малакани талаб қилувчи гид хизматини таклиф этадилар. Масалан, тоғларда экскурсиялар ташкил қилувчи – алпинистлар, дарё бўйлаб – рафтингистлар, ғорларда – спелеологлар, ўрмонларда – овчилар. Одатда, улар ҳам ушбу соҳалардан маълум билим ва кўникмага эга бўлган гуруҳ билан ишлайдилар.

Гид қуйида келтирилган талабларга жавоб берса, бундан турфирмага, туристларга, маҳаллий аҳолига ва гиднинг ўзига ҳам фойда бўлади. Акс ҳолда, туристлар (экскурсантлар) томонидан сифатсиз кўрсатилган хизмат борасида шикоятлар келиб тушиши ва натижада турфирма масъулиятсиз гиддан воз кечиши мумкин. Бундай ҳолатда туроператорнинг ҳам, гиднинг ҳам обрўсига путур етади.

Гид хизматларнинг сифатини белгилаб берувчи асосий хусусиятларини билиши шарт:

Биринчи, ***ишончлилик,*** яъни ваъда қилинган хизматларни тўғри ва камчиликларсиз бажариш. Турист (экскурсант) гидга дастурда кўрсатилган бирор хизмат бажарилмай қолганлиги ёки ўз вақтида бажарилмаганлиги тўғрисида доимо эслатмаслиги керак.

Иккинчи, ***масъулиятлилик,*** яъни туристга (экскурсантга) ёрдам бериш истаги ва зарурий сервисни тақдим этиш. Агар турист (экскурсант) гидга бирор илтимос билан мурожаат қилса, уни қисқа муддатда ҳал қилиб бериш (имкон қадар бировларга юкламасдан) зарур.

Учинчи, ***жонкуярлик,*** яъни ғамхўрликни намоён этиш, ҳар бир туристга (экскурсантга) индивидуал ёндашиш. Шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, бирор сабабга кўра, турист (экскурсант) хизматлардан салбий таассурот олади. Гид дарҳол уни тушунишга ҳаракат қилиб, вазиятни ўзгартириш бўйича чора кўриши керак.

Тўртинчи, ***моддийлик,*** яъни хизматларни таклиф этиш жараёнида қўлланиладиган асбоб-ускуна, технология, ходимлар, зарурий воситаларни билиши. Масалан, тоққа чиқишда гид махсус асбоб-ускуналардан фойдаланишни кўрсата олиши керак.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, гид нафақат гуруҳли ёки якка туристга ҳамроҳлик қилувчи шахс, балки менежмент масалаларини талаб қилувчи хизмат кўрсатиш стандартларига эга бўлган яхлит тизимдир. Гиднинг асосий вазифаси шартнома ва

экскурсия дастурига киритилган хизматларни мижозларга тақдим этиш бўлиб, бу ерда дастлабки тайёргарлик ишларисиз бўлмайди.

Таянч сўз ва иборалар: гид, гид касбининг шаклланиш босқичи, касб, мутахассислик, гиднинг шахсий фазилатлари, гиднинг индивидуаллиги, гид темпераменти, гиднинг оптимистлиги, малака, кўникма, гиднинг обрўйи, гиднинг нутқ маданияти, гид нутқининг техникаси, тил стили, нутқ темпи, гиднинг имо-ишоралари, гиднинг ўзини тутиш маданияти, дикция.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. «Экскурсия» тушунчасининг маъносини изоҳланг.
2. Туризмда гид-экскурсия хизматларининг аҳамиятини тушунтириб беринг.
3. Экскурсия хизматининг хусусиятларини тушунтиринг
4. Гид-экскурсия хизматлари, уларнинг мазмуни ва таснифини тушунтиринг.
5. Экскурсия хизматининг функцияларини изоҳланг.
6. Гид-экскурсиячининг малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар нималардан иборат?
7. Гид касбининг шаклланиш босқичларини тушунтиринг
8. Гид-экскурсиячининг нутқ маданиятини тушунтиринг.
9. Гид-экскурсиячининг имо-ишоралар ва уларнинг экскурсия шароитидаги аҳамияти қандай?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Шаҳарда жойлашган маълум бир туристик объектга экскурсия хизматларини ташкил қилиш режасини тайёрланг.
2. Ушбу объектга гид-экскурсиячи бўлган шахснинг фаолиятини методика бўйича баҳоланг.

Тест саволлари

1. Экскурсияга таъриф қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) бу танишиш ёки ўрганиш мақсадида аниқ белгиланган режа бўйича ўтказиладиган, мавзули ҳикоялар билан олиб бориладиган бирор объектни кўрсатиш жараёнидир;

б) жисмоний шахсларнинг доимий яшаш жойидан 12 ойдан ошмаган муддатга, борадиган жойида иш ҳақи тўланадиган фаолият билан шуғулланмасдан, даволаниш, ўрганиш, иш ёки бошқа мақсадда саёҳати ҳисобланади;

д) ўз давлати чегараси доирасида доимий яшовчи фуқароларни вақтинчалик ташриф буюрувчи жойда туристик мақсадларда саёҳат қилишга айтилади;

е) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш тушунилади.

2. Экскурсияни олиб бориш техникасига нималар киради?

а) гуруҳнинг объект олдида жойлашиши; автобусга қайтиш, технологик схемага мос равишда экскурсия режасига амал қилиш;

б) сайёҳларнинг автобусдан тушиши; автобусдан объектгача бўлган ҳаракат;

д) сайёҳлар билан савол-жавоб ўтказиш;

е) экскурсия жараёнида индивидуал матндан фойдаланиш «гид портфели» ва овоз ёзиш тасмасидан фойдаланиш; микрофон билан ишлаш.

3. Экскурсия жараёнида туристлар қандай қоидаларга риоя қилишлари зарур?

а) автобус ҳаракати пайтида ўриндан турмаслик ва юрмаслик; тўхташ жойларида гидни огоҳлантирмай бирор жойга кетиб қолмаслик, фақат ўз жойига ўтириш, автобусда чекмаслик; ҳайдовчига халақит бермаслик;

б) тўхташ жойларида гидни огоҳлантирмай бирор жойга кетиб қолмаслик, автобус ҳаракати пайтида ўриндан турмаслик; ҳайдовчига халақит бермаслик; гид билан савол-жавоб қилмаслик;

д) гид билан савол-жавоб қилмаслик; фақат ўз жойига ўтириш; автобусда чекмаслик;

е) тўғри жавоб кўрсатилмаган.

4. Экскурсия мақсадлари –

а) ватанпарварлик, меҳнатни шарафлаш, эстетик ва экологик тарбия, шаҳар тарихи ва унинг давлат иқтисодиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш, ўлка табиати билан танишиш ва бошқалар бўлиши мумкин;

б) вақтинчалик келган жойида фаолияти тўланмайдиган, доимий яшайдиган мамлакат чегарасидан ташқарига туристик мақсадларда сафар қилиш;

д) шаҳар ва ҳудудларнинг экскурсия имкониятларидан келиб чиқиб, туристик корхонанинг доимий мижозлари эҳтиёжига асосланган ҳолда, экскурсияга янги мавзулар ишлаб чиқишдир;

е) барча жавоблар тўғри.

5. Гид нутқи маданиятига қўйиладиган талаблар –

а) тўғри талаффуз, хушмуомалалик ва оғзаки нутқдан кўпроқ фойдаланиш;

б) тўғри гапириш ва хушмуомалалик;

д) мимикалардан фойдаланиш;

е) мустақил фикрга эгалик ва ҳозиржавоблик.

12-мавзу. ТУРИЗМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Режа:

12.1. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш ва дастурини яратиш.

12.2. Туристик маҳсулотни ҳисоблаш жараёни.

12.3. Туристик маршрутни ишлаб чиқиш босқичлари.

12.4. Туристик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш.

12.1. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш ва дастурини яратиш

Ўзбекистонда туристик хизматларни шакллантириш Давлат стандартлари билан тартибга солинади. Туристик хизматни йўлга қўйиш учун унинг қисқача хизматлар баёни асос бўлиб хизмат қилади. Бу бозор эҳтиёжларини ўрганиш натижасида аниқланган буюртмачи билан мувофиқлаштирилган хизматлар ва хизматларни бажарувчининг имкониятларини ҳисобга олувчи талаблар йиғиндисидан иборатдир.

Туристик муассасасининг раҳбарияти муайян хизматни йўлга қўйиш тартиби ва жараёнини, хизмат кўрсатишни ташкил этиш усулларини белгилайди ва хизматларни лойиҳалаштириш жараёнини ҳар бир қатнашчиси масъулиятини белгилайди.

Туристик хизматларни **лойиҳалаштириш** қуйидаги тартибда амалга оширилади (12.1.1-расм):

Хизматнинг ҳар бир тавсифи истеъмолчи ва ижрочи учун имконият даражасида аҳамиятли бўлиши шарт. Хизматнинг муайян тавсифи тегишли хизмат турларига белгиланган давлат стандарти талабларидан кам бўлмаслиги лозим.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнига қўйиладиган талабларни батафсил ёритувчи ҳужжатлар қуйидагиларни қамраб олиши шарт:

- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни, шакли ва усуллари баёни;



12.1.1-расм. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш тартиби.

- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни тавсифининг мазмуни;
- фойдаланиладиган ускуналарнинг турига, миқдорига ва қабул қилиш қобилиятига талаблар;
- зарур хизматчилар сони ва уларнинг касбий малакаси даражаси;
- буюртмалар ва хизматларнинг шартномавий таъминоти;
- кафолатлар;
- зарурий келишувлар (рекрацион захиралар мулкдорлари, санитария - эпидемиология ва ёнғин хавфсизлиги, ДАН ва бошқа органлар билан).

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнига қўйиладиган аниқ талаблар амалдаги меъёрий ҳужжатлар талабларидан кам бўлмаслиги лозим. Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнини лойиҳалаштириш хизмат кўрсатишнинг ҳар бир босқичи бўйича (масалан, хизматлар бўйича маълумот бериш, хизмат кўрсатиш, хизматлар учун ҳисоб-китоб) амалга оширилади ва уларнинг ҳар бири учун алоҳида технологик харита тузилади.

Босқичларнинг мазмуни ва кетма-кетлиги хизмат турига қараб ўзгариши мумкин. Туристик хизматни лойиҳалаштиришнинг натижаси технологик ҳужжатлар ҳисобланади (технологик хариталар, йўриқномалар, қоидалар, регламентлар ва б.)

Сифат назоратига доир ҳужжатларда туристларга хизмат кўрсатиш жараёнини амалга ошириш юзасидан назорат қилиш шакллари, усуллари ва ташкил этилиши, уларнинг лойиҳалаштирилган тав-

сифларига мос тарзда келишини таъминлаш мақсадида белгиланиши лозим.

Сифат назоратини лойиҳалаштириш қуйидагилардан иборат:

- хизматлар тавсифига муҳим таъсир кўрсатувчи хизмат кўрсатиш жараёнининг муҳим жиҳатларини белгилаш;
- хизматлар тавсифини таҳрир этиш усулларини белгилаш;
- назоратдаги тавсифларни баҳолаш усулларини белгилаш.

Лойиҳа таҳлили лойиҳалашитиришнинг якуний босқичи бўлиб, унинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- лойиҳалаштирилаётган хизмат тавсифи туристлар соғлиғи ва ҳаёти ҳамда атроф-муҳит хавфсизлигини таъминлайди;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни лойиҳалаштирилган тавсифларга мос келиши;
- сифат назорати усуллари хизмат кўрсатиш жараёни тавсифини объектив баҳоланишини таъминлайди.

Лойиҳа таҳлили туристик корхонасининг тегишли фаолиятни амалга оширувчи бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Лойиҳани тасдиқлаш лойиҳа яратишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Туристик хизматларни лойиҳалаш ва хизмат кўрсатиш жараёни буюртмачи билан келишилган ҳолда туристик корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Лойиҳани ўзгартириш асосли ҳолатда буюртмачи билан келишилган ҳолда амалга оширилиши мумкин ва туристик корхонаси раҳбари томонидан тасдиқланади.

Айрим туристик хизматларни лойиҳалаштиришни туристик саёҳати мисолида кўриб чиқамиз. ***«Туристик саёҳат» хизматини лойиҳалаштириш тартиби икки босқични назарда тутади:***

1. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқ «Туристик саёҳат»га қўшиладиган ҳар бир хизматни лойиҳалаштириш.
2. «Туристик саёҳат» хизматини яхлит лойиҳалаштириш.

Туристик корхонаси амалга оширадиган турни лойиҳалаштириш туристик корхонаси имкониятларини туристлар эҳтиёжи билан келишувни назарда тутади.

«Туристик саёҳат» хизматининг қисқача баёни аҳолининг саёҳатлар тури ва шаклига бўлган муносабати ҳамда муайян ҳудуддаги рекреацион имкониятларни ўрганиш асосида тузилади.

Хизматларнинг қисқача баёни туристларга хизмат кўрсатиш дастурининг лойиҳасида аниқланади.

Туристик хизмат кўрсатиш дастурини яратиш қуйидаги тадбирларни ўз ичига олади:

- саёҳат маршрути;
- хизматлар ижрочиси бўлган – туристик корхоналар рўйхати;
- хизматлар ижрочиси бўлган ҳар бир корхона тақдим этадиган турлар вақти;
- экскурсиялар ва қадамжо объектлар таркиби;
- туристлар сайри ва сафарлар рўйхати;
- дам олиш тадбирлар мажмуаси;
- маршрутнинг ҳар бир пунктида тўхташ вақти;
- саёҳатда қатнашаётган туристлар сони;
- ички маршрут юк ташувидаги транспортлар тури;
- туризм бўйича йўриқчи-услубчи, экскурсовод, гид-таржимон, бошқа хизмат кўрсатувчи персоналга ва уларни зарурий қайта тайёрлашга бўлган эҳтиёж;
- транспорт воситалари;
- реклама, ахборот ва картографик материаллар тайёрлаш, туристик йўлланмалари учун ахборот варақаларида саёҳат тавсифи.

Ҳар қандай туристик корхонанинг «Туристик саёҳат» хизматини лойиҳалаштириш натижаси қуйидаги технологик ҳужжатларда ифодаланади:

− туристик саёҳатининг технологик харитаси;

− туристик корхонасининг юкланиш графиги;

− истеъмолчига тақдим этиладиган туристик йўлланманинг ахборот варақаси;

− туристик сафар маршрутининг экспедицион текширув ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисоботнинг тузилиши.

«Туристик сафар» хизматини лойиҳалаштириш қуйидаги тадбирларни амалга оширишни талаб қилади:

− туристик сафар кечадиган ҳудуд ва маршрутини экспедицион текширувини ўтказиш;

− туристик сафар йўлидаги (трассадаги) жойлаштириш ва ускуналар, турар жойлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш;

− зарурий туристик жиҳозлари, ускуналарни ва транспорт воситаларини сонини ҳисоб-китоб қилиш;

– туризм бўйича йўриқчи-услубчилар, бошқа хизмат кўрсатувчи персоналга бўлган талабни аниқлаш ҳамда уларнинг тайёргарлигини ташкил этиш;

– сафар йўли баённомаси кўрсатилган реклама - ахборот материалларини тайёрлаш;

– «туристик сафар» хизмати хавфсизлиги бўйича чораларни белгилаш.

Сафар йўлини ишлаб чиқиш ҳудудлар бўйича мўътадил иқлим шароити, экологик ва санитария меъёр ва талабларига жавоб берадиган, амалдаги меъёрий ҳужжатларда белгиланган тарзда (ССБТ, табиат муҳофазаси соҳаси стандартларига мос келиши) ҳамда аниқ туризм тури ривожининг реал имкониятларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

«Туристик сафар» хизматини лойиҳалаштиришнинг ҳужжатли асоси маршрутнинг экспедицион текшируви ва сайёҳлар хоҳишини социологик ўрганиш ўтказилганлиги тўғрисидаги ҳисобот ҳисобланади.

«Туристик сафар» хизматини лойиҳалаштиришнинг натижаси унинг йўл паспорти ҳисобланади. Туристик сафарининг йўл паспорти қуйидаги ташкилотлар билан келишилади:

– санитария - эпидемиология хизмати органлари;

– транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилувчи бошқа ташкилотлар (ДАН, сув инспекцияси ва б.);

– ер майдони бошқаруви органлари (мулкдорлар) билан, агар улар ҳудудидан туристик сафар йўли ўтган бўлса.

Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги талабларни лойиҳалаштириш. Туристларга хизмат кўрсатиш жараёнидаги талабларни батафсил кўрсатувчи ҳужжатларга қуйидаги элементлар киритилиши лозим:

– туристларга хизмат кўрсатиш жараёни, шакли ва усулларини баён этиш;

– туристларга хизмат кўрсатиш жараёни тавсифининг аҳамияти;

– фойдаланиладиган воситалар тури, миқдори ва хизмат қилиш имкониятларига эга бўлган талаблар;

– зарур ходимлар миқдори ва уларнинг профессионал тайёргарлик даражаси;

– хизмат ва маҳсулотлар етказишнинг келишилган таъминоти;

– кафолатлар;

– зарур келушувлар (рекреацион ресурс эгалари, санитар-эпидемиологик органлар ва ёнғин назорати, давлат автоинспекцияси ва ҳ.к.).

Алоҳида турдаги туристик хизматлар лойиҳалаштирилиши қандай кечишини мисол орқали кўриб чиқамиз. ***Масалан: «Чимён тоғлари» туристик фирмасига Чимён – Билдирсой рекреацион ҳудуди бўйлаб туристик саёҳат хизматини лойиҳалаштиришга киришилди.*** Бу икки босқичда амалга оширилади.

1. Туристларга хизмат кўрсатиш дастурига мувофиқ ҳар битта турдаги хизматларни лойиҳалаштириш.
2. Хизматларни тўлалигича лойиҳалаштириш.

Фирма томонидан амалга ошириладиган турни лойиҳалаштириш корхона имкониятларининг туристлар талабига мос келишини кўзда тутади. Бу ерда аҳолининг эҳтиёжлари ва тўловга қодир талабларини ўрганиш асосида тузилган хизматларнинг қисқа баёнини киритиш қабул қилинган. Масалан, Тошкент аҳолисининг Тошкент вилояти Чимён – Билдирсой рекреацион ҳудудидаги туристик саёҳатлар тури, шакллари ва имкониятлари. Хизмат кўрсатиш дастурини ишлаб чиқиш қуйидагиларни аниқлашни ўз ичига олади:

- маршрутни аниқлаш, яъни километрдаги масофа (5, 10, 20 км ва ҳ.к.) ва қандай жойдалигини (паст - баланд, тоғли, сувли, ўрмонли ва ҳ.к.);
- туристик корхоналар рўйхатини – хизматлар ижро этувчи (меҳмонхоналар, транспорт ташкилоти, ресторан, экскурсия бюроси, ижара пункти);
- ҳар бир хизмат кўрсатувчи томонидан турни тақдим этиш вақти (иш вақти, мавсум);
- экскурсия таркиби ва диққатга сазовор объектлар (яъни гуруҳнинг ихтисослашуви ва орнитологик, тарихий, экологик, йўлда учрайдиган табиий ва тарихий жойлар);
- туристик сафар ва саёҳатлар рўйхати (муҳитга тўғри келадиган юкламани ҳисобга олган ҳолда мавсумда қанча саёҳат уюштириш мумкинлиги);
- бўш вақтда ўтказиладиган тадбирлар мажмуаси (дискотека, ўйин заллари ва бошқалар);
- ҳар бир маршрут пунктида туриш давомийлиги (яъни туристлар неча соат/ кун дам олиш жойларида тўхтайдилар);

• саёҳатда қатнашаётган туристлар сони (аниқланган гуруҳлар ҳажми);

• маршрут ичидаги ташишлар учун транспорт турлари (машина, вертолёт, отлар, велосипед);

• туризм бўйича инструктор-методист, экскурсаводлар, гид-таржимонлар, бошқа хизмат кўрсатувчи ходимларга ва уларни қўшимча тайёрлашга бўлган талаб;

• реклама, информацион ва картографик материаллар шакллари ва тайёрланиши, туристик йўлланмадаги информацион варақалар учун саёҳат баёни.

Бунинг натижасида «Чимён тоғларининг» қуйидаги технологик ҳужжатлари тузилади:

• туристик саёҳатнинг технологик харитаси;

• туристик корхонанинг график юкламаси;

• истеъмолчига тақдим этилувчи туристик йўлланмага ахборот варақа;

• «туристик сафар» хизмат лойиҳаси;

• туристик сафар жойи ва маршрутининг экспедицион текширувини ўтказиш;

• туристик манзиллар ва туристик сафар трассасидаги турар жойларни жойлаштириш ва жиҳозлаш лойиҳасини тайёрлаш;

• зарурий миқдордаги туристик инвентарь асбоблар ва транспорт воситаларининг ҳисоби;

• туризм бўйича инструктор-методистлар, бошқа хизмат кўрсатувчи ходимлар ва уларни тайёрлашни ташкиллаштиришга бўлган эҳтиёжни аниқлаш;

• реклама-ахборот материалларини сафар трассаси баёни билан тайёрлаш;

• хавфсизлик бўйича хизмат чораларини аниқлаш.

Сафар трассасини ишлаб чиқиш қулай табиий шароитли ҳудудлар бўйича амалга оширилиши керак. Бу ҳудудлар амалдаги норматив ҳужжатларда белгиланган экологик ва санитар - гигиеник талабларга мос келиши зарур, шунингдек, аниқ турдаги туризм ривожланишининг реал имкониятлари ҳисобга олинади. Туристик маршрутни экспедицион текширишини ўтказиш ҳақидаги ҳисоботи ва трассадаги хизмат кўрсатиш бўйича берилган туристлар истак-

ларини ижтимоий ўрганиш бўйича материаллар лойиҳалаштиришнинг ҳужжатли асоси ҳисобланади.

Натижалар бўйича туристик сафар трассаси паспорти ишлаб чиқилади ва улар қуйидагиларга мувофиқ келиши керак:

- санитар - эпидемиологик хизмат органларига, транспорт воситалари ҳаракатини назорат этувчи бошқа ташкилотлар (автоинспекция, сув инспекцияси ва ҳ.к.);
- туристик сафар трассаси ўтадиган ер-сув мулклари бошқармаси органлари.

«Экскурсия» хизмати лойиҳалаштирилиши қуйидаги белгиларни назарда тутади:

- тематик йўналтирилиш;
- кўриб чиқиш объектлари;
- экскурсиялар давомийлилиги;
- ахборот ҳажми;
- экскурсияни ижтимоий ўрганиш натижалари.

12.2. Туристик маҳсулотни ҳисоблаш жараёни

Ўз таркибига Тошкент, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларни киритувчи **“Буюк ипак йўлидаги қадимги шаҳарлар”** номли турмаҳсулотни кўриб чиқамиз. Мазкур йўналиш Франция туристларига тавсия этилади. Саёҳат муддати – 7 кун ва 6 кеча. Ҳисоб-китобни бир нафар турист учун амалга оширамиз. Асосий турмаҳсулот (турпакет) таркибига қуйидагиларни киритамиз.

Биринчи, **транспорт хизматлари (***TSer***)** – Париждан Тошкентгача учиб келиш ва орқага. Чипта нархи – самолётда келиб-кетиш 980 долларни ташкил этади.

Иккинчидан, **трансферт хизматлари (***SerTr***)** – бу туристни аэропортдан меҳмонхонагача элтиш ва орқага ҳамда туристни мамлакат бўйлаб танспрортда олиб юриш харажатларидир. Айтайлик, бир кунлик мазкур харажатлар – 30 долларни ташкил қилсин.

Учинчидан, **меҳмонхоналарда яшаш (***Acc***)** – Тошкентда (2 сутка), Бухорода (2 сутка) ва Самарқандда (2 сутка), ўртача битта икки ўринли номер суткасига – 30 доллар. Мазкур харажат таркибига эрталабки нонушта харажатлари ҳам киритилган.

Тўртинчидан, юқорида қайд қилинган учта шаҳар **ресторанларида овқатланиш** (тушлик ва кечки овқат – 20 доллар).

Бешинчидан, учта шаҳарда **таржимон – экскурсия етакчиларининг (***SerG***)** хизматлари – суткасига 5 доллар миқдорида.

Олтинчиси, **диққатга сазовор жойларга ташриф буюриш (***TurS***)** – музейлар, Кўкалдош мадрасаси, Улуғбек обсерваторияси, Регистон майдони, Шоҳи Зинда ансамбли, Лабиҳовуз мажмуи ва бошқа тарихий, архитектура, маданият объектлари (жами – 50 доллар).

Еттинчиси, турни ташкил этган **турфирма харажатлари ва фойдаси (***IaP***),** туретакчининг кутиб олиши-кузатиши – 100 доллар.

Саккизинчиси, бошқа давлатда туристни ташриф буюрган барча кунлари учун ихтисослашган **компанияга суғурта** тўлови (бадали) **(***SK***)** – суткасига 2 доллар миқдорида.

Шундай қилиб, турмаҳсулот суммаси:

OTur** = TSer ($980) + SerTr ($30x7 кун) + Acc ($30x 6 кун) + FR ($20x7 кун) + SerG ($5x7 кун) + TurS ($50) + IaP ($100) + SK ($2x7) =* ***1709 доллар.

Шуни ҳисобга олиш зарурки, бу дастлабки нархлардир, бироқ турфирма доимо харажатларни қисқартириши ва авиакомпаниялардан, автотранспорт ташкилотларидан, меҳмонхоналардан, диққатга сазовор корхоналардан чегирмалар олиши мумкин.

Қўшимча хизматлар мижознинг истак-хоҳиши бўйича киритилиши мумкин. Масалан, туристлар учун бўш вақт ажратилади (харид учун, мустақил саёҳат учун ва ҳ.к.). Бунда Хумсон тоғларида отда сайр қилиш (Бўстонлиқ тумани), қимиздан татиб кўриш, Бухорода ҳаммомга ёки шахсий турар жойларга ташриф буюриш, Самарқандда – тўйда ёки тантанали маросимларда иштирок этиш. Фирма бундай маданий хизматларни тақдим этувчи ташкилот ва муассасалар билан олидиндан шартномага эга бўлиши керак. Табиийки, бундай қўшимча хизматлар турмаҳсулот нархини қимматлаштиради.

Турмаҳсулот ўз таркибига маршрутни батафсил ифодалашни киритади. У қуйидагича баён қилиниши мумкин:

Биринчи кун. Париждан Тошкентга учиб келиш (6.05 с.). Меҳмонхонага трансферт (8.00). Жойлашиш ва дам олиш (то 9.30 гача). Шаҳар бўйлаб саёҳат (10.00-13.30). Ресторанда тушлик (13.30-14.30). Экскурсия етакчиси ҳамкорлигида мадрасалар ва маданий марказларга ташриф (13.30-17.30). Театрлаштирилган намойишда

иштирок этиш (18.00-19.30). Кечки овқат (20.00 да). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Иккинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий жойларга саёҳат (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Учинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Самарқандга жўнаш (8.00-13.00). Жойлашиш ва дам олиш (13.00-14.00). Тушлик (14.00-15.00). Шаҳар бўйлаб сайр қилиш, Регистондаги театрлаштирилган шоуда иштирок этиш (15.00-20.00). Кечки овқат (20.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Тўртинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий обидаларга саёҳат (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Бешинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Бухорога жўнаш. (8.00-12.00) Жойлашиш ва дам олиш (12.00-13.00). Тушлик (13.00-14.00). Шаҳар бўйлаб саёҳат, Лабиҳовуздаги театрлаштирилган шоуда иштирок этиш (15.00-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Олтинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тарихий обидаларга сайр қилиш (8.00-13.30). Тушлик (13.30-14.30). Бўш вақт (14.30-20.00). Кечки овқат (20.00-21.00). Уйқуга ётиш/бўш вақт.

Еттинчи кун. Нонушта (7.30-8.00). Тошкентга жўнаш (8.00-18.00). Йўлда тушлик (13.00-14.00). Шаҳар бўйлаб сайр қилиш (18.00-21.00). Аэропортга трансферт (21.00). Парижга учиб кетиш (24.00).

Юқоридагилардан йўналиш батафсил ва мукаммал бўлиши, шаҳарнинг ҳаракатланиш схема - хариталари унинг таркибида мавжуд бўлиши талаб этилади. Унда барча диққатга сазовор жойлар, меҳмонхоналарни жойлашуви, ресторанлар, алоқа телефонлари ва бошқа зарур бўлган фойдали маълумотлар бўлиши зарур.

Масалан, туристлар ўз саёҳатлари давомида астрономия фанининг ривожига буюк ҳиссасини қўшган аллома – Мирзо Улуғбекнинг обсерваториясига ташриф буюради. Шу сабабли, Улуғбекнинг тарихий ҳаёти ва илмий фаолиятига батафсил тўхталиш, маълумот бериш зарур. Бундан ташқари, саёҳатчилар йўлидаги қадимги кишиларни тўхтаган жойларини ҳам қайд этиш мумкин. Буларнинг барчасини жарангли ва мазмунли номлар билан етказиш керак.

Юқорида қайд этилганидек, турмаҳсулот туристларга пакет (“пекидж”) ларда сотилади. Туроператор турагентларга комиссион

чегирмалар тақдим этади ёки турагент ўз хизматлари – реклама, мижозларни топиш, ҳужжатларни расмийлаштириш ва бошқалар учун устама ҳақ қўяди. Шу билан бирга, пакетдаги тақдим этилаётган турни нархини ҳисоблашни билиш лозим. Турмаҳсулотнинг нархини норматив калькуляция методи билан ҳисоблаш мумкин. Унга туристларга хизмат кўрсатиш ҳамда туристлар гуруҳини кузатиш билан боғлиқ бўлган барча сарф-харажатлар киради. Турмаҳсулот нархининг формуласи қуйидагича ҳисобланади:

$$Ptur = \frac{SU + Stax + \mathbf{Pr}T - ZT \pm Kd}{Ntour + Ngr}$$

Бу ерда, Птур – битта туристнинг турпакет нархи миллий валютада (ёки доллар эквивалентида);

SU – туроператорнинг турпакети ичига кирадиган хизматлар таннархи;

Stax – алоҳида хизмат турлари бўйича билвосита солиқлар суммаси (НДС);

PrT – туроператорни миллий валютадаги фойдаси (ёки доллар эквивалентида);

ZT – турпакет таркибига кирувчи алоҳида хизмат турлари учун туристга туроператор тақдим этаётган чегирма;

Kd – турпакетни сотувчи турагентни комиссион мукофотлаш (кўп ҳолларда бу турпакет нархига қўшимча ёки туроператорни турагентнинг фойдасига нархдан чегирма);

Ntour – гуруҳдаги туристлар сони;

Ngr–гуруҳга йўлбошчи сифатида ҳамкорлик қилувчиларнинг сони.

Турпакет нархи тўғрисида фикр юритилганда, қуйидагиларни қайд қилиш муҳим:

- турист мазкур турпакет нархи ичига кирмайдиган қўшимча хизматларни буюради, бироқ бунинг учун қўшимча ҳақ тўлашга тайёр;

- туристлар сони қанчалик кўп бўлса, туроператор турагентга тақдим этаётган чегирмаси шунчалик катта бўлади ва киши бошига ҳисоблаганда турнинг таннархи шунча паст бўлади;

- баъзида тур нархи номавсумий вақтда транспортга, жойлашиш воситаларига, диққатга сазовор объектларни сайр қилишга янада паст нархлар белгиланади, туристларни ёш таркибига (болалар ва мактаб ўқувчиларига) туризмни кўпгина хизматларининг

нархига каттагина чегирмалар берилади, минтақага баъзи давлатлар чет эл туристларини кўпроқ жалб этиш мақсадида туризм фаолияти учун имтиёзлар тақдим этади;

– турпакет нархига кирувчи фойда туризм корхонаси томонидан харажатлар таннархига нисбатан фоизларда белгиланади, аммо бунда мазкур турмаҳсулотга эҳтиёж даражасини ҳисобга олиш зарур.

Буларнинг барчасида нарх доимо эластик, мослашувчан бўлишини, яъни бозор ўзгаришларига аниқ мослашишини ҳисобга олиш зарур.

12.3. Туристик маршрутни ишлаб чиқиш босқичлари

Маршрут ишлаб чиқилиб, тасдиқлангач, тур деб аталувчи «қобиққа» қатор хизматлар ва товарларни «жамлаш»га киришилади. Юқорида айтилганидек, турнинг икки хил кўриниши мавжуд:

– ***пекиж-тур***, яъни жойлашиш, овқатланиш, экскурсия хизмати, транспорт, маиший, спорт-соғломлаштириш, жисмоний тарбия, тиббий ва бошқа хизматларни қамровчи комплекс туристик хизмати. Бу турнинг нархи каталог ва прайс-варақаларда кўрсатилади.

– ***эксклюзив-тур,*** яъни ихтиёрий равишда танланадиган алоҳида туристик хизматлар.



12.3.1-расм. Туристик маршрутни ишлаб чиқиш босқичлари.

12.4. Туристик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш

Ҳар қандай турни шакллантиришда муҳим ҳисобланган маршрут бўйича туристик саёҳатнинг технологик харитаси ва сафар трасса паспортининг намунаси қуйида кўрсатилган:

_____

Маршрутда хизмат кўрсатувчи туристик корхонанинг номи

2021-йил учун

_____

Маршрут номи

Маршрут бўйича туристик саёҳатнинг
ТЕХНОЛОГИК ХАРИТАСИ

_____

1. Маршрутнинг асосий кўрсаткичлари

Маршрут тури _____
Мураккаблик категорияси_____
Маршрут узунлиги (км), жумладан, яёв, қайиқда_____
Саёҳат муддати (сутка)_____
Туристик гуруҳлар сони _____
Гуруҳдаги туристлар сони _____
Маршрутдаги жами туристлар сони _____
Жами одам-кун хизмат кўрсатилиши _____
Маршрутда биринчи гуруҳга хизмат кўрсатишнинг бошланиши _____
Маршрутда сўнгги гуруҳга хизмат кўрсатишнинг
бошланиши_____
Сўнгги гуруҳга хизмат кўрсатишнинг охири_____

Ой	Бир ойдаги туристлар сони	Ойлар бўйича туристик гуруҳлар келиши графиги	Бир ойдаги гуруҳлар сони
01			
02			
…			
12			

Саёҳат бошланадиган туристик корхона манзили
Ёлланма нархи_____
_____
_____

12.4.1-расм. Маршрут бўйича туристик саёҳат технологик харитасининг намунаси.

Аҳоли пунктлари, улар орасидаги масофа, воситалар	Туристик корхоналар номи	Режалаштирилган туристик хизматлар. Экскурсия номи (- дан)	Маршрут ичидаги ташувлар	1 кишига экскурсия харажатлари

Жами , _____

Жумладан, 1 _____ корхона _____

Жумладан, 2 _____ корхона_____

Жумладан ва ҳ. _____ корхона_____

Маршрут ичидаги ташувларни қуйидаги корхоналар амалга оширади:

МУҲР ўрни

Маршрутга хизмат кўрсатувчи корхона раҳбарлари имзоси

Гуруҳлар топшириладиган пунктлар:
Шартли белгилар
Х – Туристик корхонасида хизмат кўрсатилади
СП – сухой паёк
Тоҳ – тунаш очиқ ҳавода (сафар палаткалари)
Молия хизматлари раҳбарлари (бош ҳисобчилар) имзоси

«___»«_____» 2018-йил

3. Саёҳатнинг қисқача баёни (туристик йўлланмаси иловасида такрорланади)

Маршрутда хизмат кўрсатувчи туристик корхона раҳбари имзо

12.4.2-расм. _____ маршрут бўйича туристлар ва саёҳатларга хизмат кўрсатиш дастури.

Туристик корхонанинг юклама графиги ва маршрутини тузиш

САФАР ТРАССА ПАСПОРТИ

1. Туристик корхонанинг номи _____
Туризм тури _____ сафар трассаси
_____
_____

1. Асосий географик пунктлар номи

Узунлиги _____км, давомийлиги _____ сутка
Бир гуруҳдаги туристлар сони _____нафар
Иш даври _____дан _____гача
Паспорт тузилган пайт 200_____йил, _____нусхада
Ўзгаришлар киритилган: 200_____йил, _____ саҳифа
200_____йил _____саҳифа
Паспорт нусхалари жўнатилган:
1._____
2._____
3._____
4._____
5._____

2. Сафар трассасини босиб ўтиш режаси

Йўл кунлари	Трасса участкаси	Км	Ҳаракат воситаси

Жами фаол ҳаракат воситалари билан_____км.

1. Сафар трассаси схемаси (сафар трассаси кўрсатилган, масштаби 1: 200000 дан кам бўлмаган босма харита ва схемалар елимланиши мумкин).

Шартли белгилар:

Сафар трассаси пана жойлар

трассанинг захира варианти тиббий ёрдам пункти

тунаш жойи алоқа пункти (тури кўрсатилади)

дам олиш нуқтаси

3. Сафар трассасининг қисқача тавсифи, йўлнинг мураккаб участкаларининг баёни

1. Сафар трассаси ҳудудидаги иқлим тўғрисида маълумот (мазкур маршрут иши даврида тўлдирилади)

Маълумотлар	Ойлар	06	07	08	09
Ҳарорат C^0	Ўртача Минимал Максимал				
Шамол тезлиги м/с	Ўртача Максимал				
Ёғингарчиликнинг ўртача миқдори *мм*	Ўртача Максимал				

2. Содир бўлиши мумкин бўлган фавқулодда ҳодисалар ва гуруҳнинг бу пайтдаги ҳаракати.

3. Туристларнинг сафар олди тайёргарлигига талаб. Назарий ва амалий машғулотлар, турбазада

№	Мавзу	Машғулотлар соат ҳажми	Ўтказиш шакли

4. Йўлланма илова варақаси матни учун тавсиялар. Йўлланма матнига туристик жиҳозлар, кийим-кечак, пойабзал бўйича тавсиялар киритилади.

---

5. Трассани босиб ўтиш учун туристик жиҳозлари:

а) йўлланма бўйича туристик корхонаси томонидан берила-диган, шу жумладан, бутун гуруҳ учун (_____нафар сайёҳ ва бир инструкторга);

б) қўшимча тўлов эвазига бериладиган

_____

6. Сафар трассанинг ободончилиги
Маркировка (рамзий белгилар) _____
Дам олиш жойи, тунаш жойи, пана жойлар, йўл ободончилиги

_____

Корхона директори _____
Катта инструктор _____
«Келишилган»
(келишувчи ташкилотлар имзоси)

Паспорт тузиш бўйича кўрсатмалар:

1. Паспорт давомийлиги 1 суткадан кам бўлмаган ҳар бир асосий ёки синов сафари трассаси учун алоҳида тузилади.
2. Паспорт сафар бошланадиган туристик корхонаси томонидан тузилади.
3. Саёҳат ҳудудидаги иқлим ва эҳтимоли бўлган фавқулодда ҳодисалар тўғрисидаги маълумотлар гидрометериология хизмати маълумотлари асосида киритилади.
4. Паспорт сафар трассасида хизмат кўрсатувчи ҳар бир туристик корхонасига жўнатилади.

Сафар трассаси эксплуатацияси жараёнида юзага келган ўзгаришлар бир ой ичида паспортнинг барча нусхаларига киритилиши керак. Зарур ҳолларда баъзи саҳифалар алмаштирилади ёки янги паспорт тузилади.

Таянч иборалар: туристик хизматларни лойиҳалаштириш, хизмат кўрсатиш дастури, лойиҳа таҳлили, туристик саёҳатнинг технологик харитаси, туристик корхонасининг юкланиш графиги, «Туристик сафар» хизмати хавфсизлиги, туристик сафарнинг йўл паспорти, пекиж-тур, эксклюзив-тур, сафар трасса паспорти.

Мустақил назорат қилиш учун топшириқ ва саволлар

1. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш қандай амалга оширилади?
2. Хизмат кўрсатиш дастурини яратиш қандай амалга оширилади?
3. Турмаҳсулотни ҳисоблаш жараёни қандай амалга оширилади?
4. Туризм маршрутни ишлаб чиқиш босқичлари нималардан иборат?
5. Туристик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш мазмуни нималардан иборат?
6. Туристик корхонанинг юклама графиги ва маршрутини тузиш қандай амалга оширилади?
7. Сафар трасса паспорти таркиби нимадан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива турини шаклланти-ришда муҳим бўлган маршрут бўйича туристик саёҳатнинг тех-нологик харитаси ва сафар трасса паспортини тайёрланг. Ушбу тур учун туристик пакет ишлаб чиқинг ва унинг тақдимотини ўтказинг.

Тест саволлари

1. “Туристик саёҳат” хизматини лойиҳалаштириш тартиби неча босқичдан иборат?

а) 4-босқич;
б) 2-босқич;
д) 5-босқич;
е) 7-босқич.

2. “Туристик саёҳат” хизматини лойиҳалаштириш нати-жаси қандай технологик ҳужжатларда ифодаланади?

а) туристик сафар йўлидаги жойлаштириш ва ускуналар лойиҳаларини тайёрлаш;
б) туристик саёҳатининг технологик харитаси;
д) туристик корхонанинг юкланиш графиги;

е) зарурий туристик жиҳозлар, ускуналар ва транспорт воситаларининг ҳисоб-китоблари.

3. Туристик сафарининг йўл трасса паспорти қандай ташкилотлар билан келишилади?

а) маҳаллий ҳокимият;

б) туристик фирма;

д) санитария – эпидемиология хизмати органлари;

е) транспорт воситалари ҳаракатини назорат қилувчи бошқа ташкилотлар (ДАН, сув инспекцияси).

4. Туроператор шакллантирган турнинг қайси бири кенг тарқалган?

а) мажмуали-тур;

б) эксклюзив-тур;

д) пекиж-тур;

е) махсус-тур.

5. Эксклюзив-турга тўғри таъриф берилган қаторни белгиланг.

а) ихтиёрий равишда танланадиган алоҳида туристик хизматлари;

б) асосий хизматлар мажмуи;

д) қўшимча хизматлар мажмуи;

е) экскурсия хизмати.

13-мавзу. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИ

Режа:

13.1. Туризм индустрияси ва туризм инфратузилмасининг моҳияти ҳамда таркибий қисми.

13.2. Туроператорлар ва турагентлар фаолияти.

13.1. Туризм индустрияси ва туризм инфратузилмасининг моҳияти ва таркибий қисми

Туризм индустрияси жаҳон иқтисодиётининг энг жадал ривожланиб бораётган тармоқларидан бири ҳисобланади, туризмнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидаги улуши 10 фоиздан кўпроқни ташкил этади, тармоқда жаҳондаги меҳнатга қобилиятли аҳолининг 8 фоизга яқини иш билан банд, туризм хизматлари жаҳон экспортининг 7 фоиздан кўпроғини ташкил этади.

Бугунги кунда «**туризм индустрияси**» тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжуд бўлиб, бундай таърифлардан энг ишончли ва мукаммали Бирлашган миллатлар ташкилотининг савдо ва тараққиётга бағишланган анжуманида берилган эди[65]. Ушбу анжуманда эътироф этилганидек, туризм индустрияси туристлар эҳтиёжини қондириш учун туристик маҳсулотлар яратишга йўналтирилган барча туристик ташкилотларнинг турли фаолиятлар йиғиндисидан иборат.

Кейинги йиллар давомида ушбу таърифнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаш ҳамда туризм индустриясининг таркибий қисмларини тавсифлаш йўлида кўплаб тадқиқотлар бўлди. Аммо бунга қўл урган тадқиқотчи ва амалиётчилар турли қийинчилик, тўсиқларга дуч келдилар. Бундай қийинчиликларнинг юзага келишига асосий сабаб туризм индустриясининг иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқлигидадир. Туризмнинг кенг даражадаги эҳтиёжини қондиришда саноат ва қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва савдо соҳалари ягона, алоҳида бир тузилмалар сифатида иштирок этадилар. Шу сабабли, туризм индустриясини бошқа соҳалардан кэскин чегаралаш ўта мушкул масаладир.

Ҳозирги кунда фаол истеъмолчи ўзига керакли хизматлар ҳақида индивидуал тасаввурини шакллантиради ва бу таклифга бевосита таъсир ўтказади. Натижада туризм индустрияси ўз таркибини

[65] http://www.unwto.org

ўзгартириб, янги, замонавий туристнинг хоҳиш-истаклари ҳисобга олинган туристик-рекреацион объектларни яратади ҳамда туристларга хизмат кўрсатиш соҳасига яшаш тарзининг қулайлиги ва кўрсатилаётган хизматларнинг юқори сифатлилигини, оригиналлигини таъминлаш учун зарур бўлган янги фаолият турларини жалб этади. Бу эса, ўз навбатида, туризм инфратузилмасини ташкил этувчи муҳит ва ресурслардан жадал фойдаланишга ҳамда авваллари туристик ҳисобланмаган янги ресурсларни (қишлоқ ва экологик туризм) муомалага жалб этишга ундайди. Туризм индустрияси мавжуд ресурслардан шунчаки фойдаланиб қолмасдан, балки муҳитга нисбатан ўз индивидуал талабини шакллантириб, ўзаро таъсир характерини ўзгартиради.

Туризм индустрияси – бу меҳмонхоналар ва жойлаштириш воситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш объектлари, кўнгилочар объектлар ва воситалар, даволаш, соғломлаштириш, спортга доир, диний-маросимчилик, ишбилармонликка ва бошқа мақсадларга молик воситалар, туризм операторлари ва туризм агентлигини амалга оширувчи, шунингдек, туризм инфратузилма ташкилотлари мажмуидан иборат бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонунида туристик индустрия тушунчаси қуйидагича таърифланади: жойлаштириш воситалари, транспорт, умумий овқатланиш объектлари ва кўнгилочар, маърифий, ишбилармонлик, даволаш-соғломлаштириш, жисмоний тарбия-спорт ҳамда бошқа мақсадга мўлжалланган объектлар, туристик фаолиятни амалга оширувчи ташкилотлар, экскурсия хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар мажмуи, шунингдек экскурсия етакчиларининг, гидлар (гид-таржимонлар) ҳамда йўриқчи-йўл бошловчиларнинг хизматлари мажмуи туристик индустриядир.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида мамлакатнинг ёки туристик марказнинг ижтимоий тузилишидан қатъи назар, туризм индустриясида туристик фаолиятни амалга оширувчи бир қанча турли хилдаги корхоналар, чунончи: туризмни ташкиллаштирувчи туроператор ва туристик агентликлар мавжуд. Бундан ташқари, туристларни ташувчи, меҳмонхоналар ва жойлаштириш тизимининг бошқа корхоналари, умумий овқатланиш, аттракционлар ва кўнгилочар жойлар, шунингдек, улар қаторига банк соҳасидаги муассасалар, суғурта хизмати ва бошқалар киради. Туризмнинг махсус турларида даволаш муассасалари, ўқитиш тизими муассасалари ҳамда

аниқ туристик маҳсулотнинг мақсадларига мувофиқ келадиган спорт ва бошқа муассасалар иштирок этишлари мумкин. Бу ташкилотларнинг барчаси бир-бирларини уйғун равишда тўлдириши ва истеъмолчи учун зарур бўлган ҳамда ассортимент бўйича етарли даражадаги барча хизматларни кўрсатади.

Туризм инфратузилмаси – туристик фаолиятни амалга оширишда туристларнинг туристик ресурсларидан бемалол фойдаланишини таъминловчи бино ва иншоотлар тизими, муҳандислик ва коммуникация тармоқлари, шу жумладан, йўллар, ахборот технологиялари, туризмнинг турли хизмат кўрсатиш корхоналари ва уларни керакли даражада ишлатиш ва таъминлаш тушунилади.

Бу автомобиль ва темир йўллар, йўл ҳаракатини, ҳаво йўлларини, денгиз ва дарё йўллари ҳаракатини тартибга солувчи, иссиқлик, сув, электр ва телефон алоқалари билан таъминлаш ва бошқа коммуникация тизимларидир. Маълумки, туризм соҳасида туристик ресурслари, яъни табиий-иқлим, тарихий-маданий, маърифий, ижтимоий-маиший туризм объектлари бўлган ҳудудларда керакли инфратузилмани яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Йўлларнинг равонлигига қараб ҳам туристлар оқимининг ошиши ёки камайиши мумкин. Йўллар, бозорлар мамлакатнинг иқтисодий ва маданий аҳволи қай даражада ривожланганидан далолат беради.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм инфратузилмасини замон талабига мослаштириш мақсадида ҳукумат томонидан кўпгина ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилда қабул қилган «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида республика минтақаларида туризм инфратузилмасининг замонавий объектлари, энг аввало меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмалари, муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш масаласи Ўзбекистонга хорижий туристлар оқимини кўпайтиришга катта замин бўлади.

Турист – аввало дам олувчи бўлиб, унга кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиси эканлигини унутмаслигимиз лозим. Булар нафақат автомобиль йўллари, шунингдек, темир йўлларга ҳам тааллуқлидир. Вокзал ва поезд рельсларидан тортиб, унинг ичидаги коммуникация ва муҳандислик тармоқларининг барчаси – туризм инфратузилмасининг таркибий қисми бўлиб ҳисобланади. Нафақат

автомобиль ёки темир йўллар, ҳатто туристлар учун махсус ажратилган йўллар ва йўлаклар ҳам талаб даражасида бўлмоғи керак.

Меҳмонхона ва шунга тенглаштирилган жойлардаги коммуникация ва муҳандислик тармоқларида ҳам муаммолар бўлмаслиги туризм соҳасининг янги поғоналарга кўтарилишида ўзига хос ўринни эгаллайди. Бир тасаввур қилиб кўрайлик: иссиқлик тармоғи ишламайдиган, электр тармоғи паст, канализация тармоғи бўлмаган ёки ичимлик суви талаб даражада бўлмаган меҳмонхоналарда туристнинг бўлиши, булар ва бошқалар туризм инфратузилмасининг ривожланишидаги кечиктириб бўлмас ва тезда ҳал қилиниши зарур бўлган муаммолардан бири ҳисобланади.

Айниқса, олис, тоғли жойлар, йўл трассалари каби ҳудудларда бу муаммоларни ҳал этиш катта капитал маблағ талаб қилади. Ҳозир республикамизнинг автомобиллар қатнайдиган трассаларида шох бекатларнинг аҳволи хорижий туристларга хизмат кўрсатадиган даражада эмас. Туристлар тезда ҳожатини чиқариб оладиган ёки зарур сервис ва тиббий ёрдам бериладиган объектларнинг замон талаби даражасида эмаслиги инфратузилма объектларини қуриш борасидаги долзарб ишлар қаторига киради.

Бир вақтлар Буюк ипак йўли ўтган жойлардаги муҳим масканларда карвонсаройлар бўлган. Карвонсаройлар савдо карвонлари учун ҳозирги вақтлардаги меҳмонхоналар хўжалиги вазифасини ўтаган. Унда карвонлар ва савдогарлар тунайдиган хоналардан тортиб, ичимлик суви, овқатланиш хизмати ва бошқа хизматлар (табиблар, машшоқлар, қўриқчилар) ўз жойига қўйилган. Юртимиз кўҳна тарих ва маданиятга эга.

Ҳозирда канализация деб аталувчи тармоқ бундан уч минг йил аввал хизмат кўрсатганлигини исботловчи далилларни археология соҳаси олимларимиз тадқиқот ишларида кўрсатиб беришган. Бу эса коммуникация тармоқлари, ичимлик суви (сардобалар) махсус қувурлар кулолчилик маҳсулотлари – сопол қувурлар орқали олиб келинганлигидан далолат беради. Мана шундай тарихий, анъанавий меросимизни яна тиклаш, замонавий ҳолатга келтириш ҳам бугунги кунинг долзарб масаласидир.

Ҳозирги пайтда туризм инфратузилмасида банк ва молиявий ташкилотлар ва хизматларнинг ўрни алоҳида. Туристлар саёҳатда ва дам олишда хилма-хил хизмат турларидан фойдаланишни хоҳлайдилар. Яъни ўз хоҳиши бўйича бирор нарса сотиб олишни исташади.

Бунда улар кўнгил очиш учун ҳар куни кўп миқдорда пул сарфлашади. Пулни, айниқса, катта миқдордаги пулни кўтариб юриш туристларга ноқулайлик ва қийинчиликлар туғдиради. Туристларнинг кўп миқдорда пулни олиб юриши ўғриларни, қароқчи ва товламачиларни ва ҳар хил турдаги жиноятчиларнинг жиноий ҳаракат қилишларига олиб келади. Туризм соҳаси ташкил топиши биланоқ, тўғриланиши ва тартибга олиниши мумкин бўлган хавфсиз пул билан таъминлаш муаммоси пайдо бўлган эди, бу масала бугун компьютер технологиялари асосида виза ва кредит карталари орқали ўз ечимини топди.

Ахборот хизмати туризм инфратузилмасида туристларга ҳам ва унинг ташкилотчиларига ҳам жуда зарурдир. Турист саёҳатга тайёрланаётганда ҳамда саёҳат вақтида ўзи борадиган жой ҳақида ўша мамлакат ёки борадиган ҳудуднинг қонун-қоидалари, одатлари, меҳмондўстлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларга, шунингдек, ўша жойнинг харитасига, транспорт магистраллари схемасига муҳтож бўлади. Саёҳат ва туристларнинг саргузаштлари ҳақидаги маълумотлар оммабоп ва махсус адабиётлар кўринишида чоп этилади ва бу ҳолат туристларни самарали саёҳат қилишга чорлайди.

Туризм инфратузилмасини замонавий компьютер хизматисиз тасаввур этиш қийин. Тезкор ахборот ва сўзлашув, янгиликлардан хабардорлик туризмнинг муҳим бир жиҳатидир. Ҳозирги турист интернет, факс ва бошқа замонавий техника воситаларидан фойдаланишига талаб туризм инфратузилмасини қай даражада эканлигидан далолат беради. Замонавий электрон воситалари, шу жумладан, туристик хизматлар, туристик марказлар ҳақидаги маълумотлар жойлашган миллионлаб сайтларга эга бўлган Интернет тармоқлари орқали нафақат саёҳат ва туристик агентликларни танлаш, ҳаттоки, тур саёҳатнинг чипталари, хизматлар учун тўловларни ҳам олдиндан тайинлаб қўйиш мумкин.

Ҳозирги пайтда ўзида бой тарихий-маданий меросга, ноёб табиий салоҳиятга эга бўлган Ўзбекистон ҳудудлари учун туризмда қатор вазифаларни ечишга ёрдам берувчи кенг профилдаги амалий геоахборот тизимини (ГАТ) шакллантириш давр талаби ҳисобланади.[66]

Туризм индустрияси ва инфратузилмасининг таснифланадиган белгилари турлари бўйича таркибий қисми қуйидаги расмда батафсил ифодаланган.

---

[66] Usmanova Z.I. “O‘zbekistonda turistik - rekreatsion xizmatlarni rivojlantirish xususiyatlari va tendensiyalari”. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

Туризм индустриясининг таркибий қисмлари

Таснифланадиган белгилар	Таснифланадиган белгиларнинг турлари
1. Ташкиллаштириш	1.1. Туроператорлар 1.2. Турагентликлар 1.3. Касаба уюшмалари
2. Туристларни ташиш транспорти	2.1. Филлар, туялар, отлар, эшаклар, итлар каби ҳайвонларда 2.2. Механик ҳаракат воситаларидан (велосипед, автомобиль, автобус, темир йўлдан) 2.3. Ҳавода ҳаракатланиш воситаларидан (ҳаво транспортидан) 2.4. Сув транспортидан – соллар, дарё ва денгиз, сув усти ва сув ости кемаларидан фойдаланиш
3. Туристларни жойлаштириш	3.1.Отелларга, меҳмонхоналарга 3.2.Мотелларга 3.3.Пансионатларга 3.4.Кемпингларга 3.5.Палаткаларга 3.6.Ротелларга 3.7.Ботелларга 3.8.Санаторийларга 3.9.Флотелларга 3.10. Хостелларга 3.11. Отел-клубларга 3.12. Турбазаларга 3.13. Туристик уйларга 3.14. Апартаментларга
4. Туристларни овқатлантириш	4.1.Кафеларда 4.2.Барларда 4.3.Ресторанларда 4.4.Шарқ таомлари ошхонасида 4.5.Ғарб таомлари ошхонасида 4.6.Европа таомлари ошхонасида 4.7.Миллий таомлар ошхонасида 4.8.Павилонларда

5. Туристларни саёҳат жойлари билан таништириш

5.1.Тарихий-меъморий обидалар билан
5.2.Мустақиллик иншоотлари билан
5.3.Археологик қазилмалар билан
5.4.Ғаройиб воқеалардан қолган қолдиқлар билан
5.5.Кўркам боғлар билан
5.6.Хушманзара тоғлар билан
5.7.Оромбахш сув ҳавзалари билан

6. Туристларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш

6.1.Ҳар хил спорт иншоотларида
6.2.Кино-театрларда
6.3.Театрларда
6.4.Концертларда
6.5.Ҳар хил тинч-осуда жойларда

7. Туроператорлар

Туроператорлар туристик маҳсулотни шакллантиришни, уни бозор томон ҳаракатини, шунингдек, реализация қилинишини таъминловчи юридик шахсдир.

8. Туристик агентликлар (турагент)

Бу истеъмолчига – туристга ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи корхона ёки жисмоний шахсдир.

9. Тарнспорт хўжалиги

- Трансферт, кўп ҳолларда автобус, туристларни жўнатиш жойидаги асосий ташувчига етказиб бериш, туристларни аэропорт терминалидан, вокзалдан меҳмонхонага элтиш ҳамда худди шу операцияларни туристлар Ватанларига қайтаётганларида бажариш;
- Боришлари керак бўлган узоқ масофаларга элтиш;
- Автобус ва темир йўл турларида маршрут бўйича олиб юриш, бунда ташиш босқичи аслида турнинг зарурий ва асосий элементи бўлади, ташиш воситалари эса, кўпинча тунаш жойларига айланади, бунга денгиз саёҳатига доир маршрутларни ҳам киритиш мумкин.



13.1.1-расм. Туризм индустриясининг таркибий қисми.





13.1.2-расм. Туризм инфратузилмасининг таркибий қисмлари.

13.2. Туроператорлар ва турагентлар фаолияти

Туризм индустриясининг ташкилотчиларига туризм соҳасидаги икки хил корхона тўғри келади: туроператорлар ва туристик агентликлар. Бу корхоналар туризм хизматининг ўзи билан бевосита шуғулланмайдилар, балки фақат истеъмолчи (турист) билан бевосита хизмат кўрсатувчининг ўртасида воситачилик

вазифасини бажарадилар. Ўз навбатида уларнинг фаолияти ҳам хизмат кўрсатишнинг асосини ташкил қилади. Францияниг туристик қонунчилигида бу корхоналарни уларнинг моҳияти ва вазифасининг характерига мувофиқ равишда туризм ташкилотчилари деб тўғри номлайдилар. Туризм индустриясининг шиддат билан ривожланиши, туризм бозорида рақобатнинг юзага келиши ва кучайиши туроператорлар фаолиятига таъсир кўрсатди ва уларнинг кейинги ихтисослашувини аниқлаб берди.

Туроператор бу – тижорат мақсади учун туризм маҳсулотини сотишга таклиф этувчи, уни тайёрлаш ва режалаштиришда бевосита иштирок этувчи туризм бозорининг фаол субъекти ҳисобланади. Туроператор ўз фаолияти давомида ваколат имтиёзига эга харидор агентлари номидан туристик хизматларни бир неча муддат илгари харид этиш, бронлаштириш, ўзлаштириш, турпакетлар ҳозирлаш жараёнларини амалга оширади.

Туроператор – туристик пакет ишлаб чиқувчи сифатида туристик йўналишлар ишлаб чиқиш ва турларни шакллантириш билан шуғулланади, уларнинг амал қилишини таъминлайди, рекламани ташкил қилади, турйўналишлар бўйича нархларни ҳисоблайди, турларни тўғридан-тўғри ёки туристик агентликлар орқали туристларга сотади. Туроператор туристларга турли туристик хизматлардан танлаш имконини таъминлаб беради ва бир вақтнинг ўзида бошқа шаҳар ва жойларда хизмат кўрсатишга буюртма бериш вазифасини ўз зиммасига олиб осонлаштиради.

Туроператорлар туризм индустриясида махсус ролни бажарадилар. Улар турмаҳсулотларни (жойларни-самолётда, номерларни-меҳмонхонада) сотиб оладилар, туристик хизматлар пакетини шакллантирадилар ва фойда олиш мақсадида турли тўғри ёки билвосита фойдаланувчиларга (туристларга) сотадилар. Туроператор туристик хизматларни алоҳида ҳам сотиши мумкин. Бу ё фойда олиш, ёки зарурият юзасидан қилинади. Масалан, имтиёзли нархларда сотиб олинган самолётдаги жойлар сонини тўлдириш учун, у чипталарни ҳам сотиши мумкин ва бунда у воситачи сифатида бўлади.

Биринчи ҳолда туроператор туристик пакетни шаклланти-раётганда у турмаҳсулотлар ишлаб чиқарувчиси сифатида фаолият юритади. Иккинчи ҳолда, туроператор хизматларини алоҳида

сотаётганда туристик хизматларнинг улгуржи дилерига айланади. Бу ҳолат туроператор ишлаб чиқарувчидан туристик пакетни шакллантириш учун керагидан ортиқча туристик хизматлар сотиб олганда бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ҳозирда кўп миқдорда сотиб олгани учун меҳмонхоналар ва хизматлар етказиб берувчилар орасида тегишли имтиёзларга эга бўлган махсуслашган улгуржи туроператорлари мавжуд. Туроператорнинг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, у туристлар учун иқтисодий қулай бўлган туристик пакетларни шакллантириш учун оладиган хизматларининг нархи ўзгаришидан кафолатлана олиш қобилиятига эга. Улгуржи туроператор нархлари ҳар доим меҳмонхоналар нархларидан арзон бўлади. Аммо барибир туроператорлар маҳсулотларнинг кенг кўламининг улгуржи сотувчиси сифатида эмас, балки янги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи сифатида кўриб чиқиш лозим. Шунда у ҳақиқатга тўғри бўлади, туроператорнинг асосий фаолияти турлар ёки турпакетларни шакллантиришдан иборатдир.

Ўзбекистон Республикаси «Туризм тўғрисида»ги Қонуни бўйича ўз туристик маҳсулотини шакллантирадиган ва унга ўз йўлланмасини чиқарадиган туристик ташкилотгина туроператор ҳисобланади. Бундай талабларни туристик фирма бажаради. Йўлланма туристлар билан қилинадиган битимга расмий иловадир (хизмат кўрсатиш жойига кўрсатиладиган асосий ҳужжат – ваучердир).

Туроператорлик фаолиятида хизмат кўрсатишни шаклантириш ва сотиш жараёнларида туроператорларнинг турни ишлаб чиқишдаги ташкилий босқич ишлари қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- имкониятлар таҳлили;
- талабни ўрганиш;
- истиқболни режалаштириш;
- хизматларни таъминловчилар билан шартномалар тузиш;
- ташувчилар билан шартномалар тузиш;
- йўлланма баҳосини ишлаб чиқиш ва реализация қилиш;
- турни товар-методик жиҳатдан таъминлаш;
- туристларни тегишли ҳужжатлар билан таъминлаш;
- реализация;
- реклама ва ахборотлар;
- мутахассис кадрлар тайёрлаш;

- маршрутга кадрлар тайёрлаш;
- турни ўтказиш ва хизмат кўрсатиш сифати юзасидан назорат ўрнатиш.

Туроператорлар ва турагентлар ҳамкорлиги ҳар иккала томонга манфаат келтиради. Туроператорда мавжуд тармоқланган контрагентлик тармоғи унга туристик сафарларни сотиш ҳажмини ўстиришга имкон беради, янги бозорга чиқади, жумладан, чиқиш туризмининг ҳудудий бозорига кириб боради. Бу билан ўз ходимларини таъминлаш харажатларини, ижара биноларини, уларни ускуналарини тежайди. Ўз навбатида, турагент сафарларни охирги истеъмолчисига сотиб бергани учун воситачилигига комиссион мукофот олади. Унинг ҳажми, одатда, сотилган туристик маҳсулот баҳосига нисбатан фоиз ҳисобида аниқланади ва 10 % ни ташкил қилади. У кўпайтирилиши ҳам мумкин (масалан, келишилган ҳажмдан кўпроқ туристик хизмат сотилганда). Комиссион мукофот турагентликнинг асосий даромад манбаи бўлиб хизмат қилади.

Туроператор ҳар доим сотиш учун турмаҳсулот ресурсига эга бўлади, турагент бўлса мижоз сотиб олиш истагини билдирган ҳолдагина маълум хизматларни талаб этади. Бироқ амалиётда баъзан туроператор ва турагент орасидаги фарқни ажратиб бўлмайди, чунки ҳар иккаласи ўхшаш вазифаларни ҳал қилишлари мумкин. Масалан, фирма туроператор сифатида йўналишлар ишлаб чиқиши, туристлар ва бошқа агентликларга сотиши ҳам мумкин. Худди шу вақтда айнан шу туристик ташкилот турагент сифатида бошқа фирмалардан хизматлар сотиб олиши ва туристларга сотиши ҳам мумкин.

Туристик агентликлар (турагент) – бу истеъмолчига, яъни туристга ёки мижозларга айрим туристик хизматлар ва турларни чакана сотиш функциясини амалга оширувчи юридик ёки жисмоний шахсдир.

Агентлаштириш соҳасида фаолиятнинг бир нечта турлари фарқланади: шахс номидан ва корхонанинг топшириғи бўйича турларни сотиш. Моҳиятан бу турли хилдаги туроператорларнинг «туристик йўлланмалар дўкони» дир. Туристик йўлланмада доимо бундай сотишни амалга оширган туроператор ва турагентнинг барча реквизитлари тўлиқ кўрсатилади, агентлик фоизи тушунчаси бор бўлган мамлакатларда, агентлик фоизининг суммаси доимо туристик хизматларнинг чеки ёки ваучерида кўрсатилган бўлади. Бундай

мамлакатларда йўлланмалар ваучери бўлиб, унда касса аппаратидаги маълумотни ёзиб қўйиш учун махсус ҳошия мавжуд. Бундай ҳолда агентликнинг ўзи барча оқибатлари ва жавобгарликни бўйнига олган ҳолда туроператорлик функциясини бажаради.

Ҳозирги пайтда турларни истеъмолчига Интернет тармоғи орқали сотиш шаклланмоқда, лекин истеъмолчига фақат ахборот бериш ва маҳсулот таклиф этиш, уни мижознинг талабномаси бўйича ўзлаштириш каби босқичларгина автоматлаштириш имкониятига эга, баъзи ҳолларда, масалан, банкдаги ҳисоб-китобларни ёки кредит карталарининг рақамларини кўрсатишда ҳақ тўлаш ҳам назарда тутилади. Туризм соҳасида туроператорлар, қайд қилганимиздек, туризм индустриясининг ҳаракатлантирувчи асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Туроператорлар ва турагентликлар ҳамкорлиги туризмни ривожлантиришга асос бўлади ва туризм бозорида туристга (истеъмолчига) маҳсулотлар ва хизматлар етказиб беришга хизмат қилади (13.2.1-расм).



13.2.1-расм. Ташкиллаштирилган туризм бозорининг таркиби.

Келтирилган 13.2.1-расм маълумотларидан маълум бўладики, туроператорлар туризм бозорида етакчи роль ўйнайди. Туроператорлар турни ишлаб чиқиш жараёнида туризмдаги асосий хизматлар кўрсатувчи корхоналар (транспорт хизматлари, жойлаштириш

хизматлари, овқатлантириш хизматлари, гид-экскурсия хизматлари ва бошқалар) билан мустаҳкам алоқада бўлади ва улар билан хизматлар кўрсатишни ташкил қилиш бўйича шартномалар тузади. Ўз ўрнида туризмда асосий хизматларни кўрсатувчилар ҳам туроператор хизматларидан манфаатдор ҳисобланади.

Таъянч сўз ва иборалар: гид, экскурсия, туроператор, турагент, турпакет, тур, маршрут, турмаршрут, технологик харита, сафар трасса паспорти.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризмни ташкиллаштирувчи ташкилотларга нималар киради?
2. Туризм соҳасида туроператор қандай вазифани бажаради?
3. Туризм индустриясининг моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Туризм инфратузилмасининг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Муҳандислик ва коммуникация тармоқлари фаолиятининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?
6. Автомобиль йўлларининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?
7. Темир йўллари тизимининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нималардан иборат?
8. Алоқа тармоғининг туризм инфратузилмасидаги ўрни нимадан иборат?
9. Меҳмонхона хўжалигининг туризм индустриясидаги ўрни нимадан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Туризм индустрияси ва инфратузилмасининг таснифланадиган белгилари ва турлари бўйича таркибий қисмига яна нималарни киритса бўлади, асослаб беринг.

Тест саволлари

1. Туроператор ва турагент ўртасида тузиладиган ҳужжат нимадан иборат?

а) шартнома;

б) франчайзинг;

д) фактура;

е) агент битими.

2. Туризм индустриясига тўғри таъриф берилган қаторни топинг.

а) туристик фаолиятнинг туристларга хизмат кўрсатишини таъминловчи турли субъектлари;

б) туризм соҳасига хизмат қилувчи туристик ресурслар;

д) туризмнинг асосий ва қўшимча хизматларини ташкил этувчи мажмуа;

е) тарихий, маданий, археологик туристик объектлар.

3. Туризм инфратузилмаси тушунчасига нималар киради?

а) истеъмолчи буюртмаси;

б) ҳар бир туристнинг индивидуал эҳтиёжлари;

д) бино ва иншоотлар тизими;

е) муҳандислик ва коммуникация тармоқлари.

4. Туризм инфратузилмасини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йилда қабул қилган Фармонида белгиланган вазифалар нимадан иборат?

а) туристик фаолиятни амалга оширишда туристларнинг туристик ресурсларидан фойдаланишини таъминловчи бино ва иншоотлар тизими;

б) меҳмонхоналар, транспорт-логистика тузилмаларни ривожлантириш;

д) муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш;

е) турмаҳсулотларни шаклланишида иштирок этувчи тармоқларни ривожлантириш.

5. Туризм индустриясида туроператорнинг асосий вазифаси нималардан иборат?

а) тижорат мақсади учун туризм маҳсулотини сотишга таклиф қилади;

б) турни тайёрлаш ва режалаштиришда иштирок этади;

д) туристик экскурсияларни ташкил этади ва иштирок қилади;

е) а ва б жавоблар тўғри.

14-мавзу. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

Режа:

14.1. Экологик туризмнинг мақсади ва вазифалари.

14.2.Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари.

14.3. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик ҳудудлари.

14.1. Экологик туризмнинг мақсади ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар орасида катта экологик туризмни ривожлантириш имкониятларига эга бўлган ва бу борада рақобатбардошлиги юқори мамлакатлардан ҳисобланади. Юксак тоғ чўққиларимиз, уч минг йиллик инсоният тамаддунига гувоҳ шаҳарларимиз, чўл ва яшил водийларимиз, минг бир дардга шифо зилол сувларимизнинг борлиги ушбу соҳани ривожлантириш учун катта имкониятлар яратиб беради. Экологик туризм мамлакатимиз табиатининг хилма-хил ва бой туристик-рекреация ресурслари салоҳияти имкониятларидан самарали фойдаланиш, табиат ва маданият меросларини асраш ва муҳофаза қилиш, маҳаллий аҳолини иш билан таъминлаш бўйича тегишли дастурлар ишлаб чиқишни тақозо қилмоқда.

Бугунги кунда илмий ва оммабоп адабиётлар, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида экотуризмнинг ўрни ва аҳамиятини очиб беришга қаратилган кўплаб қарашлар олға сурилмоқда. Халқаро мақомдаги ташкилот ва муассасаларнинг маълумотига кўра, кўпгина туризм турлари йилига ўртача 5 фоизга ортиб бораётган бўлса, экотуризм йилига ўртача 20-30 фоизга кўпайиб бормоқда. Кўпгина мутахассис ва тадқиқотчиларнинг илмий тажриба ва хулосалари шуни кўрсатмоқдаки, экотуризм туризмнинг янги ва ёш йўналиши бўлишига қарамасдан, оммалашуви бошқа туристик йўналишларга нисбатан 2-3 баробар жадал кечмоқда[67].

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримов Сингапур Республикасига Давлат ташрифи арафасида шу мамлакатнинг марказий нашрларидан бири «Today» («Бугун»)

[67] http://kun.uz/news/2017/03/08/o‘zbekistonda-ekoturizmni-rivozlantirish-imkoniyatlari-kandaj

газетаси мухбирининг саволларига берган жавобларида Ўзбекистонда экологик туризмнинг катта салоҳиятга эга эканлигини таъкидлаган ҳолда, бу йўналишда олиб борилаётган ишлар ҳақида қуйидагиларни келтирадилар: «Гўзал географик ва табиий шароитлар республика ҳудудида экологик туризмни ривожлантириш учун ғоят қулайдир. Бу борада мамлакатнинг тоғли ҳудудларида жойлашган, замонавий жиҳозланган сайёҳлик мажмуаларида қишки ва ноёб сайёҳлик дастурлари ташкил этилган. Сайёҳликнинг янги йўналиши – йирик қўриқхоналар ва боғлар ҳудудида ташкил этилган табиатшунослик туризми ривожланмоқда. Туризм инфратузилмаси жадал ривожланмоқда, янги меҳмонхоналар, сайёҳлик йўналишлари ташкил этилди. Улар халқаро сайёҳлар учун кенг кўламли хизматларни таклиф этишга тайёр» [68]. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё ҳудудидаги давлатлар орасида катта экотуристик имкониятларга эга бўлган ва бу борада рақобатбардошлиги юқори бўлган мамлакатлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда экологик туризм ривожланиб боришининг яна бир сабаби, турист ўзи қизиққан табиат ва унинг табиий шароити, биологик ресурслари билан танишибгина қолмасдан, бу табиат бағрида дам олади, табиат гўзаллигини чуқур ҳис қилади. Унинг ресурсларини авайлаш хоҳиш-истаги пайдо бўлади. Республикамизнинг экологик туризм салоҳиятини ҳисобга олганимизда экологик туризмни ривожлантиришнинг асосий ресурслари – 4 фаслли табиат мавсумлари, ўзининг экологик тизимларига эга бўлган 5 та табиий ландшафт био-хилма-хилликларида эндемик (фақат Ўзбекистон табиатида) турларнинг мавжудлигидан иборат.

Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган туроператорлик фирмалари томонидан Чорвоқ, Билдирсой, Чимён, Зомин, Ҳайдаркўл кабиларга ўтказилаётган экотурлар, чўл ҳудудларда туяда сайр қилиш каби турлар ички ҳамда халқаро туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Таҳлилларга кўра, экотуризм хизматларини кўрсатаётган туроператорлик фирмалари асосан, Чимён – Чорвоқ рекреация зонаси доирасида фаолият кўрсатмоқда, холос. Бироқ Ўзбекистоннинг Ҳисор, Боботоғ, Кўҳитангтоғ (Сурхондарё), Чақчар (Қашқадарё), Нурота (Навоий – Жиззах), Зарафшон (Самарқанд), Туркистон (Жиззах), Олой (Фарғона), Қурама, Чоткол (Наманган) тоғлари, Қизил-

[68] Xalq so‘zi gazetasi, Toshkent, 2007-yil 26-yanvar, №19.

қум чўлидаги қолдиқ тоғлар, Қизилқум чўли, Орол денгизининг қуриган туби ва қолдиқ шўр кўллар, Устюрт платоси, Борса келмас шўрхоги, Мингбулоқ ботиғи, Айдаркўл, Денгизкўл, Амударё ва Сирдарё соҳилидаги тўқайлар, Мурунтов карери ва табиатнинг ноёб ёдгорликлари бўйлаб мажмуали ва мавзули экотурлар ташкил этиш бугунги кунда ечимини кутиб турган вазифалар қаторига киради.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг ўртасида, экологик туризмнинг ривожланиши учун қулай транспорт, географик ҳудудларида жойлашган. Мавзунинг долзарблиги шундаки, ривожланиб бораётган мамлакатларнинг туризм индустрияси асосан табиий ёки экологик туризм ҳисобига амалга оширилмоқда. Экспертларнинг маълумотига қараганда, экотуризм сайёҳлик бозорининг 10-20 %ини қамраб олган, ўсиш суръати эса умумий туризм индустриясининг ўсиш суръатидан 2 – 3 маротаба ошиб кетди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда экологик туризмни ривожлантириш ҳамда экологик ресурс масканларига туристик маршрутлар тузишнинг услубий асосларини ишлаб чиқиш зарур бўлмоқда.

Экологик туризмни ривожлантиришнинг долзарблигини ҳисобга олиб, экологик туризмнинг моҳиятига ва экологик туризм ресурсларига баҳо бериш, экологик туризм ресурсларига туристик маршрутлар тузишнинг услубий ташкилий механизмларини ишлаб чиқиш, экологик туризмни ривожлантиришнинг назарий ва амалий асосларини ташкил қилади.

Экотуризм сўзи XX асрнинг 80-йилларидан бошлаб туризм индустриясига кира бошлаган бўлса-да, бироқ экотуризм тушунчасига олимлар томонидан ҳозиргача ягона таъриф берилмаган. «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида» экологик туризмнинг таърифлашда халқаро ташкилотларнинг изоҳлашлари келтирилган.

Экотуризм табиий туризм бўлиб, табиат муҳитини ҳосил қилиш ва тушунишни ўз ичига олади. ***Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (ТМҚХИ)*** таърифига кўра, “экологик туризм ёки экотуризм табиат муҳитига нисбатан масъулият билан саёҳат қилишга, ҳудудларнинг табиатига зиён етказмаган ҳолда ўрганиш ҳамда бетакрор, гўзал жойларидан завқ олиш мақсадида табиатни муҳофаза қилишга кўмаклашади, атроф-муҳитга “юмшоқ” таъсир

этади, маҳаллий аҳолининг ижтимоий-иқтисодий шароитини фаоллаштиради ва шу фаолиятдан уларнинг имтиёзлар олишини таъминлайди”[69]. Туризм жамияти эса “экотуризмни табиий ҳудудларга масъулият билан саёҳат қилиш натижасида табиатни муҳофаза этишни таъминлайди ва маҳаллий халқнинг турмуш даражасини яхшилайди”[70], деб ҳисоблайди.

«Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепциясида»[71] экотуризм деганда, нафақат маърифий - маънавий мақсадларни кўзлаган ҳолда экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига саёҳат, балки ижтимоий - иқтисодий масалаларни амалга оширилиши ёрдамида экология муаммоларини ҳал қилиш билан бир-бирига боғлиқ мажмуалар йиғиндисини тушунамиз.

Ўзбекистонлик эколог олимларнинг фикрича, экотуризм маърифий-маънавий тушунчалар остида экотуристларнинг экзотик табиий ҳудудларга, уларнинг ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига, табиий ҳудудларнинг тарихий ёдгорликларига, археологик топилмаларига, геологиясига, палеонталогия қолдиқларига саёҳатлари каби табиат билан боғлиқ мажмуалар киради.

Экотуризмнинг мақсади – ҳозирги ва келажак авлодларнинг экологик хавфсизлиги ва барқарор ривожланишини таъминлаш учун табиатдан туристик йўналишда оқилона фойдаланишдир. Экотуризмнинг мақсадини амалга ошириш учун «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси»даги дастурни келтириш кифоя қилади. Бу концепцияда республикамизда экологик туризмни ривожлантириш учун қуйидаги вазифаларни бажариш муҳимлиги алоҳида қайд қилинган:

- экотуризм индустриясини шакллантириш учун махсус қонунларни ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий механизмини яратиш;
- экотуристик фан, таълим ва амалиётнинг назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- аҳолининг экологик онги ва маданиятини экотуризм орқали ўстириш;

---

[69] “O‘zbekistonda ekoturizmni rivojlantirish Konsepsiyasi” Ekologiya xabarnomasi, 2007, № 6, 10-b.
[70] “O‘zbekistonda ekoturizmni rivojlantirish Konsepsiyasi” Ekologiya xabarnomasi, 2007, № 6, 10-b.
[71] O‘zbekiston Respublikasi tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi davlat bionazorati, “O‘zbekistonda ekologik turizmni rivojlantirish Konsepsiyasi”. Экологический вестник, № 6, 2007, 9 b.

• экотуризм йўналишидаги таълим ва тарбияни йўлга қўйиш;

• экотуризм бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш;

• экотуристик объектларни ҳар томонлама баҳолаш ва уларнинг кадастрини олиб бориш;

• экотуризм мониторинги ва истиқболини олиб боришни йўлга қўйиш;

• миллий давлат ҳудудларини экотуризм бўйича ҳудудлаштириш;

• давлатларнинг ва халқаро жамиятнинг экотуризмга оид тактик режа ва стратегик дастурлар ва тадбирларини ишлаб чиқиш;

• биологик хилма-хилликни сақлаш.

Қайд қилинган вазифаларни бажаришда қуйидаги экотуристик тамойилларни, яъни экологик муносабатларни туризм орқали тартибга солишга йўналтирилган қоидаларга қаттиқ, масъулият билан риоя этиш талаб қилинади:

• экотуризмда табиатни муҳофаза қилиш ва барқарор ривожланиш масалаларининг устуворлиги;

• экотуризмнинг тарихий, маданий ва бошқа туризм турлари билан боғланганлиги;

• туризм ва сервис соҳаси йўналишидаги барча таълим муассасаларида экотуристик ўқув киритилишининг мақсадга мувофиқлиги;

• маҳаллий аҳолининг экологик онги ва маданиятини ўстиришда экотуризмни жалб қилиш зарурияти;

• табиатдан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилишнинг мазмунини экотуристик маршрутларда акс эттириш;

• давлат, жамият, маҳаллий бошқарув идораларининг экологик туризмдан манфаатдорлиги;

• экотуризмда экологик ижтимоий-иқтисодий манфаатдорликнинг ягоналиги;

• экотуризмда миллий ғурур ва ифтихорни шакллантиришнинг зарурлиги.

Қайд қилинган тамойилларнинг бажарилиши Ўзбекистонда экологик туризмни жадал ривожлантиришнинг асосларини таъминлайди.

Экотуризмни ривожлантириш бўйича «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси»нинг 1.4. бандида – экотуризмнинг ижтимоий-иқтисодий масалалари ечимини топиши лозим бўлган қўйидаги долзарб масалалар қайд қилинган:

экотуризм объектларида аҳолини иш билан таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш муаммоларини ҳал қилиш;

- экотуризм қадамжоларида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш орқали қўшимча иш ўринларини яратиш, туристик инфратузилмаларни ҳосил қилиш;
- экотуризмнинг жаҳон талабларига жавоб бера оладиган моддий - техник, ахборот-таҳлилий базасини яратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш;
- экотуризм масканларини электр энергияси ва иссиқ сув билан таъминлаш мақсадида экологик тоза, қайта тикланувчи муқобил энергия қурилмалари ёрдамида фойдаланишни кенг йўлга қўйиш.

14.2. Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари

Ғарб мамлакатларида экотуризмга иқтисодий соҳа жиҳатидан қаралади, чунки чет элларда жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган экотуризм иқтисодий фойда келтирувчи туризмнинг энг истиқболли турларидан бири ҳисобланади.

Экспертларнинг таъкидлашларига биноан, экотуристлар кўпинча ўрта ёки ўртадан юқори сармояга эга бўлган, ҳар томонлама таъминланган саёҳатчилардан иборат. Сайёрамизда инсон фаолияти тегмаган ёввойи табиат жуда кам қолганлиги сабабли, одатда бундай ҳудудларга саёҳат қилиш чекланган ҳамда уларга саёҳат қилиш ҳам сезиларли даражада қиммат бўлади. Шу сабабли, экотуризмда даромад туризмнинг бошқа турларидан тушган даромадлардан бир неча маротаба кўпдир.



14.2.1-расм. Экологик туризмнинг асосий биологик хилма-хил ресурслари.

БМТ ва БТТ ташкилотларининг маълумотлари бўйича, охирги 20 йил ичида энди ривожланиб бораётган мамлакатларда экотуристлар сони кўпайиб ва ундан олинадиган даромадлар йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Демак, экотуризм табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга оширишга катта иқтисодий ҳисса қўшади ҳамда бундай тадбирларни тўла-тўкис ўтказишга катта молиявий кўмак ҳам бериши мумкин.

Экологик туризм мақсади – ватанимизнинг табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш соҳасида, Она Ватинимизнинг ландшафти, ҳайвонот ва наботот дунёсининг бой ва бетакрор табиати билан таништириш, халқлар ўртасидаги дўстлик ришталарини боғлаш, мамлакатлар ва турли халқларнинг бир-бирини кенгроқ билиши,

балки шу билан бирга Ўзбекистон ҳудудида қирилиб кетиш арафасида турган ноёб ҳайвонот ва наботот дунёсини сақлаш ва кўпайтириш мақсадида қўриқхоналар (Сурхон, Нурота, Ҳисор, Бадай-тўқай, Зарафшон, Қизилқум, Чотқол, Зомин, Китоб) парваришхоналар («Жайрон») экомаркази, Сайҳун хўжалиги) таркибида ва атрофида жаҳон талабларига жавоб бера оладиган миллий табиий боғларни амалга ошириш орқали муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризм объектларининг моддий-техника базасини яратиш учун қўшимча чет эл инвестицияларини жалб қилишдан иборатдир.

Экологик туризмни ривожлантиришда алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар жуда катта аҳамиятга эга. Шундай экан, бугунги кунда мамлакатимизда ушбу ҳудудларни кўпайтириш ва улардан экотуризмда фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда.

Бугунги кунда мамлакатда табиати алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудларда экотуризмни ривожлантириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»ги Қонуни доирасида алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг асосий турларини қуйидаги чизмада ифодалаймиз (14.2.2 - расм).

Давлат қўриқхоналари – ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш, уларнинг нодир ва тугаб бораётган турларини сақлаб қолиш, сонини кўпайтиришда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда Чотқол тоғ-ўрмон, Пайғамбаророл, Қизилқум, Бодай-тўқай, Нурота, Зарафшон, Ҳисор, Варганзи, Кўҳитангтоғ, Китоб давлат қўриқхоналари мавжуд.

Давлат миллий табиат боғлари – «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, давлат миллий табиат боғлари табиатни муҳофаза қилиш муассасаси бўлиб, уларнинг ҳудудлари (акваторийлари) алоҳида экологик, тарихий ва эстетик қимматга эга бўлган ҳамда табиатни муҳофаза қилиш, рекреация, маърифий, илмий ва маданий мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган табиий мажмуиларни қамраб олади.



14.2.2 - расм. Муҳофаза этиладиган ҳудудларнинг турлари.

Давлат буюртма масканлари – қўриқхоналардан ташқари камайиб кетаётган ўсимлик ва ҳайвон турларини сақлаб қолиш ва тиклаш мақсадида барпо этилади.

Давлат табиат ёдгорликлари – Ўзбекистон Республикасининг "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига биноан, экологик, илмий, эстетик, маданий жиҳатдан ноёб, ўрнини тўлдириб бўлмас, қимматли, келиб чиқиши табиий бўлган объектлар давлат табиат ёдгорликлари ҳисобланади[72].

Ўзбекистон Республикасининг давлат томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлари 14.2.1-жадвалда кўрсатилган.

Келтирилган жадвал маълумотлари билан танишиб чиқиб, республикамизда экотуризм ривожланиши керак бўлган биринчи навбатдаги экотуризм ресурслари давлат муҳофазасида эканлиги маълум бўлади. Дунёнинг барча давлатларида ҳам 14.2.1-жадвалдаги табиий ҳудудлар ўзининг ўсимликлар олами ва ҳайвонот дунёси билан қаттиқ қўриқланади. Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, жуда кўплаб давлатларда, айниқса, табиатда ноёб ўсимлик ёки ҳайвон турлари муҳофаза қилинадиган қўриқхоналардан ҳам экологик туризм мақсадларида самарали фойдаланилади.

[72]O‘zbekiston Respublikasining "Alohida muhofaza etiladigan tabiiy hududlar to‘g‘risida"gi Qonuni.

14.2.1-жадвал

Ўзбекистонда жойлашган давлат қўриқхоналари, резерват, миллий табиат боғлари, давлат буюртма масканлари[73]

№	Номи	Ихтисослиги	Ташкил этилган йили	Майдони (га)
1	Ҳисор тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси	тоғ-ўрмон	1983	80986
2	Китоб геологик тоғ-ўрмон давлат қўриқ-хонаси	тоғ	1979	3938
3	Нурота тоғ-ёнғоқ давлат қўриқхонаси	тоғ-ёнғоқ	1975	17752
4	Қизилқум тўқай-чўл давлат қўриқхонаси	тўқай-қум	1971	10311
5	Қуйи Амударё BIOSфера давлат резервати	қайр-тўқай	2011	68718
6	Сурхон тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси	тоғ-ўрмон	1987	24554
7	Угом-Чотқол давлат миллий табиат боғи	тоғ-ўрмон	1990	574590
8	Зарафшон тўқай давлат қўриқхонаси	қайр-тўқай	1979	2352
9	Зомин давлат миллий табиат боғи	тоғ-ўрмон	1976	24110
10	Зомин тоғ-арча давлат қўриқхонаси	тоғ-арча	1960	26840
11	Чотқол BIOSфера тоғ-ўрмон давлат қўриқхонаси	тоғ-ўрмон	1947	35724
12	“Арнасой” давлат буюртма маскани	кўл	1983	63300
13	“Денгизкўл” давлат буюртма маскани	кўл	1973	50000
14	“Муборак” давлат буюртма маскани	чўл	1998	219534
15	“Нуробот” давлат буюртма маскани	чўл	1992	40000

[73] Atlas. O‘zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi. –T., 2015.

Бунга мисол қилиб Африка, Канада, Америка, Австралиядаги қўриқхоналар, резерватлар ва миллий парклар ҳақидаги кино-сериалларнинг тобора оммавийлашиб бораётганлигини келтириш мумкин.

Шунингдек, таъкидлаб ўтиш жоизки, мамлакатимизда камёб ҳайвонларни урчитиш бўйича марказлар ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда (14.2.2-жадвал).

14.2.2-жадвал

Камёб ҳайвонларни урчитиш бўйича марказлар[74]

№	Номи	Ихтисослиги	Ташкил этилган сана	Майдони (га)
1.	“Жайрон” республика эко- маркази	чўл	1989	16504
2.	Бухоро вилоятида тўх-татув алоқни кўпайти-риш бўйича питомник	чўл	2007	10
3.	Навоий вилоятида тўх-татув алоқни кўпайти-риш бўйича питомник	чўл	2008	10

Ватанимиз экотуризмининг тараққиёт салоҳияти ниҳоятда катта ва уни жадал суръатлар билан ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Фақат бу салоҳият ва имкониятлардан жаҳонда экотуризми тараққий этган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда, оқилона фойдаланиш ҳамда илмий асосда хатоларсиз амалга ошириш лозим.

Мамлакатимиз ўзига хос бетакрор табиат бойликларига, бир қанча сўлим гўшаларига, ноёб ҳайвонот оламига эга. Буларнинг ҳаммаси экологик туризмни ривожлантириш учун асосий ресурс ва имконият бўлиб ҳисобланади. Биргина ҳайвонот оламига назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизда айни пайтда умуртқали ҳайвонларнинг 677 тури, шу жумладан, сут эмизувчиларнинг 108, қушларнинг 432, судралиб юрувчиларнинг 58, амфибияларнинг 2 ҳамда балиқларнинг 77 тури, шунингдек, умуртқасизларнинг 15 мингдан

[74] Atlas. O‘zbekiston iqtisodiy va ijtimoiy geografiyasi. –T., 2015.

ортиқ тури мавжуд. Ҳозирги кунда сутэмизувчиларнинг 23, қушларнинг 48, судралиб юрувчиларнинг 16, балиқларнинг 17, ҳалқасимон чувалчангларнинг 3, моллюскаларнинг 14 ва бўғимоёқлиларнинг 61 тури “Қизил китоб”га киритилган ва улар алоҳида муҳофазага олинган[75].

14.3. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик ҳудудлари

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг мутахассислари Ўзбекистоннинг экотуристик ҳудудлари харитасини ишлаб чиқишган.

Харитага мувофиқ, бутун мамлакатимиз ҳудуди ХИВ экотуристик ҳудудга ажратилган. Ҳар бир экотуристик туманга экотуристик зона деб ҳам қараш мумкин. Улар жумласига Устюрт, Орол ва Оролбўйи, Амударё, Қизилқум, Нурота, Зарафшон, Айдаркул, Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон, Фарғона, Туркистон, Қашқадарё, Ҳисор, Сурхондарё экотуристик ҳудудлари киритилган.



I - Устюрт
II - Орол ва Оролбўйи
III - Амударё
IV - Қизилқум
V - Нурота
VI - Зарафшон
VII - Айдаркул
VIII - Сирдарё
IX - Чирчиқ-Оҳангарон
X - Фарғона
XI - Туркистон
XII - Қашқадарё
XIII - Ҳисор
XIV - Сурхондарё

14.3.1-расм. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик ҳудудлари[76].

[75] “Xalq so‘zi” ro‘znomasi, 2011-yil 11-mart. 4 b.
[76] O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi ma’lumotlari asosida.

Ҳар бир ҳудуд ўзининг экотуристик ҳолати, имкониятлари, шарт-шароитлари ва ривожланиш истиқболлари нуқтаи назаридан ажралиб туради. Масалан, **Устюрт экотуристик ҳудудини** оладиган бўлсак, у Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбида Қорақалпоғистонда жойлашган плато бўлиб, унинг умумий майдони 200 минг км^2 ни ташкил этади. Бу жойлар дунёда энг катта ва ягона 60-150 метрлик тик қояли жарлари, даволаш хусусиятига эга бўлган жуда катта – 1000 км тузли Борса келмас шўрхоки билан машҳур. Ўсимлик қоплами сийрак, ош тузи ва балчиқли тузнинг қатлами 16-27 см дан 5 м гача боради. Янги қуриб битказилган Қўнғирот сода заводи айнан ана шу тузлар ҳисобига ишлайди.

Неолит давридан қолган «Устюрт макони» ҳам ноёбдир. Унда 60 га яқин қадимий одамлар яшаган табиий объектлар аниқланган. Уларнинг ичида ҳам тарихий, ҳам экотуристик аҳамиятга мойил «Темпа» макони бўлиб, ундан Хоразм археология экспедицияси қадимий меҳнат ва ов қуролларини топган.

Орол ва Оролбўйи экотуристик ҳудуди экологик инқирозли экотуристик ҳудуд бўлгани учун ҳам экстремал экотуристик объект бўлиб ҳисобланади. Экотуристик маршрутлар бир пайтнинг ўзида ҳам Оролнинг қуриган, ҳам унинг таъсирида бўлган Орол атрофи ҳудудларини қамраб олади. Экотурлар нафақат трекинг (пиёда) ёки туя ва отларда, балки самолёт ва вертолётлар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Амударё экотуристик ҳудуди. Амударёнинг ўзанига яқин соҳилларида тўқайзорлар мавжуд бўлиб, улар экотурлар учун жуда қизиқарли ноёб ландшафт ҳисобланади. Қуйи Амударёнинг ўнг соҳилида тўқай ландшафтидаги қушлар ва ҳайвонларни муҳофаза қилиш учун Бадай-тўқай қўриқхонаси ташкил этилган. Орнита-фаунани сақлаш учун Хоразм буюртмахонаси ташкил этилган. Булардан ташқари, Қизилқумнинг ғарбий қисмида, Амударёнинг ўнг қирғоғида, кембрий ва кембрийгача даврда бурмаланган тоғ жинслари очилмаларидан иборат, баландлиги 485 метрлик Султон Увайс тоғларига экотурлар уюштириш мумкин. Амударё экотуристик ҳудудида Ўзбекистоннинг кўҳна шаҳарларидан бири Хоразм жойлашган, унинг архитектура ёдгорликлари тарихий туризм марказларидан бири ҳисобланади. Экотурларни тарихий турлар билан комплекс тарзда олиб бориш мумкин.

Нурота экотуристик ҳудуди ўзининг ажойиб табиат манзаралари, тарихий архитектура ёдгорликлари билан кишиларни мафтун этади. 1975 йилда ташкил этилган ва майдони 17,8 минг га бўлган Нурота тоғ ёнғоқзор-мева қўриқхонаси мавжуд. Бу қўриқхонага «Экосан» қошидаги «Экосантур» фирмаси томонидан кўплаб маршрутлар уюштирилган. Оқтоғнинг жанубий ён бағрида жойлашган шамол таъсирида тебраниб турувчи баҳайбат ҳарсангтошли «Сангижумон», «Кориз қолдиқлар» каби табиат ёдгорлиги экотуризмнинг муҳим объектларидан бўлиб ҳисобланади.

Кўп асрлик зиёратгоҳ «Чашма булоқ» яқинида «Чилустун» масжиди, мадраса, Абул Ҳасан Нурий мақбараси ва қалъаси жойлашган. Қоратоғ тизмасининг жанубий ён бағрида «Сармиш дараси»даги қояларда авлодларимизнинг ҳаёти ва маданиятини акс эттирувчи лавҳалар, расмлар ишланган.

Жанубий Нурота тизмасида узунлиги 110 м, абсолют баландлиги 1060 м, майдони 163 м келадиган «Майдон карст ғори», Шимолий Нурота тизмасидаги узунлиги 130 м, абсолют баландлиги 1100 м, майдони 70 м келадиган «Хонаихудо карст ғор» да ғоршуносликни ривожлантириш мумкин. Булардан ташқари, XI асрда бунёд этилган ва XVIII аср бошларигача турган «Работи Малик карвонсаройи» сайёҳларнинг тўхташ жойи, шунингдек, савдогарларнинг савдо қилиш жойи бўлган. Работи Малик ёнида минг йиллик тарихга эга бўлган маданий ёдгорлик – сардоба учрайди. Ер ичига 12 м ботирилган сардобада бутун ёз бўйи муздек ва тоза сув сақланган.

Зарафшон экотуристик ҳудудида Зарафшон дарёси бўйларида жойлашган тўқай ландшафти, ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш учун ташкиллаштирилган «Зарафшон қўриқхонаси» мавжуд. Бухоро вилоятининг Шофрикон ўрмон хўжалиги ҳудудида жойлашган қум-чўл ландшафти, у ердаги ўсимликлар ва ҳайвонлар ҳамда тарихий ёдгорликлар (Варданза шаҳар харобалари) давлат томонидан қўриқланади. «Варданза» қўриқхонаси, «Тўдакўл флора ва фаунасини бойитиш» буюртмахонаси, Қоравулбозор хўжалигида жойлашган «Жайрон» экомаркази, сув ва ботқоққа мослашган қушларни кўпайтирувчи «Денгизкўл» буюртмахонаси, Зарафшон тоғ тизмаларидаги Омонқўтон ва Амир Темур карст ғорлари, Зирабулоқ-Зиёвуддин тоғ тизмаларидаги кўп қаватли «Ғунтак» ғори ва бошқалар диққатга сазовордир.

Туркистон экотуристик ҳудудида экотурларни алоҳида муҳофаза этиладиган масканларга уюштириш мумкин. Чунки бу ҳудудда Туркистон тизмасининг шимолий ёнбағрида 1959 йилда ташкил этилган, абсолют баландлиги 1760-3500 м, умумий майдони 21735 га бўлган «Зомин» давлат қўриқхонаси, майдони 24110 га бўлган ноёб тоғ-арча экосистемаларини тиклаш ва рекреация мақсадларда фойдаланиш учун 1978 йилда ташкил этилган «Зомин» миллий боғи мавжуд.

Қашқадарё экотуристик ҳудуди чўл, дашт, тоғ олди ва тоғли ҳудудлардан иборат. Бу ҳудудда ёз ва баҳор ойларида чўл ва даштларда, йилнинг барча фаслларида эса тоғ олди ва тоғли ҳудудларига экотурлар уюштириш мумкин. Қашқадарё экотуристик ҳудудда 1979 йилда ташкил этилган, 3938 га майдонга эга бўлган, МДҲ давлатлари ичида ягона «Китоб» давлат геология қўриқхонаси, 1992 йилда ташкил этилган «Муборак» буюртмахонаси, 1992 йилда ташкил этилган «Сеченкўл» буюртмахонаси мавжуд.

Сурхондарё экотуристик ҳудудида Кўҳитанг тоғли ҳудудда 1987 йилда ташкил этилган, 53,7 минг га майдонда 800 хил ўсимлик ва 290 та қуш ҳамда 20 дан ортиқ ҳайвон турларини муҳофаза қилишга йўналтирилган «Сурхон» давлат қўриқхонаси мавжуд. Сурхондарё экотуристик ҳудуди республикамизнинг ўзига хос масканларидан бири, бу ерда қуруқ субтропик иқлим минтақаси ҳукмрон. Шунинг учун ҳам йилнинг кўп ойларида экотурлар уюштириш имконияти бор[77].

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш учун шарт-шароитлар етарли, имкониятлар катта. Экотурни йилнинг барча фаслларида ўтказиш ва уни тарихий, диний туризм билан қўшиб олиб бориш мумкин.

Тошкент шаҳрига яқин бўлган Хумсон – Оқтош зонасининг туристик салоҳияти тур маҳсулот хизматларининг нархи унча баланд эмаслиги ва ҳудуднинг катта имкониятлари билан фарқланади. Хумсонга қилинадиган ташрифларнинг ўртача сони ҳар мавсумда 10 минг кишига етади, Хумсоннинг Оқтош зонасига бир кунлик ташрифларни ҳам қўшиб ҳисоблаганда камида 120 минг кишига етиши мумкин.

Хумсон халқаро туризм йўналиши кам тилга олинади. Чет эл саёҳатчилари бу ерларга фақат Тошкентга қилган ташрифлари

[77] O‘zbekiston Respublikasi Tabiatni muhofaza qilish davlat qo‘mitasi ma’lumotlari asosida.

доирасида келишади (уларнинг улуши атиги 2% ни ташкил қилади, бўлиш муддатлари 2 кунгача). Бу ҳол халқаро миқёсда реклама ишлари ҳали тўлиқ йўлга қўйилмаганлигини англатади. Шу билан бирга, Хумсон – Оқтош туристик зонасига қизиқиш билдирадиган маҳаллий туроператорлар мавжуд. Масалан, Асиа раст, Эсосан тоур, Элена тоур, АСТ, Арк-Осиё фирмалари шулар жумласидандир.

Хумсон – Оқтош зонаси бўйича тавсия қилинадиган туристик маҳсулот йўналишлари:

– тоғда отда юриш маршрутлари;

– тоғда пиёда юриш маршрутлари;

– фольклор ва гастрономия;

– табиат қўйнида ҳордиқ чиқариш, жойларга экологик турлар уюштириш;

– балиқ ови, доривор ўсимликлар йиғиш.

Юқорида кўрсатилган маршрутлар ўтказиш учун энг қулай вақтлар:

– треккинглар – апрель-июнь охири ва сентябрь-октябрь ўрталари;

– тоғларга чиқиш – май-сентябрь;

– сувда сайр қилиш – май-июль;

– отда сайр қилиш – июнь-июль ва сентябрь-октябрь;

– параглайдинг ва дельтапленерлик – май-октябрь;

– тоғ чанғиси ва тахталари (сноубординг) – январь-март охири.

Таянч сўз ва иборалар: экологик туризм, хорижий экотуризм бозори, туристик ресурслар, туристик жозибадорлик, табиий бойликлар, алоҳида қўриқланувчи табиий ҳудудларнинг тавсифи, давлат қўриқхоналари, миллий парклар, махсус ташкилотлар, буюртмахоналар, табиат ёдгорликлари, ўрмон ва овчилик хўжаликлари.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Экологик туризм тушунчаси нимани англатади?
2. Ўзбекистонда экологик туризм қандай ривожланмоқда?
3. Ўзбекистоннинг туристлар эътиборига молик асосий табиий бойликлари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қўриқланувчи табиий ҳудудларининг тавсифини ифодаланг.

5. Ўзбекистоннинг экотуристик ҳудудлари харитаси бўйича қандай зоналарни биласиз?

6. Экологик маршрут йўналишлари ва унинг вазифалари қандай гуруҳларга бўлинади?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Ўзбекистон Республикасининг экотуристик ҳудудларига яна қайси ҳудудларни киритиш мумкин? Ўзбекистон Республикасининг давлат томонидан муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар таркиби нималардан иборат? Улар бўйича батафсил маълумотларни тўпланг ва тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. Ушбу қаторга экотуризмнинг инглизча номини ёзинг?

а) яшил туризм;
б) юмшоқ туризм;
д) табиат туризми;
е) экологик туризм.

2. «Бадай-тўқай» давлат қўриқхонаси қаерда жойлашган?

а) Қорақалпоғистон Республикасида;
б) Қашқадарё вилоятида;
д) Жиззах вилоятида;
е) Самарқанд вилоятида.

3. Ўзбекистон Республикасида қандай миллий боғлар мавжуд?

а) Зомин, Бадай-тўқай;
б) Зарафшон, Нурота;
д) Бадай-тўқай, Зарафшон;
е) Нурота, Зомин.

4. Ўзбекистонда экотуризмни ривожлантириш Концепцияси қачон ишлаб чиқилган?

а) 2007 йилда;
б) 2005 йилда;

д) 2006 йилда;
е) 2004 йилда.

5. Ўзбекистонда нечта давлат қўриқхонаси мавжуд?
а) 11 та;
б) 9 та;
д) 10 та;
е) 8 та.

15-мавзу. ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Режа:

15.1. Гастрономия туризмининг турлари, ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари.

15.2. Ўзбекистонда гастрономия туризмини шакллантириш хусусиятлари.

15.1. Гастрономия туризмининг турлари, ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари

Ҳозирги вақтда гастрономия туризмининг ривожланиши «миллий иқтисодиётга ижобий таъсири, бандликни таъминлаш ва маданий мерос сифатида ҳар томонлама тавсиф» асосида БТТ нинг доимий назоратида ҳисобланади. БТТ экспертларининг тақдим этган маълумотларига биноан, «туризм соҳасидаги 30% харажатларни гастрономия туризми ташкил этиб, гастротуризм маҳаллий маданиятнинг асосий элементи ва ишлаб чиқаришнинг асосини ташкил этади, бунда асосий эътибор Буюк Ипак йўлидаги туристик йўналишларнинг туристик таклифларини такомиллашувини ва миллий ошхоналарни ривожлантиришга қаратилгандир»[78].

Саёҳатга чиқар эканмиз, биз ўз олдимизга одатда, қатор мақсадларни қўямиз, жумладан, Синай тоғларига кўтарилиш, Қадимги Миср ва Рим эҳромларини томоша қилиш ёхуд денгиз бўйида мириқиб дам олиш каби мақсадлар билан биргаликда, муҳими, асрлар давомида сақланиб келган маҳаллий миллий таомлар таъмидан баҳра олиш ва уларни тайёрланиш маданияти билан танишишдан иборат бўлади.

Гастрономик турларнинг мақсади – у ёки бу мамлакат ошхонасининг хусусиятлари билан танишишдан иборат бўлиб, бунда бир неча тансиқ таомларни татиб кўриш ёхуд кўплаб таомларни истеъмол қилиш эмас, балки юқорида таъкидлаганимиздек, асрлар давомида сақланиб келган маҳаллий рецептларни ва урф-одатларни ўзида жамлаган миллий таомлардан баҳра олиш ва уларни тайёрланиш маданияти билан танишишдан иборат бўлади.

---

[78] Данилов С. Туризм со вкусом узбекского плова. –Т., 2013.

Гастрономик саёҳат – бунда саёҳатчи у ёки бу мамлакат тўғрисидаги тушунчани изоҳлаш билан бирга, миллий таом орқали шу мамлакат халқининг руҳиятини ўрганади ва унинг менталитети ҳақида маълумот олади. Шундай қилиб, ***гастрономия туризми – бу мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш ҳамда келган туристларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади.***

Гастрономик тур хизмат сифатида нафақат саёҳат қилиш бўлиб ҳисобланади, балки дунёнинг бошқа бирор жойида такрорланмайдиган ва бетакрор таъмга эга бўлган масаллиқлардан таркиб топган, маълум бир ҳудуддагина учровчи таомларни татиб кўришга қаратилган тадбирлар мажмуига киради.

Гастрономия туризми турига қизиқиш йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бу қизиқиш кўпроқ Буюк Британия, Италия ва Перуда кенг оммалашиб, йилдан-йилга гастротуристик маршрутлар ишлаб чиққан мамлакатлар сони тобора ортиб бормоқда. Бундай қизиқишнинг ошиши туризмнинг бошқа турларини ҳам ривожлантиришга замин яратмоқда. Инсонлар дам олишининг бу турини ярим фабрикат маҳсулотларни истеъмол қилиш кўнглига урганидан сўнг, кўнгли истаган таомни асл ҳолида татиб кўришга интилиш, деб ҳам тушуниш мумкин.

Гастрономия туризми биринчи навбатда гурманлар, яъни мазали таом истовчилар учун жозибадор бўлиб, уларга тансиқ таом, бу нафақат егулик, балки кўтаринки кайфият бағишловчи лаҳзалар ҳисобланади. Иккинчидан, гастрономик саёҳатлар иш фаолияти овқат тайёрлаш ва танаввул қилишга бевосита боғлиқ бўлган касб эгаларини, хусусан, ресторан бошқарувчиларини, татиб кўрувчилар (дегустаторлар), ресторан танқидчилари каби инсонларни ўзига жалб қилади. Бу инсонлар ўзларини касбий маҳоратларини, билимларини ошириш ва кўникмаларини моҳирона бошқаришга йўналтириш мақсадида гастротурларга чиқишади. Шундан келиб чиқиб, гастрономик турларда энг моҳир бош ошпазлар (шеф-поварлар)дан иборат мастер-класслар бўлиб, бунда улар ўз касбий сирларини бажонидил баҳам кўришади. Ниҳоят, гастрономик турларда туристик компания вакиллари ўз тижоратини кенгайтириш мақсадида ҳам кулинар саёҳатларга чиқишади.

Бугунги кунда аҳоли қатламининг қуйидаги вакиллари гастрономик туристларни ҳосил қилади:



15.1.1-расм. Гастрономик туристларнинг таркиби.

Гастротурлар икки турга бўлинади: қишлоқ («яшил» деб номланувчи) ва шаҳар гастротурларига бўлинади. Бунинг ўзига хос фарқи шундаки, қишлоқ жойига саёҳатга чиқаётган турист экологик тоза маҳсулотни татиб кўришга йўналтирилган. Масалан: «яшил» турларда ўрмонларда ўсиб турган ёввойи меваларни йиғиш, далаларда ўсиб ётган мева ва сабзавотларни йиғиш, рухсат берилган жойларда ов ва вино ишлаб чиқариш йўллари бўйлаб саёҳатни таклиф қилади.

Шаҳар гастротурлари кондитер фабрикасига саёҳатни ёки кичик колбаса цехи, шу цех қошида жойлашган ресторан ва шу ерда тайёрланадиган тансиқ таом цехи маҳсулотлари билан таништирилади.

Бундан ташқари, бизларга бир ҳудуднинг турли хил таомлари ва бир хил таомни турли хил мамлакатларда тайёрланиши билан ҳам айнан шу гастротурлар таништиради. Бу жуда ҳам машҳур бўлган француз ва болгар винолари тури бўлиб, сайёҳларни узум ишкомлари бўйлаб саёҳатга, узум йиғишга ва винолар татиб кўриш (дегустацияси)га чорлайди.

Голландия, Швейцария ва Италияга пишлоқли турларда саёҳатчилар пишлоқларни энг сара навини татиб кўриши ва пишлоқли ярмаркаларга ташриф буюриши мумкин. Германия, Австрия, Чехия, Бельгия бўйлаб пиво турларида бу ичимлик ишқибозларига пивонинг турли хиллигидан ташқари, пиво тайёрланиш хоналари, машҳур пиво барлари ва фестивалларга ташрифи билан ҳам ажралиб туради. Шуни таъкидлаш жоизки, ҳар бир давлатни ўзига хос гастротуризм салоҳияти мавжуддир.

Зеро, ҳар бир давлатнинг ўзига хос миллий ошхонаси ва унда бошқа бир мамлакатда такрорланмайдиган, асрлар оша сақланиб келаётган, ўзининг такрорланмас меҳмондўстлиги ва миллий таомлари бўлган ошхонаси мавжуддир. Масалан, Японияда туристлар гид-бошловчи ёрдамида уларнинг миллий таоми бўлган «суши»ни тайёрлаш учун маҳсулотлар харид қилишади ва туристлар кўз олдида машҳур бош ошпазлар (шеф-поварлар) томонидан «суши» тайёрланади. Паста Италия сарҳадларидан чиқиб келган жуда ҳам оддий таом бўлиб кўрингани билан, кулинар саёҳатда турист бу таомни турли хиллиги, унинг такрорланмас таъми ва бир хил рецептда турли хил ошпазлар томонидан тайёрланган пастанинг мўъжизавий таъми билан танишади ҳамда уни бир-бири билан қиёслайди.

Ўзбекистонда ҳам турбизнеснинг бу йўналиши бўйича афзалликларини тушунаётган турфирмалар сони тобора кўпаймоқда. Бизда асосан «яшил гастротуризм» кенг ривожланади, чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрда «Умумий овқатланиш ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича» қарори [79] га асосан Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси қошида миллий ошпазлик санъати халқаро Маркази ташкил этилди. Ушбу қарор билан унинг ваколати кенгайтирилди ҳамда мустаҳкамланди. Узоқ тарихга эга анъаналарнинг борлиги ва миллий таомларнинг турлитуманлиги ўзбек ошпазчилигининг хорижий мамлакатларда кенг оммалашишига олиб келиши ушбу ҳужжатда ўз аксини топган. Бунинг учун бизда мавжуд қадимдан шаклланган, экологик тоза ва инсон организмини тетик қиладиган миллий таомларимиз дегус-

[79] "Umumiy ovqatlanish tashkilotlarining faoliyatini yanada takomillashtirish va xodimlarining kasbiy darajasini oshirish chora- tadbirlari to‘g‘risida" O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yildagi 289-sonli qarori.

тациясини ташкил қилиш лозим бўлмоқда. Бунда антиқа миллий таомларимиз орқали гастрономия туризмини қишлоқ туризми билан боғлаш имконияти яратилмоқда. Дарҳақиқат, вилоятларда жойлашган қишлоқларда фақат шу жойга хос бўлган миллий таомлар мавжуд бўлиб, унинг мазаси ва таркиби бошқа вилоят қишлоқларида такрорланмайди. Айнан шу жиҳати билан бундай таомлар хорижий туристлар ва маҳаллий аҳоли учун ҳам мазали ҳисобланади.

15.2. Ўзбекистонда гастрономия туризмини шакллантириш хусусиятлари

Пазандачиликда ҳар бир халқнинг урф-одатлари, тарихий анъаналари ва ўзига хос хусусиятлари акс этади. Мана шу ўзига хослик миллий ошхоналарда ажойиб таомларнинг юзага келиши ва турли-туман бўлишига ҳам сабаб бўлади. Барча таомларимизнинг мазали ва хуштаъмлилик даражасига кўтарилишида қуёшли ўлкамиз заминида етиштириладиган деҳқончилик маҳсулотларининг хилма-хиллиги муҳим аҳамият касб этади. Дастурхонимизнинг ўзига хос хусусиятларини тўла намоён этадиган омиллардан бири – таомларимизнинг турли-туманлигидир. Чунончи, чорвачилик билангина шуғулланадиган жойларда гўшт-ёғ, сут-қатиқ кўпроқ истеъмол қилинса, деҳқончилик ривожланган ҳудудларда эса сабзавотли, дон-дуккакли овқатлар асосий ўрин олади. Шундай таомлар борки, буларни кундалик истеъмол учун эмас, балки байрам дастурхонларига мўлжаллаб, азиз меҳмонлар учун тайёрланади. Қази-қарта, пўстдумба ўрамаси, тандир кабоб, норин, хасип каби тансиқ таомлар шулар жумласига киради.

Бир ҳудудда яшаётган турли миллатлар ва элатларнинг таомлари бир-бирига ўхшаши табиий ҳолдир. Масалан, агар ўзбек таомномасига назар ташлайдиган бўлсак, унда рус, тожик, украин, кавказ, татар, қозоқ, уйғур ва бошқа халқлар таомларининг ўнлаб хиллари уйғунлашиб, тобора такомиллашиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Ўз навбатида, паловларимиз, суюқ ошларимиз, хамир таомларимиз қардош халқларнинг дастурхонини ҳам безаб турибди.

Халқимиз пазандачилигида йилнинг маълум фаслларидагина дастурхонга тортиладиган таомлар ҳам бор. Масалан, баҳорда

қаймоқ қўшилган редискали газак, шовул шўрва, сумалак, халим, кўк чучвара, кўк сомса, коваток палов (ток оши), қовурма гулкарам, ялпизли мошхўрда истеъмол қилинади. Ёзда эса помидор кабоб, карам дўлма, думбил шўрва, қалампир дўлма, лағмон, қатиқли угра оши, сузмали газак, чалоп, гўжа оши, буғлама кабоб, гўштли димлама, сабзавотли димламалар, айрон, яхна чой, мева компотлари ва ҳоказолар хуш келади. Кузда қовурма балиқ, лаққа кабоб, барра гўшт, калла шўрва, бедана кабоб, беҳили палов, картошкали манти, асалли беҳи, кесма лағмон, ошқовоқ сомса кабилар кўпроқ дастурхонлардан аримайди. Аёзли кунларда қази-қарта, пўстдумба, қўй ёғли палов, карт думба палов, қазили палов, барра кабоб, турпли салат, қовурма шўрва, мошкичири, қишга сақланадиган мевалар, уларнинг мураббо, компот, қоқилари, сиркаланган ва тузланган сабзавотлар истеъмол қилинади.



15.2.1-расм. Ўзбек миллий таомлари.

Ўзбекистон шароитида гастрономия туризмини шаклланти-ришдаги миллий таомларнинг турлари қуйидаги 15.2.1-жадвалда берилган.

15.2.1-жадвал

Гастрономия туризмини шакллантиришдаги миллий таомларнинг турлари

№	ТАОМ НОМИ	ТАЙЁРЛАШ ҲУДУДЛАРИ	ИЗОҲ
1.	**Атала**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади. (сут атала, ун атала, кўк атала)	Атала – юртимиздаги энг қадимий таомлардан бири ҳисобланади. Қадимдан ота-боболаримиз аталани қувват бағишловчи даривор таом сифатида истеъмол қилишган. Бу таом тўйимлилиги билан бир қаторда, ошқозон касалликларига даво ҳисобланади.
2.	**Қуртоба**	Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Самарқанд, Бухоро вилоятларида тайёрланади.	Қуртоба – энг қадимий таомларимиздан бири ҳисобланади. Бу таом деярли барча хонадонларда тайёрланган. Чунки қуртоба инсон организмига ниҳоятда фойдали, танани қиздирувчи ва қўшимча қувват берувчи таом.
3.	**Ширчой**	Бу таом ҳам юртимизнинг барча вилоятлари дастурхони нонуштасига тайёрланади.	Ширчой – ҳам қадимдан халқимиз орасида энг машҳур таомлардан биридир. Чунки бу таом осон тайёрланиши билан бирга енгил ҳазм бўлувчи таом ҳисобланади. Ошқозон, буйрак ва юрак касалликларига даво. У ўзининг баданга тез сингиши, кўп қувватлилиги билан машҳур.
4.	**Ғилминди**	Сурхондарё ва Самарқанд вилоятининг Булунғур, Қўшработ туманларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол,	Ғилминди – қадимдан ота-боболаримиз далада ишлаб ҳолдан тойганларида, шунингдек, мўътабар меҳмонларга тайёрлаб берилган. Чунки халқимиз орасида жуда кучли таом ҳисобланади. Бу таомни фақатгина устасигина маромига етказиб тайёрлаши мумкин. Тайёрлаш усули мураккаблиги

15.2.1-жадвалнинг давоми

		Бахмал, Зомин туманларида маромига етказиб тайёрланади.	боис, халқимизнинг барча хонадонларида ҳам тайёрланмайди. Таом кам қувватлиларга тавсия этилади. Енгил, иштаҳани очувчи, кишини узоқ муддат тўқ тутиш хусусиятига эга.
5.	**Юпқа**	Сурхондарё ва Самарқанд вилоятининг Булунғур, Қўшработ туманларида, Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманларида маромига етказиб тайёрланади.	Юпқа – халқимизда қадимда асосан қиш ойлари жуда совуқ келганда, оиладагилардан бири қаттиқ шамоллаганда тайёрланган. Жангларда аскарларга ҳам айнан шу таом кўпинча тайёрлаб берилган. Бу таом ниҳоятда кучли таом ҳисобланади. Ҳамма организм ҳам бу таомни кўтара олмайди. Фақат кучли организмли инсонларгина бу таомни истеъмол қила олади.
6.	**Гўжа**	Юртимизнинг тоғ олди туманларининг барчасида тайёрланади.	Гўжа – халқимизнинг ёзнинг иссиқ ойларида чанқоқбосди таом сифатида истеъмол қилинадиган таоми ҳисобланади. Сутли гўжа Тошкент ва Фарғона водийси томонларда тайёрланади. Бу таом жўхори, маккажўхори ва буғдой етиштириладиган жойларда кўпроқ тайёрланади. Ушбу таом ҳолсизликнинг олдини олади.
7.	**Тандир кабоб**	Сурхондарё, Қашқадарё ва Жиззах вилоятининг тоғли туманларида тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг энг севимли таоми сифатида истеъмол қилинади.
8.	**Кулчатой**	Юртимизнинг барча туманларида тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг энг севимли таоми сифатида истеъмол қилинади. Кўпинча меҳмонлар таоми деб юритилади.

15.2.1-жадвалнинг давоми

9.	**Мош-кичири**	Юртимизнинг барча туманларида айниқса, Тошкент вилоятида тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг энг севимли таоми сифатида истеъмол қилинади, парҳез таоми турига киради.
10.	**Мошхўрда**	Юртимизнинг барча туманларида айниқса, Тошкент вилоятида тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг энг севимли таом сифатида истеъмол қилинади. Айниқса, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари аҳолиси севиб истеъмол қиладиган таом ҳисобланади.
11.	**Угра палов**	Самарқанд вилояти ва унга яқин жойларда тайёрланади.	Самарқанд вилояти ва унга яқин жойлар аҳолисининг энг севимли таоми сифатида истеъмол қилинади.
12.	**Сумалак**	Юртимизнинг барча туманларида тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолиси баҳор фаслида пиширадиган миллий таоми сифатида қадрланади. Бу таом инсонларга куч-қувват бағишлайди. Мусулмон дунёсида Наврўз таоми деб юритилади.
13.	**Нишолда**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Нишолда ота-боболаримиздан қолиб келаётган, тўй ва маракаларда тортиладиган ширинликлардан бири бўлиб, ҳозир ҳам истеъмол қилинади. Нишолда оппоқ пиёлага солиб қўйилса дастурхонни безатади, ҳазм қилиш хусусияти кучли.
14.	**Холвайтар**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг севимли ширинликлари сифатида истеъмол қилинади. Аҳоли орасида машҳур ширинлик бўлиб, кўпинча тўй ва маъракаларда пиширилади.

15.2.1-жадвалнинг давоми

15.	**Қатлама**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Ўзбекистоннинг барча вилоятлари аҳолисининг севимли нон маҳсулоти сифатида истеъмол қилинади. Аҳоли орасида машҳур нон маҳсулоти бўлиб, кўпинча тўй ва маъракаларда пиширилади.
16.	**Норин**	Юртимизнинг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятлари ҳудудларида тайёрланади.	Сумалак ва халимдан (халиса) кейин энг узоқ тайёрланадиган таомлардан бири, таомдаги турли-туман маза-таъм ҳозиргача нориннинг довруғини, сирлилигини сақлаб келмоқда.
17.	**Хасип**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Бу таом ҳам халқимизнинг энг севимли таомларидан бўлиб, асосан сўйилган молнинг калла-оёқлари, ошқозон ва ичакларидан тайёрланади ҳамда тўйимли, қувват бағишловчи таом ҳисобланади.
18.	**Қийма кабоб**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Бу таомнинг довруғи бутун мамлакат ва ҳаттоки хорижлик меҳмонларга ҳам етиб борган. Ўзининг пиширилиш жараёни, таъми, кўриниши ҳар қандай кишининг иштаҳасини очади.
19.	**Чалоп**	Юртимизнинг барча жойларида, турли усулларда тайёрланади.	Юртимизнинг ҳамма вилоятларида, айниқса, ёз мавсумида тайёрланиб истеъмол қилинадиган асосий суюқ таом ҳисобланади. Чалоп иссиқ кунларда иштаҳа очувчи ва тез ҳазм қилувчи таомдир.
20.	**Тухум барак (хоразмча таом)**	Юртимизнинг Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида тайёрланади.	Тухум барак асосан Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида тайёрланадиган таом бўлиб, миллий ошхонамизда қадимийлигига ва муҳлисига эга бўлган қувват бағишловчи мазали таомлардан ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда Узбекистан.уз, Ресторан.уз портали билан ҳамкорликда «Ўзбекистон гастрономия туризми» номли янги лойиҳа фаолият кўрсатмоқда. Бу билан мамлакатимиз ошпазлик маҳоратининг таомлардаги хилма-хиллиги ва маҳаллий хусусиятларга тегишли эканлиги, оддий ва қадимийлиги, ҳудудлардаги илғор тажрибалар билан халқаро туризм бозорига кириб боришига имконият яратади.

Таянч сўз ва иборалар: гастрономия туризми, «яшил гаст-ротуризм», маҳаллий ошхона, маҳаллий таом турлари, гастрономия туризмини ривожлантириш истиқболлари. ошпазлик маҳорати, миллий таомларнинг турлари.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Ўзбекистонда гастрономия туризмини ривожлантириш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим бўлади?
2. Гастрономик турларнинг мақсади нимадан иборат?
3. Аҳоли қатламининг қайси вакиллари гастрономик туристларни ҳосил қилади?
4. Гастрономия туризмининг қандай турларини биласиз?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Сиз яшаб турган шаҳар ёки туманингизда шу ҳудудга тегишли бўлган қандай маҳаллий таомларни биласиз? Санаб беринг ва тавсифланг.
2. Қайси маҳаллий таомга хорижий туристларни жалб қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин?

Тест саволлари

1. Гастрономия туризми бу...

а) мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб саёҳат қилиш ҳисобланиб, мақсади маҳаллий ошхона хусусиятлари билан танишиш ҳамда келган сайёҳларга антиқа таом ва маҳсулотлардан татиб кўришга имкон яратади;

б) пишлоқли турларда саёҳатчилар пишлоқларни энг сара навини татиб кўриши;

д) гастрономик саёҳатларнинг иш фаолияти овқат тайёрлаш ва тановул қилиш;

е) таомлар хорижий туристлар ва маҳаллий аҳоли учун жозибадор турлар ишлаб чиқиш.

2. БТТ экспертларининг тақдим этган маълумотларига биноан туризм соҳасидаги харажатларнинг неча фоизини гастрономик туризм ташкил этади?

а) 30%

б) 20 %

д) 26%

е) 35%

3. Гастрономик турларни ташкил қилишдан мақсад...

а) асрлар давомида сақланиб келинган маҳаллий ресептларни ва урф-одатларни ўзида жамлаган миллий таомлардан баҳра олиш ва уларни тайёрланиш маданияти билан танишишдан иборат;

б) бир неча тансиқ таомларни татиш ёхуд кўплаб таомларни истеъмол қилиш;

д) у ёки бу ҳудуд ошхонасининг хусусиятлари билан танишиш;

е) у ёки бу давлат ошпазларининг фаолиятини ўрганиш.

4. Қишлоқ ва шаҳар гастротурларининг бир-биридан фарқи нимада?

а) экологик тоза маҳсулотни татиб кўришга йўналтирилган;

б) таомлар ассортиментини кўриш ва улардан баҳра олиш;

д) у ёки бу миллат ошхонасининг хусусиятлари билан танишиш;

е) ўзга халқлар ноодатий таомларини истеъмол қилиш.

5. Ҳозирги кунда қайси давлатларда гастрономия туризм турига қизиқиш ортиб бормоқда?

а) Буюк Британия, Италия;

б) Канада;

д) Малайзия;

е) Ўзбекистон.

16-мавзу. ХОРИЖДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ[80]

Режа:

16.1. Жаҳонда қишлоқ туризмининг шаклланиш жараёни.

16.2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг халқаро моделлари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш.

16.3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа давлатларининг дастурлари.

16.1. Жаҳонда қишлоқ туризмининг шаклланиш жараёни

XX асрнинг иккинчи ярмидан инсониятнинг тарихий-маданий бойлиги ва табиат ресурсларини асраб-авайлашнинг муҳимлиги кенг жаҳонда эътироф этила бошланди. Натижада қишлоқ туризми жадал суръатлар билан ривожлана бошланди. Ҳозирда туристларнинг маҳаллий аҳоли билан танишуви ва мулоқотга кириши, дўстлашуви, қишлоқ ҳаёти билан ҳамнафас бўлиш, қишлоқ хўжалик ишлари билан шуғулланиш, қишлоқ табиати бағрида дам олиш, спорт билан шуғулланиш туризмда қишлоқ туризмининг имкониятлари катта эканлигини исботлайди. Сўнгги йилларда қишлоқ туризмининг кўп фаолиятлилиги натижасида дунёда унинг оммавийлигини тобора ошириб, кучайтириб бормоқда. Қишлоқ туризмини экологик туризмнинг бир тармоғи деб талқин қилувчилар ҳам ўзларини ҳақ деб билишади. Экологик туризм кўп ҳолларда табиат бағрида жойлашган қишлоқларда юз беради ёки туристлар туристик хизматларни экотур вақтида қишлоқ аҳолисидан сотиб олишади. Жаҳон илмий адабиётида экологик туризмнинг номланишига эътибор берсак, бу ҳолатни тезда илғаб оламиз:

- юмшоқ туризм (Soft Tourismus);
- тоғ туризми (Mountain Tourismus);
- табиат туризми (Nature Tourismus);
- ёввойи туризм (Wilderness Tourismus);
- яшил туризм (Green Tourismus);
- саргузашт туризми (Adventure Tourismus);
- қишлоқ туризми (Agro Tourismus);

[80] SamISI “Xalqaro turizm va turizm servisi” kafedrasi katta o‘qituvchisi R.Xayitboyevning ilmiy tadqiqotlari asosida tayyorlandi.

- экотуризм (Ecotourismus).

Қайд қилинган туризмнинг барча турлари ҳам, номланиши ҳам албатта, табиат ва унинг ресурсларини эслатиб туради. Қайд қилинган талаблардан маълум бўладики, қишлоқ туризми кўп фаолиятлилиги жиҳатидан экотуризмдан анча фарқ қилади. Қишлоқ туризмида туристлар қишлоқ аҳолиси (фермер, деҳқон, чўпон) билан бирга яшайди, кўп ҳолларда бирга ишлайди, уларнинг турмуш кечириши, ҳаёт тарзи билан қизиқади. Шу жиҳатлардан ҳам қишлоқ туризмини экотуризмга қўшиш нотўғри хулосаларни келтириб чиқаради.



16.1.1-расм. Қишлоқ туризми.

Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини ўрганишдан қуйидаги хулосалар келиб чиқади:

1. Қишлоқ туризми янги иш ўринлари билан таъминлашда катта имкониятларни яратади.

2. Табиат ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги технологияларини жалб қилади.

3. Қишлоқ туризми экологик тоза озиқ - овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишни таъминлайди.

4. Қишлоқ туризми табиат муҳофазасида инвестициялар киритишни ва қишлоқда хизматлар сервисини такомиллаштиради.

5. Қишлоқ туризми қишлоқларда маҳаллий аҳолининг ижтимоий - иқтисодий даражаларини ўстиради.

6. Қишлоқ туризми маҳаллий маҳсулотлар, ҳунармандчиликка кенг йўл очади.

7. Қишлоқ туризми табиатни муҳофаза қилувчи маҳаллий бошқарувни ривожлантиради ва маънавий, моддий жиҳатлар бўйича рағбатлантиради.

8. Қишлоқ туризми халқлар ўртасида ҳамдўстлик алоқаларини юзага келтиради.

9. Қишлоқ туризми туристик ресурсларни муҳофаза қилади, таъмирлайди ва ободонлаштиради.

10. Қишлоқ туризми инсонларни руҳий, жисмоний жиҳатдан дам олдиради.

11. Қишлоқ туризми деҳқончилик, боғдорчилик ва чорвачиликни ўргатади, бу соҳаларнинг маҳсулотларидан манфаатдор бўлишни таъминлайди.

16.2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг халқаро моделлари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш

Жаҳонда қишлоқ туризмини ташкил қилишнинг анча мукаммал моделлари Европа давлатларида ишлаб чиқилгандир. Бу моделлар деярли бир - бирига ўхшамайди. Энг муҳими, қуйида қайд қилинган моделлар ҳозирда Европа давлатларида муваффақият билан ишламоқда ва жаҳондаги кўплаб давлатлар бу моделлар асосида ўз мамлакатларида қишлоқ туризмини ривожлантирмоқда.

Британия моделида асосан қишлоқ туризмида туристларни жойлаштиришга кўпроқ эътибор берилган. Бошқа жиҳатлар эса Европадаги давлатлар тажрибасидан олинган.

Туристларнинг оммавийлашган, улар яхши кўрадиган яшаш тарзи 3 типга бўлинади:

1. Фермернинг уйида яшаш ва унинг оиласи билан фақат нонушта қилиш. Бу шароитда фермер билан, унинг оила аъзолари билан дўстона алоқаларни бошлаш имкониятлари, шароитлари юзага келади.

2. Алоҳида бинода, қисман қулайлик шароитида ўз - ўзига хизмат қилиш билан яшаш.

3. Атрофлари ўралган, ўртача 8 – 15 туристни жойлаштирадиган бинода, ўз - ўзига хизмат қиладиган шароитда яшаш.

Учинчи вариант Британия моделида жуда даромадли ҳисобланади. Бир кунлик тунаш ҳар бир турист учун 10 евро миқдорида. Бу вариантнинг даромадлилигининг асосий сабаби ёшларга ва гуруҳларга мўлжалланганлигидадир. Бу шароитни ўқувчилар ва айниқса, талабалар маъқул кўришади. Шу билан бирга, Британия моделида қишлоқда жойлашишнинг 3 хил даражаси бор: люкс – пулдорлар учун махсус қурилган уй, ўртача бойлар учун махсус қурилган ҳовли ва юқоридаги 3 та шароитли яшаш тарзи.

Британия моделида яна бир муҳим хизматлар борки, қишлоқлардаги тадбиркорлар туристлар учун маҳаллий аҳамиятга эга бўлган миллий ва спорт ўйинлари, болалар учун пони (пакана) отда сайр, отларда сайр, голф ўйинларини ташкил қилишади. Шунинг учун ҳам шаҳарликлар баҳор ва ёз ойларида қишлоқларга шошиладилар.

Британия моделидаги яна бир муҳим жиҳатлар шундан иборатки, ота - оналар болаларини экологик маданият, билим руҳида тарбиялаш учун ҳам болаларини қишлоқларга олиб боришади ва қишлоқ тадбиркорлари махсус тайёрлаган майдончаларда (оғил, молхона) чорва молларининг бир - икки ойлик улоқчалар, бузоқчалар, қўзичоқлар билан бирга ўйнашади, қуёнларга, қушларга овқат, дон беришади. Бу жараёнларда болаларда ҳайвон ва паррандаларга меҳр туйғулари ҳосил бўлади.

Франция модели. Франция жаҳонда қишлоқ туризмини ривожлантирган биринчи мамлакат ҳисобланади. Бу давлат XX асрнинг ўрталарида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиққан эди. Ҳозирга келиб қишлоқ туризми Франциянинг барча департаментларида яхши ташкил қилинган. Франция моделида қишлоқ туризми анча мураккаб ва махсус ихтисослаштирилган. Мамлакатнинг жанубида қишлоқ – чўмилиш пляж туризми инфратузилмалари етарли даражада яратилган. Бундай қишлоқларда туристлар учун махсус коттеджлар қурилган. Марказий ҳудудларда агротуризм яхши ривожланган. Бу ердаги қишлоқларда туристлар учун кичик уйлар барча шароитлари билан туристларнинг ихтиёрига берилади. Чунки фаранглар овқатни ўзлари тайёрлашни хуш кўришади.

Франция вино ва гастрономия туризми бўйича ҳам жаҳонда олдинги ўринларда туради. Бу туризмда асосан бой туристлар дам олишади. Улар қишлоқ уйларда жойлашиб, кунига уч маҳал (тўлиқ пансион) овқатга буюртмалар беришади ва бу овқатларнинг тайёрланиш жараёнларига қатнашадилар.

«Вино туризми» шаҳарлик фаранглярнинг энг яхши кўрган қишлоқ хўжалик туризми йўналишига киради. Маълумки, фаранглар энг кўп вино ичадиган халқлардир. Вино туризмидаги туристлар винонинг таъмини синаб кўришга қатнашадилар, шампан виносидаги фарқни билиш учун кўплаб виночилик хўжаликларига боришади, вино тайёрлашни ўрганишади, винони меҳмонларга узатишни машқ қилишади, винонинг навларини тўплаб, уйларига олиб кетишади.

Кўплаб туристлар қадимий қалъалар, тарихий ибодатхоналар, археологик топилмалар жойлашган қишлоқларда бир неча кун қолиб кетишади. Улар қишлоқ уйларида жойлашиб, пиёда сайрга чиқишади, ибодатхоналар, тарихий жойларни ўрганишади ва овқатланишга тўлиқ ҳақ тўлашади, ўзлари овқат тайёрлашмайди. Алп тоғларидаги қишлоқлар эса асосан чанғи спорти ҳаваскорларига туристик хизматлар кўрсатишади.

Германия модели. Германияда қишлоқ туризмини фермер туризми деб номлашади. Табиийликка интилган немислар имкони борича қишлоқлардаги эски уйларда яшашга интиладилар. Шунинг учун ҳам немислар қишлоқларда замонавий қулайликларга эга бўлган уйларни қуришмайди. Немис туристлари қишлоқларда дам олишда ерда ишлаш, ҳайвонларни боқиш, маданий ўтиришлар, суҳбатлар ва балиқ овлашга қизиқадилар.

Қишлоқ туризми ташкилотчилари асосан ёзги – таътил мавсумига тўғри келадиган халқнинг миллий байрамлари, миллий фольклор фестивалларига мослаб турмаҳсулот тайёрлашади, қишлоқларда халқаро кўргазмалар кўплаб ташкил қилинади. Масалан, «Oktoberfast» байрамига жаҳоннинг деярли барча мамлакатларидан туристлар келишади. Шунингдек, немис қишлоқларида 100 йиллаб ўз таркибини ўзгартирмасдан тайёрланаётган пиво ичимлиги байрамлари ҳам кўплаб уюштирилади.

Италия модели. Италияда қишлоқ туризми кўпинча деҳқон туризми деб аталади ва туристик дастурлар асосан 3 мавзуда тузилади ва ишлаб чиқилади:

1. Табиат ва соғлиқ.

2. Анъанавий гастрономия.
3. Спорт.

Қайд қилинган тур маҳсулотлар ишлаб чиқилган махсус, ихтисослашган қишлоқлар бор. Масалан, Къяний, Умбрия ва Ситсилия провинциялари фақат «табиат ва соғлиқ» йўналишига мойил туристларни қабул қилишади.

Виночилик туризми ҳам худди Франциядагидек, туристлар вино тайёрлаш учун боғбонга ёрдам беради, боғбон эса иш ҳаққига узум беради ва узумни ачитиш жараёни, узумнинг винога айланиш технологиясини ўргатади ва бошқалар.

Денгиз ёқасига асосан балиқ овлашга чиқувчи туристлар, Abruppoga – зайтун ёғига қизиқувчи туристлар ташриф буюришади.

Қишлоқ туризмида жойлашиш воситаларини танлаш таркиби қуйидагича: аппартаментларда – 44%, хона - апартаментларда – 22%, фақат хоналарда – 4 %. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда асосан Европа давлатларидаги моделларни келтиришимизнинг асосий сабаби шундан иборатки, дунёдаги кўплаб мамлакатлар ўзларида қишлоқ туризмини ривожлантириш учун ҳозирда асосан қайд қилинган моделларни жорий қилишмоқда.

Энг муҳими шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш учун ҳамкорликда «Қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегияси ва дастури», «Қишлоқ туризми бозорида таклифлар ва талабларнинг ўзгариш истиқболлари»ни ишлаб чиқдилар. Ушбу ҳамкор дастурлар асосида Буюк Британия давлати қишлоқ туризмида 450 минг янги иш ўринларини ташкил қилди.

Қайд қилинганлардан хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа моделларини яхши ўрганишимиз, бу моделлардан қишлоқларимизда фойдаланиш имкониятларини ўрганишимиз ҳамда қишлоқ туризмини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишимиз керак бўлади.

Қишлоқ туризми ривожланган Европа давлатларининг тажрибаларидан маълум бўлдики, ушбу давлатлар қишлоқ туризмини ривожлантиришга бундан 50 йил олдин киришган. Дунёда қишлоқ туризми ривожланиши бўйича биринчи ўринда турувчи Франция давлатининг қишлоқ туризмини ривожлантириш моделини, Буюк Британя моделини, Германия моделини ва Италия моделини қишлоқ туризмини халқаро моделлар деб тан олинишининг сабаби ҳам шунда.

Энди Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш учун қайд қилинган моделларнинг қайси бири қулайроқ? Бу моделларнинг тузилиши ва ишлаш тамойилларини ўрганганимизда уларнинг барчасини қишлоқ туризмини ривожлантиришимиз учун қўллаш ҳеч қандай муаммоларни келтириб чиқармайди, шу билан бирга, осон ҳам. Чунки қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги асосий манба – туристик ресурсларнинг хилма - хиллиги бизда юқорида қайд қилинган Европа давлатларидагидан ҳам кўп.

Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш учун, дастлаб қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг мақсади ва вазифаларини белгилаб олишган, сўнгра қишлоқ туризмини ривожлантиришга жавоб берувчи, давлат ваколатини олган ташкилот тузишган (масалан, Францияда – «Туризм ва қишлоқ ерлари ассоциацияси»; Британияда – «Британия туристик кенгаши» ва «Қишлоқ ерларини ривожлантириш агентлиги»; Австрияда – «Австрия фермерлик туризми ассоциацияси» ва бошқалар).

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришдаги дастлабки босқичда қишлоқ туризмини ташкил қилиш ва бошқаришнинг ташкилий - иқтисодий механизмларини ишлаб чиқиш лозим. Иккинчи босқичда эса ана шу ташкилий - иқтисодий механизмлар асосида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг ҳуқуқий - меъёрий қонунларини ишлаб чиқиш мақсадли йўналиш бўлади. Учунчи босқичда мамлакатимизда туризмни ривожлантиришнинг ҳуқуқий - меъёрий қонунларига асосланиб, қишлоқларимиздаги туристик ресурсларимизни рўйхатга олишимиз, уларнинг реэстрларини тайёрлашимиз, фойдаланиш имкониятларини ҳисоблаб чиқишимиз, туристик объектларда туристик инфратузилмалар ва туристик маршрутлар яратишимиз лозим бўлади.

Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожланишини башоратлашда ва истиқболли стратегик режалар ишлаб чиқишда доимий равишда ижтимоий сўров ўтказишади. Европа Иттифоқининг статистик маълумотлари бўйича 30 % аҳоли қишлоқ туризмида дам олиш истагини билдиришган.

Ижтимоий сўров ўтказишдан олдин албатта қишлоқ аҳолиси ўртасида қишлоқ туризмининг моҳияти, мазмуни, мақсади ва вазифалари бўйича жиддий ташкилий ишларни амалга ошириш талаб қилинади.

16.3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа давлатларининг дастурлари

Қишлоқ туризмини ривожлантиришда жаҳоннинг кўплаб давлатлари Европа моделидан, дастурларидан, стратегик режаларидан нусха олмоқдалар. Чунки ҳозирда қишлоқ туризми асосан Европа давлатларида мукаммал, барқарор ривожланмоқда. Бундай ютуқларнинг бош сабаби шундаки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантиришда ўзаро ҳамкорликни, ҳамдўстликни яхши йўлга қўйганлар. Европа ҳамкорлиги натижасида қишлоқ туризмини ривожлантириш мақсадида «Умумевропа «Лидер» дастурини» ишлаб чиқдилар.

Дастурнинг лойиҳалари «Европа Иттифоқи» фондидан молиялаштирилади. Дастур лойиҳалари бўйича Европадаги давлатларнинг 2000 та минтақасида қишлоқ туризми мақсадли стратегик режа бўйича ривожланмоқда. Ҳозирга келиб маълумки, Европа давлатлари қишлоқ туризмини ривожлантириш ва ундан даромадлар олиш бўйича жаҳондаги мамлакатлар ичида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқдалар.

Жадвалдаги маълумотлардан Европа мамлакатларида қишлоқ туризмининг ниҳоятда ривожланиб бораётганлигини кўрамиз. Бу ҳолатнинг асосий сабаблари қуйидагилардан иборат:

1. Европа давлатлари ўзаро ҳамкорликда ҳар бир мамлакатда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг стратегик режаларини ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.
2. Европа давлатларида қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа Иттифоқининг «Умумевропа «Лидер» дастури» муҳим роль ўйнайди ва бу дастур лойиҳаларини «Европа Иттифоқи» молиялаштиради.
3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда асосан ноқулай ерларни ўзлаштириш, иқтисодий ҳолати қониқарсиз ривожланаётган ҳудудлар эътиборга олинади.
4. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда чегарадош давлатлар ўхшаш дастурларни қабул қилади.
5. Қишлоқ туризмини ривожлантиришга давлат кредитлар ва дотациялар ажратади, хусусий инвесторлар ёрдам беради.

16.3.1-жадвал

Европа давлатларининг қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича дастурлари

Маҳаллий	Қишлоқ туризмини ривожлантиришга асослар	Асосий вазифалар	Асосий инструментлар	Молия-лаш-тириш ман-балари	Қишлоқ туризмининг аҳамияти
Буюк Британия	1. Келгусида қишлоқ хўжалик ерларининг олиб қўйилиши хавфи. 2. Қишлоқ жойларида қадим маданият ёдгорликларнинг борлиги.	1. Фермерлик туризмини ривожлантириш. 2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда нотекисликни йўқотиш.	Қишлоқ туризмини ривожлантириш дастурини кредитлаш, дотациялаш, туристик ташкилотларнинг фермер манфаатларини ҳимоя қилиш.	Давлат ва хусусий инвес-торлар	Аграр ихтисослаш-тиришнинг альтернатив йўналиши.
Франция	1. Ноқулай ва кам-маҳсулдор ерларнинг борлиги. 2.Қишлоқ туризми нинг билиш, спорт ва даволаниш туризм лари билан қўшилиш имкониятларнинг борлиги.	1. Қишлоқ туризмини ривожлан-тириш даражала-рида ҳудудий фарқларни йўқотиш. 2. Гастрономия ва виночилик туризм-ларини ривожлантириш.	Шимоли - ғарбий департаментларнинг туристик маҳсулот-ларини ҳаракатга келти-риш; фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини якка тартибда қувватлаш.	Давлат ва хусусий инвес-торлар	Аграр ихтисослашт иришнинг альтернатив йўналиши.

16.3.1-жадвалнинг давоми

Германия	1. Алоҳида федерал вилоятларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш даражасидаги фарқлар (юқори, паст, ўрта). 2. Қишлоқ туризмининг билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиш имкониятлари борлиги.	Воқеалар, ҳодисалар, туризмлари базасида қишлоқ ва фермерлик туризмларини ривожлантириш.	Фермерлар ва уларнинг лойиҳаларини якка тартибда қувватлаш; туристик маҳсулотларни паст ривожланган вилоятларга йўналтириш.	Фермерларнинг ўзи, хусусий инвесторлар ва давлат (кам миқдорда)	Ривожланган вилоятларга қўшимча ихтисослик, собиқ ГДРнинг паст ривожланган вилоятларида аграр ихтисослаштириш альтернативаси.
Италия	1. Жанубдаги аграр раёнларнинг депрессив ҳолати. 2. Қишлоқ туризмининг чўмилиш-пляж, билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиш имкониятларининг борлиги.	Фермер ва гастрономия туризмларини ривожлантириш.	Коттежлар қурилиши ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш, қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинцияларга йўналтириш.	Давлат ва хусусий инвесторлар	Аграр ихтисослаштиришнинг альтернативаси

16.3.1-жадвалнинг давоми

Испания	1. Жанубдаги аграр раёнларнинг ривожидаги сустлик. 2. Қишлоқ туризмининг чўмилаш-пляж, билиш, спорт ва даволаниш туризмлари билан қўшилиш имкониятларининг борлиги.	Болалар лагерь тармоқларини ривожлантириш, қадимий тош қалъалар базасида меҳмонхоналар тизимини яратиш, гастрономия туризмини ривожлантириш.	Коттеджлар қурилиши ва қишлоқ уйларини тиклашни рағбатлантириш, қишлоқ туристик маҳсулотини жанубий провинцияларга йўналтириш.	Давлат ва хусусий инвесторлар	Аграр ихтисослаштиришнинг альтернативаси
Австрия	1. Қишлоқ туризмининг билиш, спорт, даволаниш туризмлари билан қўши-лиш имкониятларини борлиги.	Фермер туризмини ривожлантириш, туристлар ҳисобига фермерлар даромадини ошириш.	Қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича ихтисослашган ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш, солиқлар қарздорлигини пасайтириш.	Фермерларнинг ўзлари – хусусий инвесторлар	Аграр регионларни қўшимча йўналишларга ихтисослаштириш
Польша, Руминия	1. Аграр раёнларнинг депрессив ҳолати. 2. Қишлоқ жойларидаги бой рекреация ва экологик туризм	Жойлаштирш воситаларини такомиллаштириш, қишлоқ жойларида инфратузилма	Қишлоқ туризмини ривожлантирувчи деҳқон хўжалигини кредитлаш, деҳқонларни Европа стандартлари бўйича	Давлат (асосий маблағлар)	Аграр ихтисослаштиришнинг альтернативаси

16.3.1-жадвалнинг давоми

	ресурсларининг салоҳияти.	ларни ривожлантириш, деҳқоннинг тадбиркорлик маданиятини ошириш, қишлоқ туристик маҳсулотини ҳаракатлантириш.	хизмат кўрсатишга ўқитиш, қишлоқ жойларида транспорт тармоқларини яхшилаш		

6. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқлардаги барча имкониятлардан фойдаланилади.

7. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқликлар Европа стандартлари асосида хизматлар кўрсатишга давлат томонидан ўқитилади.

8. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда қишлоқ инфратузилмаларини яратиш, транспорт йўлларини яхшилаш, жойлаштириш воситаларини яратиш ишларига давлат маблағлар ажратади.

Таянч сўз ва иборалар: қишлоқ туризми, фермер туризми, қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг халқаро моделлари, қишлоқ туризмини ривожлантириш босқичлари, Европа давлатларининг дастурлари, стратегик режани ишлаб чиқиш.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Қишлоқ туризмини ривожлантириш минтақада қандай натижаларни бериши мумкин?
2. Жаҳонда қишлоқ туризмини ташкил қилишнинг қандай моделлари мавжуд?
3. Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантириш босқичлари нималардан иборат?
4. Европа мамлакатларида қишлоқ туризмини ривожланиш сабаблари нимадан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг қандай имкониятлари мавжуд? Ўзингизнинг яшаб турган ҳудудингиз мисолида қишлоқ туризмининг ресурслари бўйича тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. XX асрнинг ўрталарида қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг давлат дастурини ишлаб чиққан давлат қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) Франция;

б) Британия;

д) Австралия;
е) Германия.

2. Германия модели бўйича қишлоқ туризмининг ўзига хос жиҳатлари қайси қаторда кўрсатилган?

а) ерда ишлаш, ҳайвонларни боқиш, маданий ўтиришлар, суҳбатлар ва балиқ овлаш;
б) туристларни жойлаштиришга кўпроқ эътибор берилган;
д) вино ва гастрономия туризми;
е) табиат ва соғлиқ, анъанавий гастрономия, спорт.

3. Испания давлати қишлоқ туризмини ривожлантириш бўйича дастурида кўрсатилган асосий вазифалар нималардан иборат?

а) болалар лагерь тармоқларини ривожлантириш;
б) деҳқоннинг тадбиркорлик маданиятини ошириш;
д) воқеалар, ҳодисалар, туризм базасида қишлоқ ва фермерлик туризмларини ривожлантириш;
е) қишлоқ туризмини ривожлантириш даражаларида ҳудудий фарқларни йўқотиш.

4. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда қишлоқ туризмини ривожлантиришда қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши керак?

а) стратегик режа ишлаб чиқилиши керак;
б) туристик сиёсат олиб бориш керак;
д) жорий дастурлар ишлаб чиқилиши керак;
е) концепция ишлаб чиқилиши керак.

5. Италия давлатида қишлоқ туризми қандай номланади?

а) деҳқон туризми;
б) қишлоқ туризми;
д) агро туризми;
е) яшил туризм.

17-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА МАРКЕТИНГИ

Режа:

17.1. Хориждаги туризм соҳаси бошқарувининг моделлари.

17.2. Ўзбекистонда туризм мажмуасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси.

17.3. Туризм хизматлари соҳасида маркетингнинг назарий асослари.

17.1. Хориждаги туризм соҳаси бошқарувининг моделлари

Хориждаги туризм соҳаси бошқарувини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганишда давлат бошқарувининг учта моделини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин.

Биринчи модель марказлашган давлат маъмуриятининг йўқлигини назарда тутади, бунда барча масалалар бозор "ўз-ўзини ташкил этиш" тамойили асосида жойларда ҳал қилинади. Айрим мамлакатлар ҳукуматлари ушбу мамлакат туризми халқаро бозорда мустаҳкам ўрин эгаллаган ва у хорижий туристлар учун доимо сирли ва жозибали бўлганида ёки туристик бозор субъектлари нуфузли мавқени эгаллаганда шундай қарорларни қабул қилади. Бундай ҳолда туристик бозор субъектлари, яъни турфирмалар ўз муаммоларини давлат иштирокисиз мустақил ҳал қила оладилар ва улар бутун миллий бозор манфаатларига эга ва мустақил реклама акцияларига қодир бўлишганда, шундай қарорлар қабул қилиши мумкин. Туризм индустриясининг бундай бошқариш моделидан АҚШда фойда-ланилган (1997 йилда АҚШда туризм билан шуғулланувчи ВСТТА давлат тизимига барҳам берилган).

Иккинчи модель бутун соҳа фаолиятини назорат қилувчи кучли ва нуфузли вазирликнинг бўлишини тақозо этади. Бундай бошқарувни амалга ошириш учун маълум шарт-шароитлар талаб қилинади, жумладан, туризм индустриясига, реклама ва маркетинг фаолиятига, туристик инфратаркибга катта маблағлар сарфлаш лозим бўлади. Ушбу модель бўйича туристик соҳани бошқариш Туркия, Миср, Тунис каби туризмга мамлакатга валюта кириб келишининг асосий манбаларидан бири сифатида қарайдиган давлатларда жорий қилинган.

Учинчи модель Европа давлатларида қўлланилиб, мамлакат туристик фаолиятини ривожлантириш масалалари маълум бир кўп тармоқли вазирлик томонидан ҳал қилинади. Масалан, Ғарбий Европада бу фаолият билан кўпроқ иқтисодий йўналишдаги вазирлик шуғулланади. Давлат бошқарувининг бундай моделининг жиддий хусусиятларидан яна бири – давлат туризм маъмурияти ташкилотларини икки тоифага ажратишидир. Биринчи тоифадаги ташкилотлар давлат бошқарувининг глобал масалалари билан шуғулланади ва тармоқ учун меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш, статистик маълумотларни қайта ишлаш, минтақалар фаолиятини мувофиқлаштириш, халқаро даражадаги ҳамкорлик масалалари билан шуғулланади. Иккинчи тоифа ташкилотлар эса маркетинг тадқиқотларини олиб боради. Бу тоифадаги ташкилотлар туристик вазирлик таркибига кирувчи ёки унга бўйсунувчи, аммо бошқарув органи бўлмаган муассаса ҳисобланади. Хорижда ушбу мамлакат ҳақида тасаввурни яратиш учун зарур бўлган барча фаолият уларнинг зиммасида бўлади (жумладан, кўргазмаларда иштирок этиш, хориждаги турвакилатларнинг бошқаруви). Шунингдек, молиялаштиришнинг асосий улуши айнан ушбу тоифадаги институтлар зиммасига тушади.

Бундан ташқари, ривожланган Европа мамлакатларида давлат бошқарувидаги туристик маъмурият давлат топшириқларига хусусий сектордан моддий маблағларни жалб қилиш учун, турли даражалардаги бошқарув органлари ўртасидаги ўзаро фойдали ҳамкорлик шаклларини топиш учун маҳаллий ҳукумат ҳамда хусусий бизнес вакиллари билан яқин муносабатда ишлайди.

Халқаро туризмнинг ривожланиш тенденциялари, туристик соҳани ташкил этиш услуби ва тузилишига кўра, Ўзбекистон шароити учун, бизнинг фикримизча, туризм соҳасини бошқарувининг учинчи модели маъқул келади.

17.2. Ўзбекистонда туризм мажмуасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси

Мамлакатимизда давлат туристик фаолиятни Ўзбекистон иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан бири сифатида эътироф этиб, туристик фаолиятни ривожлантиришни қўллаб-қувватлайди ва уни амалда бажариш учун қулай шароитлар яратади.

Миллий иқтисодиётдаги туризмнинг ўрнини белгилаш ва уни бошқариш тизимини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қабул қилган Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, иқтисодиётда биринчи маротаба туризм соҳасига стратегик сектор мақомини берилиши билан ажралиб турибди. Бундай ёндашув туризмни барча ҳудудларни ва ўзаро боғлиқ тармоқларни комплекс равишда жадал ривожлантиришнинг етакчи кучига айланиши лозим бўлган иқтисодиётни диверсификациялаш, таркибий ўзгартириш ва барқарор ривожланишнинг қудратли воситасига айлантиради.

Туризм хизмат бозоридаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- туризм индустриясини ривожлантириш;
- фуқароларнинг дам олиш ҳуқуқларини, саёҳат қилишда ҳаракатланиш эркинлигини таъминлаш;
- туристик ресурслардан оқилона фойдаланиш ва уларни сақлаш;
- болалар, ёшлар, ногиронлар ва аҳолининг кам таъминланган қатламининг туризмдан фойдаланиш бўйича меъёрий базасини такомиллаштириш;
- туристик индустрияни ривожлантиришга маблағ жалб қилиш;
- туристик хизматлар бозорида тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун тенг имкониятлар яратиш;
- туристлар хавфсизлигини, уларнинг ҳуқуқлари, қонуний манфаатлари ва мулкий ҳимоясини таъминлаш;
- туризм соҳасининг илмий таъминотини ташкил қилиш ва ривожлантириш;
- кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- хорижий мамлакатлар ва халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

Туризм мажмуаси бошқарув тизимини ташкил этишнинг микроиқтисодиёт даражасида туризм индустриясида иш юритаётган турли мулк шаклига эга бўлган ташкилотлар, корхоналар ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг вилоятлардаги минтақавий бўлимлари ва вакиллари фаолият юритади. Туризмни бошқариш тизимини қайта ташкил

этиш натижасида янги ва янада самарали бошқарув усуллари пайдо бўлмоқда, корхоналар ҳамда туристларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кучайтирилиб, туризмни ривожлантиришнинг мақбул йўналиш ҳамда услублари аниқланмоқда. Шубҳасиз, туризм соҳасида давлат сиёсатининг муҳим қисми уни амалга ошириш механизмини тайёрлашдан иборат. Туризм хизмат бозорининг давлат томонидан бошқарув таркибининг таҳлили ҳозирги пайтда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги иқтисодий ва маъмурий механизмлари мавжудлигини кўрсатди:

– солиқ имтиёзлари, субсидиялар ва дотациялар;

– туризм ривожланишига ёрдам берувчи ва туристик хизматлар истеъмолчиси ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминловчи миллий қонунчилик тизими ва меъёрий актлар;

– мамлакатга киришда ва ундан чиқишда паспорт қайдлари ҳамда визага оид чекловларни камайтириш;

– нархларни турли арзонлаштириш усулларини қўллаш ва имтиёзлар бериш йўли билан номавсумий туризмни рағбатлантириш;

– ижтимоий туризмни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;

– туристлар хавфсизлиги талабларининг кучайтирилиши;

– давлат томонидан атроф-муҳитни, маданий ва тарихий ҳамда бошқа бир қатор туристик ресурсларни сақлаш бўйича қўлланилаётган чораларни кучайтириш.

Ўзбекистон Президенти Фармони асосида 2017 йилдан **тугатилган** «Ўзбектуризм» Миллий компанияси негизида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди ва у туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи этиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги функциялар юкланди:

– туризм туроператорлик фаолиятини лицензиялаш;

– Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи;

– «Ўзстандарт» агентлиги билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туроператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини мажбурий сертификатлаш, шу жумладан, турли ташкилий-

ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш;

– сертификатланадиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, давлат ҳокимияти ва маҳаллий бошқарув органлари, мулкчилик шакллари ва идоравий бўйсунишидан қатъи назар, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан бажарилиши мажбурий қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлаитириш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

• мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризмга иқтисодиётнинг стратегик сектори мақомини беришга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепцияси шакллантирилиши ва амалга оширилишини таъминлаш;

• туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, Ўзбекистон Республикасининг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендлари халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

• ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш ва уларнинг амалга оширилиши мониторинги, туризм турларининг кенг доирасини жадал ривожлантириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ва бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

• туризм фаолияти ривожланишини мувофиқлаштириш, минтақаларда янги туризм йўналишлари ташкил этилишини таъминлаш, уларни паспортлаштириш, туризм йўналишлари ва туризм объектлари бўйича ягона миллий реэстрларни шакллантириш;

• туризм хизматларини ташкил этишда, энг аввало, туристлар жойлаштириладиган жойларда, овқатланиш пунктларида, республика ҳудуди бўйлаб ҳаракатланишда ва туризм объектларига ташрифларни уюштиришда туристларнинг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматлари кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда лицензияланадиган ва сертификатлаштириладиган туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

• туризм соҳасини давлат томонидан ва бозор муносабатлари асосида тартибга солишни мақбуллаштириш ва туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризмни ривожлантиришга қаршилик қилаётган барча ғов ва тўсиқларни бартараф этишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама кўмаклашиш, ушбу соҳага ахборот-коммуникация технологияларини фаол жорий этиш;

• туризм фаолияти соҳасида биринчи навбатда БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти, туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий компаниялар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ва нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

• туризм фаолияти субъектлари ходимларини мунтазам равишда қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори сифат даражасида ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6199-сон Фармонига асосан “Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида замонавий бошқарув механизмларини жорий этиш, илғор хорижий тажрибага таяниб ушбу йўналишларда инфратузилмани жадал ривожлантириш, объектлардан самарали фойдаланиш, аҳолига етарли шарт-шароитлар яратиш” мақсадида “Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги” ҳамда “Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси” негизида “Туризм ва спорт вазирлиги” ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 6 апрелдаги “Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5054-сон Қарорининг 1-иловасига мувофиқ “Туризм ва спорт вазирлиги”нинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилди (17.2.1-расм).



17.2.1-расм. Туризм ва спорт вазирлигининг ташкилий тузилмаси.

Президент Фармонига мувофиқ “Туризм ва спорт вазирлиги”нинг асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланган:

а) туризм соҳасида:

туризм объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

мамлакатнинг туризм салоҳиятини тубдан оширишга, туризм соҳасида ягона давлат сиёсати юритилишига йўналтирилган туризмни ривожлантиришнинг яхлит концепциясини шакллантириш ва амалга ошириш;

туризм хизматларининг ташқи ва ички бозорларида маркетинг тадқиқотлари олиб боришга, тарихий-маданий меросни кенг тарғиб қилишга, мамлакатимизнинг туризм қиёфасини сақлаб қолиш ва ривожлантиришга, миллий туризм маҳсулотлари ва брендларининг халқаро туризм бозорларига кириб боришига йўналтирилган фаол реклама-ахборот сиёсатини амалга ошириш;

ички, кириш ва чиқиш туризмини комплекс ривожлантиришнинг миллий ва ҳудудий дастурлари ишлаб чиқилишини мувофиқлаштириш, халқаро стандартларга мувофиқ бўлган туризм инфратузилмасини ривожлантиришга инвестицияларни, шунингдек, халқаро молия институтлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш;

туризм турларини диверсификациялаш, энг аввало, зиёрат туризми, экологик туризм, этнотуризм, ишбилармонлик туризми, спорт, гастрономик, тиббий, таълим ва илмий туризмни ҳамда уларнинг инфратузилмасини ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

туризм соҳасида хизматларни лицензиялаш ва сертификатлаштириш ҳамда туризм хизматларининг белгиланган талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш;

туризм хизматларини ташкил этишда туристларнинг хавфсизлиги ва соғлиғини таъминлашга йўналтирилган туризм хизматларини кўрсатиш сифати ва хавфсизлиги стандартларини ишлаб чиқиш;

туризм хизматлари бозорида рақобатни ривожлантириш, туризм соҳасида тадбиркорлик фаоллиги ошишига ҳар томонлама

кўмаклашиш, ушбу соҳага илғор ахборот-коммуникасия технологияларини фаол жорий этиш;

туризм объектларини жойлаштириш учун салоҳиятли ҳудудларда режалаштириш ва лойиҳалаштириш ишларини ташкил этиш, уларга инвесторларни жалб қилиш учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

туризм фаолияти соҳасида туризм бўйича нуфузли халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда туризм соҳасида фаолиятни амалга оширувчи хорижий ташкилотлар билан халқаро ҳамкорликни кенгайтириш, халқаро ва давлатлараро стандартлар ҳамда нормаларни туризм фаолияти ва амалиётига жорий этиш;

туризм соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни юқори даражада ташкил этиш, тармоқ туризм фанларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

б) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида:

спорт объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

аҳолининг кенг қатламларини спорт билан шуғулланишга ва соғлом турмуш тарзини юритишга жалб этиш, жисмонан соғлом ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш, спорт индустрияси ва инфратузилмасини ривожлантириш, олий спорт маҳорати соҳасида мамлакатимизнинг халқаро спорт майдонида муносиб иштирокини таъминлашга қаратилган ягона сиёсатни амалга ошириш;

вазирликлар ва идораларнинг жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари ҳамда клубларининг, спорт федерацияларининг (ассоциациялари) фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, республика мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта ва ўрта махсус таълим, профессионал таълим ҳамда олий таълим муассасалари жисмоний тарбия ўқитувчилари, инструктор ва тренерлари фаолиятига ташкилий-услубий раҳбарликни амалга ошириш;

маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жисмоний тарбия ва спорт жамиятлари, таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари билан биргаликда аҳоли, айниқса, болалар ва ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни оммалаштириш, оммавий спорт турла-

рига кенг жалб қилиш борасида кенг кўламли ишларни ташкиллаштириш;

болаларни спорт билан мунтазам равишда шуғулланишга жалб этиш, болалар спорт таълими сифатини ошириш, барча ҳудудларда, айниқса, қишлоқ ва чекка ҳудудларда спорт объектлари тармоғини кенгайтириш орқали болалар спортини янада ривожлантириш;

Олимпия, Паралимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон, Осиё чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақа ва турнирларда муваффақиятли иштирокини таъминлаш учун истиқболли спортчиларни саралаш (селекция қилиш), тайёрлаш ва маҳоратини оширишнинг, улар орасидан мамлакат терма жамоалари сифатли спорт захираси ва таркибини шакллантиришнинг самарали тизимини яратишда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, спорт федерациялари (ассоциациялари) билан ҳамкорлик қилиш;

республикадаги барча вазирлик ва идоралар (жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар) учун спорт нормативларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш бўйича ягона сиёсатни олиб бориш;

мамлакатимизда оммавий ва профессионал спортни, шу жумладан, спорт ўйинлари, экстремал ва қишки спорт турларини ривожлантиришни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, спорт тайёргарлиги жараёнига замонавий технологияларни жорий этиш, барча спорт турлари бўйича миллий чемпионатлар даражаси ва сифатини ошириш, халқаро ва минтақавий мусобақалар ташкил этиш, носоғлом спорт рақобатига ва тақиқланган препаратлар ишлатилишига қарши тизимли чоралар кўришни таъминлаш;

оммавий ва профессионал спорт йўналишлари бўйича моддий-техника базасини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш, улардан максимал даражада ва самарали фойдаланишни таъминлаш, спорт асбоб-ускуналари ҳамда инвентарларининг мамлакатимизда ишлаб чиқарилишини ташкил этиш ва кенгайтириш бўйича таклифлар тайёрлашда қатнашиш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ҳамда спорт ташкилотларини, таълим ва спорт-таълим муассасаларини юқори малакали тренерлар ва бошқа спорт мутахассислари билан таъминлаш;

халқаро спорт ташкилотлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш ва мустаҳкамлаш;

жисмоний тарбия ва спорт соҳасида халқаро ва давлатлараро алоқаларни кенгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш, хорижий инвестициялар ва грантларни жалб этиш борасидаги ишларни ташкил қилиш, оммабоп спорт дастурларини ташкил этиш;

в) моддий маданий мерос соҳасида:

маданий мерос объектларини давлат-хусусий шериклик асосида самарали бошқариш ҳамда мазкур соҳага замонавий ахборот технологияларини жорий этиш;

давлат назоратини амалга ошириш ҳамда моддий маданий мерос объектларининг, шу жумладан музей ашёлари ва коллекцияларининг давлат ҳисобини юритиш, уларни муҳофаза қилиш, илмий тадқиқ этиш ва оммалаштириш, шунингдек, улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, хусусан, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги конвенция талаблари ҳамда ЮНЕСКО ва бошқа тегишли халқаро ташкилотлар тавсияларини самарали бажариш, халқаро ва хорижий ташкилотлар, олимлар, экспертлар ҳамда кенг жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик қилиш;

алоҳида муҳофаза қилинадиган тарихий-маданий ҳудудлар, Умумжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган ҳудудлар ва тарихий маҳаллаларнинг тарихий-маданий қиммати, ноёблиги, табиий ландшафти ва ўзига хослигини сақлаб қолиш;

чет элларда сақланаётган, мамлакатимиз тарихи ва маданиятига оид маданий бойликларни аниқлаш, уларнинг тўлиқ маълумотлар базасини яратиш ва уни мунтазам янгилаб боришни ташкил қилиш.

17.3. Туризм хизматлари соҳасида маркетингнинг назарий асослари[81]

Туризм соҳасида маркетингнинг қўлланилиши бозорда махсус туристик маҳсулотни ишлаб чиқариш ва уни аниқ истеъмолчига йўналтириш, савдони ошириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва рек-

[81] Ablakulov A.A. “Turizm xizmatlari raqobatbardoshligini oshirishda marketing qarorlaridan samarali foydalanish mexanizmi”. Iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (doctor of philosophy) dissertatsiyasi. 2018 y.

лама маълумотларининг энг самарали воситасини танлаш билан боғликдир. Туристик хизматларнинг истеъмолчигача бўлган ҳаракати бевосита амалга ошмайди. Бу йўлда туристик хизматлар туроператорлар ва дистрибуция тизими, яъни туристик агентликлар орқали туристик маҳсулотга айланади ва истеъмолчига қадар етиб боради. Умуман олганда, туристик хизматларнинг ишлаб чиқишдан то истеъмолчигача бўлган ҳаракат мажмуаси ўзида маркетинг мажмуасини акс эттиради.

Туризм фаолиятининг асосий натижаси ўзида туристларга кўрсатиладиган, тўланадиган барча хизматларни, жумладан, меҳмонхона хизматлари, транспорт хизматлари, таржимонлик, маиший, коммунал, воситачилик ва бошқа хизматларни қамраб олувчи туристик маҳсулотни ишлаб чиқишдан иборат.

Кенг маънода туристик маҳсулот – бу туристик сафарни ташкил этувчи товар ва хизматлар мажмуидир. Асосий туристик маҳсулот бу ҳар бир туристга кўрсатиладиган муайян стандарт хизматлар тўпламидан иборат бўлади. Туристик хизматларга худди бошқа хизматлар каби номоддийлик, сифат ўзгариши ва сақлаш мумкинмаслиги хос. Лекин туристик хизматлар маълум бир ўзига хос хусусиятларга эга: туристик хизматлар кўрсатиш турли босқичларда мураккаб муносабатлардан иборат, нарх эгилувчанлиги бор, сиёсий ва ижтимоий шароитларга боғлиқ, туристик маҳсулотлар фақатгина улар ишлаб чиқилган жойда тақдим этилади, хизматлар бир қанча корхоналар томонидан ишлаб чиқарилади ва уларнинг ҳар бирининг ўз тижорат мақсади бор, туристик хизматлар сифатига бир қатор ташқи омиллар таъсир кўрсатади (давлат сиёсати, табиий шароит, халқаро вазият ва б.). Туристик маҳсулотнинг келтирилган хусусиятлари туризм соҳасида маркетингни қўллаш хусусиятларини белгилайди.

Иқтисодиёт фанида хизматлар соҳасига бўлган юқори эътиборга қарамасдан, ҳалигача хизматлар маркетинги бўйича умумий ягона назария мавжуд эмас. Туризм соҳаси мутахассислари «туризм маркетинги» тушунчасини турлича таърифлашади.

Баъзи мутахассислар туризмдаги маркетинг тушунчасига (глобал) кенг қамровли ёндашадилар, масалан, швейцариялик мутахассис Ё. Крипендраф уни қуйидагича таърифлайди: «Туристик маркетинг – тизимий ўзгариш ва туристик корхоналар фаолиятининг мувофиқлиги, шунингдек, ҳудудий, миллий ёки халқаро

миқёсда амалга ошириладиган туризм соҳасидаги хусусий ва давлат сиёсатидир. Бундай ўзгаришларнинг мақсади белгиланган истеъмолчилар гуруҳининг талабларини тўлароқ қондиришдан иборат бўлади, бу ерда тегишли фойда олиш имконияти ҳам инобатга олинади».

В. Зейтҳамп ва М. Битнернинг айтишича, сервис фирмаларида маркетинг тадбирлари ўтказилишининг асосий сабаби буюртмачига кўрсатиладиган хизматнинг энг юқори сифатини кўрсатишдир.

Туризм маркетинги эса ўзига хос жиҳатларига эга. Бу маркетинг бозорни мижоз талабларига кўра ўрганиш ва ўзгартиришдан иборат. Бу сервис маркетингининг таркибий қисми ҳисобланади, шунинг учун сервис хизматларини ташкил этишда туризм маркетинги тавсияларини ўрганиш лозим бўлади. Одатда, қуйидагича таъриф кўп ишлатилади: туризм маркетинг – бу корхона ишлаётган бозор талабларига қай даражада жавоб бера олаётганлигини ўрганишдир. Лекин шу билан бирга, айтиш жоизки, туризм соҳасида одатда иқтисодиётнинг 46 соҳаларидан иборат корхоналар тизимини яратишда (ресторанлар, меҳмонхоналар, саёҳат бюролари, транспорт корхоналари ва б.), уларнинг ҳар бири маркетинги ўзгача ёндашувни талаб этади.

Асосий мақсади фойда олиш бўлган корхонада маркетинг бошқача бўлади, мақсади кўпроқ туристларни жалб этиш бўлган давлат тузилмаларида эса умуман бошқача, худди шундай транспорт ташкилотлари, меҳмонхоналар, ресторанларнинг маркетинг стратегиялари фарқланади.

Туризм маркетингининг аҳамияти ҳақида америкалик мутахассис Г.Ҳаррис қуйидагиларни айтади: «Туризм учун оддий маркетинг керак эмас. У қадамжоларни янада жозибали қила олиши керак. Бу эса табиий туристик объектларни сақлаш – ободонлаштиришни англатади. Охир-оқибат такрорланмас маданий мерос, ёввойи табиат ёки гўзал пейзаж туристларни биринчи навбатда жалб қилади». Бу таърифда туризм маркетингида давлатнинг роли кўрсатилмоқда.

Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) туризм маркетингининг учта функциясини ажратади: мижозлар билан алоқа ўрнатиш, ривожланиш ва назорат. Мижозлар билан алоқа ўрнатишнинг асосий мақсади мижозни таклиф этилаётган сафарлар тўлиқ стандартларга жавоб беришига ишонтириш. Ривожланиш функцияси сер-

висни янада яхшилаш ва мижозлар талабини қондириш учун тизимга янгиликлар киритишдан иборат. Назорат функцияси эса туристик хизматларнинг даражасини ва туризм бозорининг сифатини таҳлил қилишни англатади.

Туризм маркетингининг қуйидаги тамойиллари мавжуд: истеъмолчилар талабларини самарали ҳал қилишга йўналтирилганлик; аниқ қўйилган молиявий натижага йўналганлик. Шу билан бирга, маркетинг фаолиятнинг муддатлар бўйича, ресурслар ва жавобгарлик бўйича шартлар бажарилиши зарур. Шунингдек, маркетинг изланишларини олиб бориш, реклама фаолияти, бозор талабларини максимал ўрганиш, фирма фаолиятини узоқ муддатли башорат қилиш каби тамойиллар ҳам мавжуд. Туризм корхонасининг фаолиятини ўрганишга корхона маданиятини ошириш киради, яъни одамлар ўртасидаги маданиятни, кадрлар маданиятини ошириш.

Маркетинг фаолияти нуқтаи назаридан олсак, бозорларни қуйидагича фарқлаш мумкин: мақсадли бозор, яъни фирма ўз фаолиятини ташкил этади; асосий бозор, яъни туристик хизматларнинг асосий турлари тақдим этилади; қўшимча бозор, яъни маълум бир хизматларни тақдим этиш; ўсувчи бозор – туристик хизматлар ривожланиши учун реал шароитдаги бозор; натижасиз – мевасиз бозор, яъни хизматлар тақдим қилиш учун шароити йўқ бозор.

Туристик бозорларни ўрганиш икки йўналиш бўйича олиб борилади: 1) муайян вақтдаги бозор параметрларини ўрганиш; 2) прогноз натижалар олиш. Биринчи навбатда бозорнинг жорий ҳолати ўрганилади, яъни унинг конъюнктураси, кейин эса унинг ҳажми.

А.П. Дуровичнинг фикрича, туризм бозори конъюнктураси бу муайян вақтдаги туристик хизматлар талаб ва таклифини, шунингдек, нархлар динамикасини шакллантирувчи шарт ва омиллар таъсири натижаси сифатида юзага келадиган бозор иқтисодий ҳолатидир.

Туризм бозори конъюнктурасига кўплаб омиллар таъсир қилади: сиёсий, илмий-техник, иқтисодий, ижтимоий ва б. Конъюнктура ҳозирги даврда ўрганилади ва хизматларнинг ривожланиши бўйича прогноз қилинади. Бозорни ўрганишда маълум бир давр учун (ярим йил, йил) туристик хизматларнинг мумкин бўлган ҳажми, яъни бозор ҳажми ўрганилади. Бозор ҳажми ўрганилгандан

сўнг фирма, қайси бозор у учун энг маъқуллигини танлайди. Фирма ўрганилаётган бозорнинг қандай қисмини эгаллаши ҳам ҳисобга олинади. Туризм бозорида рақобатчиларни маркетинг таҳлили кучли ва кучсиз фирмаларнинг ўзаро алоқасини ўрганиш асосида олиб борилади. Рақобатчиларни таҳлил қилишнинг муҳим босқичи – бу ахборот тўплаш. У икки хил бўлиши мумкин: миқдорий-объектив (рақобатчи ходимларининг сони, ташкилий ҳуқуқий шакли, рентабеллиги, бозордаги улуши, филиаллари, кўрсатадиган хизматлари рўйхати ва б.) ва сифат томондан-субъектив (хизмат кўрсатиш, фирма обрўси, нарх сиёсати, маркетинг стратегияси, киритаётган янгиликлари, мижозларга муносабати ва б. Рақобатчиларни ўрганиш фирмага рақобатчи фирмалар кучли томонини билиш, бозордаги тўсиқларни билишни олиб келади ва бу ўз навбатида бозорга кира олишига енгилликлар туғдиради.

Яна бир муҳим йўналиш – бу истеъмолчилар талабини ўрганиш. Корхона истеъмолчилар нима хоҳлашини олдиндан била олиши лозим. Мижозларнинг нимани яхши кўриши, у ёки бу маҳсулотни танлашда нима таъсир кўрсатишини ўрганиши лозим. Маркетинг стратегияси ишлаб чиқилган ҳамда истеъмолчилар билан мулоқот йўлга қўйилган бўлиши керак. Истеъмолчилар танловини ўрганишдаги маркетинг изланишлари мижозларнинг у ёки бу маҳсулотни танлашига таъсир кўрсатадиган омилларни ўрганишни тақозо этади. Бу омилларни икки гуруҳга ажратиш мумкин: ташқи омиллар ва шахсий омиллар.

Ташқи омилларга, ўз навбатида, маркетинг мажмуи ва ташқи муҳит омиллари киради. Маркетинг мажмуи – бу туристик фирманинг туристик маҳсулот нархи, ишлаб чиқилиши, коммуникациялар, шунингдек, персонал, хизмат кўрсатиш жараёни ва шароити (фирма биносининг ташқи кўриниши, мебель ва жиҳозлари ва б.) орқали мижозга таъсир кўрсатишдир.

Ташқи муҳит омилларига корхона томонидан таъсир қилиш қийин. Буларга иқтисодий, сиёсий, маданий ва ижтимоий омиллар киради.

Истеъмолчилар шахсий омилларини ҳисобга олишда, маҳсулотни сотиб олишнинг жойи, истеъмолчи тўлашга тайёр бўлган мавжуд нархлар ўрганилади. Энг муҳим шахсий омилларга истеъмолчилар ёши, маълумоти, фаолият тури, ҳаёт тарзи ва иқтисодий аҳволи киради. Бу йўлда нафақат мижознинг хоҳиши, балки ушбу

маҳсулотни сотиб олишни қарор қилишига ҳам аҳамият бериш керак. Мижоз маҳсулотни сотиб олгунга қадар кўп вақт қарор қабул қилган ҳамда ҳар томонлама ўйлаган бўлиши мумкин. Бунда корхона мижознинг кўнглида ишонч уйғота олиши керак. Туристик хизматни сотиб олиш ҳақидаги қарор истеъмолчи томонидан қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади: туристик хизматга эҳтиёжни англаш, ушбу хизматларни кўрсатувчи туристик фирмалар ҳақида маълумот қидириш, ҳар хил фирмалар маълумотларини солиштириш, туристик хизмат сотиб олиш ҳақида қарор қабул қилиш ва уни бевосита сотиб олиш.

Туристик фирманинг фаолияти фақатгина туристик йўлланмани сотиш билан чегараланмайди, балки у мижознинг ушбу сафардан қай даражада кўникканлиги билан ҳам қизиқиши лозим, чунки мижоз келгусида яна йўлланма олиши мумкин ёки ўз танишларига ушбу фирма ҳақида тавсиялар бериши мумкин. Туристик бозорни мижозлар хоҳишига қараб тақсимлаш ёки сегментациялаш мумкин. Унинг асосида истеъмолчиларни уларнинг хоҳишига қараб гуруҳларга бўлиш туради. Сегментация натижасида мижозларга ҳамма хизматларни олдиндан кўра билиш орқали рақобатбардош туристик маҳсулотлар ишлаб чиқиш, шунингдек, корхонада молиявий тежамкорликка, яъни фойда ўсишига олиб келиши мумкин. Сегментацияда универсал методлар мавжуд эмас. Бунда асосий белгилар географик, демографик, ижтимоий-иқтисодий, психографик ва хулқ-атвор белгилардан иборат.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, туризм маркетинги ўзида туристик корхоналар фаолиятини туризм хизматларидан фойдаланувчи мижозлар талаб ва эҳтиёжларига йўналтиришни акс эттиради. Маркетинг ёрдамида фирма ўз концепциясини ишлаб чиқади, бозор имкониятларини аниқлайди, мақсадли бозорини танлайди ва маркетинг стратегиясини шакллантиради.

Таянч сўз ва иборалар: туристик бозор субъектлари, турфирмалар, бошқарув, Ғарбий Европа, меъёрий-ҳуқуқий база, маркетинг тадқиқотлари, баркарор ривожланиш, давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, туризм индустрияси, сертификатлаштириш, мулкчилик шакллари, концепция, тарихий-маданий мерос, миллий туризм маҳсулотлари, бренд, лицензиялаш, стандарт, давлат унитар корхонаси, туристик маҳсулот, нарх эгилувчанлиги, маркетинг, туристик

маркетинг, маркетинг тадбирлари, маркетинг стратегияси, сегментация.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Хориждаги туризм соҳаси бошқарув моделларининг афзаллиги ва камчиликлари нимадан иборат?
2. Ўзбекистонда туризм мажмуасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси қайси ҳукумат қарори билан қайта шаклланди?
3. Туризм хизмат бозоридаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари нималардан иборат?
4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қандай функциялар қўйилган эди?
5. Ўзбекистон Республикаси Туризм ва спорт вазирлиги тузилмасида қандай мустақил бўлинмалар ташкил этилди?
6. Туризм соҳаси мутахассислари «туризм маркетинги» тушунчасини таърифлашда асосан қайси жиҳатларга эътибор бермоқда?
7. Туризм соҳасида маркетингнинг қўлланилиши нималарга боғлиқ бўлади?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Самарқанд шаҳрида 2014 йилда бўлиб ўтган Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) Бутунжаҳон туризм ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессиясида қандай 7 та туризм соҳасининг долзарб масалалари кўрилди? Ҳар бирининг мазмуни бўйича тақдимот тайёрланг.
2. Юқорида кўрсатилган жадвал асосида туризм соҳасига оид бўлган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хронологиясини тузинг.

Тест саволлари

1. Ўзбекистон шароити учун туризм соҳасини бошқарувнинг қайси мамлакат модели маъқул келади?

а) АҚШ;
б) Туркия;
д) Европа;
е) Миср, Тунис.

2. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмасига қандай ўзгартиришлар киритилди?

а) Хусусий туристик ташкилотлар ассоциацияси;

б) Самарқанд, Бухоро, Хоразм вилоятлари ҳудудий бошқармалари;

д) "Миллий туризм маҳсулотларини тарғибот қилиш маркази" давлат унитар корхонаси;

е) "Тиризм хизматларини сертификатлаш маркази" давлат унитар корхонаси.

3. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳудудий бошқармалар ташкилий тузилмасига қандай ўзгартиришлар киритилди?

а) Туризм соҳасидаги дастур ва лойиҳаларнинг амалиётга жорий этилишини мониторинг қилиш бўйича мутахассис;

б) туризм индустрияси соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш бўйича мутахассис;

д) чиқиш туризмини назорат қилиш ходими;

е) ҳудудий дастурларни мониторинг қилиш бўйича мутахассис.

4. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг бошқарув ходимлари сони неча нафар бўлган марказий аппарати тузилмаси ташкил этилди?

а) 52;

б) 43;

д) 38;

е) 62.

5. Туризм маркетингининг қандай тамойиллари мавжуд?

а) аниқ қўйилган молиявий натижага йўналганлик;

б) туризм хизмат бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;

д) миллий турмаҳсулотнинг реклама ва брендини яратиш;

е) истеъмолчилар талабларини самарали ҳал қилишга йўналтирилганлик.

18-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

Режа:

18.1. Туризм соҳасининг халқаро ташкилотлари.

18.2. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдаги ўрни.

18.1. Туризм соҳасининг халқаро ташкилотлари

Бугунги кунда жаҳон миқёсида 200 дан ортиқ халқаро туристик ташкилотлар фаолият юритмоқда, шуларнинг асосийлари жадвалда кўрсатилган. Ушбу туристик ташкилотларнинг фаолияти туризмнинг долзарб муаммоларини ўрганиш асосида туризмнинг барқарор ривожланишини таъминловчи муҳим услубий кўрсатмалар, ташкилий-ҳуқуқий меъёрлар ва тартиботларни ишлаб чиқишга йўналтирилган.

Жаҳон халқаро туристик ташкилотларининг асосий мақсади ва вазифалари қуйидагилардан иборат: туризм индустрияси ташкилотлари қизиқишларини намоён этиш ва ҳимоя қилиш; туризм соҳаси сиёсатини белгилаш; жаҳон туризми ривожланишининг таркибий унсурларини шакллантириш; ташкилот аъзо мамлакатлари ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш ҳамда ушбу мамлакатларда туризм индустриясининг ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишида амалий ёрдам кўрсатишдан иборат. Аҳамиятли томони шундаки, халқаро ташкилотлар (ассоциация, уюшма, алянс шаклида) ўз фаолиятларини ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тамойиллари асосида ташкил этади.

18.1.1-жадвал

Халқаро туристик ташкилотлар[82]

Бутунжаҳон саёҳатлар ва туризм Кенгаши *(WTTC – Thye World Travel&Tourism Council)*	Расмий тарзда 1990 йилда ташкил этилган. *WTTC* – жаҳон туризм индустриясини мингдан ортиқ компанияларининг раҳбарлари ва пешқадамларининг форуми ҳисобланади. Асосий фаолият йўналишлари: – *Халқаро туризм соҳасига оид глобал миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш* (*WTTC* туризм тармоғининг жаҳон иқтисодиётидаги аҳамиятини оширишда ва туризм индустриясига турли хил мамлакатлар ҳукуматларининг эътиборларини жалб этишда ўз аъзолари номидан вакил ҳисобланади); – *Ҳудудий фаолиятни амалга ошириш* (*WTTC* ҳудудий ҳукуматлар, ҳудудий туризм соҳасининг пешқадамлари билан туризм индустриясининг йўлидаги тўсиқларни аниқлаш ва бартараф этиш йўналишида ҳамкорлик қилади); – *Иқтисодий тадқиқотлар олиб бориш* (WTTC томонидан ҳар йили 181 мамлакат доирасида туризм индустриясининг ривожланиш ҳолатини баҳолаш ва унинг ривожланишини истиқболлаштиришга қаратилган макро-иқтисодий тадқиқотлар олиб борилади. Ўзининг 20 йиллик фаолияти давомида ушбу тадқиқотларга 5 млн. $дан зиёд маблағ сарф этилди).
Халқаро туризм алянси *(AIT – Alliance Internationale de Tourisme)*	1919 йилда ташкил топган. АИТ – миллий автомобиль ассоциациялари ва туристик клубларни ташкилотнинг асосий аъзолари сифатида, шунингдек, туристлар ассоциацияларидан иборат миллий федерацияларни индивидуал аъзолар сифатида ўзида бирлаштирувчи халқаро туристик ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади халқаро туризмнинг барча турларини, айниқса,

[82] Alimova M. T. “Hududiy turizm bozorining rivojlanish xususiyatlari va tendensiyalari (Samarqand viloyati misolida)” mavzusida doktorlik dissertatsiyasi. 2017 y.

	автотуризмни ривожлантиришдан иборат. Ташкилотнинг аъзолари автотуристларга хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштириш, божхона расмиятчилигини соддалаштириш, автотрассалар ва йўл-транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш, ҳуқуқий хизматлар
	кўрсатиш ва суғурта масалалари бўйича семинарлар ва кенгашларни ташкил этиш ва ўтказиш билан шуғулланади. Ташкилотга аъзо клублар фаолияти тўғрисида, улар томонидан кўрсатиладиган хизматлар турлари тўғрисидаги қўлланмалар, автомобиль йўллари схемалари ва карталар нашр этилади. Бугунги кунда ташкилот 84 мамлакатнинг 140 га яқин туристик ташкилотлари, умумий сони 60 миллионга яқин аъзоларини бирлаштиради.
Бутунжаҳон туристик агентлар ассоциациялари федерацияси *(UFTAA – Universal Federation of Travel Agents' Associations)*	Ташкилот 1966 йилда иккита халқаро ташкилотнинг, яъни 1919 йилдан буён фаолият юритиб келган Туристик агентликларнинг Халқаро ассоциацияси ***(Федератион Интернатионале дес Агенсэс де Воягес ФИАВ)*** ва1964 йилда ташкил этилган Туристик агентликлар ассоциацияларининг Халқаро ташкилотининг ***(УОТАА – Универсал Организатион оф Травел Агентсъ Ассосиатионс)*** бирикиши натижасида ташкил топган. *УФТАА* – миллий туристик ассоциациялар ва ташкилотларни асосий аъзолар сифатида, шунингдек, туристик агентликлар, меҳмонхоналар, транспорт ташкилотлари, ўқув муассасаларини ассоциациялаштирилган аъзолар сифатида ўзида мужассамлаштирган халқаро туристик ташкилот ҳисобланади. Ташкилот 80дан ортиқ мамлакатларнинг 80та миллий туристик ассоциациялари ва 1400га яқин индивидуал аъзоларини бирлаштирган. Ташкилотнинг асосий мақсади миллий турагентлар ассоциацияларини ташкил этишга кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, уларга юридик, молиявий, моддий-техник ёрдам бериш.

305

18.1.1-жадвалнинг давоми

Халқаро конгресслар ва конвенциялар ассоциацияси *(ICCA –International Congress & Convention Association)*	1964 йилда ташкил топган. *ИССА* – турагентлар, конгресс-марказлар, меҳмонхоналар ва транспорт ташкилотларини бирлаштирувчи халқаро туристик ташкилот. Ассоциациянинг асосий мақсади конгресс-туризмни ривожлантиришга қаратилган.
Халқаро ҳаво транспорти ассоциацияси *(IATA – International Air Transport Association)*	1919 йилда асос солинган ҳамда 1945 йилда қайта ташкил этилган. *ИАТА* – халқаро миқёсда рейсларни амалга оширувчи авиация компанияларининг халқаро ассоциацияси ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти *ИСАО*нинг сиёсатини амалга ошириш. Асосий вазифаси – йўловчилар, почта ва юкларни дунёнинг бир нуқтасидан бошқасига турли хил комбинациядаги маршрутлардан фойдаланган ҳолда кўчиришга кўмаклашиш ҳисобланади. Бу вазифани ташкилот ҳаво транспорти компаниялари фаолиятини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш, яъни ташкилотнинг барча аъзолари учун ягона қоида ва тартиботларни киритиш, халқаро маршрутлар йўловчиларни ташиш бўйича келишилган тарифларни ўрнатиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш орқали амалга оширади. Бугунги кунда 259 та халқаро миқёсда фаолият олиб борувчи авиакомпаниялар ушбу ташкилотнинг аъзолари ҳисобланади.
Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти *(ICAO – International Civil Aviation Organisation)*	1944 йилда ташкил топган. *ИСАО* – БМТ қаноти остида фаолият юритувчи ва ўз фаолиятини “миллатлар тенглиги” тамойили асосида амалга оширувчи халқаро ташкилот. ИСАОнинг асосий вазифалари - халқаро стандартлар ва меъёрларга асосан хавфсиз, юқори ихтисослаштирилган, иқтисодий жиҳатдан самарали ҳаво транспортида ташиш хизматлари бозорининг ривожланишини таъминлашдан иборат.

18.1.1-жадвалнинг давоми

Осиё ва Тинч океани мамлакатлари туристик ассоциацияси *(PATA – Pacific Asia Travel Association)* сайти www.пата.орг.	1951 йилда ташкил топган. *ПАТА* – 34 та мамлакатнинг миллий давлат туристик ташкилотлари, транспорт ва меҳмонхоналар ассоциациялари ва туризм индустриясининг бошқа ташкилотларини намоён этувчи 2200 та аъзоларни мужассамлаштирган ҳудудий миқёсдаги нодавлат халқаро туристик ташкилот ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади Тинч океани ва Осиё ҳудудида туризмнинг ривожланишига кўмаклашиш ҳисобланади. Ташкилот аъзолари туризмнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммолар борасида ўзаро фикр алмашадилар, Тинч океани ва Осиё ҳудудида унинг ривожланиш истиқболлари борасида ҳамкорликда тадбирлар амалга оширадилар. Ассоциация фаолияти давомида ўз аъзоларининг маркетинг тадқиқотлари, илмий ишланмалари ва туризм соҳасини ривожланиши билан боғлиқ бошқа фаолиятларини муҳим, аниқ маълумотлар билан таъминлаш учун хизмат қилмоқда.
Туризм бўйича илмий экспертлар халқаро ассоциацияси *(AIEST, International Association of Scientific Experts in Tourism)*	1951 йилда ташкил бўлган. *АИЭСТ*– илмий жамият хусусиятига эга халқаро туристик ташкилот. Асосий вазифаси – туризм учун малакали кадрларни тайёрлаш бўйича ихтисослашган илмий туристик муассасалар ва марказлар фаолиятларини қўллаб-қувватлаш, туризм йўналишида тажриба алмашиш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали ўз аъзоларининг илмий-изланувчилик фаолиятларини қўллаб-қувватлаш.
Европа туристик комиссияси *(ETC, European Tourism Commission)*	1948 йилда ташкил топган. 23та Европа давлатлари ушбу туристик ташкилот аъзолари ҳисобланади. Асосий мақсади – Европада ички ва кирувчи туризм ривожланишини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

18.1.1-жадвалнинг давоми

Туристик агентлар халқаро ассоциацияси *(WATAWorld Association of Travel Agencies)*	1949 йилда ташкил топган. Ушбу ассоциацияда турли хил давлатлар туристик агентлари белгиланган шаклдаги вакиллик асосида иштирок этадилар. Асосий мақсади – ассоциацияга аъзо турагентлар фаолиятини рағбатлантириш ҳамда туроператорлар ва транспорт ташкилотлари олдида уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш. Бугунги кунда 93та мамлакатда 286та аъзоларини ўзаро бирлаштиради.
Халқаро меҳмонхоналар ва ресторанлар ассоциацияси *(IH&RA International Hotel and Restaurant Association)*	Халқаро меҳмонхона эгалари ассоциацияси негизида 1946-йилда ташкил топган. Асосий вазифаси – туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган миллий меҳмонхоналар ассоциациялари ҳамда алоҳида меҳмонхона ва ресторанларни бирлаштириш, шунингдек, меҳмонхона ва ресторан эгаларининг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.
Халқаро меҳмонхоналар ассоциацияси *(IHA International Hotel Association)*	Асосий вазифаси – туристик хизматлар сифатини ошириш, хизмат кўрсатиш янги стандартларини ва замонавий технологияларни татбиқ этиш, меҳмонхона персоналининг хизмат кўрсатиш савиясини ошириш масалалари бўйича ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш мақсадида меҳмонхона индустрияси ташкилотларини бирлаштириш.
Туризм соҳасида касбий таълим бўйича Халқаро ассоциация *(AMFORT L'Association mondiale pour la formation touristique)*	1969 йилда ташкил этилган. Туристик таълим йўналишида янги техник воситаларни жорий этиш, таълим дастурларини стандартлаштириш ва тартибга солиш, мутахассис кадрларни тайёрлаш усулларини такомиллаштириш мақсадида ташкил этилган. Турли хил давлатлар тадқиқот марказлари, ўқув муассасалари, расмий туристик ташкилотлар ва туризм соҳаси мутахассислари ушбу халқаро ташкилот аъзолари ҳисобланади. АМФОРТ ташаббуси билан туризм соҳаси мутахассиси Халқаро гувоҳномаси чиқарилган.

18.1.1-жадвалнинг давоми

Халқаро туроператорлар ассоциацияси *(IFTOInternationalFederation of Tour Operators)*	Турли хил давлатлар миллий туроператорлар ассоциациялари ва алоҳида туроператорлик ташкилотлари ушбу халқаро ташкилот аъзолари ҳисобланади. Асосий мақсади – халқаро туризмни ривожлантириш масалаларининг биргаликда ечимларини аниқлаш ҳамда туроператорлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш.
Халқаро социал туризм бюроси *(BITSBureauinternational du tourisme social)*	1963 йилда ташкил топган. ***БИТС*** нодавлат халқаро туристик ташкилот ҳисобланиб, ҳақиқий аъзолари социал туризм соҳасига ихтисослашган халқаро ва миллий туристик ташкилотлар ҳисобланади. Асосий мақсади – турли мамлакатлар касаба уюшмалари ва туристик ташкилотларининг социал туризмни ривожлантириш йўналишидаги ҳамкорлик алоқаларини кенгайтириш.
Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг туризм бўйича Кенгаши	Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг туризм бўйича Кенгаши МДҲ ҳукумати раҳбарлари қарорларига асосан ташкил этилган ҳукуматлараро туристик ташкилот ҳисобланади. Кенгаш фаолияти аъзо-давлатлар ўртасида туристик алоқаларни такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Бунинг учун статистик ҳисоботнинг, лицензиялашнинг ягона қоидалари, шакллари ва тартиблари ишлаб чиқилган, туристик хизматларни стандартлаштиришнинг ягона тизими шакллантирилган, кадрларни тайёрлаш ва туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш, МДҲ ҳудудларида меҳмонхоналарни классификациялашнинг ягона талабларини киритиш бўйича ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган ҳамда туристик расмиятчилик соддалаштирилган.

Манба: Алимова М.Т. “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида)”. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2017 й.

Жаҳонда туризмни ривожлантириш бўйича энг нуфузли Бирлашган миллатлар ташкилотининг Бутунжаҳон туризм ташкилоти

Бутунжаҳон туризм ташкилоти, *UNWTO*, БМТ БТТ (инглизча *United Nations Vorld Tourism Organization; UNWTO*; французча *Organisation Mondiale du Tourisme; OMT*; испанча *Organizakión Mundial del Turismo; OMT*) – БМТ қошидаги ташкилот бўлиб, барқарор ва ҳаммабоп туризмни ривожлантириш билан шуғулланади. Бу ташкилот туризм соҳасидаги дунёдаги энг нуфузли халқаро етакчи ташкилот ҳисобланади.

Ташкилотнинг штаб-квартираси Мадридда жойлашган. Бош котиб – Талеб Рифаи (Иордания).

1925 йилда Гаагада Расмий туристик ассоциациялар халқаро конгресси (IKOTT) сифатида тузилган. Иккинчи Жаҳон урушидан сўнг Расмий туристик ташкилотлар халқаро бирлашмаси (IUOTO; MSOTO) (қароргоҳи Женева шаҳрида жойлашган) деб қайта номланган. Мазкур ташкилот 154 та мамлакат, 7 ҳудуд ва 400дан ортиқ ҳудудий давлат шохобчалари, туристик бирлашмалар, туризм ва сервис олий таълим муассасалари, ҳаво йўллари меҳмонхона гуруҳлари ва туроператорлардан иборат хусусий компания секторларидан ташкил топгандир. Умуман олганда, БТТ 1975 йил 2 январда ташкил топган деб тушунилади. Шу куни унинг устав нормалари ва қонунлари кучга кирган.

БТТнинг асосий мақсади туризмда барчага мақбул бўлган иқтисодий ўсиш, халқаро савдо ва халқаро хўжалик муносабатларини тиклаш, миллатлараро тотувлик, тинчлик, мустақилликка нисбатан ҳурматни шакллантириш ҳисобланади.

БТТнинг асосий фаолият йўналишлари: “Туристлар ҳаракати ва расмиятчиликни соддалаштириш; туризмни тартибга солиш қонунларини мувофиқлаштириш, шу жумладан, фавқулотда вазиятлар (эпидемия, табиий офатлар ва ҳоказо) юзага келганда; мамлакатларга туристик томонлар ўзаро фаолиятини тартибга солиш сиёсатини ишлаб чиқишга ёрдам бериш”.

БТТнинг ташкилий тузилмаси:

- Бош Ассамблея.
- Ижро қўмитаси.
- Ҳудудий комиссиялар.
- Қўмиталар.
- Котибият.

Бош Ассамблея БТТнинг бош йиғилиши саналади. У ҳар икки йилда ташкилот бюджети ва иш дастурини тасдиқлаш ҳамда туризм соҳаси учун ўта муҳим бўлган масалаларни муҳокама қилиш учун йиғилади. Ҳар тўрт йилда у Бош котибни сайлайди. Бош Ассамблея амалдаги ва ассоцияциялашган аъзолардан иборат. Қўшилган аъзолар ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари кузатувчи сифатида иштирок этишади. Халқаро туризм этикаси комитети Бош Ассамблея ёрдамчи ташкилоти ҳисобланади.

Ижроия қўмитаси. БТТнинг Ижро қўмитаси бошқарувчи қўмита бўлиб, ташкилот ўз ишини амалга ошириши ва ўз бюджетига риоя қилишини таъминлашга жавобгардир. У ҳар икки йилдан кўп бўлмаган мудддатда йиғилади ва Бош Ассамблея томонидан ҳар беш амалдаги аъзога битта вакил тўғри келадиган тартибда сайланадиган аъзолардан ташкил топади. БТТнинг қароргоҳи қабул қилувчи сифатида, Испания Ижро қўмитасида доимий ўринга эга.
Ҳудудий комиссиялар. *UNWTO* 6 та Африка, Америка, Шарқий Осиё ва Тинч океани, Европа ва Жанубий Осиёда ҳудудий комиссияларига эга.

Қўмиталар. БТТнинг махсус қўмиталарига дастур таркиби ва уни бошқариш бўйича аъзолар киради. Уларга, Дастур ва бюджет қўмитаси, Статистика ва туризмнинг ёрдамчи ҳисоблари қўмитаси, Туризм ва рақобатбардошлик қўмитаси, Туризм ва барқарор ривожланиш соҳаси бўйича қўмита, Туризм этикаси бўйича халқаро қўмита ва Аъзо бўлиш бўйича тушган аризаларни кўриб чиқиш қўмитаси.

Котибият. Котибият бошлиғи Бош котиб Талеб Рифаи ҳисобланиб, у БТТни Мадриддаги қароргоҳида фаолият юритувчи 110 нафар ходимларни бошқаради. Ушбу ходимлар БТТнинг дастурлари бажарилишини ва аъзо мамлакатлар эҳтиёжларини қондириш

устида иш олиб борадилар. Котибият Япониянинг Нара шаҳрида жойлашган ва Япония ҳукумати томонидан молиялаштириладиган Осиё-Тинч океани учун ҳудудий қўллаб-қувватлаш марказини ҳам ўз ичига олади. БТТнинг расмий тиллари арабча, инглизча, французча, русча ва испанчадир.

Ҳамкорлик. Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризм соҳасини ривожлантирувчи лойиҳаларни амалга оширади ва молиялаштиради, туризмни барқарор ривожлантириш учун туристик фаолият тажрибасини ривожланаётган мамлакатлар билан улашади. БТТ БМТнинг Ривожланиш дастури бўйича ижро этувчи агентлиги ҳисобланади.

БТТнинг катта лойиҳалари: Покистонда туризмни ривожлантиришнинг бош режаси (2001), Хитой провинцияларида туризмни ривожлантиришнинг бош режаси (2000-2002), Руандада миллий боғларни ривожлантириш (1999), Молдавияда туризмни ривожлантириш стратегияси (1999).

БТТга аъзо 157 та мамлакатлар рўйхати тузилган. Батафсил маълумотга эга бўлиш учун Бутунжаҳон туристик ташкилотининг сайтига ташриф буюринг.

18.2. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдаги ўрни

Халқаро туристик ташкилотлар ва уларнинг Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдаги ўрнини аниқлашда стратегик аҳамиятга эга бўлган жараёнларга 1993 йилда «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлганини таъкидлаш лозим. Бу жараён, ўз навбатида, Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилди. 1994 йилда БМТ нинг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси қабул қилинди.

2014 йилда БТТ Ижроия кенгаши 99-сессиясининг айнан Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтиши ҳам халқаро туристик ташкилотлар олдидаги Ўзбекистон туризмининг нуфузини белгилайди.

ЮНЕСКО ташкилоти Ўзбекистоннинг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”ни амалга оширишига бевосита ёрдам кўрсатиш мақсадида бир қатор олий ўқув юртларида ЮНЕСКО кафедралари, шунингдек, ЮНЕСКО мактаблари ташкил этган. ЮНЕСКО доирасида Абу Райҳон Беруний (1973), Абу Али ибн Сино (1980) таваллудининг минг йиллик, Мирзо Улуғбекнинг 600 йиллик (1994), Амир Темурнинг 660 йиллик (1996) тантаналари нишонланди. ЮНЕСКО нинг Париждаги бош қароргоҳида Амир Темур ҳафталиги ўтказилиб, «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб- яшнаши» мавзусида илмий конференция ва кўргазма ташкил этилди. Бу тадбирда Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.Каримов ва Франция Президенти Ж.Ширак иштирок этдилар (1996 йил 20–26 апрель). Тошкент шаҳрининг 2000 йиллиги (1980), Хива (1997), Бухоро (1997), Термиз (2002) шаҳарларининг 2500 йиллиги, Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллиги (2002), Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги, Имом Бухорийннинг 1225 йиллиги (1998), «Алпомиш» халқ достони яратилганлигининг 1000 йиллиги (1999), «Авесто» китоби яратилганлигининг 2700 йиллиги (2001) нишонланди.

ЮНЕСКО раҳнамолигида Самарқанд шаҳрида «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали, Бойсун туманида фольклор фестивали ўтказиб келинмоқда.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.Каримов инсоний идеалларни эъзозлагани, маданий қадриятларни тиклаш ва сақлашдаги, илмий меросни ўрганишдаги хизматлари учун ЮНЕСКО нинг Абу Али ибн Сино номидаги олтин медали билан мукофотланган (1998).

ЮНЕСКОнинг “Жаҳон мероси” рўйхатидан Ўзбекистоннинг 31 та тарихий ёдгорликлари жой олган бўлиб, улар қуйидагилардан иборат (18.2.1-жадвал).

18.2.1-жадвал

ЮНЕСКО “Жаҳон мероси” рўйхатидаги Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари

№	Номи	Жойлашиши	Ташкил этилган санаси	ЮНЕСКО рўйхатига киритилган йили	№
1	Шайх Мухтор Вали мақбараси	Хоразм вилояти	XVI аср	1996	№ 798
2	Ханбанди тўғони	Жиззах вилояти	X-XIII аср	1996	№ 809
3	Ак Астана-Баба мақбараси	Сурхондарё вилояти	*аниқланмаган*	1996	№ 801
4	Чотқол қўриқхонаси	Тошкент вилояти	1947-йил	2008	№ 5285
5	Канка шаҳарчаси	Тошкент вилояти	VI-VII аср	2008	№ 5286
6	Шохрухия	Тошкент вилояти	X-XI аср	2008	№ 5287
7	Абдулхон Банди дамбаси	Жиззах вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5288
8	Зомин тоғлари: Зомин миллий боғи, Зомин	Жиззах вилояти	XX аср	2008	№ 5289

18.2.1-жадвалнинг давоми

	давлат тоғ-арча қўриқхонаси				
9	Араб Ота мақбараси	Самарқанд вилояти	V-VII аср	2008	№ 5290
10	Қўқон тарихий маркази	Фарғона вилояти	X-XII аср	2008	№ 5291
11	Шохимардон	Фарғона вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5292
12	Ахсикент	Наманган вилояти	III аср	2008	№ 5293
13	Кўҳна Поп	Наманган вилояти	VIII аср	2008	№ 5294
14	Гиссарой тоғлари	Сурхондарё вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5295
15	Андижон	Андижон вилояти	IX аср	2008	№ 5296
16	Сийпантоша қоя тасвирлари	Қашқадарё вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5297
17	ҚадимийТермиз	Сурхондарё вилояти	II-III аср	2008	№ 5298
18	Зараут-Сой қоя тасвирлари	Сурхондарё вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5299

18.2.1-жадвалнинг давоми

19	Бойсун	Сурхондарё вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5300
20	Пойкент	Бухоро вилояти	IV аср	2008	№ 5301
21	Варахша	Бухоро вилояти	IV аср	2008	№ 5302
22	Аюб мақбараси	Бухоро вилояти	XIV аср	2008	№ 5304
23	Чор-Бакр қабристони	Бухоро вилояти	XVI аср	2008	№ 5305
24	Бахоуддин меъморий комплекси	Бухоро вилояти	XIVV аср	2008	№ 5306
25	Сармишсой	Навоий вилояти	Ерамиздан олдинги 3000-900	2008	№ 5307
26	Карвон-Сарой Работ Малик	Навоий вилояти	XI аср	2008	№ 5308
27	Мир Сайид Бахром мақбараси	Навоий вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5309
28	Хазорасп	Хоразм вилояти	XI аср	2008	№ 5310
29	Хоразм чўл қасрлари	Хоразм вилояти	*аниқланмаган*	2008	№ 5311
30	Вобкент минораси	Бухоро вилояти	XII аср	2008	№ 5312
31	Ўзбекистондаги Буюк Ипак йўли ёдгорликлари	—	—	2010	№ 5500

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, бугунги кунда ЮНЕСКО нинг «Жаҳон мероси» рўйхатидан ташқари «Жаҳон номоддий мероси хазинаси» рўйхатига Ўзбекистоннинг қуйидаги номмодий маданий мерос ресурслари киритилган (18.2.2-жадвал).

18.2.2-жадвал

ЮНЕСКО «Жаҳон номоддий мероси хазинаси»га киритилган номоддий маданий мерос ресурслари

	Номи	**Тавсифи**	**Кири-тилган санаси**
	**Шашмақом**	Вокал инструментал мусиқаси турлари (Тожикистон билан бирга)	2008
	**Бойсун вилояти маданий макони**	Бойсун Сурхондарё вилоятининг ноёб этнографик вилояти	2008
	**Катта ашула**	Фарғона водийсининг анъанавий қўшиқхонлиги	2009
	**Наврўз**	Шарқ тақвими бўйича янги йил байрами (баҳорги тенг кунлик) (Азарбайжон, Ҳиндистон, Эрон, Қирғизистон, Покистон, Туркия билан бирга)	2009
	**Аския**	Халқ бадиий сўзамоллиги	2014
	**Дорбоз-лик**	Дорбозлик санъати: баландликда бажариладиган 30га яқин машқ ва ўйинлардан иборат	2014
	**ИКАТ**	Қўл меҳнатига асосланган ўта мурракаб тўқувчилик техникаси	2015
	**Палов**	Ўзбек дастурхонининг шох таоми ва кўрки бўлган палов, у билан боғлиқ урф-одат ҳамда анъаналар	2016

Таянч сўз ва иборалар: Жаҳон халқаро туристик ташкилотлари, Бутунжаҳон туризм ташкилоти ЮНВТО, БМТ нинг ЮНЕСКО «Жаҳон номоддий мероси хазинаси», ЮНЕСКО таркибидаги Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликлари рўйхати, халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд Декларацияси.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризм соҳасини барқарор ривожлантиришда халқаро туристик ташкилотларнинг мақсади ва вазифалари нималардан иборат?
2. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги туризм бўйича Кенгаши фаолияти нимадан иборат?
3. Бутунжаҳон туризм ташкилоти, ЮНВТО нинг асосий мақсади ва фаолият йўналишлари нималардан иборат?
4. Бутунжаҳон туризм ташкилоти, ЮНВТО нинг ташкилий тузилмаси нималарга асосланган?
5. БТТ га аъзо мамлакатлар рўйхатида Ўзбекистон қандай ўринга эга?
6. Халқаро туристик ташкилотларнинг Ўзбекистон туризмини ривожлантиришдаги фаолияти нималарда ифодаланади?
7. ЮНЕСКО ташкилотининг Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишдаги ёрдами нимадан иборат?
8. ЮНЕСКО Жаҳон мероси рўйхатидаги Ўзбекистоннинг тарихий ёдгорликларини таърифланг.

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Номоддий маданий мерос ресурсларини ЮНЕСКОнинг “Жаҳон номоддий мероси хазинаси” рўйхатига киритишда кўриб чиқиладиган мезонларни аниқланг. Мезонлар асосида мамлакатимизнинг қандай ресурсларини ЮНЕСКО рўйхатига киритиш мумкинлигини асослаб беринг ва тақдимотлар тайёрланг.

Тест саволлари

1. Бугунги кунда жаҳон миқёсида нечта халқаро туристик ташкилотлар фаолият юритмоқда?

а) 300;

б) 120;

д) 200;

е) 89.

2. Бутунжаҳон саёҳатлар ва туризм Кенгаши *(WTTC – Thye World Travel&Tourism Council)* расмий тарзда нечанчи йилда ташкил этилган?

а) 1997 йил;

б) 1990 йил;

д) 2011 йил;

е) 1993 йил.

3. Осиё ва Тинч океани мамлакатлари туристик ассоциацияси *(PATA – Pacific Asia Travel Association)* нечта мамлакатнинг миллий давлат туристик ташкилотларини намоён этади?

а) 48 та;

б) 34 та;

д) 28 та;

е) 19 та.

4. Бутунжаҳон туризм ташкилоти туризм соҳасини ривожлантирувчи лойиҳаларни амалга оширишда:

а) туристик маҳсулот савдосига ёрдам беради;

б) молиялаштиради;

д) рекреацион хизматларни силжитади;

е) туристик фаолият тажрибасини ривожланаётган мамлакатларга улашади.

5. Ўзбекистонда ЮНЕСКО раҳнамолигида қандай фестивалллар ўтказиб келинмоқда?

а) «Қовун сайли»;

б) Бойсун баҳори;

д) Самарқанд нонлари;

е) Маданий мерос ва қадриятлар.

19-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Режа:

19.1. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналиш ва механизмлари.

19.2. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функция ва усуллари.

19.3. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган туризм соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар.

19.1. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналиш ва механизмлари

Бугунги кунда туризм фаолиятини равнақ топтириш масаласи 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида ҳам ўз аксини топгани бежиз эмас. Зеро, бу соҳа беш йил ичида давлат сиёсатида устувор йўналишлардан бирига айланди.

Мамлакатимизда туризм фаолиятига мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ асосий давлат сиёсати даражасида қаралиб келинмоқда. Соҳа ривожи учун барча зарур ташкилий - ҳуқуқий механизм вужудга келтирилиб, муҳим меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди ва бу иш ҳозирда ҳам давом этмоқда. Мамлакатимизда туризмнинг равнақи, уни янги поғоналарга кўтариш, юртимизни жаҳон туризм марказларидан бирига айлантириш учун аввало ҳуқуқий замин яратиш лозим эди. Шу туфайли Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мазкур йўналишга тааллуқли қонун ва кодекслари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг туризмга оид қатор Фармонлари, Республика вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Адлия вазирлигининг ва бошқа мутасадди давлат идораларининг йўриқнома, кўрсатма ва тартиблари ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсат кўринишларидан бири ҳисобланади.

Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати – бу туризм индустриясини ва туризм бозори субъектларини (туроператорлар ва турагентлар) ривожлантириш, фуқароларга туризм хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш ҳамда шу асосда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятини мустаҳкамлаш бўйича давлат фаолиятидан иборат.



19.1.1-расм. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналишлари.

Туризм сиёсати Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудида, авваламбор, минтақа алоҳида субъектлар даражасида, ундаги мавжуд бўлган туризм билан минтақа иқтисодиёти ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида амалга оширилади. Давлатнинг туризм сиёсати халқ хўжалик мажмуасини ривожлантириш ва аниқ мақсадларга эришиш учун туризм соҳаси фаолиятига давлат таъсирининг шакллари, усуллари ва таъсир қилиш йўналишларининг йиғиндисидан иборат.

Туризмни ривожлантиришда бошқариш стратегик тизими самарадорлигини оширишга муайян чоралар мажмуасининг ишлатилишини қўллаш орқали эришиш мумкин. Ҳозирги пайтда республикада 20 дан ортиқ маҳаллий ва республика даражасида туризмни ривожлантириш дастурлари амалга оширилмоқда ва йирик лойиҳалар яратилмоқда.

Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизмлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

- туризм соҳасини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш;
- минтақа ва республика даражасида туризмни ривожлантириш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиш;
- қўйилган мақсадларга эришиш учун аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
- туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш.

Туризм сиёсатининг асосий йўналишлари саёҳатчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, маҳаллий туризм маҳсулотини ишлаб чиқарувчиларни ҳамда ички ва кирувчи туризмни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўлиб ҳисобланади. Бундай қўллаб-қувватлаш шакллари туризм инфратузилмасини шакллантириш, йўналтириладиган инвестициялар, кадрларни тайёрлашга сарфланадиган харажатлар, инвестициялар оқимини рағбатлантирувчи, жаҳон бозорида миллий туризм маҳсулотини силжитувчи, илмий ва реклама-ахборот таъминоти кўринишидан то солиқ ва божхона имтиёзларигача, ички ва кирувчи туризмни ривожлантиришга кетган харажатларга боғлиқ равишда ўзгариб туради.

Давлатнинг туризм сиёсати стратегия ва тактикага асосланади. Стратегия деганда қўйилган мақсадга эришиш учун воситалардан фойдаланиш усули ва умумий йўналишлар тушунилади. У қабул қилинган стратегияни инкор қилмайдиган, қолган барча

вариантларни четга суриб, олдинга қўйилган вазифани ечиш йўлидаги хатти-ҳаракатларни бир жойга тўплашга имкон беради.

Туризм стратегияси туризмни ривожлантириш ва қайта ташкиллаштириш соҳасидаги давлат фаолиятини белгилайди. Бу фаолият аввало, амалга ошириш учун вақт ва каттагина молиявий ресурсларни талаб этувчи мақсадли дастурлар ва ривожланишнинг умумий концепциясини ишлаб чиқишга қаратилган.

Туризм тактикаси – аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришиш усуллари ва аниқ чора-тадбирлардир (масалан, халқаро туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби, туризмда нархни шакллантириш, солиққа тортиш ва ҳ.к.). Туризм тактикасининг мақсади туризм хўжалиги вазиятида янада мақбул ечимни танлашдан иборатдир. Тактика деганда, маълум мақсадга эришиш усули бўлиб, танланган хатти-ҳаракатлар йўли тушунилади.

Концепциянинг бош мақсади – бир томондан Ўзбекистон ва чет эл фуқароларини туризм хизматларига бўлган эҳтиёжни қондириш учун кенг имкониятларни таъминловчи замонавий, юқори самарали ва рақобатбардош туризм мажмуасини яратиш бўлса, иккинчи томондан мамлакат иқтисодиётини ривожлантиради, жумладан, ишчи ўринлари сонини кўпайиши ҳисобидан, республика бюджетига солиқ тушумларини тушириш билан, маданий ва табиий меросимизни сақлаб қолиш ҳамда оқилона фойдаланиш билан боғлиқ амалга ошириладиган дастурлардир.

Бу мақсадларга эришиш учун қуйидагилар назарда тутилади:

- Президент Фармонига асосан туризм соҳасини Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик сектори рўйхатига киритиш;
- «Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантириш» давлат дастурини бажариш;
- халқаро ҳуқуқий амалиётга мос кирувчи туризмни ривожлантириш меъёрий-ҳуқуқий базасини яратиш;
- ташқи ва ички туризмни ривожлантиришнинг рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларни шакллантириш, бу соҳага инвестицияларни жалб қилиш ва давлат кафолатларини солиқ ва божхона имтиёзларини ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни бошқа усулларини тақдим этиш йўли билан халқаро ва ички туризм бозорини ҳимоя қилиш;
- туризм фаолиятини лицензиялаш ва сертификатлашнинг қатъий тизимини юритиш;

• тармоқнинг моддий техника базасини ривожлантириш ва туризм хизматининг юқори технологияли мажмуасини шакллантириш мақсадида туризм, банк тузилмалари, транспорт, меҳмонхона ва суғурта компаниялари кооперацияси учун қулай шароитларни яратиш.

19.2. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функция ва усуллари

Туризм фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

• фуқароларнинг дам олиш, саёҳатга чиққанда ҳаракатланиш эркинлиги ва бошқа ҳуқуқларини таъминлаш;

• табиий атроф-муҳитни муҳофаза қилиш;

• туристларни соғломлаштириш, тарбиялаш ва таълим беришга йўналтирилган фаолиятлар учун шарт-шароитларни яратиш;

• фуқароларнинг саёҳатдаги эҳтиёжларини таъминловчи туризм индустриясини ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, халқаро алоқаларни ривожлантириш, туризмга доир объектларни сақлаб қолиш, табиий ва маданий меросимиздан оқилона фойдаланиш.

Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг устувор йўналишлари бўлиб ички, кирувчи, ижтимоий ва ташаббускор туризм турларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳисобланади. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг асосий функциялари ва усуллари қуйидаги 19.2.1-жадвалда кўрсатилган:

19.2.1-жадвал

Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функция ва усуллари

Функциялари	Усуллари
1. Туристик фаолиятни умумий ташкиллаштириш ва ҳуқуқий меъёрлари	- ягона тушунча ва таърифларини аниқлаш; - ҳамкорлик ва олди-сотди шартномаларини тузиш жараёнлари; - виза олиш; - маҳсулотларни чегарадан ўтказиш билан боғлиқ бўлган тартиблар.

19.2.1-жадвалнинг давоми

2. Туризм ривожини режалаштириш	- туризмни ривожлантириш умумий стратегиясини ва концепциясини ишлаб чиқиш; - туризм объектларини минтақавий жойлаштиришни бошқариш; - инфратузилманинг ривожланишини режалаштириш.
3. Алоҳида фаолият турларини бошқариш	- лицензиялаштириш; - стандартлаштириш; - сертификатлаштириш.
4. Туризмда хавфсизликни таъминлаш	- лицензиялаштириш; - стандартлаштириш; - сертификатлаштириш; - туристларга махсус қўлланмалар тайёрлаш; - суғурталаш.
5. Туризм соҳасини кадрлар билан таъминлаш	- узлуксиз кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш мақсадида давлат стандартлари ва дастурларини тайёрлаш; - туркорхоналар ходимларининг малакасини оширишни ташкил қилишга кўмаклашиш.
6. Туризм хизмат бозорининг илмий тадқиқот жараёнини таъминлаш	- туризм хизмат бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш; - туризмни тадқиқ қилиш миллий марказларини яратиш; - туристик корхоналарни маълумотлар билан таъминлаш.
7. Турфирманинг ташқи иқтисодий фаолиятини қўллаб-қувватлаш	- чет элларда ваколатхоналар ва бўлинмаларни очиш; - халқаро шартномалар тузиш; - миллий турмаҳсулотнинг реклама ва брендини яратиш.
8. Тарихий ёдгорликлар ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлаш	- табиий ресурсларни тиклаш ва сақлаш бўйича тегишли тартиб-қоидалар, қонунларни яратиш; - тарихий обидаларни таъмирлаш; - туристик рентанинг тақсимланиши.

19.2.1-жадвалнинг давоми

9. Мамлакат ва минтақаларнинг салмоқли ва юқори нуфузини яратиш	- маркетинг; - реклама, ахборот-таҳлил жараёни (буклетлар, турмаршрут хариталари, мультимедиа ва дисклар); - солиққа тортиш; - инвестициялаш.
10. Назорат ва мониторинг	- жорий назорат; - аудит; - халқаро рақобатбардошликнинг мониторинги; - миллий турмаҳсулотлар мониторинги.

Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

• туризм индустрияси соҳасидаги муносабатларни такомиллаштиришга йўналтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш;

• ички ва жаҳон туризм бозорларида туризм маҳсулотини силжитишга ҳамкорлик қилиш;

• туристлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш;

• туризм индустриясида стандартлаш, лицензиялаш, туризм маҳсулотини сертификатлаш;

• туризмни ривожлантириш манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасига кириш, Ўзбекистон Республикасидан чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташриф буюриш тартибларини белгилаш;

• туризмни ривожлантиришда давлатнинг мақсадли дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга бевосита бюджет ажратмаларини кўпайтириш;

• туризм индустриясига инвестициялар киритиш учун қулай шароитларни яратиш;

• солиқ ва божхона тизимини тартиблаштириш;

• туризм фаолиятида кадрлар тайёрлашга ҳамкорлик қилиш;

• туризм индустрияси соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

• халқаро туризм дастурларида Ўзбекистон туристлари, туроператорлари, турагентлари ва уларнинг бирлашмалари иштирокига ҳамкорлик қилиш;

• картографик маҳсулотлар таъминотини яратиш;

• Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда қўлланиладиган бошқа усуллар.

19.3. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган туризм соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар

Туризм соҳасига оид ишлаб чиқилган илк меъёрий ҳужжат – бу Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йил 27 июлдаги «Ўзбектуризм» МКни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 20 октябрдаги «Ўзбектуризм» МК фаолиятини ташкил этиш масалалари ҳақида»ги қароридир. Мамлакатимизда жаҳон андозаларига жавоб берадиган туризм тизимини барпо этиш, ушбу соҳа бошқарувини такомиллаштириш, унинг иқтисодий самарадорлигини ошириш, шунингдек, мамлакатимизда мавжуд бўлган ва собиқ иттифоққа бўйсунган туристик ташкилотлар ва муассасаларни республика ихтиёрига ўтказиш ушбу фармон ва қарорнинг бош мақсади қилиб олинди. Мазкур фармон Ўзбекистонда туризм соҳасини такомиллаштириш, уни янги босқичга кўтариш, «Ўзбектуризм» МК ни тузиш учун дастур бўлиб хизмат қилди.

1993 йилда эса «Ўзбектуризм» Миллий компанияси Бутунжаҳон туризм ташкилотига (БТТ) ҳақиқий аъзо бўлиб кирди ва бу, ўз навбатида, халқаро туризмни ривожлантиришнинг катта имкониятларини яратди.

Бирлашган миллатлар ташкилотининг ЮНЕСКО ташкилоти ҳамда Ўзбекистон ҳукуматининг ташаббуси билан 1994 йилда Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларациясини қабул қилди. Унда бутун дунё давлатларига мурожаат қабул қилиниб, туризмни ривожлантириш масалаларига эътибор берилди. Айниқса, «Буюк Ипак йўли» нинг марказини ташкил этган, Ўзбекистонга туризм ишида кенг аҳамият берилиши хусусида, юртимиздаги мавжуд туристик ресурслардан самарали фойдаланиш учун имкониятларни излаб топиш ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Кейинги йилларда ишлаб чиқилган муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги «Буюк Ипак йўли» ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини киритиш мумкин.

Юртимизда туризм ишини янада ривожлантириш ва уни ташкил этишни такомиллаштириш, туризм хизматлари бозорида кичик туристик ташкилотларининг қатнашишини фаоллаштириш, хорижий сармоядорларни туризм соҳасидаги фаолиятга кенг жалб қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 1998 йил 8 августда «Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилди. Қарорда Хусусий туристик ташкилотлар уюшмаси (ХСТУ) ни ташкил этиш ва уни «Ўзбектуризм» МК таркибига аъзо сифатида кириши белгилаб берилди. ХСТУ фаолиятининг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланди:

- «Буюк Ипак йўли»ни тиклашда, республикада туризмнинг замонавий инфратузилмасини ривожлантиришда фаол қатнашиш;
- уюшма аъзолари бўлган хусусий туризм ташкилотларига кўмаклашиш ва улар фаолиятини мувофиқлаштириш;
- туризм соҳасида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;
- хусусий туризм ташкилотларини ривожлантиришга хорижий сармоядорларни ва мамлакатимиздаги юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жалб қилиш;
- «Ўзбектуризм» МК да, давлат органларида ва жамоат ташкилотларида уюшма аъзолари бўлган хусусий сайёҳлик ташкилотларининг манфаатларини ифодалаш;
- уюшма аъзоларига ахборот, маслаҳат ва услубий ёрдам кўрсатиш;
- туризм бизнеси соҳасида ходимларнинг касб тайёргарлигига ва уларни қайта тайёрлашга кўмаклашиш.

«Ўзбектуризм» МК томонидан вазирликлар, корхоналар, ташкилотларнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда

Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш маркази 1998 йил 31 декабрда рўйхатдан ўтказган «Меҳмонхоналар классификацияси» ишлаб чиқилди. Мазкур стандарт камида 10 номерга эга бўлган меҳмонхоналар, мотеллар, кемпинглар, туристик базалар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасига келаётган туристлар ва фуқароларнинг бошқа вақтинча яшаб туриш жойларининг классификациясини белгилайди. Унда, шунингдек, ишлатиладиган асосий терминларнинг шарҳи, меҳмонхоналарга қўйиладиган умумий талаблар, уларнинг жавобгарлиги, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талаблар ҳақида батафсил маълумотлар берилган. Айниқса, турли тоифадаги меҳмонхоналарга қўйиладиган талабларда: бино ва унга тегишли ҳудуд, техник жиҳозлар, номерлар фонди, техник таъминот, мебель ва бошқа жиҳозлар таъминоти, жиҳозлаш ва номерлардаги санитария-гигиена буюмлари, умумий фойдаланиш санитария объектлари, жамоат жойлари, овқатланиш хизматлари кўрсатиш жойлари, хизматлар, овқатланиш хизматлари, хизматчилар ва уларни тайёрлашга бўлган талаблар ҳақида 1-5 юлдузли меҳмонхоналарга хос аниқ вазифалар берилган.

1999 йил 20 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан «Туризм тўғрисидаги» Қонун қабул қилинди. Бу қонун асосида туризм соҳасидаги бозор муносабатлари узил-кесил йўлга қўйилди ҳамда дунё бозори бўйича рақобатбардош туристик маҳсулот яратила бошланди.

Ўзбекистонда туризм соҳасини янги босқичга кўтаришда Республика Президентининг 1999 йил 15 апрелдаги «2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида» ги Фармони алоҳида аҳамиятга эгадир. Ушбу Фармон миллатлараро алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳамда халқаро туризм бозорига узвий қўшилиш, Ўзбекистоннинг маданий-тарихий ва маънавий меросини жаҳон ҳамжамиятига тарғиб қилиш, шунингдек, туристларга хизмат кўрсатиш сифатини халқаро андозалар даражасига кўтариш мақсадида қабул қилиниб, 2005-йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш Давлат дастури ва уни амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби тасдиқланди.

Фармонда мулкчилик шаклидан қатъи назар, туристик ташкилотлар хориждан келтириладиган технология ва меҳмонхона

ускуналари, туризм мақсадларига мўлжалланган транспорт воситалари учун божхона божлари тўлашдан уч йил муддатга озод қилиниши кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, «Ўзбектуризм» МК тизимидаги корхоналарга хорижий туристларга эркин айирбошланадиган валюта ҳисобидан туристик хизмат ва қўшимча хизмат кўрсатиш ҳуқуқи берилиб, бунинг учун махсус кассалар очилишига рухсат берилди. «Умид» жамғармаси ҳар йили талабаларни туризм индустрияси мутахассисликлари бўйича етакчи хорижий мамлакатларга таълим олиш учун юборишни кўзда тутиши кўрсатиб ўтилди. Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар, Молия ва Маданият ишлари вазирликларининг ва «Ўзбектуризм» МКнинг Ўзбекистон Республикасининг АҚШ, Япония, Буюк Британия, Германия, Франция ва Италиядаги элчихоналарида маданият ва туризм масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими бирликларини жорий этишларига ижозат берилди.

Ушбу Давлат дастури олти бўлимдан иборат бўлиб, 1-бўлим: «Туризмнинг меъёрий - ҳуқуқий базасини шакллантириш» деб номланиб, унда Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонунини тайёрлаш, фуқароларимизнинг хорижга чиқиши ва Ўзбекистонга хорижий фуқароларнинг кириши ҳақидаги таклифларни ўрганган ҳолда, хорижий туристлар учун бож, виза ва бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш Низомига ўзгартиришлар киритиш; ***Маданий мерос ёдгорликларининг тўлиқ рўйхатини тузиш ва нашр этиш;*** ёдгорликларни ноқонуний тарзда олиб чиқиб кетган ва уларга зиён етказилган ҳолларда давлат, жамоат ташкилотларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарликлари ҳақидаги тартибни тайёрлаш вазифалари белгилаб берилди.

Республикамизда туризм соҳаси бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, туризмнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш ва унинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида ***Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги*** Фармони ва мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 2 июлдаги «Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатларга мувофиқ, 1999–2000-ўқув йилидан бошлаб туризм

соҳаси бўйича олий маълумотли кадрлар тайёрлаш Тошкент давлат иқтисодиёт университетида мужассамлаштирилиши баён этилди. Шу мақсадда, университетда «Халқаро туризм» факультети ва унга қарашли «Халқаро туризм», «Туризм менежменти», «Туризм маркетинги», «Туризм сервиси» каби мутахассислик (ва бошқа номутахассислик) кафедралари ташкил этилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, Тошкент шаҳар меҳмонхона хўжалиги ва туризм лицейи негизида Тошкент туризм касб-ҳунар коллежи ташкил этиш ва қайта ихтисослаштириш, Самарқанд, Бухоро, Хива, Фарғона, Термиз ва Шаҳрисабз шаҳарларида туризм касб-ҳунар коллежлари очилишини босқичма-босқич амалга ошириш вазифаси белгилаб берилди.

Мамлакатни модернизациялаш босқичида туризм ва меҳмондўстлик индустрияси соҳасидаги ечимини кутиб турган масалалар қаторида, туризм индустрияси меҳнат бозорида ишловчи ходимларга қўйиладиган малакавий талабларга жавоб бера оладиган кадрларни тайёрлаш муҳим масала бўлиб турибди. Шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига асосан, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида туризмнинг устувор йўналишлари бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлаш белгиланган эди. Ҳозирги пайтда ушбу ўқув даргоҳида «Туризм (фаолият йўналишлари бўйича)», «Меҳмонхона хўжалигини ташкил этиш ва бошқариш», «Туризм (фаолият турлари бўйича)», «Туризм ва меҳмонхона хўжалиги сервиси», «Маркетинг (туризм)», «Менежмент (туризм)», «Туризм маркетинги», «Туризм менежменти», «Туризм операторлик хизматини ташкиллаштириш», «Сервис (туризм ва меҳмонхона хўжалиги)» таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрланмоқда.

Бундан ташқари, республикамизда Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг «Халқаро туризм» факультети, Урганч, Бухоро, Қарши, Термиз давлат университетлари, Тошкент шаҳридаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти ва қатор туризм касб-ҳунар коллежлари туризм соҳасига малакали кадрлар тайёрлашда ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимизда туризм соҳасини ривожлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилди ва бу иш ҳозирда ҳам давом эттирилмоқда (1-илова).

Муҳтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг мамлакатимиз туризмини ривожлантириш, туризм турлари ва хизматларини кўпайтириш, туристик хизматлар ассортименти ва сифатини ошириш, мамлакатимизга туристик оқимни кўпайтиришга, туристларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Жумладан, 2016 йил 2 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги Қарори, 2017 йил 6 апрелдаги "Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида"ги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарори, 12 июлдаги "Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори, 16 августдаги "2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2018 йил 3 февралдаги "Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони, 6-февралдаги "Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорлари, 7 февралдаги "Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган туризм соҳасига оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар хронологияси дарсликнинг иловасида ўз аксини топган.

Таянч сўз ва иборалар: Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси, Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати, механизмлари, туризм стратегияси, туризм тактикаси, концепциянинг бош мақсади, туризм соҳасига оид фармон ва қарорларнинг хронологияси.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати нимани ифодалайди?
2. Давлатнинг туризм сиёсатини амалга ошириш механизмлари нималардан иборат?
3. Туризм фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишнинг асосий мақсади нимадан иборат?
4. Туризм фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш қандай йўллар билан амалга оширилади?
5. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функциялари ва усуллари нимадан иборат?
6. Ўзбекистон туризмидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар хронологияси қандай ўзгаришларни ифодалайди?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналишларида кўрсатилган ҳар бир соҳани туризмни ривожлантиришдаги аҳамиятини батафсил асослаб беринг ва тақдимотини тайёрланг.

Тест саволлари

1. Давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати деганда нимани тушунасиз?

а) туризм индустриясини ва туризм бозори субъектларини (туроператорлар ва турагентлар) ривожлантириш, фуқароларга туризм хизмат кўрсатиш шаклларини такомиллаштириш;

б) туризм бозорини таҳлил қилиб, янги товар ва хизматларни таклиф қилишда турфирмалар фаолиятида ўз назоратини олиб бориш;

д) меҳмонхоналар ва шунга ўхшаш жойлаштириш воситаларининг фаолиятини таҳлил қилиб, назорат қилиш;

е) туристик ресурслар, тарихий обидалар ва туристик ҳудудлар бўйича янги туристик маршрутлар тузишни назорат қилади.

2. Туризм стратегияси нима?

а) туризмни ривожлантириш ва қайта ташкиллаштириш соҳасидаги давлат фаолиятини белгилайди;

б) маълум мақсадга эришиш усули бўлиб, танланган хатти-ҳаракатлар йўли тушунилади;

д) туризм индустриясига инвестициялар киритиш учун қулай шароитларни яратиш;

е) мақсадли дастурлар ва ривожланишнинг умумий концепциясини ишлаб чиқиш.

3. Туризм тактикаси нима?

а) аниқ шароитларда қўйилган мақсадга эришиш усуллари ва аниқ чора-тадбирлардир;

б) туризм индустрияси соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантириш;

д) халқаро туризм дастурларида Ўзбекистон туристлари, туроператорлари, турагентлари ва уларнинг бирлашмалари иштирокига ҳамкорлик қилиш;

е) Ўзбекистон Республикасига кириш, чиқиб кетиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташриф буюриш тартибларини белгилаш.

4. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси нечанчи йилда қабул қилинди ?

а) 2013 йил;

б) 2012 йил;

д) 2017 йил;

е) 2010 йил.

5. Туризм соҳасини кадрлар билан таъминлаш усуллари қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) узлуксиз кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш мақсадида давлат стандартлари ва дастурларини тайёрлаш;

б) туризм хизмат бозорида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш;

д) миллий турмаҳсулотнинг реклама ва брендини яратиш;

е) табиий ресурсларни тиклаш ва сақлаш бўйича тегишли тартиб-қоидалар, қонунларни яратиш.

20-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Режа:

20.1. Халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак йўли» ва халқаро туризм ярмаркаларининг ўрни.

20.2. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ҳолати.

20.1. Халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак йўли» ва халқаро туризм ярмаркаларининг ўрни

Ўзбекистон халқаро алоқаларининг ривожланишида туризм соҳаси алоҳида ажралиб туради. Мустақилликдан олдин Ўзбекистон аҳолиси собиқ марказ рухсати билангина чет элларда саёҳат қилиб келар эди, хорижий туристлар ҳам аввал Москвага келиб, сўнг Ўзбекистонга ташриф буюрар эди. Бунинг устига, туризмдан олинадиган барча даромадларни (шунингдек, валюта даромадларининг ҳам ҳаммасини) тўғридан-тўғри собиқ марказга жўнатиш мажбурий эди. Хорижий туристларга кўрсатилган хизматлар таннархи Ўзбекистон бюджетидан қопланар, бунинг эвазига марказдан ҳеч нима олинмас эди, натижада халқаро туризмдан Ўзбекистон зарар кўрар эди.

Мустақилликка эришгандан сўнг, Ўзбекистон ҳукумати халқаро туризм соҳасининг ривожланишига алоҳида эътибор қарата бошлади ва бунинг учун масъул бўлган ягона ташкилот тузилди. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг ривожланиши учун масъул бўлган ташкилот «Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳисобланар эди. Миллий компаниянинг фаолият юритиши давомида республикада халқаро туризмни ривожлантиришда катта ўзгаришлар амалга оширилди. Олдинлари туристлар учун дам олиш уйлари, туристик базалар, кемпинглар замонавий талабларга жавоб бера олмас эди, чунки уларни таъмирлаш, қайта қуриш ва жиҳозлаш масалалари собиқ марказ томонидан кўриб чиқилар эди.

Мустақилликка эришгандан сўнг, бу ҳолатга, шунингдек, халқаро туризм соҳасидан олинган даромаднинг барчасини республика ташқарисига олиб чиқиб кетилишига чек қўйилди. Ўзбекистон халқаро туризм соҳасида бозор муносабатлари амал қила бошлади, давлатнинг кўплаб туристик корхоналари хусусийлаштирилди,

туристик маҳсулот яратиш ҳамда шу каби маҳсулотга мустақил нарх белгилаш эркинлиги яратиб берилди. Натижада туристик хизматлар бозорида корхоналар ўртасида соғлом рақобат юзага келди. «Ўзбектуризм» Миллий компаниясининг вужудга келиши ва бу ташкилотнинг 1993 йили Бутунжаҳон туризм ташкилотига аъзо бўлиб кириши Ўзбекистон халқаро туризми тараққиётида қўйилган улкан қадам бўлди. Республикада халқаро туризмни янги босқичга кўтариш ва самарали фаолият кўрсатишига мос келадиган янги шарт-шароит ва механизмлар вужудга келди.

Халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихини таҳлил қилар эканмиз, савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлганига яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти айтганларидек, “Халқаро туризмни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омиллар, ҳеч шубҳасиз, бутун дунёда, турли минтақаларда, сайёҳларни қабул қиладиган ҳар бир давлатда тинчлик, хавфсизлик, сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат бўлиб қолмоқда”[83].

Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмни ривожлантириш борасида ишлаб чиқилган яна бир муҳим ҳужжатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги «Буюк Ипак йўли»ни қайта тиклашда Ўзбекистон Республикаси иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонни амалга ошириш мақсадида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги «Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфратузилмасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорини халқаро туризмни ривожлантириш дастури сифатида киритиш мумкин.

[83] O‘zbekiston Respublikasi Birinchi Prezidenti Islom Karimovning BMT Jahon sayyohlik tashkiloti Ijroiya kengashi 99-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi. // Mohiyat. 2014, 3-oktabr, № 40.

Ўзбекистон халқаро туризмининг ривожланишида «Буюк Ипак йўли» нинг тутган ўрни ва моҳияти ниҳоятда чексиз. Бир неча асрлар давомида ушбу заминнинг Ғарб ва Шарқида истиқомат қилган халқларни Жануби-шарқий Осиёдан то Ўрта Ер денгизи мамлакатларигача чўзилган ва «Буюк Ипак йўли» деб ном олган савдосотиқ йўли бир-бири билан боғлаб турар эди. Бу йўлга «Ипак Йўли», деб ном берилишининг асосий сабаби, бу ерда ташиладиган маҳсулотларнинг асосий қисми ипак матолари ва маҳсулотлари бўлганлигидандир. Ипак тайёрлаш билан боғлиқ бўлган сир-асрорларни Хитой усталари минг йиллар давомида бошқа давлатлардан яшириб келган. Аммо «Буюк Ипак йўли» орқали ташилган маҳсулотлар фақат ипакдангина иборат бўлмай, балки бу йўл орқали бронза, чинни, жун, хомашёлар ва улардан тайёрланган буюмлар ҳам бор эди. «Буюк Ипак йўли» қарийб икки минг йиллик тарихга эга бўлиб, бу йўл асосан Италиядан тортиб Туркия орқали Ироқ ва Эронга борган. У ердан эса Марказий Осиё ҳамда Шимолий Помир орқали ўтиб Қашқар ва Ёркентгача етган. Бу ерда йўл иккига ажралган ҳамда шимол томондан Такла-Макон саҳросини айланиб ўтиб, Лобнор кўли яқинида яна қўшилган ва Хитойгача борган.

Буюк Ипак йўлида Туркистон ҳудуди етакчи ролни бажариб келган. Ушбу ҳудуддаги Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Хўжанд, Чоржўй каби қатор шаҳарлар Ипак йўлидаги асосий манзиллар бўлган. Ўзбекистон ўзининг қулай географик ўрни туфайли, бу тарихий йўлда марказий ўринни эгаллаган. «Буюк Ипак йўли» кўп асрлар давомида кишилик маданиятининг вужудга келишида катта ўрин эгаллаган. Унинг тарихда тутган ўрни ҳамда аҳамиятини тиклаш, бу йўлда халқаро туризмни ривожлантириш каби мақсадларни мўлжаллаб, 1994 йилнинг октябрь ойида Бирлашган миллатлар ташкилоти ва унинг нуфузли ташкилоти ЮНЕСКО иштирокида Ўзбекистонда Бутунжаҳон туристик ташкилотининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш аъзолари Ипак йўли бўйлаб туризм фаолиятини тиклаш ва ривожлантиришга қаратилган Самарқанд Декларациясини қабул қилди. 1995 йилнинг октябрь ойидан бошлаб Тошкент шаҳрида «Ипак йўлида туризм» номи билан биринчи маротаба Халқаро туристик ярмарка ўтказилди. Шундан кейин ушбу халқаро туристик ярмарка ҳар йили мунтазам равишда ўтказилиб келинмоқда.

Бу халқаро туристик ярмаркаларда тузилган шартнома ва битимлар халқаро туризмни янада ривожлантириш, республиканинг халқаро туризмга оид имкониятларини ишга солиш ҳамда «Буюк Ипак йўли»га хос бўлган қадимий анъаналарни тиклашга кенг йўл очиб бермоқда. Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ»да «Халқаро туризм кўргазмаси – 2020» бўлиб ўтди. Кўргазмада жами 60 ортиқ давлатдан келган (Франция, Швейцария, Руминия, Чехия, Туркия, Исроил, Италия, БАА, Эрон, Ҳиндистон, Хитой, Таиланд, Малайзия, Сингапур, Россия, Озарбайжон, Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистон ва бошқа давлатлар) 73 та хорижий компаниялар ҳам ўз хизмат турлари билан иштирок этди.

Ҳар йилги кўргазмаларга янги, таълим, тиббиёт ва геотуризм йўналишлари киритилмоқда. Кўргазмага ташриф буюрувчилар сони ўн уч минг нафардан ошиб кетди. Ярмарка туристларни қабул қилиш ва ички туризм, экотуризм, фаол ва саргузаштли туризм, экскурсия ва соғломлаштириш туризми, туристик маъмуриятлар ва миллий офислар, туристик агентликлар ва туроператорлар, отеллар, санатория-курорт мажмуалари, дам олиш масканлари, ҳаво йўллари ва йўловчи ташувчилар, уюшмалар, таълим муассасалари, музейлар, театрлар, транспорт ва суғурта компаниялари, онлайн-бронлаштириш тизимлари каби кенг қамровга эга экспозицияларни ўзида бирлаштиради. Шунингдек, халқаро туристик ярмарка якунларига кўра, йилнинг «Энг яхши туристик йўналиши», «Энг яхши туристик компания», «Энг яхши туристик имкониятлар». «Энг яхши кўргазма стенди», «Ўзбекистон ҳудудлари ичида энг яхши тақдимот», «Энг яхши ҳудуд стенди», «Энг яхши меҳмонхона тақдимоти» каби номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб, диплом ва эсдалик совғалари топширилади.

Бундан ташқари, ярмарканинг таълим туризмига бағишланган янги бўлими бошқа мавзуга оид йўналишлар ичида ўз билимини янада оширишга интилувчи ёш авлод вакиллари орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Унда республикамизда ушбу соҳага кадрларни етиштириб бераётган етакчи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, пойтахтдаги касб-ҳунар коллежлари, “Туризм соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлаш республика маркази” Давлат унитар корхонаси вакиллари иштирок этиб, сайёҳлик соҳасида

миллий кадрларни тайёрлаш тизими билан яқиндан таништирдилар. Ярмарка ўтказиладиган кунларда туризм муаммоларига бағишланган анъанавий халқаро илмий-амалий конференция ва семинарлар ўтказилади.

20.2. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ҳолати

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда халқаро туризм соҳасини ривожлантириш учун қулай имкониятлар ва шарт-шароитлар юзага келганлиги, туризмнинг республика иқтисодиётига янада интеграциялашуви мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон иқтисодиёти тажрибаларидан маълумки, халқаро туризм соҳаси мамлакат бюджети учун зарур бўлган валюта тушумини таъминлаш, янги иш жойларини вужудга келтириш ва шу билан биргаликда, аҳолининг турмуш даражасини кўтариш учун хизмат қилади. Республикамиз халқаро туризм соҳасидаги имкониятларининг катталиги билан қўшни мамлакатлардан тубдан фарқ қилади.

Ўзбекистоннинг географик ўрни, ниҳоятда қулай, табиий иқлим шароитига эга эканлиги, инсоният маданий тараққиётида ҳам катта ўрин тутади. Ўзбекистон бетакрор, ажойиб тарихий меъморий ёдгорликлари, ширин-шакар мевалари, хилма-хил миллий таомлари, ажойиб миллий анъаналари, урф-одатларига эга бўлган меҳмондўст халқига эга. Буларнинг барчаси чет эллик туристлар эътиборини ўзига тортади ва уларни Ўзбекистонга яна қайта келишига ундайди.

Нуфузли олимларнинг фикрига кўра, Ўзбекистон давлатчилигининг шаклланиш тарихи милоддан аввалги икки мингинчи йиллардан бошланган ва 3,5 минг йилдан зиёд даврни қамраб олади. Кўҳна Рим ва Бобилнинг тенгдоши ҳисобланган, ўрта асрлар илм-фани, санъати ва маданиятининг йирик марказлари сифатида дунёга донг таратган ва ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон мероси рўйхатига киритилган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз шаҳарлари бу заминда қадимги давлатчиликнинг шаклланиш ва ривожланиш марказлари бўлиб келган.

Қадимий маданиятлар бешиги бўлган бу шаҳарларда илк ва кейинги ўрта асрлардаёқ илм-фан, таълим-тарбия соҳалари, ҳунар-

мандчилик ва савдо-сотиқ кенг ривожланган, муҳташам саройлар, масжид ва мадрасалар барпо этилган. Бундай гўзал шаҳарларни бунёд этиш учун нафақат моҳир уста ва қурувчилар, балки математика, астрономия, физика, архитектура, геометрия, геодезия, сейсмология ва кимё каби фундаментал фанларни чуқур биладиган олимларнинг билим ва тажрибаси ҳам керак бўлган.

Юқорида таъкидлаганимиздек, халқаро туризмнинг пайдо бўлиш ва шаклланиш тарихининг таҳлили савдо муносабатларини ўрнатиш, дам олиш ва саёҳат билан бир қаторда, дунё халқларининг тарихи, маданияти, урф-одат ва анъаналарини ўрганиш, билиш ва бунинг натижасида одамлар, элу элатлар ўртасида ҳамжиҳатлик, бағрикенглик фазилатларини мустаҳкамлаш ҳам туризмнинг муҳим таркибий қисми бўлган.

Халқаро даражада туристик хизматлар бозорининг ривожланиш тенденцияларини кўриб чиқишда кўпгина давлатлар учун чиқувчи туристлар оқимининг ўсиши кузатилмоқда. Чиқувчи оқимнинг йиллик энг юқори кўпайиш суръатлари Бирлашган Араб Амирлигида – 49,8%, Кипр мамлакатида – 40,7%, Туркия мамлакатида – 31,9% ни ташкил қилмоқда.

Дунёда ҳажми бўйича барқарор ҳисобланган экскурсия-танишув туризми бўйича Франция давлати устун ҳисобланса, АҚШ ва Германия давлатлари хизмат мақсадидаги сафарлар бўйича устунлик қилмоқда. Халқаро туризмни ривожлантиришда Ўзбекистондаги сиёсий барқарорлик, тинчлик-тотувлик муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Халқаро туризм соҳаси ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг кучли катализатори бўлиб, чет эл валютаси ва сармоялар оқимини таъминлайди, унга яқин соҳаларнинг тез ўсишига, аҳоли бандлиги муаммоларини ҳал этишда ёрдам беради ва мамлакатнинг дунё ҳамжамиятидаги обрўсини оширади. Бошқа соҳалар билан қиёслаганда анча кам сарф - харажат билан туризм соҳасида катта валюта миқдори келиб тушишини таъминлаши мумкин.

Халқаро туризм жаҳон иқтисодиётида юқори даромадли ва жадал ривожланиб борувчи соҳалардан ҳисобланиб, халқаро ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий алоқаларни мустаҳкамлашда муҳим ўрин эгалламоқда. Охирги йиллар ичида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бўлишига қарамай,

туризм хизматлари юқори истеъмол талаби ва етарлича барқарорлигини сақлаб қолмоқда.

Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, туризм тармоғининг ривожланиши, юқори самарадорликнинг рағбатлантирилиши иқтисодиётнинг муҳим секторларини, яъни транспорт, алоқа, қурилиш, савдо, қишлоқ хўжалиги, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш, машинасозлик ва бошқаларнинг ўсишига олиб келади.

Дунё тажрибасига назар соладиган бўлсак, ривожланган бозор иқтисодиёти нафақат бозорнинг ишлаб чиқариш ва товар алмаштириш омилларини, балки турли хил хизматлар бозорини ҳам ўз ичига олади. Замонавий иқтисодиётнинг асосий ҳаракатга келтирувчи кучи хизмат кўрсатиш соҳаси бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги кунда халқаро туризм жаҳон иқтисодиётининг йирик юқори даромад келтирувчи ва барқарор ривожланиб бораётган тармоқларидан биридир. БМТнинг Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ва Халқаро валюта фонди маълумотларига қараганда, туризм индустрияси 2000 йилдан бошлаб жаҳонда экспорт қилинадиган хизматлар, товарлар ва хизмат кўрсатиш бўйича автомобилсозлик, кимё ва озиқ-овқат соҳаларини ортда қолдириб, етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Тармоқнинг йиллик пул айланмаси 900 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Ушбу тармоқ дунё бўйича 195 миллион кишини иш билан таъминлайди, бу эса, жаҳон бўйича 8% аҳоли туризм соҳасида иш билан банд бўлганини кўрсатади. Ҳар йили 935 миллиондан ортиқ туристлар дунё бўйлаб саёҳат қилишади. Жаҳон туризм ташкилоти мутахассислари ҳисоб-китобларига кўра, жаҳон бўйича туристлар оқими йилига 4-5 % ўсиши кузатилмоқда.

Халқаро туризм дунёнинг бошқа мамлакатлари сингари Ўзбекистан иқтисодиёти учун ҳам муҳим соҳа ҳисобланади. Ўзбекистонга кирувчи хорижий туристларнинг аксарияти Тошкент – Самарқанд – Бухоро – Хива йўналиши бўйича саёҳат қиладилар. Чунки Ўзбекистон туризм инфратузилмаси айнан шу манзилгоҳларда яхшироқ ривожланган ҳамда Буюк Ипак йўлига тааллуқли кўпгина объектлар айнан шу жойларда сақланиб қолинган (Ўзбекистонга гуруҳларда ташриф буюрувчи туристларнинг аксарияти Буюк Ипак йўли йўналиши доираси ҳаракатланадилар). Шунингдек, Сурхондарё, Қашқадарё ва Фарғона водийси вилоятларида ҳам туристларни жалб этиши мумкин бўлган кўплаб муҳим туристик

жозибадор манзиллар мавжуд бўлса-да, туристик инфратузилманинг ривожланмагани туристларни бу ерга келишига тўсқинлик қилар эди. Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан Қамчиқ довонидан ўтувчи йўл қайта таъмирланди, Сурхондарёга Самарқанддан ва Тошкент шаҳридан Бухоро ва Самарқанд шаҳарларига туристларни ташиш учун янги электрлашган темир йўл қурилди, бу жойларда кўплаб туристик меҳмонхоналар бунёд этилмоқда.

Ўзбекистонга кирувчи хорижий туристик саёҳатлар сонининг ўсишига таъсир этиши мумкин бўлган ҳолатлар:

- Ўзбекистон тўғрисидаги дастлабки ва охирги таассуротларни қолдирувчи божхона хизмати ходимларининг туристлар билан бўлган муомала маданиятини яхшилаш;
- меҳмонхоналарда тайёрланаётган таомларнинг замонавий талабларга жавоб бериши;
- Ўзбекистон ичидаги меҳмонхона хизматлари ҳамда транспорт нархларини ва сифатини асосий рақобатчиларимизга нисбатан мувофиқлаштириш;
- туристик эсдалик учун харид қилинадиган миллий сувенирларимизнинг хилма-хиллиги оширилиб, йўқолиб кетган бир қатор ҳунармандчилик турларини тиклаш ва қайта ташкил этиш;
- тарғибот масалаларига етарлича эътибор берилиб, хорижий фуқароларнинг Ўзбекистон тўғрисидаги маълумотларининг чегараси кенгайтириб борилмоқда, бунда айниқса, Германия ва Италиялик бизнес ҳамкорларнинг воситачилигидан самарали фойдаланилмоқда;
- туристлар ихтиёрига таклиф этилаётган товар ва хизматларнинг сервис сифати нархига мослаштириш.

Юқорида санаб ўтилганларни бартараф этиш билан биргаликда, кўрсатилаётган туристик хизматларнинг сифатли бўлишига ҳаракат қилинмоқда. Шунингдек, чет элларда Ўзбекистон туризмини реклама қилишда барча туристик корхоналарнинг ташвиқот-тарғибот ишлари рақобатчилардан фарқ қилувчи умумий мавзу остида бирлаштирилиши Ўзбекистоннинг халқаро туризм бозорида ўз ўрнини мустаҳкам эгаллашига ёрдам беради. Бунинг учун ўзимиз эгалик қилаётган туристик ресурсларимизни яна бир бор қайтадан чуқур ўрганиб чиқиш, улардан самарали ва барқарор фойдаланиш йўлларини аниқлаш ва шу асосида Миллий туристик

брендни ишлаб чиқиш лозим бўлмоқда. Шу сабабли, Туризм ва спорт вазирлиги томонидан ўлкамиз туристик ресурслари ўрганиб чиқилиб, туристик ресурсларимизнинг махсус кадастлари яратилмоқда. Ўзбекистон халқаро туризмини ривожлантириш учун хизмат қила оладиган миллий ресурсларнинг анчаси ҳали очилмагани катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда бозор муносабатлари шароитида халқаро туризмни ривожлантириш чора-тадбирлари давлат томонидан белгиланган бўлиб, иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун турли битимлар, келишувлар амалга оширилган ва оширилмоқда. Бугунги кунда халқаро туризмни ривожлантиришда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар қуйидагилардан иборат бўлмоқда:

- халқаро туризмда кичик тадбиркорлик фаолиятидан кенг фойдаланиш ва халқаро бозорларга чиқишга интилиш;
- маҳаллий ахборот агентликлари орқали ривожланган мамлакатларни Ўзбекистоннинг туристик имкониятлари билан яқиндан таништиришга ҳаракат қилиш;
- туризм соҳасида ишлайдиган мутахассисларни чет элларда бир йилда камида бир марта малака оширишга жўнатиш, ўқитиш, улар учун барча имкониятларни яратиб, туристларга сифатли хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш;
- республикамиз вакилларининг Европа мамлакатларида ўтказиладиган туристик халқаро ярмаркаларда доимий равишда иштирок этишини таъминлаш;
- халқаро туристик ташкилотлар билан ахборот алмашишни яхшилаш, биргаликда фаолият юрита оладиган давлатлар билан қўшма корхоналар тузиш ва улар фаолиятини кенг йўлга қўйиш;
- ички туристик бозорда ўзаро рақобатни янада кучайтириш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Халқаро туризмни ривожлантириш Ўзбекистон иқтисодиёти учун ғоятда зарур бўлиб, унинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда туризм соҳаси орқали аҳолининг моддий фаровонлигини яхшилаш, уларни доимий иш билан таъминлаш мақсадида янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг ривожланиши, унга бўлган муносабатнинг ижобий томонга силжиши билан белгиланмоқда. Республикамиз шароитида, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда туризмнинг имкониятлари бошқа соҳаларга қараганда

жуда катта. Шу туфайли республикадаги иқтисодий барқарорлик ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёни тадбиркорларга кенг йўл очиши билан бирга, уни жадал ривожлантириш имкониятларини туғдирмоқда.

Жаҳондаги ҳар бир давлатнинг иқтисодий юксалишида асосий омиллардан бири тинчлик, осойишталик, барқарорлик ва ижтимоий адолатдан иборатдир. Ўзбекистон ҳозир Марказий Осиё минтақасидаги иқтисодиёти барқарор ривожланиб бораётган давлатлардан бири бўлиб, ўзига хорижий инвесторларни, ишбилармонларни ва туристларни жалб этувчи ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг жаҳон туризм бозоридаги салоҳиятига баҳо берадиган бўлсак, унинг Марказий Осиё давлатлари ичида энг юқори имкониятларга эга эканлигини кўрамиз, бу ҳақида республика ҳудудида мавжуд бўлган сакиз мингдан ортиқ қадимий меъморчилик, монументал санъат ёдгорликлари далолат беради. Ўзбекистон тарихий меъморчилик ёдгорликларининг умумий сони бўйича жаҳондаги етакчи ўнта мамлакатлар қаторига киритилиб, тўртта йирик шаҳарлари Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз ЮНЕСКО томонидан жаҳон маданияти ёдгорликлари маркази сифатида тан олинган ва халқаро ташкилот томонидан муҳофаза қилинади.

Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда тарихий-маданий обидалар билан бир қаторда дам олиш ва маданий ҳордиқ чиқариш учун хизмат қиладиган туристик объектларнинг ҳам мавжудлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда зиёрат туризмининг ҳам катта имкониятлари мавжуд бўлиб, бу борада юртбошимиз томонидан Самарқанд, Бухоро, Тошкент шаҳарларидаги ***муқаддас қадамжолар ва ёдгорликларни зиёрат қилишдан иборат бўлган "кичик ҳаж" дастурини ривожлантириш ва жадаллаштириш*** зарур [84] эканлиги таъкидлаб ўтилди ва бу борада ишлар жадал амалга оширилмоқда.

***Таянч сўз ва иборалар*:** халқаро туризм, халқаро ташрифлар, туристлар оқимини таъминлаб берувчи асосий мамлакатлар, «Тошкент халқаро туристик ярмаркаси», халқаро туризм бозори, ички туризм бозори, кирувчи ва чиқувчи туризм.

---

[84] O'zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy majlisga murojaatnomasi. –T., 2017.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Мустақилликдан олдин Ўзбекистонда халқаро туризм соҳасининг ривожланиши қандай бўлган?

2. Ўзбекистон халқаро туризмининг ривожланишида «Буюк Ипак йўли» нинг тутган ўрни нимадан иборат?

3. Халқаро туризм ривожланишининг Ўзбекистон иқтисодиётига таъсири нимадан иборат?

4. Ўзбекистон фуқароларининг чет элга чиқишлари ва хорижий фуқароларнинг келиш динамикаси нимани ифодалайди?

5. Ўзбекистонга дам олиш ва даволаниш мақсадида кирувчи фуқаролар сони кам бўлишининг сабаби нимада?

6. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш истиқболлари нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1.Ўзбекистонга келаётган хорижий туристлар оқимини ошириш учун қандай чора-тадбирларни қўллаш лозим.

Тест саволлари

1. Тошкент шаҳрида «Ипак йўлида туризм» номи билан биринчи маротаба Халқаро туристик ярмарка нечанчи йилда ўтказилган?

а) 1995 йил;
б) 1994 йил;
д) 1996 йил;
е) 1997 йил;

2. Ҳозирда жаҳон ялпи маҳсулотининг неча фоизи халқаро туризмга тўғри келади?

а) 10 %;
б) 15 %;
д) 25 %;
е) 30 %.

3. Туризм халқаро бизнесда нечанчи ўринни эгаллайди?

а) учинчи;

б) биринчи;

д) иккинчи;

е) тўртинчи.

4. Европанинг туризми ривожланган мамлакати қайси қаторда тўғри кўрсатилган?

а) Испания;

б) Миср;

д) Канада;

е) Ҳиндистон.

5. Халқаро туризм ривожланган ҳудудни белгиланг.

а) Европа;

б) Осиё;

д) Австралия;

е) Африка.

21-мавзу. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ

Режа:

21.1. Туристик корхоналарга лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар.

21.2. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари.

21.3. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари.

21.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг моҳияти.

21.1. Туристик корхоналарга лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар

Ўзбекистонда туризм фаолияти лицензияланади ҳамда бу жараённи ўтказиш механизми тегишли меъёрий ҳужжатлар ва қонун билан белгиланган. Туризм бизнесини ташкил этиш учун расмиятчиликни ўзига хос хусусиятларини билиш зарур, жумладан, лицензиялаш соҳасини ва бошқа рухсатнома хилидаги ҳужжатларни мукаммал билиш талаб этилади.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби қуйидаги меъёрий ҳужжатлар: «Туризм тўғрисида«ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ–4861-сонли Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 189-сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган ***“Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомга*** мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонда туризм соҳасида лицензия бериш, сертификатлаштириш ҳамда бошқа рухсатномалар бериш тартиб-таомилларини такомиллаштиришга қаратилган давлат томонидан бошқариладиган бир қатор принципиал янги механизмлар белгилаб қўйилди. Жумладан, 2017 йилнинг 1 январидан

бошлаб туризм фаолиятига лицензия бериш вазифаси Вазирлар Маҳкамасидан янги ташкил қилинган давлат қўмитасига ўтказилди, бунда меҳмонхоналар ва одамлар яшайдиган бошқа жойларнинг лицензия олишлари тўғрисидаги талаб бекор қилинди.

2017 йил 1 январдан бошлаб: фақат туризм фаолиятини ташкиллаштиришни таъминлайдиган туризм корхоналари – туризм операторлари, туризм агентликлари, экскурсия ташкилотлари, туризм фирмалари туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи юзасидан лицензияланади.

Ўзбекистонда туризм фаолиятини лицензиялаш юқоридаги ҳужжатлар асосида Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси лицензияловчи орган сифатида лицензияни қуйидаги уч йўналиш бўйича шуғулланган соҳа эгаларига беради:

ички туризм – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун;

чиқиш туризми – Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасидан ташқарида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун;

кириш туризми – Ўзбекистон Республикасидан ташқарида доимий яшовчи жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туризм фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун.

Туризм фаолиятини амалга оширишда қуйидагилар лицензия олиш талаблари ва шартлари ҳисобланади:

а) туризм тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, туризм соҳасидаги халқаро стандартларга ва Ўзбекистон Республикаси стандартларига мажбурий риоя қилиш;

б) юридик шахс штатида «туризм» йўналишидаги олий таълим ёхуд ўрта махсус, касб-ҳунар таълими дипломига ёки Қўмита томонидан белгиланган тартибда 3 йил муддатга бериладиган амалдаги малака сертификатига эга бўлган камида бир нафар мутахассис бўлиши;

в) юридик шахс ходимлари (гидлар – экскурсия етакчилари) ва йўриқчи – йўл бошловчилар) 3 йилда камида бир марта Қўмита белгилаган тартибда малака сертификати олиши;

г) қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ туризм фаолиятини амалга ошириш учун ўз мулки бўлган ёки ижарага олинган бинолар мавжуд бўлиши;

д) туризм фаолиятини амалга ошириш учун йўналишига кўра:

«ички туризм» – юридик шахснинг тегишли ташкилий-ҳуқуқий шакли учун қонунчиликда белгиланган миқдорга тенг;

«чиқиш ва кириш туризми» – энг кам ойлик иш ҳақининг камида 400 баравари миқдорида шакллантирилган устав жамғармасига эга бўлиши;

е) туризм хизматларининг мувофиқлик сертификати билан тасдиқланган туристлар ва экскурсиячиларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулки учун хавфсизликни таъминлаш бўйича тизимнинг мавжудлиги;

ё) мижоз билан фақат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ шартнома, шу жумладан, электрон тарзда (онлайн) тузилгандан кейин туризм хизматлари кўрсатиш;

ж) чет давлатга чиқиш, келиш ва у ерда бўлишнинг ўзига хос хусусиятлари, туристик саёҳат вақтида ўзини тутиш хусусиятлари ҳамда ҳар бир муайян мамлакатда бўлишнинг бошқа қоидалари тўғрисидаги тўлиқ маълумотларни ҳар бир туристга белгиланган тартибда етказиш;

з) мижозга ***лицензиатнинг (лицензия талабгори)*** иш режими, унинг жойлашган жойи (почта манзили), тегишли лицензия, туризм хизматлари сертификатининг мавжудлиги, туризм фаолиятининг аниқ йўналишлари учун масъул бўлган лицензиатнинг мутахассислари фамилияси, исми, отасининг исми тўғрисида тўлиқ ва батафсил маълумот бериш, жумладан, ушбу кўрсатилган маълумотларни ўзининг халқаро интернет тармоғидаги расмий веб-сайтига жойлаштириш.

Лицензия олиш учун лицензия талабгори Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) лицензия талабгорининг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномадаги туризм хизматларини кўрсатиш учун амалдаги мувофиқлик сертификати ва туризм фаолиятини амалга ошириш учун бинога ҳуқуқни берувчи ҳужжатлардаги маълумотларнинг мавжудлиги, лицензия талабгорининг жойлашган

жойи (почта манзили), алоқа телефонлари, факс рақамлари, электрон манзили ва банк реквизитлари, шунингдек, ушбу Низомнинг ***лицензия олиш талаблари ва шартларида*** назарда тутилган, талаб этилаётган туризм фаолиятининг йўналиши кўрсатилган лицензия бериш тўғрисидаги ариза;

б) ушбу Низомнинг 8-банди «б», «г-э» кичик бандларига мувофиқ ҳужжатлар нусхалари;

в) лицензия талабгори аризасининг лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилиши учун Лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тўлов ҳужжатининг нусхаси;

г) фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, паспортига оид маълумотлар, уй манзили, маълумоти, алоқа телефонлари рақамлари кўрсатилган раҳбар тўғрисидаги маълумотлар.

21.2. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назорат қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ***Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси*** томонидан амалга оширилади.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширишда ***Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси*** ўз ваколатлари доирасида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

– туризм фаолияти субъектларидан туризм тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилишини талаб қилиш;

– лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда режали текшириш;

– лицензия талаблари ва шартларига лицензиат томонидан риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун ҳужжатлари бузилганлиги фактлари тўғрисидаги мурожаатлари асосида махсус ваколатли органнинг – Ўзбекистон Республикаси назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг қарорига кўра, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўтказиш;

– лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текшириш вақтида пайдо бўладиган масалалар юзасидан лицензиатдан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

– текширишлар натижалари асосида, лицензия талаблари ва шартларининг аниқ бузилишларини кўрсатган ҳолда далолатномалар (маълумотномалар) тузиш;

– лицензиатга аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юкловчи қарорлар чиқариш, бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилаш;

– қонунчиликда белгиланган тартибда лицензияларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки уларни бекор қилиш бўйича қарор қабул қилиш ёки судга мурожаат этиш;

– лицензиясиз туризм фаолияти амалга оширилаётганлиги тўғрисида аниқланган фактлар ҳақидаги маълумотларни қонунчиликда белгиланган тартибда тегишли органларга юбориш.

Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини текширишда ***Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси*** ходимлари томонидан икки нусхада далолатнома тузилади, уларнинг биттаси лицензиатга берилади, иккинчи нусхаси ***Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасида*** қолади.

“Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ туризм фаолиятини лицензиялаш

СХЕМАСИ

Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддати
Лицензия талабгори	Низомнинг 9-бандида назарда тутилган рўйхатга мувофиқ лицензия олиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлайди. Ҳужжатларни лицензияловчи органга бевосита, олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта ёки электрон шаклда тақдим этади. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар лицензия талабгорининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади. Ариза кўриб чиқилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам	Лицензия талабгорининг хоҳишига кўра

	ойлик иш ҳақининг 2,5 баробари миқдорида йиғим тўлайди, йиғим лицензияловчи органнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.	
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгори томонидан ариза ва барча зарур ҳужжатлар топширилгандан кейин лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.	15 иш куни мобайнида
Лицензияловчи орган	Лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, бу ҳақдаги билдириш-номада рад этишнинг аниқ са-баблари ва уларни бартараф этишга етарли бўлган муддат кўрсатилган маълумотлар электрон шаклда ахборот тизими орқали, шунингдек, ёзма шаклда лицензия талабгорига юборилади (топширилади).	Бир кун муддатда
Лицензия талабгори	Лицензия бериш рад этилган тақдирда аниқланган сабабларни бартараф этади ҳамда ариза ва ҳужжатларни лицензияловчи ор-ганга қайта топширади.	Лицензияловчи орган белгилаган муддатга мувофиқ
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгорига лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида такроран қарор қабул қилади.	5 иш куни мобайнида
Лицензияловчи орган	Лицензия беришга қарор қилин-ганлиги тўғрисидаги билдириш-нома лицензия талабгорига банк ҳисоб рақами реквизитлари, давлат божи тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда, шу жумладан, ахборот тизими орқали электрон шаклда лицензия талабгорини хабардор қилади ва айни вақтда имзолаш учун лицензия битими юборади.	Бир кун муддатда
Лицензиат	Лицензия берилганлиги учун давлат божи тўланганлигини тас-	3 ой мобайнида

	диқловчи ҳужжатни лицензияловчи органга тақдим этади ва лицензия битимини имзолайди.	
Лицензияловчи орган	Юқорида қайд этилган шартлар бажарилмаган тақдирда лицензияловчи орган лицензияни бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.	3 ойдан сўнг
Лицензияловчи орган	Лицензия талабгори томонидан Низомнинг 33-бандига мувофиқ, давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда ва лицензия битими имзоланганда тегишли бланкада лицензияни расмийлаштиради ва уни лицензиатга беради.	2 иш куни мобайнида

21.3. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари

Сертификатлаш – бу аҳоли саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган корхона маҳсулотлари ёки хизматлари сифатини тартибга солиш жараёнидир. Шуни қайд этиш керакки, сертификатлаш нафақатгина четдан келаётган импорт товар ва хизматларга, балки маҳаллий ишлаб чиқариладиган товар ва хизматларга ҳам тегишлидир. Эксперт маълумотлари бўйича Ўзбекистонда 2.5 мингдан ортиқ товар ва хизматлар сертификатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига асосан 2018 йилдан бошлаб хорижий туристларга хизмат кўрсатишга ихтисослашган умумий овқатланиш корхоналари ва автотранспорт корхоналарини хорижий туристларнинг ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мажбурий сертификатлаш жорий этилади.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси зиммасига қуйидаги функциялар: Ўзбекистон Республикаси сертификатлаштириш бўйича миллий органи – “Ўзстандарт” агентлиги билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туроператорлик (туризм маҳсулотлари) хизматлари ва меҳмонхона хизматларини

мажбурий сертификатлаш, шу жумладан, турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги меҳмонхоналарнинг (мотелларнинг) таснифини белгилаш; сертификатланадиган туризм хизматларининг норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий талаблар ва стандартларга мувофиқлиги бўйича инспекция назоратини амалга ошириш юклатилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Миллий сертификатлаш тизимида аккредитация қилинган туризм хизматларини сертификатлаш бўйича органлар ҳам туризм хизматларининг айрим турларини сертификатлаш субъектлари ҳисобланади. ***Туризм ва меҳмонхона хизматларини сертификатлаш мажбурий ҳисобланади. Туризм соҳасида товар ва хизматларни сертификатлаш қуйидаги мақсадлар учун амалга оширилади:***

- инсон ҳаёти, атроф-муҳит учун хавфли бўлган маҳсулотларни, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мулкини сотишни назорат қилиш;
- жаҳон бозорини рақобатбардош маҳсулотлар билан таъминлаш;
- истеъмолчини инсофсиз хизмат кўрсатувчидан ва ишлаб чиқарувчидан ҳимоя қилиш;
- маҳсулотни яратилган (келиб чиққан, ишлаб чиқарилган) манзилини тасдиқлаш;
- ишлаб чиқарувчи тақдим этадиган маҳсулотлар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларини тасдиқлаш.

Туризмда сертификатлаш «маҳсулот ва хизматларни сертификатлаш тўғрисида»ги қонуни ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Унинг объектлари бўлиб, маҳсулотлар, хизматлар ҳамда сифат тизимлари ҳисобланади. Шуни қайд қилиш керакки, сертификатлашни икки тури қўлланилади – **мажбурий** ва **ихтиёрий** сертификатлаш.

Ихтиёрий сертификатлаш қуйидаги ҳолатларда қўлланилади, учинчи шахслар ёки қўшма корхонадаги чет эл шериклари ишлаб чиқариладиган товарлар ва тақдим этиладиган хизматлар учун қўшимча сертификатни талаб этган вазиятларда фойдаланилади.

Мажбурий сертификатлашга туризм хизматларини тақдим этиш билан боғлиқ бўлган фаолиятни амалга оширишга лицензияси мавжуд бўлган туризм фаолияти субъектлари томонидан кўрсатиладиган туризм хизматлари тортилади.

Сертификатлашни амалга оширишда кўрсатиладиган хизматлар тавсифи текшириб кўрилади ҳамда қуйидагиларга имкон берувчи текшириш усулларидан фойдаланилади:

- хизматларни идентификациялаш (тенглаштириш, айнан ўхшатиш) ни ўтказиш, жумладан, классификация гуруҳланишига (ОКУН) тегишли эканини текшириш;
- сертификатланадиган туризм хизматларини меъёрий ҳужжатларда белгиланган мажбурий талабларга мослигини тасдиқлаш.

Шуни қайд этиш керакки, юқорида кўрсатилган «тартиб» кўрсатилган хизматларни сертификатлаш бўйича улар томонидан аккредитланган органларга ҳамда туризм фаолияти субъектларига, Ўздавстандартга жорий қилинади.

21.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг моҳияти

Стандарт ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган нормалар мажмуасини, маҳсулот ва хизматларга бўлган қоида ва талабларни белгиловчи норматив техник ҳужжат бўлиб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш керакки, стандартлар нафақат моддий объект (товарлар, маҳсулотлар, хизматлар, буюм намуналар), балки нормалар, қоидалар, ташкилий-методик ва умумтехник характердаги объектлар учун ҳам ишлаб чиқилади.

Ўзбекистонда туристик хизматларни лойиҳалаштиришда туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш соҳасида стандартлаштириш объектлари, стандартлар мажмуасининг тузилмаси ва бошқа стандартларштириш бўйича ҳужжатларнинг мақсади ва вазифасини белгиловчи стандартлар мавжуд. Менежерлар туристик хизматлар учун ишлаб чиқилувчи лойиҳа материаллари, корхона ва туристик хизмат кўрсатиш объектлари (меҳмонхоналар, турбаза, маршрутлар ва бошқалар) давлат экологик экспертизасидан ўтиши шарт. Хизматлар эса амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлардаги талабларга мос келиши керак. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш туристик корхоналар томонидан амалга оширилиши ёки бошқа ташкилот томонидан ҳам бажарилиши мумкин. Бу ҳолда манфаатли бўлган корхона ёки ташкилот ташаббуси билан шартнома тузилади.

Хизмат кўрсатишни лойиҳалаштиришни асоси – бу туристик хизматларниниг қисқа баёнидир, яъни бозорни тадқиқ этиш

натижасида аниқланган, буюртмачи билан келишилган ва ижро этувчи имкониятларини эътиборга олган талаблар мажмуасидир. Шу асосда, у қуйидаги тартибда амалга оширилади:

- хизматлар тавсифи нормаларининг белгиланиши;
- туристларга хизмат кўрсатиш жараёни технологиясини белгилаш;
- технологик маҳсулотларни ишлаб чиқиш;
- сифат назорати усулларини аниқлаш;
- лойиҳа таҳлили;
- лойиҳани тасдиққа тақдим этиш.

21.4.1-жадвал

Стандартлаштириш бўйича ваколатли органлар ва Ўзбекистондаги стандартлар тоифаси

Стандартлаштириш органлари		**Стандартлаштиришда қўлланиладиган стандартлар тоифаси ва норматив ҳужжатлар**
Номи	**Функциялари**	
Стандартлаштириш, метралогия ва сертификация бўйича Ўзбекистон агентлиги	Стандартлаштириш бўйича умуммаъмурий ва юридик ваколатлар	– халқаро (давлатлар ва минтақалар бўйича) стандартлар; – саноат тури стандартлари; – техник стандартлар, шартлар; – корхона стандартлари; – бошқа давлатларнинг давлат стандартлари; – маъмурий-ҳудудий стандартлар; – Ўзбекистонда қўлланувчи таълим стандартлари.
Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси	Туристик аҳамиятдаги объектлар стандартизацияси	
Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси	Атроф-муҳит ҳимояси ва табиий ресурслардан фойдаланиш стандартлари	
Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Дори воситаларини ишлаб чиқаришни	

21.4.1-жадвалнинг давоми

	амалга ошриш бўйича корхоналар ва тиббий мақсаддаги товарлар стандарти	
Бошқа соҳадаги вазирликлар ва идоралар	Тегишли иқтисодий соҳалар стандартлари	

Ўзбекистоннинг Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишига интилиши муносабати билан, стандартлаштириш жараёни соҳалар, корхоналар ва ҳудудларга янада кўпроқ дахлдор бўлмоқда. Янги прогрессив стандартларга ўтиш туристик фирмаларга қийинчилик туғдириши мумкин, чунки уларнинг баъзилари ҳалигача эски технологик воситалардан фойдаланишмоқда, бироқ жаҳон бозорида рақобатбардош бўлиш учун унга риоя қилиш керак бўлади.

Туризм соҳасига оид стандартлар. Ўзбекистонда ташкилий-ҳуқуқий шаклларидан қатъи назар, барча туристик корхоналар томонидан туристик хизматлар сифатига мажбурий ва тавсия этилувчи талабларни белгиловчи стандарт мавжуд. Амалиётда бу тизим туристнинг ҳаёти, соғлиғи ва мулкининг хавфсизлигини ҳамда атроф-муҳитни қўриқлашни таъминлайдиган туристик хизматлар сифатига бўлган мажбурий талабларини ўз ичига олади.

Шуни айтиш керакки, туристик хизматларга (экскурсия, поход, саёҳат) ва хизмат кўрсатиши шартларига бўлган талаблар мажбурий ва тавсияланувчиларга бўлинади. Барча туристик хизматларга мажбурий бўлган талаблар қуйидагилар:

- ҳаёт ва соғлиқ хавфсизлиги;
- турист ва экскурсантлар мулкининг сақланиши;
- атроф-муҳит муҳофазаси.

Барча туристик хизмат турлари истеъмолчилар соғлиги, ҳаёти ва мулки учун хавфсизлик таъминланган бўлиши керак. Туристик хизматлар хавфсизлиги нормал шароитда бўлганидек, фавқулодда ҳолатлар (табиий офат ва бошқалар) да ҳам таъминланиши керак. Туристик трассалар экологик қулай ва санитар-эпидемиологик шароитлари яхши бўлган ҳудудларда жойлаштирилиши лозим.

21.4.2-жадвал

Туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш соҳасида хизматлар тури ва стандартлари

Бир турдаги хизматлар	Умумий талабларга доир стандартлар
- Туристик ва экскурсион хизматларни амалга ошириш; - Экскурсия; - Туристик сафарлар; - Реклама - ахборот хизматлари; - Озиқ-овқат хизматлари; - Маданий-оммавий хизматлар; - Жисмоний-маданий соғлом-лаштириш хизматлари	- белгилаш - хавфсизлик - ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши - эргономлилик - эстетиклик - экологик - қулайлик - кафолатлар ва бошқалар

Хизматларни стандартлаштиришнинг асосий вазифалари:

− хизматлар ва туристларга хизмат кўрсатиш сифат кўрсаткичлари номенклатурасини белгилаш;

− хизматлар туристларга хизмат кўрсатиш ва уларнинг назорат усули сифатига ўсиб бораётган талабларни белгилаш;

− хизматлар хавфсизлиги, аҳоли соғлигини қўриқлаш, атроф-муҳит ҳимояси, ижронинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши, хизмат кўрсатишнинг эстетиклигини таъминловчи талабларини ўрнатиш;

− туристик хизматлар сертификациясига бўлган талабларни белгилаш;

− туристик корхоналар фаолияти бошқа туристик экскурсион хизмат кўрсатишда қатнашувчи корхоналар боғлиқлигини таъминлаш;

− стандартлаштириш соҳасида терминлар ва асосий тушунчаларни аниқлашни ва аҳолига туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш сифатини бошқаришни белгилаш.

Аҳолига туристик-экскурсион хизмат кўрсатишни стандартлаштириш объектларига қуйидагилар киради:

− туристик хизматлар;

− туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш жараёни.

Ўздавстандарт Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда хавфсизликни, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини, атроф-муҳит ҳимояси ижросининг аниқ ва ўз вақтида бўлишини, мажбурий-умумий талабларни, шунингдек, хизмат кўрсатиш турларига тавсия этувчи талабларни ўрганади. Уларнинг расмий қарашлигидан қатъи назар, барча туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотлари томонидан амал қилиниши керак. Шунингдек, аҳолига туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланувчи фирмалар, қўшма корхоналар ва фуқароларга ҳам тегишлидир. Аҳолига туристик-экскурсион хизмат кўрсатиш соҳасидаги стандартларнинг асосий кўринишлари қуйидагилардан иборат:

- асосий стандартлар;
- умумий техник стандартлар;
- ишлаб чиқариш жараёнлари (технологик, бошқаришни ташкил этишни таъминловчи) стандартлари;
- хизматлар стандарти.

Таянч сўз ва иборалар: туристик фаолиятни лицензиялаштириш, лицензия, лицензия реэстрининг таркиби, расмиятчиликларнинг босқичлари, ҳужжатларни тақдим этиш, лицензиат, лицензия талабгори, лицензияловчи орган, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, давлат стандартлари, Ўздавстандарт, миллий туризмида аккредитланган туризм хизматларини сертификатлаш, мажбурий сертификатлаштириш, асосий стандартлар.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туристик фаолиятни лицензиялаштириш расмиятчилиги нимадан иборат?
2. Лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар нималардан иборат?
3. Низом бўйича лицензия олиш учун қандай ҳужжатларни тақдим этиш керак?
4. Туризм фаолиятига лицензия олиш расмиятчиликларининг босқичлари ва хусусиятлари нималардан иборат?
5. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширишда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ўз ваколатлари доирасида қандай ҳуқуқларга эга?

6. Туризмда сертификатлаштиришнинг мазмуни ва турлари нимадан иборат?

7. Сертификатлаштиришда давлат стандартларидан фойдаланиш қандай амалга оширилади?

8. Хизматларни стандартлаштиришнинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

1. Янги ташкил қилинадиган туристик фирмага Низом талаблари асосида лицензия олиш тартибини ишлаб чиқинг. Унинг кўрсатадиган барча хизматларини сертификатлаштириш жараёнини асослаб беринг. Ушбу жараёнларни ифодаловчи тақдимот тайёрланг.

Тест саволлари

1. Сертификатлаш – бу.....?

а) аҳоли саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган корхона маҳсулотлари ёки хизматлари сифатини тартибга солиш жараёнидир;

б) маҳсулот ва хизматларни тартибга солиш жараёнидир;

д) жисмоний шахслар мулкини сотиш учун талаб қилинадиган ҳужжат;

е) маҳсулотлар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаб.

2. Лицензия олиш учун лицензия талабгори Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасига қандай ҳужжатларни тақдим этади?

а) уй манзили, маълумоти, алоқа телефонлари рақамлари кўрсатилган раҳбар тўғрисидаги маълумотлар;

б) фамилияси, исми ва отасининг исми, туғилган йили, паспортига оид маълумотлар;

д) солиқ тўлаганлиги ҳақида чипта;

е) а ва б вариантлари тўғри.

3. Туристик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини белгиловчи ҳужжат қандай номланади?

а) лицензия;

б) сертификат;

д) гувоҳнома;

е) рухсатнома.

4. Ўзбекистонда ички ишлар органлари томонидан бериладиган «виза»лар неча йилга берилади?

а) икки йилга;

б) бир йилга;

д) бир йил-у олти ойга;

е) икки йил-у олти ойга.

5. Стандарт қандай ҳужжат ҳисобланади?

а) ваколатли давлат органлари томонидан тасдиқланган нормалар мажмуаси;

б) маҳсулотлар ва хизматларнинг сифат кўрсаткичларига қўйиладиган талаб;

д) турист ва экскурсантлар мулкининг сақланишда қўйиладиган талаб;

е) товар ва маҳсулотларнинг сони ҳамда миқдорига қўйиладиган талаб.

22-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР

Режа:

22.1. Туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш тамойиллари.

22.2. Халқаро туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари.

22.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ва қарорларида туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш.

22.4. Халқаро туризм расмиятчилигига оид ҳужжатлар.

22.1. Туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш тамойиллари

«Туризм хавфсизлиги» кенг маъноли тушунча бўлиб, туризмда хавфсизлик турист ва унинг юкларининг хавфсизлиги, туристик муҳит қатнашчиларининг муҳим ҳаётий қизиқишларини ички ва ташқи хавфлардан ҳамда туризм ривожланишида атроф-муҳитни салбий омиллардан ҳимояланганлиги тушунилади.

Туризмдаги хавфсизлик – бу турист ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадида ҳамда унга ва атроф-муҳитга (жамоага, жамиятга, давлатга, табиатга) етказилган зарарларни минималлаштиришга қаратилган мажмуали тадбирлардан иборат. Дунёда бўлиб ўтаётган воқеа, ҳодисалар хавфсизлик масаласи қанчалик муҳимлигини кўрсатмоқда ва бу ерда нафақат мамлакат ички тартиби, балки халқаро даражада мувофиқлаштириш талаб этилади. Туризмда хавфсизликни таъминлаш борасидаги қарорлар туристик фаолият соҳасидаги қонунларнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади.

Ҳозирги пайтда туризмда хавфсизлик масаласи қуйидаги тамойиллар асосида таъминланади:

1. Миллий қонунлар, халқаро ҳуқуқлар асосида туристларни жўнатувчи ёки қабул қилувчи, давлат уларни ҳимоя қилиши, паноҳига олиши шарт. Мамлакатда хорижий туристлар келишини назорат қилувчи, шахсий мулкини, шахсиятини ҳимоя қилувчи, жорий-қидирув ишларини олиб бориш, суғурта тўловларини тўлаш, валюта айрибошлаш, маданий қийматга эга буюмларни олиб чиқиш, ахборот олишга имконият, дипломатик ва адвокат кўмаги ва бошқа масалаларга тегишли ҳуқуқий-меъёрий актлар қабул қилинади. Туристик фирмалар лицензия оладилар ва маҳсулотларини

сертификатлайдилар. Халқаро меъёрлар авиаташувчилар, сув транспорти компаниялари, автокорхоналардан авария ва фавқулодда ҳодисаларни олдини олиш мақсадида ягона ва универсал стандартни бажаришни талаб қилади.

2. Макродаражадаги ташкилий механизмлар асосида. Бевосита ва билвосита туристлар хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқ давлат ва жамоа таркиблари ёрдамида амалга оширилади. Булар ҳуқуқий, тартибни сақлаш кучлари (милиция, разведка хизматлари) жиноятчиликнинг олдини олади; божхона таркиби – булар экспорт - импорт, контрабанда билан курашадилар; **қутқарув хизматлари** (тоғ ҳудудларида, ўрмонларда, ёнғиндан, тиббий, ФҲВ ва бошқалар.) – одамларни табиий офатлар ва техноген хавфлари мавжуд жойлардан қутқарадилар. Ташқи ишлар вазирлиги – вақтинчалик келган мамлакатда ҳар хил ҳолатларга тушиб қолган фуқароларга консуллик ҳимояси хизматини тақдим этадилар. **Солиқ қўмитаси** – иқтисодий жиноятчиликка қарши курашади, **стандартлаштириш хизмати** – истеъмолчиларга таклиф этиладиган товар ва хизматлар сони ва сифатини назорат қилади, **прокуратура** – давлат ва шахсга қарши ҳаракатларни олдини олади, **ветеринария ва санэпидемиология** хизмати – санитария талабларини текширади ва б.

3. Микродаражадаги ташкилий механизм асосида. Бу саёҳатчиларга бевосита хизматлар таклиф этувчи туристик корхоналардир. Масалан: турфирма маршрутни сертификатлайди, суғурта компанияси – саёҳатчи ҳаётини суғурталайди, меҳмонхона ёнғин ва эпидемиологик хавфсизликни таъминлайди, автотранспорт корхоналари машиналарнинг техник ҳолатини текширади.

Маҳаллий жамоа ҳам ташриф буюрувчиларнинг хавфсизлигини таъминлашлари шарт. Бунинг учун гидлар махсус тайёргарликдан ўтадилар, маршрутлар хавфсизлиги (йўллар тошлоқ, заҳарли ўсимликлар, ёввойи ҳайвонлар) текширилади, туристлар махсус мосламалар (палатка, қутқарув жилети, дори-дармон) билан таъминланади, қутқарувчилар ва ўрмон хизматлари гуруҳ келгани ва уларнинг бу ерда бўлиш муддати ҳақида огоҳлантирилади. Туристнинг ўзи ҳам хавфсизлик қоидаларига риоя қилиши шарт. Яъни унинг ҳаёти ва соғлиғига нималар хавф солишини англаши, қабул қилинган талабларга риоя қилиши, ҳушёр бўлиши зарур.

4. Иқтисодий механизмлар асосида. Хавфсизлик таъминланишининг иқтисодий механизмлари турист ҳаёти ва мулкига

зарар етказилганда уни молиявий қоплашни назарда тутади. Масалан: суғурта компаниясининг суғурта кафолати зарурий суммани тўлашга қурби етадиган бўлиши керак.

5. Ижтимоий - маданий ва сиёсий даражада хавфсизлик жамиятни бошқа ижтимоий қарашлар – диний, ғоявий, удумларнинг бузулиши ва бошқалар назарда тутилади. Афсуски, туризм алкоголизм, наркомания ва бошқа салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлмоқда. Бу ерда халқаро терроризмга қарши кураш, диний экстремизмга қарши давлатлараро коалицияларни тузиш ҳам эътиборга олинмоқда.

22.1.1-жадвал

Тармоқ миқёсида туризмда хавфсизлик даражалари[85]

Даражалар	Жалб қилинган структуралар	Фаолияти
Биринчи: ***Давлат хизмати таркиблари***	Ички ишлар вазирлиги	Жамоа тартибини сақлаш, жиноятчилик билан курашиш, криминал ҳолатларни назорат қилиш. Туристик полиция. Хорижий туристларни мамлакат бўйлаб ҳаракатланишини таъминлаш.
	Миллий хавфсизлик хизмати	Террористлар, экстремистларга қарши кураш ва бошқа давлатга қарши ҳаракатларни олдини олиш.
	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Эпидемияга қарши кураш, касалликларни олдини олиш, аҳоли саломатлигини назорат қилиш.
	Фавқулодда ҳодисалар вазирлиги	Техноген ва табиий офатлардан огоҳлантириш ва олдини олиш, тезкор қутқарув тадбирларини ўтказиш.
	Божхона қўмитаси	Кантрабандага қарши кураш, экспорт-импорт операциялари жараёнида уюшган жиноятчиликни олдини олиш, маданий бойликларни ноқонуний чиқиб кетишга йўл қўймаслик.

[85] Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопастности в туризме. –Т., 2008.

22.1.1-жадвалнинг давоми

	Ташқи ишлар вазирлиги	Хориждаги фуқароларга консуллик ҳимоясини таъминлаш.
	Маҳаллий маъмурият	Маълум ҳудудий ҳодисани назорат қилиш.
	Гидрометеорология хизматлари, сейсмик станциялар	Табиий офатларни башорат қилиш, табиий офатлар оқибатини баҳолаш.
	Мудофаа вазирлиги	Аҳоли, шу жумладан, туристларни ташқи агрессиялардан ҳимоялаш.
	Стандартлаш, сертификатлаш ва метрология хизмати	Товар ва хизматларни стандартлаш, уларни истеъмол учун хавфсиз эканини текшириш, турмаҳсулотни сертификатлаш.
	Антимонополия қўмитаси	Монополияга йўл қўймаслик, сифатсиз хизматлардан ҳимоялаш, ғирром рақобатнинг олдини олиш.
Иккинчи: ***Давлат жамоа хизмати таркиблари***	Миллий туризм маъмурияти	Туризм соҳаси фаолияти, хизмат сифатини текшириш, объектларда хавфсизлик даражаси.
	Туристик ташкилотлар ассоциацияси	Туризмнинг хусусий секторида хизматлар сифатини назорат қилиш.
	Истеъмолчилар ҳуқуқини ҳимоя қилиш жамияти	Истеъмол ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ғирром рақобатни олдини олиш.
	Табиатни асраш қўмитаси	Табиат бағрида одамларнинг ўзларини тутишлари, хавфли флора ва фауна ҳақида огоҳлантириш.
Учинчи: ***Давлат жамоа хизмати таркиблари ОАВ***	Йўл қурилиш хизмати – қурилиш вазирлиги	Шоссе, магистраллар, ҳаракат хавфсизлиги. Бино, иншоотлар қурилиши ва уларнинг хавфсизлиги.
	Транспорт фаолияти устидан назорат	Пассажирларни ташишга мўлжалланган транспорт хавфсизлиги.
	Ёнғинга қарши кураш хизмати	Ёнғинга қарши тадбирлар.

22.1.1-жадвалнинг давоми

	Энергия назорати ва коммунал хизматлар, телекоммуникация	Электр тармоқлар хавфсизлиги, чиқиндиларни олиб чиқиш, хавф туғилганда тезкор алоқани таъминлаш.
	ОАВ	Хавфлар ҳақида ахборот бериш.
	Маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари	Ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, ҳудудда хавфсизликни таъминлаш.
Тўртинчи: ***Хусусий хизматлар таркиблари***	Туристик ташкилотлар	Гидлар – маршрутда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш, менежер – туристик фаолият қатнашчиларини бошқариш, турлидер – гуруҳда ҳолатни назорат қилиш, муаммони бошқариш, корхоналарда хавфсизлик – меҳмонхоналарда, объектларда.
	Жисмоний шахслар	Муаммонинг олдини олиш учун туристлар шахсий хавфсизликка риоя қиладилар.

22.2. Халқаро туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари

Инсоннинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ҳамма вақтда ҳам аввало инсоннинг ўз ҳаётини муҳофаза қилиш, соғлиғини сақлаш, яшаш истаги ҳиссиётларидан келиб чиқади. Ўз ҳаёти хавфсизлигининг эртасини ўйламайдиган, ҳозирги замонамиздан жуда кўп йиллар илгари хавфли шароитларда таваккалига саёҳатга чиққан жасур кишилар (Скотт, Магеллан, Маклай, Ливингстон, Диксон, Никитин, Беринг, Дежнёв, Пержевальский, Поло, Батута, Лазерев, Крузнштерн, Колумб, Вамбери ва бошқалар) буюк географик тадқиқотчи сайёҳлар бўлишган, лекин вақт ўтиши билан инсоннинг яшашга бўлган ҳиссиётлари ҳам ўзгарди. Бундай ҳиссиётлар замирида албатта қўрқиш ҳисси ҳукмрон, иккиланиш ҳисси кучлироқ бўлганлиги ҳисобланади. Бир мамлакатдан ўзга мамлакатларга саёҳат қилмоқчи бўлган турист албатта, бу мамлакатдаги сиёсий-

ижтимоий вазият билан қизиқади, ахборотларни тўплайди ва кўнглида хавотир йўқлигидан аниқ бир қарорга келади.

Туризмнинг халқаро миқёсда ривожланиб бораётганлигининг сабабларидан бири, халқаро низоларнинг пасайиши, қуролланишнинг сусайганлиги натижасида жаҳон халқларининг бир-бирига қизиқиши, кўришишга, мулоқот қилишга, халқларнинг тарихий-маънавий маданиятига, халқлар яшаётган давлатлар табиатига қизиқиши, интилиши ҳисобланади.

Туризмдаги халқаро ҳуқуқ-меъёрларни қабул қилган мамлакатларда туристлар ана шу ҳуқуқ-меъёрларга ишониб, суяниб, эркин ҳаракат қилишади. Шу билан бирга, туризм ривожланишида туристик оқимларнинг муайян давлатда ёки давлатларда кўпайиши туризмдаги халқаро ташкилотларнинг фаолиятига ҳам боғлиқ бўлади. Ҳар бир давлатда, шунингдек, халқаро миқёсда туризмни ташкил этишнинг энг муҳим элементларидан бири – туристларнинг соғлиғи ва ҳаёти хавфсизлигининг таъминланиши ҳисобланади. Туристларнинг ҳаёти хавфсизлиги ва буюмларининг сақланиш кафолати халқаро миқёсда ва давлатлар ҳудудларида ҳаракатланиш хавфсизлигидаги жуда кўп мажмуали тадбирларнинг қонун ҳимоясида таъминланишни талаб қилади.

Туризмнинг халқаро хавфсизлигидаги халқаро тажрибаларни Бутунжаҳон туристик ташкилоти (БТТ) тадқиқ қилади ва тадқиқот натижалари асосида ишлаб чиқилган тавсияларни халқаро туризм тўғрисидаги қонун ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қабул қилган давлатларга кўрсатма – йўлланма сифатида тақдим қилиб келмоқда.

Саёҳатларнинг хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги туризм Хартияси 1985 йил БТТ даги Бош Ассамблеянинг VI – сессиясида қабул қилинган эди. Хартия таркиби 9 та модда ва турист кодексидан иборат. Хартиянинг 4-моддасида туристларнинг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда, уларнинг буюмларини сақланиши, ҳар бир давлат ҳудудларида эркин ҳаракат қилишида қуйидаги талаблар бажарилиши дунёдаги барча давлатларга тавсия қилинган:

- туристларга имкониятларнинг яратилиши, ўз давлатида ва чет эллик туристлар учун саёҳатлар даврида БМТ, БТТ, Халқаро фуқаролар авиацияси ташкилоти, Халқаро денгиз ташкилоти, Халқаро божхона ҳамкорлиги Кенгаши ва бошқа халқаро ташкилотларнинг туризм тўғрисидаги, халқаро туризм тўғрисидаги «Ҳолатлар»,

«Дастурлар», «Ҳуқуқ-меъёрлар» билан танишиш, уларни ўрганиш, фойдаланиш шароитларини яратишлари;

- туристларнинг билими ва маданияти ўсишига ҳамкорлик қилиши ва етиб келган давлатларнинг маҳаллий аҳолиси билан бўлган мулоқотларда, алоқаларда ўзаро тушуниш, ўзаро дўстона муҳитларининг яратилиши;
- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш ва буюмларининг сақланиш чора-тадбирларини халқаро қонунларга мос ҳолда ишлаб чиқиши;
- гигиена ва соғлиқни сақлаш хизматларига мурожаат қилиш, ёрдам олишнинг барча шарт-шароитларини яратиши, юқумли касалликлар ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳақида огоҳлантириш;
- туризмда бузғунчилик мақсадларидаги қилинган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;
- туристлар ва маҳаллий аҳолини гиёҳвандлик моддаларидан ноқонуний фойдаланиш манбаларидан ҳимоя қилиш тизимларини ишлаб чиқиш.

Туризм бўйича Гаага декларацияси 10 та тамойилни қабул қилди ва уни барча мамлакатларга тарқатди. Декларация жаҳонда туризмнинг ривожланишида туризм хавфсизлиги халқаро миқёсда ва миллий давлатлар миқёсида таъминланиши шартлигини таъкидлади. Бунга эришиш учун қуйидагиларни амалга ошириш тавсия қилинди:

- туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш меъёрларини ишлаб чиқиш ва туризмда жорий қилиш;
- жамоатчиликка аниқ ахборотларни етказиш ва тарқатиш;
- туристларнинг хавфсизлигини ўрганувчи ва таъминловчи, айниқса, экстремал вазиятларда хавфсизликни таъминлашни тадқиқ қилувчи институционал марказлар ташкил қилиш;
- туристларнинг хавфсизлигини таъминлашда халқаро, қитъалараро ҳамкорликни ташкил қилиш ва ҳаракатлантириш;
- туристларни ҳурмат қилиш, қадр-қимматини, ҳуқуқини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш туризм ривожланишининг ажралмас қисмидир.
- туристларни ҳимоя қилиш, ҳаёти хавфсизлигини таъминлашдаги ҳуқуқий меъёрларни ишлаб чиқиш, хавфга қарши чора-

тадбирлар тизимини яратишда ҳар бир давлатларнинг БТТ билан ўзаро ҳамкорлик қилишини таъминлаш.

Гаага декларациясида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат шундан иборат бўлдики, терроризм туризм ва туристик ҳаракатланишнинг ривожига реал хавф, деб тан олинди. Жаҳондаги давлатларнинг террористларга ҳар хил сиёсий сабабларни рўкач қилиб, бошпана бериш ҳоллари жаҳон миқёсида қораланиши эътироф этилди.

Халқаро туризм хавфсизлиги ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашда БТТ нинг 2001 йил 30 сентябрь – 1-октябрда Японияда (Осака декларацияси) ўтказилган конференцияси, МДҲ давлатларининг «Туризм соҳасида ҳамкорлик» – Ашхобод 23 декабрь 1993 йил, 29 октябрь 1994 йил, 4 ноябрь 1994 йил Осака декларацияси, «Туристик фаолиятни ташкил қилиш Европа Кенгаши», 2 ноябрь 1981 йил Непалдаги «Халқаро меҳмонхона қоидалари ассоциацияси» муҳим қарорлар қабул қилди, тавсиялар ишлаб чиқиб, дунё мамлакатларига тарқатди.

Туризм мамлакатларининг 21% ида махсус туризм полицияси ташкил қилинган бўлиб, жумладан Ўзбекистонда ҳам ташқил қилинди, бу полиция фақат туризм фаолияти билан шуғулланади. Туризм полицияси зиммасига туристларни, туризм ресурсларини ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, гиёҳвандликка қарши курашиш, маҳаллий этник гуруҳларни ҳимоя қилиш вазифалари ҳам юклатилган.

Халқаро туризм амалиётидан маълум бўладики, кўпгина давлатларнинг туризм бошқаруви туристларнинг дунё давлатларига, минтақаларига бориши ёки бормасликлари, хавфсизликнинг ҳолати, даражалари, ушбу давлатларда туризм сиёсати ва ҳимоя ҳақида аниқ тавсиялар ишлаб чиқади ва ўз оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда тавсиялар бериб боради.

22.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ва қарорларида туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш

Туризм соҳасида таълим олаётган барча талабалар ва мутахассислар Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида» ги Қонун моддаларини яхши ўзлаштириши ва мукаммал билиши ўринли бўлади.

Ушбу қонуннинг ***35-моддаси: «Туристларнинг хавфсизлиги кафолати».*** Ўзбекистон Республикаси ҳудудида туристларнинг хавфсизлиги давлат томонидан кафолатланади. Туризм соҳасидаги ваколатли давлат органи манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда туристларнинг ҳимоя қилинишини ҳамда хавфсизлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқади ва унинг бажарилишини ташкил этади. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари туризм соҳасида барча туристик йўналишлар бўйича туристларнинг ҳимоя қилинишини ва хавфсизлигини таъминлаш минтақавий дастурларини ишлаб чиқадилар ва уларнинг бажарилишини ташкил этадилар. Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича улар жароҳатланганда, касалланганда ва бошқа ҳолларда тиббий ва ўзга хил ёрдам кўрсатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқадилар.

Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари. Туристик фаолият субъектлари туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида:

- туристларнинг сафарда хавф - хатардан холи бўлишлари учун шарт-шароитни, сафар, сайр, экскурсия йўллари, мусобақалар ўтказиладиган жойларнинг хавфсизлигини таъминлашлари;
- туристларга жароҳатланиш ва бахтсиз ҳодисалардан сақланиш ҳамда уларнинг олдини олиш усулларини ўргатишлари, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш юзасидан йўл-йўриқ беришлари, шунингдек, белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилишлари;
- туристларнинг саёҳатлар, сафарлар, мусобақалар, бошқа туристик тадбирларга тайёргарлиги устидан назоратни амалга оширишлари;
- фалокатга учраган туристларга тезкор ёрдам кўрсатишлари;
- автомобиль, тоғ-чанғи, велосипед, сув, мотоцикл, пиёда сафар, ғор туризми ва туризмнинг бошқа махсус турларини ташкил этиш ва ўтказишда хавфсизликнинг алоҳида талабларини ишлаб чиқишлари ва амалга оширишлари шарт.

38-моддаси: «Туристларни суғурта қилиш». Туристларни суғурта қилиш мажбурийдир ва у туристик фаолият субъектлари томонидан суғурта фаолияти олиб бориш ҳуқуқига эга бўлган

тегишли суғурта ташкилотлари билан тузиладиган битимлар асосида амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига [86] мувофиқ, қуйидаги моддалар туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашга қаратилган:

- хавф-хатар манбалари бўлган ҳудудларга чет эллик сайёҳларни олиб чиқишларидан олдин, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли бошқармаларидан бахтсиз ҳодисалар ёки хавф-хатарлар келиб чиқиши мумкин бўлиши ёки бўлмаслиги юзасидан тегишли маълумотлар олиш;
- рухсат этилган хавфсиз йўналишлар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг тегишли ҳудудий бошқармаси билан келишилган ҳолда белгиланган хавфсиз йўналиш бўйича саёҳат қилишни таъминлаш;
- белгиланган йўналишнинг хусусияти ва туристларнинг хатти-ҳаракатига боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар манбалари ҳақида уларнинг ўзини хабардор қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш;
- қабул қилувчи туристик ташкилот чет эл туристлари билан хавфсизлик чораларига риоя этишлари, Ўзбекистон Республикасида бўлиш тартиби, экологик хавфсизлик талаблари, миллий урф-одатларга ҳамда санитария-гигиена қоидаларига амал қилишлари тўғрисида тегишли тушунтириш ишларини ўтказади.

Экологик туризм маршрутларини ишлаб чиқиш мавзусида – «Экологик туризм маршрутларида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш» юзасидан маршрут раҳбари амалга ошириладиган ишлар рўйхати келтирилади. Туристик маршрутларнинг барчасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва маршрутни ўтказадиган туристик ташкилот раҳбарининг имзоси ва гербли муҳри билан расмийлаштирилиши лозим.

[86] http//www.lex.uz

22.4. Халқаро туризм расмиятчилигига оид ҳужжатлар

«Расмиятчилик» – бирор бир муҳим ва масъулиятли ишни бажаришда талаб қилинадиган, қонунчилик томонидан ўрнатилган шартлар ёки ҳаракатлар мажмуидир.

Хорижий мамлакатга биринчи марта турист сифатида ташриф буюрмоқчи бўлган шахслар, одатда, фақат чегарага оид ва божхона расмиятчиликлари мавжуд деб ўйлашади. Бироқ турист ўз давлатига олиб кириши мумкин бўлган бир талай ҳаёт учун ўта хавфли касалликлар мавжуд, тропик мамлакатларга киришни тартибга солиб турадиган санитар - эпидемиологик қоидалар ҳам жуда муҳим эканлигига эътирозлар бўлмаса керак. Тиббий санитар қоидаларини билиш ва уларга қатъий амал қилиш туристни саёҳат чоғидаги кўплаб кўнгилсизликлардан сақлайди.

Чегарадан ҳайвонот ва ўсимликлар намуналарини ўтказишнинг қатъий белгиланган тартиби ҳам, хорижга сафар чоғида суғурта қилиш масаласи ҳам турист учун муҳим аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, бир қатор бошқа, қонунчилик томонидан давлат манфаатлари ва жамоат хавфсизлиги ҳамда саёҳат қилаётган шахслар ва атроф-муҳит муҳофазаси назарда тутилган халқаро туризмнинг кенг оммага деярли номаълум шартлари ва қоидалари ҳам мавжуд.

Шундай қилиб, туризм расмиятчиликлари – бу турист, туристик фирмаси (кейинчалик турфирма) ва бошқа давлатга ташкил қилинаётган саёҳатни тайёрлаш ва ўтказишга алоқадор бошқа барча ташкилотлар амал қилиши лозим бўлган, у ёки бу давлат ёхуд бир гуруҳ давлатлар қонунчилигини бир вақтнинг ўзида қабул қилган қатъий шартлардан иборат.

Туризмга оид расмиятчиликлар – саёҳатни ташкиллаштириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида қонунчилик ва мамлакатда ўрнатилган тартиб бўйича риоя қилиш мажбурий бўлган қоидалар, шартлар ва ҳаракатлардан иборат бўлади. Туризм расмиятчиликларининг муҳимлигини тасдиқлаш ва уларни тартибга солиш ҳамда осонлаштириш учун бир қатор энг муҳим халқаро ҳужжатлардан кўчирмалар келтирамиз:

- Европадаги ҳамкорлик ва хавфсизлик бўйича кенгашнинг якунловчи далолатномаси (Хелсинки, 1975 й.): «Кенгашнинг иштирокчи давлатлари хорижий давлатларга саёҳат учун талаб этила-

диган расмиятчиликлар билан боғлиқ масалаларни ижобий руҳда қараб чиқиш орқали туризм ривожини рағбатлантириш мақсадида эканликларини билдирадилар»;

- Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси (Манила, 1980 й.): «Бутун жаҳон туристик ташкилоти ўзининг ривожланиш дастурига жаҳонда туризм расмиятчиликлари аҳволини ўрганиш, мазкур соҳадаги жорий амалиёт ва мавжуд меъёрларни тадқиқ этиш, саёҳатларни йўлга қўйиш ва осонлаштириш учун умумий тавсияномалар ишлаб чиқиш масалаларини киритган»;
- Туризм бўйича Гаага декларацияси (Нидерландия, 1989 й.): «Саёҳатлар тез ўсиши билан бир вақтда туризм расмиятчиликларининг тушунчаси аниқланмоқда ва кенгаймоқда. Улардан бири бевосита туристларга, бошқалари эса туризм бизнесига оид. Туризм расмиятчиликларининг осонлашуви ўзининг дастлабки тор чегаравий расмиятчилик ва божхона текширувлари рамкасидан четга чиқа олди. Бугунги кунда гап туризмни рағбатлантириш ва ижобий қўллаб-қувватлаш ҳақида бориши лозим, хусусан, ҳар бир шахсга ички ва халқаро туризмда иштирок этишга шароит яратиш, ёшлар, кексалар ва ногиронлар орасида туризмга алоҳида эътибор ажратишга ҳаракат қилиш шарт»;
- Барқарор ривожланиш бўйича БМТ комиссияси ўзининг 1999 йил апрелдаги Нью-Йорк сессиясида Бутунжаҳон туризм ташкилоти (БТТ) ташаббусига кўра, глобал туризм этика кодексини маъқуллади ва БТТга хусусий секторлар, ноҳукумат ва меҳнат ташкилотларидан тушган таклифлар билан тўлдиришни таклиф этишди. БТТ мутахассисларининг хулосасига кўра, туризм Глобал этика кодекси жорий ҳужжат бўлиб, жумладан, туризм расмиятчиликларини тартибга солишда ҳам дастуриламал бўлмоғи лозим. Хусусан, унинг 8-моддасида «Туризм саёҳатлари эркинлиги»да давлатлар томонидан киритилган ёки халқаро келишувлардан келиб чиқадиган, масалан, визалар, санитар ва божхона расмиятчилигини имкон қадар шундай мослаштириш лозимки, эркин туризм ва халқаро туризмга йўл очиш зарур бўлади. Ушбу расмиятчиликларни осонлаштиришга қаратилган мамлакатлараро битимларни рағбатлантириш лозим; туризм саноатига оғир тушадиган ва унинг рақобатбардошлигига зарар етказадиган махсус солиқ ва тўловларни бекор қилиш ёки қайта кўриб чиқиш каби чоралар кўрсатилган.

Божхонага оид туризм расмиятчилиги. Халқаро туризм ривожига турли давлатлар божхона тизимлари сезиларли таъсир қилади. Божхона қонунчилиги халқаро туризм фаолияти ривожини қўллаб-қувватлаши ҳам, турли туризмга оид расмиятчиликларни мураккаблаштириш йўли билан тўсқинлик қилиши ҳам мумкин.

Туризм бўйича Гаага декларацияси 1989 йил давлатлар ва туристик паспортлари, визалар, тиббий ва валюта назорати, саёҳат, сафар ва истиқомат қилиш билан боғлиқ туризм расмиятчиликлари ва божхона тартибларини осонлаштириш бўйича қатъий чоралар кўриш лозимлигини белгилади. Туризм расмиятчиликлари саёҳат қилишдаги мураккабликларни йўқотиш, туристлар томонидан бошқа мамлакат ва минтақаларга ташрифни енгиллаштиришга қаратилган бўлиши лозим.

Туризм расмиятчиликлари бир неча катта бўлимларга бўлинади, жумладан,:

- чет эл паспортлари;
- визалар;
- божхона қоидалари;
- валюта назорати ва валюта алмаштириш тартиби;
- санитар қоидалар;
- кириш-чиқиш тартиби;
- хорижий туристларнинг мамлакатда яшаши ва ҳаракатланишининг ўзига хослиги;
- иммиграция қоидалари;
- баъзи бошқа тартиблар.

Халқаро туризмда полиция ва санитар расмиятчиликларини фарқлаш мавжуд. Бу ўринда полиция расмиятчиликлари деганда давлат чегарасидан ўтаётган шахсларнинг ўрнатилган паспорт-виза тартибига амал қилиши билан боғлиқ тадбирлар тушунилади. Назоратнинг бу турини амалга ошириш аэропортлар, темир ва шоссе йўлларида, денгиз ва дарё бекатларидаги махсус хизматлар зиммасига юклатилган (Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига).

Санитар (тиббий) расмиятчиликлар деб, давлат чегарасидан ўтаётган шахслар ва уларнинг жониворлари (агар бўлса) ўрнатилган эмлаш талабига риоя қилишнинг назоратига айтилади. Расмиятчиликларга риоя қилишнинг назорати мамлакатга кириш ва чиқиш учун фойдаланиладиган чегаравий пунктларда, махсус санитар

хизматлар томонидан амалга оширилади ва одатда, туристларда эмлаш ҳақидаги халқаро сертификат мавжудлигини текширишдан иборат бўлади. Зарур ҳолатларда санитар расмиятчиликлар томонидан туристларни ва саёҳатчиларни жойида эмлаш ва хавф туғилса, уларни вақтинча изолация қилиш ҳам кўзда тутилган. Туристлар ва саёҳатчилар олиб ўтадиган ҳайвонлар учун мувофиқ ветеринар сертификатлар талаб қилинади.

Божхона – миллий қонунчиликка мувофиқ ҳолда давлат чегараси орқали ўтаётган юк, йўловчилар, почта жўнатмалари, пул ва қимматбаҳо буюмларни назорат қиладиган, ўрнатилган божхона божлари ва бошқа тўловларни олиш, шунингдек, қонунчилик томонидан белгиланган тартибга жавоб бермайдиган юкларни тўхтатишни амалга оширувчи давлат органидир.

Божхона расмиятчиликлари давлат чегарасидан ўтаётган шахсларнинг буюмлар, товар ва валютани олиб кириш ва олиб чиқиш қоидаларига риоя қилишни текшириш тадбирларидан иборат бўлади. Божхона расмиятчиликларининг амалиёти мамлакатга кириш ва чиқиш учун фойдаланиладиган чегара пунктларидаги божхона хизмати зиммасига юклатилган (аэропортлар, темир йўл, денгиз ва дарё бекатлари, автойўллардаги чегарадан ўтиладиган жойларда).

Туристлар ва саёҳатчилар учун божхона расмиятчиликлари одатда, олиб ўтишга рухсат берилган нарсалар, товарлар ва пул (валюта) нинг рўйхати ва миқдорини ёзма ёки оғзаки декларация қилишдан иборатдир. Бунда Т-6 шаклидаги божхона декларацияси тўлдирилади.

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг валюта операциялари хусусидаги тавсиялари қуйидагилардан иборат:

1. Валютанинг миқдори божхона декларациясига киритилган тақдирда уни олиб киришга рухсат бериш.

2. Чегарадан ўтишда молиявий қийинчиликлар ва ноқулайликларга барҳам бериш учун ташрифчилар ва туристларга тўлиқ маълумотни тақдим этиш.

3. Чиқишда туристларга валютани қайта алмаштириш имкониятини яратиш.

4. Олиб кириладиган валютани миллий пулга алмаштириш турист истагига биноан амалга оширилади.

5. Назорат пунктида валюта алмаштиришни тартибга солувчи қоидалар ва алмаштиришнинг жорий курси осиб қўйилиши лозим.

6. Ўз давлатидан чиқишда мамлакатдан қайтиб кетишга етадиган миқдорда пулга эга бўлишга рухсат бериш.

Паспорт ва визага оид расмиятчиликлар қуйидагилардан иборат:

- паспорт фуқаро шахсини тасдиқловчи расмий ҳужжатдир. Унда жинси, ёши, туғилган ва яшайдиган жойи, фуқаролиги ҳақидаги маълумотлар берилади. Хорижий паспортдан ташқари, алоҳида вазиятларда дипломатик, хизмат, консуллик паспортларидан фойдаланиш мумкин;
- хорижлик паспорти (шахсини тасдиқлаш) ёки мамлакатда доимий истиқомат қилаётган хорижий фуқарога бериладиган фуқаролиги йўқ шахслар ҳужжати;
- эр ва хотинга (фарзандли ёки фарзандсиз) бериладиган оилавий паспортлар;
- бола паспорти, денгизчи паспорти ва бошқалар;
- 1995 йил 26 мартдан еттита Европа давлатида Шенген битими кучга кирди ва унга мувофиқ Бельгия, Нидерланд, Люксембург, Германия, Франция, Испания ва Португалия ички чегараларида чегара текшируви осонлашди. Кейинчалик Шенген битимига Юнонистон ҳам қўшилди. Икки хил визалар жорий этилди:
- Ягона Шенген визаси, уч ойгача муддатга берилади ва Шенген битимини тузган мамлакатлар ҳудудида эркин ҳаракатланиш ҳуқуқини беради.
- Уч ойдан ортиқ муддатда бериладиган миллий кириш визаси, уни бериш Шенген битимига кирган давлатнинг алоҳида ҳуқуқидир. Европа иттифоқига кирмаган давлатлар, жумладан, россиялик туристлар учун киришнинг визали тартиби сақланган. Киришнинг имтиёзли тартиби Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Латвия ва Эстония фуқаролигига тегишли.

Ўзбекистондаги божхона қоидалари. Ўзбекистонга нақд хорижий валюта олиб кириш божхона назорати қоидаларига риоя қилган ҳолда чекланмаган миқдорда рухсат этилади. Ўзбекистондан нақд хорижий валютани эркин олиб чиқиш божхона назорати

қоидаларига риоя қилган ҳолда эквиваленти 5 минг долларга тенг ёки ундан ошмайдиган миқдорда рухсат этилади.[87]

Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 6 декабрдаги "Жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиб кетиш тартибини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва бошқа тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасига жисмоний шахслар томонидан нақд хорижий валютани олиб кириш ва олиб чиқиш тартибига ўзгартиришлар киритилди.

Унга кўра, 2018 йил 1 январдан бошлаб Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган эквиваленти 2 минг доллардан ошган миқдордаги нақд хорижий валюта ёзма декларациялаш ва божхона органи ходимига тақдим этиш йўли билан божхона назоратидан ўтказилади.

Бунда йўловчи божхона декларациясида олиб кирилаётган ва олиб чиқилаётган нақд хорижий валютанинг жами суммаси кўрсатилади. Эквиваленти 2 минг долларга тенг ёки ундан ошмайдиган миқдордаги нақд хорижий валюта жисмоний шахснинг хоҳишига кўра ёзма декларацияланиши мумкин.

Гиёҳванд моддалар ва кучли таъсир қилувчи дори-дармон (уларни қўллаш заруратини тасдиқловчи рецептсиз), қурол ва ўқ-дори, Ўзбекистон давлат сиёсати ва ислом ақидаларига қарши йўналтирилган фотосуратлар, босма ва видеоматерилларни, ҳайвонларни (уларни олиб кириш учун махсус рухсат зарур) олиб кириш тақиқланган. Барча қимматбаҳо буюмлар (тақинчоқлар, фото ва видео камералар, компьютерлар ва ҳоказо) божхона декларациясида қайд этилган бўлиши шарт.

Қимматбаҳо материаллар ва тошлар, мўйна, қурол ва ўқ-дори, бадиий ва тарихий қимматга эга буюмлар (бунга тайёрланганига 100 йилдан кўпроқ бўлган ҳар қандай буюм киради)ни олиб чиқиш учун давлат Маданият вазирлигининг махсус рухсати зарурдир.

Таянч сўз ва иборалар: туризмда хавфсизлик, турист, атроф-муҳит, ташкилий механизмлар, қутқарув хизматлари, Гаага декларацияси, Бутунжаҳон туризм куни, Жаҳон туризми бўйича Манила декларацияси, Афина конвенцияси, туризм Глобал этик кодекси, туризм Хартияси, туризмга оид расмиятчилик, божхонага оид туризм расмиятчиликлари, паспорт ва визага оид расмиятчиликлар,

[87] http://sputniknews-uz.com/news/20171231/7193460.html

чет эл паспортлари, санитар қоидалар, кириш-чиқиш тартиби, тиббий расмиятчиликлар, прайс-варақа, реклама проспектлари.

Мустақил ишлаш учун саволлар

1. Туризмда хавфсизлик тушунчаси нималардан иборат?
2. Халқаро туризмда туризмни ривожлантириш ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш борасида қандай халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган?
3. Ўзбекистон Республикасида туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминланганлиги ҳақида қандай қонун ва қарорлар мавжуд?
4. Туризмга оид расмиятчилик тушунчаси ва унинг мазмуни нимадан иборат?
5. Туризм расмиятчилиги қандай бўлимлардан иборат?
6. Божхонага оид туризм расмиятчиликлари деганда нимани тушунасиз?
7. Ўзбекистон божхонаси қоидалари нималардан иборат?
8. Туризмга оид ҳужжатлар тўпламига нималар киради?
9. Турист учун тиббий расмиятчиликлар тартиби нималарни талаб қилади?
10. Паспорт ва визага оид расмиятчиликлар нималардан иборат?

Амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар

Халқаро туризмни ривожлантириш ва туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш борасида қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмунини тушунтиринг. Ушбу қабул қилинган халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг жойлари ва санаси бўйича хронологиясини тайёрланг.

Тест саволлари

1. Туризмга оид расмиятчиликлар – бу.....?

а) саёҳатни ташкиллаштириш, расмийлаштириш ва амалга ошириш жараёнида қонунчилик ва мамлакатда ўрнатилган тартиб бўйича риоя қилиш мажбурий бўлган қоидалар, шартлар ва ҳаракатлар демакдир;

б) маҳсулот ва хизматларга талабни ошириш;

д) ҳар бир туристнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

е) туристларнинг фаол ва мазмунли фаолиятга йўналтиридган ҳужжатлар тўплами.

2. Туризмдаги хавфсизлик – бу.....

а) турист ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадида ҳамда унга ва атроф-муҳитга (жамоага, жамиятга, давлатга, табиатга) етказилган зарарларни минималлаштиришга қаратилган мажмуали тадбирлардир;

б) халқаро тинчлик ва ўзаро тушуниш, жаҳон савдоси ва давлатлараро хўжалик алоқаларининг асосий таъминловчи фактори сифатида туризм ривожини рағбатлантириш;

д) ҳар бир туристнинг индивидуал эҳтиёжларини ҳисобга олиш;

е) аҳоли саломатлигини ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида тайёрланган корхона маҳсулотлари ёки хизматлари сифатини тартибга солиш.

3. «Туризм тўғрисида» ги қонуннинг 35 - моддаси қандай номланади?

а) Туристларнинг хавфсизлиги кафолати;

б) Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари;

д) Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш;

е) Туристларни суғурта қилиш.

4. «Туризм тўғрисида» ги қонуннинг 38 - моддаси қандай номланади?

а) Туристларни суғурта қилиш;

б) Туристларнинг хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари;

д) Туристларнинг хавфсизлиги кафолати;

е) Туристлик маршрутдаги жойлаштириш хизматларида ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш.

5. Туристлар жойлаштирилган жойларда табиатнинг фавқулоддаги ҳодисалари (сув тошқини, қор кўчиши, об-ҳавонинг кэскин ўзгариши ва ҳоказолар) дан келиб чиқадиган хавфлар қайси омил таркибига киради?

а) кутилмаган омиллар;

б) зарарсиз омиллар;

д) биологик омиллар;

е) зарарли омиллар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ўзбекистон Республикаси қонунлари

Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон

Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни. 2000 йил 25 майда қабул қилинган. 2012 йилда янги таҳрири қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг "Хусусий корхона тўғрисида"ги Қонуни. 2003 йил 11 декабр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари

«Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 30 июндаги ПФ-2332-сонли Фармони.

«Буюк Ипак Йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 июндаги ПФ-1162-сонли Фармони.

«Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сонли Фармони.

«Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 2 декабрдаги ПҚ-2666-сонли Қарори.

“Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

“Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.

“Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 июлдаги ПҚ-3129 сонли Қарори.

"2018–2019-йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3217 сонли Қарори.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва Ўзбекистон Республикаси вазирликларининг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлари

«Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 мартдаги 53-сонли қарори.

«Йўл бўйи ва туризм инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 9 мартдаги 51-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси давлат бионазорати «Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш Концепцияси». Экологичэский вестник, № 6, 2007.

Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 3 июндаги 210-сонли қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси туризм соҳасини

ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 февралдаги “Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори,

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 февралдаги “Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони.

Дарслик, монография, ўқув ва услубий қўлланмалар

Абдурахмонов К.Х. Менеджмент туризма. Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО “РЕУ им. Г.В. Плеханова” в г. Ташкенте, 2013, 248 с.

Агзамов С., Ташмуратов Т. Менеджмент международного туризма – Т.: ТашГУ, 1996.

Адилова З.Д, Содиқов Т. Халқаро туризм бизнеси. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.

Адилова З.Д, Алиева М.Т., Норчаев А. Туризм менежменти. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2011.

Алиева М.Т., Умаржонов А. Туристик мамлакатлар иқтисодиёти. –Т:. Молия, 2005.

Асрор Мўмин. Дунё мўъжизалари. Янги нашр. –Т.: 2012, 8б.

Аҳмадхўжаев Ҳ. ва бошқалар. Маркетинг тадқиқотлари. –Т., 2002.

Болтабоев М.Р., Тухлиев И.С., Муҳамадиев А.Н., Абдухамидов С.А. “Туризм: назария ва амалиёт” фанидан электрон дарслик яратиш технологияси. Услубий қўлланма. –С., 2016.

Гадоев К., Бердиева С. Жаҳонгашта сайёҳ олимлар. –Т.: Ўзбекистон, 2012.

Данилов С. Туризм со вкусом узбекского плова. –Т., 2013.

Иватов И. Ресторан менежменти. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2007.

Ташмуратов Т.Т., Саидов А., Умарқулов Э. Туризм иқтисоди. – Т.: ТМИ, 2000.

Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Основы безопасности в туризме. – Т.: Гос.науч.изд-во «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2008.

Тухлиев Н., Абдуллаева Т. «Формальности в системе туризма Республики Узбекистан». –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007.

Тухлиев Н. и др. «Менеджмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана». –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», 2006.

Тухлиев И.С., Бектемиров А.Б., Усманова З.И. Туризмда стратегик маркетинг. Ўқув қўлланма. – С.: СамИСИ, 2010.

Тухлиев И.С., Хайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Э., Амриддинова Р.С. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. –С.: СамИСИ, 2010.

Тухлиев И.С., Қудратов Ғ.Ҳ., Пардаев М.Қ. Туризмни режалаштириш. Дарслик. – Т.: “Иқтисод-молия” нашриёти. 2010.

Тухлиев И.С., Хайитбоев Р, Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2014.

Тухлиев И.С., Сафаров Б.Ш. Туризм асослари. Касб-хунар коллежлари учун ўқув қўлланма. –Т.: «Янги нашр», 2012.

Тухлиев И.С. ва бошқалар. Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий - иқтисодий муаммолари. Монография. –Т.: “Иқтисодиёт”, 2012.

Хайитбоев Р., Матякубов У. Экологик туризм. Услубий қўлланма. –С., 2010.

Хайитбоев Р., Ҳайдаров С., Абдухамидов С. ва б. Туризм маршрутларини ишлаб чиқиш. Ўқув қўлланма. – С.: “Илм нур файз”, 2016 й.

Эштаев А.А. Туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси. Монография. – Т.: Фан, 2011.

Қудратов Ғ.Ҳ., Тухлиев И.С. Туризм иқтисодиёти. Ўқув қўлланма. – С.: СамИСИ, 2007.

Эрбўтаев И. Умумий овқатланиш ва хизмат маданияти. Ўқув қўлланма. –Т.: ЎМКНТМ, «Билим», 2005.

Маматқулов Х.М. Туризм инфратузилмаси. Ўқув қўлланма. – Т.: «Ўзбекистон файлафуслар жамияти» нашриёти, 2011.

Маматқулов Х.М. Меҳмонхона ва туристик комплексларда хизматларни ташкил этиш. Ўқув қўлланма. – С.: СамИСИ, 2012.

Мирзаев М.А. «Туризм асослари». Маърузалар матни. –Т.: 2005.

Мирзаев М.А., Алиева М.Т. Туризм асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Ўзбекистон файлафуслар жамияти, 2011.

Сафаров Б.Ш. Миллий туризм хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик асослари. Монография. – Тошкент: «Фан ва технология» нашриёти, 2016, 184 б.

Сафаров Б.Ш. Минтақавий туризм хизмат бозорининг иқтисодий механизмини такомиллаштириш. Монография. –Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013, 150 б.

Хорижий нашрлар

Жоҳн Трибе. Стратегй фор Тоурисм; Лондон: Гоодфеллоw Publisherc Лимитед, 2016, -288 п.

Адриан Франклин “Тоурисм ан интродустионс”. САГЕ Публисатионс Лондон-Тҳоусанд Оакс-Hew Делҳи 2003.

Чарлес А. Гоэлднер, Ж.Р. Брент Ритчиэ. Тоурисм принсиплес, прастисэс, пҳилосопҳиэс, Hew Жерсей, Жоҳн Wилей & Сонс, 2012.– 514п.

Адриан Франклин “Тоурисм ан интродустионс”. САГЕ Публисатионс Лондон-Тҳоусанд Оакс-Hew Делҳи 2003.

Ҳуббард, Граҳам, Стратегис Манагемент: Тҳинкинг, Аналйсис анд Астион, 2004, 2нд эдитион, Прентисэ-Ҳалл, Фречс Форест

Котлер, Бowэн & Макенс (2006), Маркетинг фор Ҳоспиталитй анд Тоурисм 4тҳ эд, Пеарсон Эдусатион, Инс.

Йветте Реисингер. Интернатионал тоурисм султурес анд беҳавиор. Элсевиэр 2009, 450 б.

Боб Бротҳертон. Тҳе Интернатионал Ҳоспиталитй Индустрй. Охфорд, Фирст публишед 2003, 251 б.

Жоҳн Р. Wалкер. Эхплоринг тҳе Ҳоспиталитй Индустрй. Прентисэ Ҳалл. УСА, 2015.

Аллсоск А., Жонес Б., Лане С., Грант Ж. Натионал эсотоурисм стратегй. Соммонwэалтҳ оф Аустралиа, 1994, 196 р.

Линдберг К., Ҳawкинс Д.Э. (эдс) Эсотоурисм: а Гуиде фор Планнерс анд Манагерьц. Нортҳ Беннингтон, Вермонт. 1993, 256 р.

Степҳен Ж. Паге. Транспорт анд Тоурисм: Глобал Перспестивес, Тҳирд эд. Ҳарлоw (Энгланд), Лондон. Hew Ёрк [этс.]. Пеарсон Эдусатион Лимитед. 2009.

Гросс, С., Клеммер, Л. (Эдс.). Интродустион то тоурисм транспорт. САБИ. 2004.

Кетелс, Христиан Ҳ.М. Слустерс анд Дубаиъс Сомпетитивенесс. Репорт, Дубаи Эсономис Соунсил, Дубаи, Унитед Араб Эмиратес, Остобер 2009. – 100 п.

Сларке, Ж., Ҳawкинс, Р. анд Wалиго, В. Сустаинабилитй анд маркетинг фор респонсибле тоурисм. Ин: МсСабе, С., (эд.) ЪТҳе Роутледге Ҳандбоок оф Тоурисм Маркетинг. Лондон: Роутледге. 2013. пп. 41-53

Азар В.И., Туманов К.Ю. Экономика туристического рынка. – М.: ИПКГ, 2008.

Балабанов И.Т., Балабанов А.И. Экономика туризма. Учеб. пособие. – М.: Финансы и статистика, 2003.

Биржаков М.Б. Введение в туризм. Издание 9-е, переработанное и дополненное. – СПб.: Издательский дом Герда, 2007.

Дурович А.П. Организация туризма. Учеб. пособ. –Минск: «Новое знание», 2006.

Димитриос Буҳалис, Сарлос Соста “Тоурисм бусинесс фронтиэрс”. Охфорд, УК 2006

Жукова М.А. Менеджмент в туристическом бизнесе. Учебное пособие. 2-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2006.

Ильина Е.Н. Туроперейтинг: организация деятельности. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2000.

Кабушкин Н.И. Менеджмент туризма. Учебник. 4-е изд., стереотип. – Мн.: Новое знание, 2004.

Кабушкин Н.И., Дурович А.П. Организация туризма. Учеб. пособие. – Мн: Новое знание, 2003.

Квартальнов В.А. Менеджмент и маркетинг в социально-культурной сфере. Учеб.пособие. 2-е изд. –СПб.: Книжний дом, 2003.

Квартальнов В.А. Стратегичэский менеджмент в туризме: современний опыт управления. Изд 2-е, перераб. и доп. –М.: Финансы и статистика, 2001.

Квартальнов В.А. Теория и практика туризма. Учебник 2-е изд., стер. –М.: Советский спорт, 2004.

Квартальнов В.А. Туризм: история и современность. –М.: Финансы и статистика, 2002.

Квартальнов В.А. Туризм. Учебник. – М.: Финансы и статистика, 2000.

Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: Учебник для вузов. Второе издание. –М.: ЮНИТИ - ДАНА, 2002.

Саак А.Е., Пшеничних Ю.А. Менеджмент в социально-культурном сервисе и туризме. – СПб.: Питер, 2006.

Чристопҳер Ҳоллоwай, Слаире Ҳумпҳрейс, Роб Давидсон Тҳе Бусинесс оф Тоурисм, УК, Пеарсон Эдусатион, 2009. – 793п.

Чудновский А.Д., Жукова М.А. Менеджмент в туризме и гостиничном хозяйстве. – М.: КНОРУС, 2005.

Диссертациялар, илмий мақола ва тезислар

Алимова М.Т. “Ҳудудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида)”. Иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. 2017 й.

Амриддинова Р.С. Меҳнат ресурсларини бошқариш асосида туризм хизматларининг рақобатбардошлигини ошириш йўллари (Самарқанд вилояти туризм корхоналари мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. – С.: СамИСИ, 2012.

Норқулова Д. “Ўзбекистонда социал туризм хизматларини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (достор оф пҳилосопҳй) диссертацияси. 2018 й.

Усманова З.И. “Ўзбекистонда туристик - рекреацион хизматларни ривожлантириш хусусиятлари ва тенденциялари” иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (достор оф пҳилосопҳй) диссертацияси. 2018 й.

Голышева Е. Совершенствование организации и механизма регулирования развития туризма в рыночных условиях». Дисс... канд.экон.наук. – Т.: Таш.ГЕУ, 2011, 170 с.

Аблакулов А.А. “Туризм хизматлари рақобатбардошлигини оширишда маркетинг қарорларидан самарали фойдаланиш механизми” иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (достор оф пҳилосопҳй) диссертацияси. 2018 й.

Шарипов Т.С. Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш (Самарқанд вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. –С.: СамИСИ, 2010.

Голышева Е. Оценка использования ресурсного потенциала туризма Узбекистана // Актуальные проблемы туризма - 2009, №1. – Т.: “ДП Патент-Пресс”, 2009.

Голышева Е. Развитие сферы туризма Республики Узбекистан в период финансово-экономического кризиса//Актуальные проблемы туризма-2010, № 2. – Т., 2010.

Тухлиев И.С. Развитие туристического рынка услуг в условиях мирового финансово-экономического кризиса// Голос Узбекистана. –Т., 2009, № 20.

Ибадуллаев Н.Э. Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). И.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. – С.: СамИСИ, 2010.

Раҳимов З.О. “Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида)” мавзусидаги номзодлик диссертацияси, и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация. – С.: СамИСИ, 2012.

Хамидов О.Х. Выбор конкурентной стратегии предприятия на рынке туристичэских услуг Узбекистана. Дис….канд.экон.наук. – Самарканд: СамИСИ, 2006. 155 с.

Тухлиев И.С., Абдухамидов С.А. Особенности определения эффективности в туристической деятельности. ХХВИИ Международные Плехановские чтения. –М., 2013.

Сафаров Б.Ш. Тҳе импаст оф информатион анд соммунисатион течнологиэс ин тҳе девелопмент оф тоурисм ин Узбекистан // Спаниш Жоурнал оф Рурал Девелопмент. - Луго, 2015. - Вол. ВИ (3-4).-П.21-28. (08.00.00; №1 30.12.2013).

Сафаров Б.Ш. Инновативе форесастинг оф натионал тоурисм сервисэ маркет ин тҳе Републис оф Узбекистан // Жоурнал оф Манагемент Валуэ анд Этҳисс. - Гwалиор, 2016. - Вол. ВИ (2).- П.57-72. (08.00.00; №6.).

Усманова З.И. Форматион оф а унитед информатион – аналйтисал сонтрол сйстем оф ресреатионал сервисэс ин тҳе тоурисм сестор. Сасе оф Узбекистан // Индиа Жоурнал оф Манагемент Валуэ & Этҳисс (Апр.-Жуне 16 Вол.6 Но. 2).

Турсунова Г., Собиров Б., Тукҳлиэв И., Асланова Д. Имплементатион оф уп-то-дате инновативе аппроачес ин а сомпетитиве мерит оф тоурисм индустрй ин сэнтрал асиа. Тҳе сасе оф Узбекистан. Жоурнал оф Манагемент валуэ & этҳисс. 2017 й.

Абдухамидов С.А., Хамитов М.Х. Позитивные тенденции развития гостиничной индустрии Узбекистана. Международная научно-практическая конференция “Информационная экономика в формате Г-Глобал” 9-10 октября 2014 г. Карагандинский государственный университет имени академика Е.А.Букетова.

Абдухамидов С.А., Тухлиев О.И., Ҳамитов М.Х. Минтақавий туризмни ривожлантириш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва Таълим” журнали, № 2. –Т., 2015.

Амриддинова Р.С., Абдухамидов С.А. Ўзбекистон минтақаларида меҳмонхона бизнесининг ривожланиш тенденциялари. “Иқтисодиёт ва Таълим” журнали, № 3. –Т., 2015.

Интернет сайтлари

www.гднет.орг
www.стат.уз
www.лех.уз
www.узбектоурисм.уз
узрепорт.уз.

www.Туркистонпресс.уз
www.руссиатоурисм.ру
www.UNWTO.орг
www.wttc.орг
www.UNWTO.орг
www.гастротур.ру/

ИЛОВАЛАР

1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ТУРИЗМ СОҲАСИГА ОИД МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР ХРОНОЛОГИЯСИ

№	ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ЙИЛИ ВА ВАҚТИ	ҲУЖЖАТ ТУРИ	ҲУЖЖАТ МАЗМУНИ
1	1992 йил 27 июль	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-447-сонли **Фармони**	«Ўзбектуризм» Миллий компаниясини ташкил қилиш тўғрисида
2	1992 йил 20 октябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 484-сонли **Қарори**	«Ўзбектуризм» Миллий компанияси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида
3	1993 йил 5 октябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 480-сонли **Қарори**	Республика меҳмонхона хўжалиги ва туризм Ўзбекистон-Туркия лицейини ташкил этиш тўғрисида
4	**1993 йил 28 декабрь**	**Ўз.Рес. ҚОНУНИ**	**Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида**
5	1994 йил 9 сентябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 459-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ипак йўли» Бутунжаҳон туристик ташкилотининг Ўзбкистондаги

			мажлисига тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисида
6	1994 йил 5 октябрь	Бутунжаҳон туристик ташкилоти **Декларацияси**	Самарқанд шаҳрида Буюк Ипак йўлидаги шаҳарларда халқаро туризмни ривожлантириш бўйича Самарқанд декларацияси
7	1995 йил 2 март	Ўз.Рес. ВМнинг 78-сонли **Қарори**	«Ипак йўли туризми» халқаро туристик ярмаркани тайёрлаш ва ўтказиш тўғрисида
8	1995 йил 2 июнь	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-1162-сонли **Фармони**	Буюк Ипак йўлини қайта тиклашда Ўзбекистон Республикасининг иштирокини авж олдириш ва республикада халқаро туризмни ривожлантириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида
9	1995 йил 3 июнь	Ўз.Рес. ВМнинг 210-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикасида халқаро туризмнинг замонавий инфраструктурасини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида
10	1996 йил 11 январь	Ўз.Рес. ВМнинг 19-сонли **Қарори**	Парижда «Темурийлар даврида фан, маданият ва таълимнинг равнақи» ҳафталигини ўтказиш тўғрисида
11	1996 йил 23 февраль	Ўз.Рес. ВМнинг 72-сонли **Қарори**	Тошкент шаҳридаги меҳмонхона комплексини «Бакри инвестиндо» (Индонезия) компаниясига сотиш тўғрисида
12	1996 йил 25 сентябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 335-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида маданият, фан ва туризм соҳасида халқаро ҳамкорлик бошқармасини ташкил этиш тўғрисида

13	1996 йил 26 май	Ўз.Рес. ВМнинг 232-сонли **Битими**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Озарбайжон Республикаси ҳукумати ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
14	1997 йил 23 май	Ўз.Рес. ВМнинг 348-сонли **Битими**	истон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Грузия ҳукумати ўртасиди туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
15	1997 йил 3 май	Ўз.Рес. ВМнинг 281-сонли **Битими**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ва Италия Республикаси ҳукумати ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
16	1997 йил 1 апрель	Ўз.Рес. ВМнинг 162-сонли **Битими**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ва Греция Республикаси ҳукумати ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
17	1998 йил 7 апрель	Ўз.Рес. ВМнинг 134-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона хизматларини тақдим қилиш қоидалари ҳақида
18	1998 йил 2 март	Ўз.Рес. ВМнинг 89-сонли **Қарори**	Тошкент шаҳрида халқаро классдаги 4 юлдузли меҳмонхона қурилиши самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

19	1998 йил 8 август	Ўз.Рес. ВМнинг 346-сонли **Қарори**	Туризм ташкилотлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида
20	1998 йил 24 июль	Ўз.Рес. ВМнинг 348-сонли **Битими**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси ва Болгария Республикаси ҳукуматлари ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
21	**1999 йил 20 август**	**Ўз.Рес.нинг ҚОНУНИ**	**Туризм тўғрисида**
22	1999 йил 5 апрель	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-2286-сонли **Фармони**	2005 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш давлат дастури тўғрисида
23	1999 йил 30 июнь	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-2332-сонли **Фармони**	Ўзбекистонда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тўғрисида
24	1999 йил 20 август	Ўз.Рес. Олий Мажлисининг 831-И-сонли **Қарори**	«Туризм тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунини амалга киритиш ҳақида
25	**1998 йил 29 август**	**ЗАКОН Рес.Уз.**	**О вывозе и ввозе культурных ценностей**
26	1999 йил 15 февраль	Ўз.Рес. ВМнинг 70-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бутунжаҳон туристик ташилоти Европа ҳайъатининг 34-

			сессиясига тайёргарлик ва уни ўтказиш тўғрисида
27	1999 йил 2 июль	Ўз.Рес. ВМнинг 324-сонли **Қарори**	Ўзбекистонда туризм соҳаси учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
28	2000 йил 18 март	Ўз.Рес. ВМнинг 911-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикасининг сертификациялаш миллий тизими тўғрисида
29	**2000 йил 25 май**	**Ўз.Рес.нинг ҚОНУНИ**	**Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида**
30	2000 йил 17 июль	Ўз.Рес. ВМнинг 273-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Бизнес сентр Самарқанд» туристик меҳмонхона мажмуаси қурилишини такомиллаштириш тўғрисида
31	2000 йил 18 март	Ўз.Рес. ВМнинг 911-сонли **Тартиби**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Туристик хизматларни сертификациялаш ҳақида
32	2000 йил 21 ноябрь	Ўз.Рес. ВМнинг **Келишуви**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» Милий Компанияси ва Италия туроператорлари Ассосацияси ўртасида туризм соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида
33	2001 йил 16 март	Ўз.Рес. ВМнинг 131-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 ноябрдаги 449-сон қарорига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

34	**2001 йил 30 август**	**Ўз.Рес.нинг ҚОНУНИ**	**Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида**
35	2002 йил 2 сентябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 310-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнеси ва халқаро туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
36	2002 йил 12 октябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 356-сонли **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ипак йўли» Бутунжаҳон туристик ташилотининг 4-сессиясига тайёргарлик ва уни Бухоро шаҳрида ўтказиш тўғрисида
37	2003 йил 17 январь	Ўз.Рес. ВМнинг 33-сонли **Қарори**	2002 йил 2 сентябрдаги 310-сон қарорини қисман ўзгартириш ҳақида
38	2003 йил 11 ноябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 497-сонли **Қарори**	«Туризм фаолиятини лицензиялаш тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш ҳақида
39	2003 йил 11 ноябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 497-сонли Қарорига илова **(НИЗОМ)**	Туризм фаолиятини лицензиялаш тўгрисида
40	2004 йил 28 июль	Ўз.Рес. ВМнинг 360-сонли **Қарори**	«Ўзбектуризм» миллий компанияси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида
41	2004 йил 13 сентябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 1407-сонли **Қарори**	Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йигимлар тўгрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида
42	2004 йил 13	Ўзбекистон	Сайёҳларга хизмат кўрсатилгани учун туристик фирма ва

	сентябрь	Республикаси Адлия вазирлигининг 1407-сонли **Қарори**	меҳмонхона хўжаликларидан ундириладиган туристик йиғимлар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида
43	2004 йил 3 ноябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 1421-сонли **Қарори**	Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида
44	2004 йил 15 сентябрь	Ўз.Рес. ВМнинг 1421-сонли Қарорига илова **(НИЗОМ)**	Сайёҳларнинг Ўзбекистон Республикасига келиши ва кетиши тартиби тўғрисидаги
45	2005 йил 25 май	Ўз.Рес. ВМнинг **Битими**	Ўзбекистон Республикаси «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Хитой Халқ Республикаси миллий туристик маъмурияти ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
46	2006 йил 17 апрель	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-325-сон **Қарори**	Ўзбекистон Республикасида 2006–2010-йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
47	2006 йил 4 сентябрь	**Битим**	Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Қозоғистон Республикасининг туризм ва спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
48	2006 йил 3 октябрь	**Битим**	Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбектуризм» Миллий компанияси билан Қирғизистон Республикасининг саноат,

			савдо ва туризм вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисида
49	2007 йил 21 май	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-640-сон **Қарори**	Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
50	2010 йил 5 январь	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-1255-сон **Қарори**	Биринчи Президентимиз Ислом Каримов Испанияга қилган ташрифи чоғида тезюрар темир йўл поездлари ҳаракатини ташкил этиш тўғрисидаги битимга келишган эдилар. Ушбу битим асосида 2010 йил 5 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иккита йўловчи ташувчи тезюрар ТАЛГО-250 электропоездини сотиб олиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида
51	2011 йил октябрь	Ўз.Рес.Вазирлар Маҳкамасининг **Дастури**	«2011–2012 йилларда Самарқанд вилоятининг туризм соҳасини ривожлантириш ва туризм хизматлар экспортини ошириш бўйича манзилли дастури
52	2011 йил 18 ноябрь	Самарқанд шаҳар ҳокимининг 1869-Қ-сон **Қарори**	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошида шаҳар ҳокимининг 2011 йил 18 ноябрдаги 1869-Қ сонли қарори билан «Самарқанд туризм макони» давлат унитар корхонасини ташкил этиш
53	2011 йил 18	Самарқанд шаҳар	Самарқанд шаҳар ҳокимлиги қошида шаҳар ҳокимининг 2011

	ноябрь	ҳокимининг 1869-Қ-сон **Қарори**	йил 18 ноябрдаги 1870-К сонли қарори билан «Туризмни комплекс ривожлантириш Кенгаши» тузилди ва Низоми тасдиқланди.
54	2011 йил 27 декабрь	«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 01-14/1-299-сон баёни	«Ўзбектуризм» Миллий Компаниясининг 27.12.2011 йил № 01-14/1-299-сонли йиғилиши баёнига асосан 2012 йил мамлакат ҳудудида ички туризмни ривожлантиришга қаратилган қисқа муддатли дастурининг амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу ишлар қаторига туристик масканлар, дам олиш масканлари, пансианатлар, санатория курортлар, даволаш- соғломлаштириш, спорт-соғломлаштириш, рекреацион ва экотуристик ташкилот ва муассасаларнинг ягона мамлакат базаси реэстрини тузиш масаласи шулар қаторида туради.
55	2012 йил 10 май	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-1754-сон **Қарори**	Ўзбекистон Песпубликаси Президентининг 2012–2016-йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида
56	2012 йил 10 октябрь	Ўз.Рес.ВМнинг 288-сон <u>қарорига</u> илова **(НИЗОМ)**	**«**Ўзбектуризм» Миллий компанияси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Туризмни ривожлантириш жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида

57	2013 йил 20 март	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-1940-сон **Қарори**	2013–2015 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида
58	2013 йил 17 апрель	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-1957-сон **Қарори**	2013–2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
59	2013 йил 20 сентябрь	Ўз.Рес.ВМнинг 259-сон **Қарори**	2013–2015 йилларда Тошкент вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида
60	2013 йил 1 ноябрь	Ўз.Рес.ВМнинг 294-сон **Қарори**	2013–2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида
61	2013 йил 20 сентябрь	Ўз.Рес.ВМнинг 261-сон **Қарори**	Хоразм вилоятида туристик инфратузилманинг қўшимча объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида
62	2014 йил 6 март	Ўз.Рес.ВМнинг 53-сон **Қарори**	Моддий маданий мерос объектларини ва уларга туташ ҳудудларни уларни ободонлаштириш ва зарур ҳолатда сақлаш бўйича инвестиция мажбуриятлари олган ҳолда ижарага бериш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида
63	2015 йил 9 март	Ўз.Рес.ВМнинг 51-сон **Қарори**	Йўлбўйи ва туризм инфратузилмаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

64	2015 йил 10 март	Ўз.Рес.ВМнинг 53-сон **Қарори**	Ўзбекистон Республикасида туризмни ривожлантиришнинг айрим масалалари тўғрисида
65	2015 йил 7 август	Ўз.Рес.ВМнинг 233-сон **Қарори**	2015–2017 йилларда Сирдарё вилоятининг саноат салоҳиятини янада ривожлантириш, замонавий хизмат кўрсатиш ва экотуризм объектларини барпо этиш дастури тўғрисида
66	2016 йил 2 декабрь	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-4861-сон **Фармони**	Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида
67	2016 йил 2 декабрь	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-2666-сон **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш Давлат Қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида
	2017 йил 7 февраль	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-4947-сон **Фармони**	Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида
68	2017 йил 6 апрель	Ўз.Рес.ВМнинг 189-сон **Қарори**	Туризм фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида
69	2017 йил 12 июль	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-3129-сон **Қарори**	Туризм соҳасини ривожлантиришда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг масъулиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида

70	2017 йил 16 август	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-3217-сон **Қарори**	2018–2019 йилларда туризм соҳасини ривожлантириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида
71	2018 йил 19 январь	Ўз.Рес.ВМнинг 35-сон **Қарори**	Ўзб он Республикаси ҳукуматининг айрим қарорларига артиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 2 декабрдаги ПФ-4861-сон Фармони ҳамда йўл ҳаракати тўғрисидаги конвенция (Вена, 1968 йил 8 ноябрь)
72	2018 йил 3 февраль	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-5326-сон **Фармони**	Ўзбекистон Республикаси туризм салоҳиятини ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида
73	2018 йил 6 февраль	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-3509-сон **Қарори**	Кириш туризмини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
74	2018 йил 6 февраль	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-3510-сон **Қарори**	Ўзбекистон Республикаси туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

75	2018 йил 7 февраль	Ўз.Рес. Президентининг ПҚ-3514-сон **Қарори**	Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида
76	2018 йил 15 февраль	Ўз.Рес.ВМнинг 120-сон **Қарори**	Муқаддас қадамжолар, зиёратгоҳлар, масжидлар ва қабристонларни ободонлаштириш ишларини самарали ташкил этиш тўғрисида
77	2019 йил 5-январ	Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони	Ўз эн Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
78	2020 йил 19-июн	Ўз.Рес. Президентининг ПŠ-4755-сон **Қарори**	Туризм соҳасини санитария-епидемиологик хавфсизликнинг кучайтирилган режими талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
79	2019 йил 19-июл	**Қонун**	Туризм тўғрисида.
80	2019 йил 13-август	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-5781-сон **Фармони**	Ўзбекистон республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида
81	2020 йил 10 июл	Ўз.Рес.ВМнинг 433-сон **Šарори**	Ўзбекистон республикасида туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида
82	2020 йил 6-октябр	Ўз.Рес.ВМнинг 602-сон **Қарори**	Коронавирус пандемияси туфайли юзага келган иқтисодий вазиятда туризм соҳаси субеъктларини қўллаб-қувватлаш ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш Тўғрисида

83	2020 йил 29- октябр	Ўз.Рес.ВМнинг 665-сон **Қарори**	Коронавирус пандемияси даврида ташқи иқтисодий фаолият, туризм ва қурилиш соҳаларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида
84	2021 йил 6-апрел	Ўз.Рес. Президентининг ПФ-6199-сон **Фармони**	Туризм, спорт ва маданий мерос соҳаларида давлат бошқаруви тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида
85	2021 йил 6-апрел	Ўз.Рес. Президентининг ПŠ-5054-сон **Қарори**	Туризм ва спорт вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

2-илова

Дунёнинг энг гўзал 15 та шаҳарлари рўйхати[88]

Австралиянинг “Skyscanner” ахборот портали экспертлари “Инстаграм” ижтимоий тармоғидан фойдаланувчилар учун сайёрамизнинг энг гўзал жойлари рейтингини тузиб чиқди.

Ер юзидаги 15 та энг ажойиб шаҳар киритилган рўйхатнинг олтинчи поғонасидан ўзининг тарихий дурдоналари билан дунёга танилган кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри ҳам ўрин олди.

Рейкявик, Исландия;
Квинстаун, Янги Зеландия;
Скай ороли, Шотландия;
Байкал кўли, Россия;
Аннапурна, Непал;
Самарқанд, Ўзбекистон;
Гиза ва Луксор, Миср;
Еллоустоун миллий парки, АҚШ;
Лангкави, Малайзия;
Мачу-Пикчу, Перу;
Киото, Япония;
Гуйлин, Хитой;
Нанди, Фижи;
Улуру, Австралия;
Килиманжаро, Танзания.

[88] https://kun.uz/news/2018/03/26/samarkand-dunening-eng-guzal-15-ta-saari-rujhatiga-kiritildi

3-илова

UNWTOга аъзо давлатлар рўйхати ва қабул қилинган йили[89]

№	Мамлакатлар	Қабул қилинган йили	Дастлаб
1	Афғонистон	1975	
2	Албания	1993	
3	Жазоир	1976	
4	Андорра	1995	
5	Ангола	1989	
6	Аргентина	1975	
7	Арманистон	1997	
8	Австрия	1975	
9	Озарбайжон	2001	
10	Багам ороллари	2005	1975 → 1978
11	Бахраин	2001	1977 → 1984
12	Бангладеш	1975	
13	Барбадос	2015	
14	Беларуссия	2005	
15	Бенин	1975	
16	Бутан	2003	
17	Боливия	1975	
18	Босния ва Гертсоговиния	1993	
19	Ботсвана	1995	
20	Бразилия	1975	
21	Бруней Даруссалам	2007	
22	Болгариа	1976	

[89] http://www2.unwto.org/ru/members/states

23	Буркина Фасо	1975	
24	Бурунди	1975	
25	Камбоджа	1975	
26	Камерун	1975	
27	Кабо Верде	2001	
28	Марказий Африка Республикаси	1995	
29	Чад	1985	
30	Чили	1975	
31	ХХР	1983	
32	Колумбия	1975	
33	Конго	1979	
34	Коста Рика	1995	1975 → 1988
35	Кот-дъУар	1975	
36	Хорватия	1993	
37	Куба	1975	
38	Кипр	1975	
39	Чехия Республикаси	1993	
40	КХДР	1987	
41	Конго Демократик Республикаси	1979	
42	Жибути	1997	
43	Доминикан Республикаси	1975	
44	Эквадор	1975	
45	Миср	1975	
46	Салвадор	1993	1975 → 1981
47	Экватириал Гвинея	1995	
48	Эритрея	1995	
49	Эфиопия	1975	
50	Фиджи	1997	

51	Франция	1975	
52	Габон	1975	
53	Гамбия	1975	
54	Грузия	1993	
55	Германийа	1976	
56	Гана	1975	
57	Греция	1975	
58	Гуатемала	1993	
59	Гвинея	1985	
60	Гвинея-Биссау	1991	
61	Гаити	1975	
62	Гандурас	2001	1975 → 1989
63	Венгрия	1975	
64	Ҳиндистон	1975	
65	Индонезия	1975	
66	Эрон, Ислом Республикаси	1975	
67	Ирок	1975	
68	Исроил	1975	
69	Италия	1978	
70	Ямайка	1975	
71	Япония	1978	
72	Иордания	1975	
73	Қозоғистон	1993	
74	Кеня	1975	
75	Қувайт	2003	1975 → 1998
76	Қирғизистон	1993	
77	Лаос Халқ Демократик Республикаси	1975	
78	Ливан	1975	
79	Лесото	1981	

80	Либерия	2011	
81	Ливия	1977	
82	Литва	2003	
83	Мадагаскар	1975	
84	Малави	1975	
85	Малайзия	1991	1975 → 1987
86	Малдив ороллари	1981	
87	Мали	1975	
88	Малта	1978	
89	Мавритания	1976	
90	Маврикий	1975	
91	Мексика	1975	
92	Монако	2001	
93	Монголия	1990	
94	Черногория	2007	
95	Марокаш	1975	
96	Мозамбик	1995	
97	Мянма	2012	1995 → 1999
98	Намибия	1997	
99	Непал	1975	
100	Нидерландия	1976	
101	Никарагуа	1991	
102	Нигер	1979	
103	Нигерия	1975	
104	Оман	2004	
105	Покистон	1975	
106	Панама	1996	1975 → 1993
107	Папуа янги Гивеня	2005	
108	Парагвай	1992	
109	Перу	1975	
110	Филиппин	1991	1975 → 1989

111	Польша	1976	
112	Португалия	1976	
113	Қатар	2002	1977 → 1986
114	Корея Республикаси	1975	
115	Молдова	2002	
116	Руминия	1975	
117	Россия Федерацияси	1975	
118	Руанда	1975	
119	Самоа	2015	
120	Сан-Марино	1975	
121	Сан- Том ва Принципи	1985	
122	Саудия Арабистони	2002	
123	Сенегал	1975	
124	Сербия	2001	
125	Сейшелл ороллари	1991	
126	Сиэрра-Леоне	1975	
127	Словакия	1993	
128	Словения	1993	
129	Жанубий Африка Республикаси	1994	
130	Испания	1975	
131	Шри Ланка	1975	
132	Судан	1975	
133	Швеция	1999	
134	Швецария	1976	
135	Сурия	1975	
136	Тожикистон	2007	
137	Таиланд	1996	1975 → 1990
138	Македония	1995	
139	Тимор	2005	
140	Того	1975	

141	Тринидад ва Тобаго	2013	1975 → 1977
142	Тунис	1975	
143	Туркия	1975	
144	Туркманистон	1993	
145	Уганда	1975	
146	Украина	1997	
147	БАА	2013	1975 → 1987
148	Танзания	1975	
149	Уругвай	1977	
150	Ўзбекистон	1993	
151	Вануату	2009	
152	Венесуэлла	1975	
153	Веьтнам	1981	
154	Яман	1977	
155	Замбия	1975	
156	Зимбабве	1981	

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 3

1-мавзу. «ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ» ФАНИГА КИРИШ

1.1. «Туризм: назария ва амалиёт» фанининг мақсади ва вазифалари..... 6

1.2. Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари..... 9

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 19

2-мавзу. ХОРИЖИЙ ТУРИЗМ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

2.1. Туризмга хорижий мамлакатлар томонидан берилган таърифлар..... 21

2.2. Хорижий мамлакатлар туризмини ривожлантиришдаги илғор тажрибаларнинг таҳлили 25

2.3. Халқаро туризм хизматлар бозорини ривожлантириш тенденциялари..... 36

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 40

3-мавзу. САЁҲАТЧИ ВА ТУРИСТ ҲАҚИДАГИ ТУШУНЧАЛАРНИНГ МОҲИЯТИ

3.1. Туризмнинг шаклланиш тарихи..... 42

3.2. Саёҳатчи ва туристни ажратиб турувчи асосий фарқлар..... 44

3.3. Марказий Осиёда туризмни шакллантиришнинг тарихий-хронологик асослари 48
Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 58
4-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ТАСНИФЛАНИШИ ВА ТУРЛАРИ
4.1. Туризм соҳасининг таснифланиши ва турлари..... 60
4.2. Актив ва пассив туризм турларининг хусусиятлари.. 71
4.3. Туристик-рекреацион кластерни шакллантириш..... 73
Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 75
5-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ РЕСУРСЛАРИ
5.1. Туризм ресурсларининг моҳияти..... 78
5.2. Туризм ресурсларининг гуруҳланиши..... 80
Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 90
6-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ТАРИХИЙ ШАҲАРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ
6.1. Ўзбекистоннинг ЮНЕСКО рўйхатидаги тарихий шаҳарлари..... 93
6.2. Ўзбекистоннинг тарихий-маданий ва архитектура ёдгорликларига эга бўлган вилоятлари..... 105

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 116

7-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ВА МАҲСУЛОТЛАР

7.1. Туристик хизматлар ва маҳсулотлар..... 118

7.2. Туристик хизматлар хусусиятларининг «4 С» билан ифодаланиши..... 125

7.3. Хизмат кўрсатиш класслари ва хизматлар пакети... 127

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 132

8-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ЖОЙЛАШТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ

8.1. Туризм соҳасида жойлаштириш воситалари ва хизматлари..... 135

8.2. Меҳмонхоналарнинг турлари ва таснифи..... 141

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 148

9-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ОВҚАТЛАНТИРИШ ХИЗМАТЛАРИ

9.1. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматлари..... 150

9.2. Туризм соҳасида овқатлантириш хизматларининг турлари ва таснифи..... 154

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 168

10-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ

10.1. Туризм соҳасида транспорт хизматлари..... 170

10.2. Туризм соҳасида транспорт воситалари..... 179

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 184

11-мавзу. ГИД-ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ

11.1. Гид-экскурсия хизматларининг моҳияти ва таснифи.. 187

11.2. Гид-экскурсиячи хизмати ва унинг вазифалари..... 194

11.3. Гид-экскурсиячига қўйиладиган талаблар.....… 198

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 203

12-мавзу. ТУРИЗМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

12.1. Туристик хизматларни лойиҳалаштириш ва дастурини яратиш..... 206

12.2. Туристик маҳсулотни ҳисоблаш жараёни..... 213

12.3. Туристик маршрутини ишлаб чиқиш босқичлари… 217

12.4. Туристик саёҳатнинг йўлланмаси ва технологик харитасини тузиш..... 218

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 223

13-мавзу. ТУРИЗМ ИНДУСТРИЯСИ ВА ИНФРАТУЗИЛМАСИ

13.1. *Туризм индустрияси ва туризм инфратузилмасининг моҳияти ҳамда таркибий қисми*... 225

13.2. *Туроператорлар ва турагентлар фаолияти*... 233

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари... 238

14-мавзу. ЭКОЛОГИК ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ

14.1. Экологик туризмнинг мақсади ва вазифалари..... 241

14.2. Экологик туризмни ривожлантиришнинг замонавий тенденциялари..... 246

14.3. Ўзбекистон Республикасининг экотуристик ҳудудлари..... 252

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 256

15-мавзу. ГАСТРОНОМИЯ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

15.1. Гастрономия туризмининг турлари, ривожлантиришнинг мақсади ва вазифалари..... 259

15.2. Ўзбекистонда гастрономия туризмини шакллантириш хусусиятлари..... 263

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 269

16-мавзу. ХОРИЖДА ҚИШЛОҚ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ТАЖРИБАСИ

16.1. Жаҳонда қишлоқ туризмининг шаклланиш жараёни.. 271

16.2. Қишлоқ туризмини ривожлантиришнинг халқаро моделлари ва уларни Ўзбекистон шароитида қўллаш 273

16.3. Қишлоқ туризмини ривожлантиришда Европа давлатларининг дастурлари…….. 278

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари…… 283

17-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ ВА МАРКЕТИНГИ

17.1. Хориждаги туризм соҳаси бошқарувининг моделлари…… 285

17.2. Ўзбекистонда туризм мажмуасини бошқаришнинг ташкилий тузилмаси …… 286

17.3. Туризм хизматлари соҳасида маркетингнинг назарий асослари…….. 295

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари……..... 301

18-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ЎРНИ

18.1. Туризм соҳасининг халқаро ташкилотлари…….. 303

18.2. Халқаро ташкилотларнинг Ўзбекисон туризмини ривожлантиришдаги ўрни……..... 312

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 318

19-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН БОШҚАРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

19.1. Туризм соҳасини давлат томонидан бошқаришнинг йўналиш ва механизмлари 320

19.2. Туризмни давлат томонидан бошқаришнинг функция ва усуллари.....… 324

19.3. Ўзбекистон Республикасида қабул қилинган туризм соҳасига оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар..... 327

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 332

20-мавзу. ЎЗБЕКИСТОНДА ХАЛҚАРО ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

20.1. Халқаро туризмни ривожлантиришда «Буюк Ипак йўли» ва халқаро туризм ярмаркаларининг ўрни..... 335

20.2. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантириш ҳолати..... 339

Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 345

21-мавзу. ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИШ, СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ВА СТАНДАРТЛАШТИРИШ

21.1. Туристик корхоналарга лицензия олиш учун давлат томонидан ўрнатилган талаблар..... 347

21.2. Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш ҳуқуқлари..... 350
21.3. Туризмда сертификатлаштиришнинг турлари..... 353
21.4. Туризмда стандартлаштириш жараёнининг моҳияти..... 355
Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 359
22-мавзу. ТУРИЗМ СОҲАСИДА ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ ВА МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР
22.1. Туризм соҳасида хавфсизликни таъминлаш тамойиллари..... 362
22.2. Халқаро туризмда туристларнинг ҳаёти хавфсизлигини таъминлашнинг халқаро ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлари..... 366
22.3. Ўзбекистон Республикаси қонун ва қарорларида туристлар ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш..... 369
22.4. Халқаро туризм расмиятчилигига оид ҳужжатлар... 372
Мавзуни ўзлаштириш бўйича мустақил ишлаш учун саволлар, амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш учун топшириқлар ва тест саволлари..... 378
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР..... 381
ИЛОВАЛАР..... 391

ҚАЙДЛАР УЧУН

ҚАЙДЛАР УЧУН

И. С. ТУХЛИЕВ, С. А. АБДУХАМИДОВ

ТУРИЗМ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

Тошкент – «Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi» – 2021

Муҳаррир: М.Ҳайитова
Мусаввир: Дж.Адилов
Дизайнер: У.Ортиқов
Компьютерда саҳифаловчи: Ш.Миркосимова

E-mail: tipografiyacnt@mail.ru Tel: 97-450-11-14, 93-381-22-07.
Босишга рухсат этилди 27.12.2021.
Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. «Timez Uz» гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди.
Шартли босма табоғи 26,75. Нашриёт босма табоғи 26,5.
Тиражи 300. Буюртма № 175.

«Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi»
босмахонасида чоп этилди.
Тошкент ш., Фозилтепа кўчаси, 22 б уй.

64000

75.81

ISBN 978-9943-7799-0-7